

Тоҳир МАЛИК



Ташинмадан  
АЙЛАНДИ



Хамвиялар

ТОҲИР МАЛИК

# ТИЛГИНАМДАН АЙЛАНАЙ

Ҳажвиялар



Тоҳир Малик номидаги нашриёт уйи  
Тошкент — 2020

УЎК: 821.512.133-31  
ББК 84(5Ў)6  
М-22

Малик, Тоҳир  
Тилгинамдан айланай. Ҳажвий ҳикоялар  
**Тоҳир Малик номидаги нашриёт уйи, Тошкент – 2020, 320 бет .**

Тоҳир Малик – маҳоратли, улкан салоҳиятли адиб. Унинг асарларида бани башарнинг ибтидодаги хатолари-ю, бугунги тазаррулари акс этади. Бироқ ёзувчи доим ҳам китобхон қалбини титратишни истамайди. Баъзида эса енгил кулгу, аччиқ юмор билан танганинг орқа томонини ҳам кўрсатиб қўяди.

Ушбу китобдан адибнинг турли йиллар давомида ёзган ҳажвий ҳикоялари, ҳангомалари ўрин олганки, бу сизларга яхши кайфият ва юзингизга табассум югуртиради.


ISBN 978-9943-6045-2-0

УЎК: 821.512.133-31  
ББК 84(5Ў)6

©Т. Малик, 2020  
©Тоҳир Малик номидаги нашриёт уйи, 2020

## Ҳажв булоғидан сув ичган ҳикоялар

Азизлар, бу сафар сиз билан адабиёт оламининг ўзгачароқ боғчасида суҳбат қуришни ният қилганмиз. Бу боғчада кўпроқ атиргулларни учратамиз. Атиргулнинг чамандай очилиб туришидан завқланамиз, хидидан маст бўламиз ва... қўлга тикони кирса, бир оз роҳатсизланамиз. Бу боғчанинг номини “ҳажв” деб атайдилар. Биз тикони ҳаддан зиёд кўп гулга қўл узатмаймиз. Баёни-мизни “ҳажв” деб атасак, дабдабаси керагидан ортикча бўлар, шу боис “хангома” деб белгилаймиз. Ҳазилга озгина лоф ҳам қўшиш ниятимиз бор. Баъзан айтилмиш гапга нисбатан “ҳазил — мазах” деган сифатларни эшитиб қоламиз. Агар ҳазил меъёрида бўлса, киши шахсини ҳақоратламаса, айби йўқ экан. Аммо мазах, яъни масхаралаш гуноҳ. Аллоҳ шунисидан асрасин, деган ният билан хангомаларимизни бошлайлик.



## КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛ

Илтимос, бу рост воқеага ҳечам ишонманг.

(Ўқиғувчи)

Дунёда исми жисмига монанд келмайдиган одамлар кўп. Шулардан бири — Йўғонбой. Отаси раҳматли унга нима мақсадда шундай исм берганини ўзи ҳам билмасди. Бўрининг ёнида яшаган кўйни тасаввур қилинг-у Йўғонбойни кўз олдингизга келтираверинг. Қовурғаларини бемалол санаш мумкин, дея олмаймиз, чунки бунинг учун у бояқишни ечинтириб кўриш керак. Хотинини бўрига қиёслай олмаймиз, чунки бояқиш Мардонани кўрган бўри ҳам касб-корини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Йўғонбой шу хотинга уйланиб, кейин озиб кетган, ҳам дея олмаймиз. Чунки туғилганидан бери унинг семириб юрганини биров тушида ҳам кўрмаган. Ажиб томони шундаки, эр ҳам, хотин ҳам ўзини «пешонаси шўр» деб аталмиш жабрдийда тоифадан деб билади. Қайси бирларининг пешонаси шўрроқ эканини аниқлаб бера олувчи тарози бўлганида эди, биз бу масалага аниқлик киритиб, айтадиганимизни мухтасар қилиб қўя қолардик.

Бир куни Мардона эрининг маошини қоқлагандан кейин «яна беркитиб қолгани бордир», деган фикрда у ер-бу ерини пайпаслаб кўраётган эди, Йўғонбойнинг хўрлиги келиб, ундан:

— Сен менга нечанчи йилда тсгиб эдинг, ёдингдами? — деб сўради.

— Саксон еттинчи йилда, нега суриштириб қолдингиз? — деди Мардона ажабланиб.

— Сендан биттагина илтимосим бор, хотинхўжа, йўк демайсан. Икки минг ўнинчи йилда кетаманми бу дунёдан ё йигирманчи йилдами, Худо билади. Вақтики келиб вафот этсам, гўримга тош кўйгудай бўлсанг, ўлган йилимни ёздирма. «Шу шўрпешона олтмиш тўртинчи йилда туғилиб, саксон еттинчи йилга қадар одамга ўхшаб яшаган», деб қўявер, — деди Йўғонбой.

Бу гап юракдан айтилганига қараганда Йўғонбойнинг дардига

шерик бўлсак арзийди. Агар «хотиндан куйганлар жамияти» тузилгудай бўлса, унга Йўғонбойнинг раислик килиши шубҳасиз, деб ўйлаётгандирсиз. Бизда ҳам шундай ўй бор эди, аммо унинг тақдири сал бошқачарок ҳал этилди.

Кеча Йўғонбойнинг маош олгани эсида. Икки улфати билан битта «ок бола»ни «ағдармоқчи» бўлгани ҳам ёдида. Бугун кун ёйилганда уйғонди-ю нечта «ок бола»ни юмалатиб, кейин ўзи ағдарилганини эсламоқчи бўлиб, шифтга тикилганича ётаверди. Аслида нечта «ок бола» шишани курутганини аниқ билиши шарт эмас. Унинг ташвиши бошқа: маошини уйгача етказиб олиб келдимиз, ё уйга курук чўнтак билан ташлаб кетишдимиз?

Хотини индамаяпти. Демак, иккидан бири – ё кеча маош олганидан бехабар, ё чўнтакдаги пулни олиб, кўнгли тинчиган.

Йўғонбой иккинчи тўхтама келиб, бир оз хотиржамлик билан ўрнидан туриб ювинди. Нонушта сўраса, балога қолишини билиб, кўчага отланди. Эрининг ҳаракатларини жимгина кузатаётган Мардона ана шундан кейингина тилга кирди:

— Ҳа, йўл бўлсин? — деди у.

— Маҳаллада мажлис бор экан, — деди Йўғонбой.

— Қачондан бери мажлисга чиқадиган бўлиб қолдингиз?

— Кеча оқсоқол қаттиқ тайинловди.

— Шунақами? Мен кирларимни ювиб олай, мажлисни икковимиз уйда қила қоламиз. Қимирламай ўтиринг, бир қадам ҳам жилмайсиз.

— Бу гапинг ҳам маъқул, мажлисга тоқатим йўқ. Майли, чиқиб, сигарет олиб келай.

— Бугун ҳеч қаяққа чикмайсиз, дедим-а? Ичмайсиз ҳам, чекмайсиз ҳам, — Мардона эрининг билагидан ушлаб, худди болага ўхшатиб стаклади-да, диванга ўтқизиб, газета узатди.

— Мени кийнама, хотинхўжа, — деб ялинди Йўғонбой, — газет ўқисам, миям суюлиб кетади.

— Вой савил, агар сизда мия қолган бўлса, аллақачон ароқдан суюлиб кетгандир. Ўтиринг, ўқинг!

Йўғонбой рўпарасида ҳозир катта генерал турса, гапини икки

килиши мумкин эди-ю, бироқ Мардонага қарши сўз айтолмади. Мардона нари кетди. Йўғонбой иштонини бўктирган боладай жойида жимгина қолди. «Бу хотинхўжа эмас, бу – хархашахўжа!» деб қўйишдан ўзга чораси йўқ эди. Уй қамоғига банди этилган Йўғонбой хўрлик азобидан «уф» тортиб юборди. Чора излаб, атрофига олазарак боқди. Уйи иккинчими ё учинчими қаватда бўлганда деразадан ташлаб қочарди-я! Хотини уйни атайин тўққизинчи қаватдан олган. Йўғонбой ёнбошлади-да, хотинининг бўйруғига кўра ўқиши лозим бўлган газетни бошига ёпди...

Қанча вақт шу ахволда ётганини билмайди. Бир маҳал эшик кўнғироғи чалинди-ю «улфатларим чақириб келишгандир» деган умид билан бошини кўтарди. Хотинининг дугонаси Арбобхонимни кўриб, яна афсус ва ўкинч билан «уфф» тортиб қўйди.

Арбобхоним дугонасини ўпиб кўришгач:

— Эринг уйдами? — деб сўради.

Унинг бу саволи Йўғонбойни ҳам, Мардонани ҳам ажаблантирди.

— Эримни нима қилмоқчисан? — деб сўради Мардона.

— Эрингни икки соатга бериб тур.

Бу илтимос янада ажабланарли бўлди.

— Эримни нима қиласан, ўзингни қани?

— Ўзимники улфатлари билан ошхўрликка кетган. Кейин... бугунги ишга менинг эрим ярамайди.

Бу гапдан кейин ҳавотир ҳам уйғонди.

— Бировнинг эрини омонатга оладиган одатинг йўқ эди-ку? — деди Мардона зардали оҳангда.

— Бугун муҳим мажлис бор. Эринг менга кўрғазмали қурол сифатида зарур. Кўркма, бу тавиянгни шкаладдай ўраб олиб, шкаладдай қўлингга топшираман.

— Унақада майли, олиб кетавер, ана ётибди, оғзига пашша кўндириб.

— Хоҳласанг, ўзингни ҳам олиб кетай. Мана, сенга ҳам таклифнома олиб келганман.

Мардона таклифномани истамайгина олиб, кўз югуртирди. Кейин овоз чиқариб ўқиди:

— «Сизни «Эркакларни авайлаш жамияти» тузилиши муносабати билан ўтказиладиган таъсис мажлисига таклиф этамиз»... — Мардона ажабланиб, дугонасига қараб қўйди-да, таклифномани учинчи марта ўқиди: — Эсларинг жойидами?

— Эсимиз жойида. Сеники жойидамас. Менинг эрим қаерда? Маишатда! Сенинг эринг-чи? Сен ва сендақаларда инсоф йўқ! Бўпти, орқамиздан етиб бор, — Арбобхоним шундай деб Йўғонбойга юзланди: — Ака, тура қолинг, кетдик, сизга озодлик тегиб қолди.

Йўғонбой вазифаси нимадан иборат эканини билмаса-да, Арбобхондан миннатдор бўлиб, унга эргашди. Маҳалла чойхонаси яқинидан ўтаётганларида шайтон васваса қилиб «шу хотинни чалғитиб, қочиб қолсанг — марра сеники», деди-ю, бироқ, чалғитишнинг йўлини кўрсатмади. «Эшак кимники – минганники», деганларидай, айна дамда Йўғонбой Арбобхонники эди.

Улар алламбало бир саройга етиб келдилар. Осиб ташланган турли шиорларни ўқиб Йўғонбойнинг юраги хапқиқиб кетди: «Эркаклар — бойлигимиз, кўз қорачиғидай асрайлик!», «Эркакни хорлаган, хор бўлсин!», «Ҳар бир эркакни ҳар куни бир шиша текин конъяк билан таъминлашга эришайлик!», «Чойхонада ҳар куни ошхўрлик қилмаган эркак – эркак эмас!» Шиорларни ўқиб, Йўғонбой чидолмади — йиғлаб юборди. «Бу дунёда ақлли одамлар ҳам бор экан-ку!» деди у хўнграб. Арбобхон уни овутиб, ичкари бошлади. Во ажаб, саройга мингларча одам тўпланган. Энг ажойиби – биронта эркак зотидан йўқ, ҳаммаси аёл! Бунақаси ҳали тарихда бўлмаган. «Қирқта товукқа эгаман», деб керилувчи хўроз нафасини юта қолса ҳам бўларкан. Чунки бу ерда мингта хотинга биттагина Йўғонбой!

Мажлис бошланиб, хотинлар бирин-сирин минбарга чиқиб сўзлай бердилар. Йўғонбой уларнинг нутқларини йиғлаганича эшитаверди. «Дам олиш кунлари эрларини уй қамоғига ҳукм қилган хотинларнинг сочларини биттадан юлиш керак», деган таклиф айтилганда ҳаммага қўшилиб, чунон қарсак урдик, бармоқлари ёрилиб, қон сачраб кетди.



Ниҳоят Арбобхонимга сўз навбати етгач, Йўғонбойни сахнага етаклаб чиқди. Эркакларнинг улуг зот эканини таъкидлаб, сўнг муддаога ўтди:

— Ана шунақа, мухтарама хонимлар, ўртоқ хотинлар. «Эркакларни авайлаш жамияти»ни тузиш кўнгиллар талаби бўлиб турибди. Гапим куруқ бўлмасин учун кўрғазмали курол ёрдамида фикримни исбот қилишга ўтаман. Сиз кўриб турганингиз, агар фахмлаган бўлсангиз, тирик эркак ҳисобланади. Уни анатомик жиҳатдан таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Биз «эркак» номи билан аталувчи бу тирик жоннинг ҳақ-ҳуқуқлари қай даражада бузилаётгани билан қизиқиб кўрамиз. Бу одам туғилганида отаси яхши ният билан «Йўғонбой» деб исм қўйган. Ана энди ўзингиз қараб айтинг: бу одамнинг нимаси Йўғонбой? Нега шундай бўлди? Бундақа Йўғонбой биттагинами? Ўртоқ хотинлар, кўзларимизни очайлик! Эътиборсизлигимиз, эркакларга нисбатан шафқатсизларча муносабатимиз туфайли йўғонбойларимиз қилтириқжонларга айланиб кетишмоқда. Ана энди ижозатларингиз билан кўрғазмали куролдан битта-иккита гап сўраб олсам:

— Йўғонбой ака, сиз чекасизми?

— Ҳа, оз-оз.

— Оз-оз, деганингиз нимаси, аниқ айтиш; кунига неча дона чекасиз?

— Кунигами... — Йўғонбой «тўғриси айтиверсаммикин», деб иккиланди. Сўнг дангалига кўчиб кўя қолди: — энди... дугонангиз кунига йигирма дона деб қатъий белгилаб қўйганлар. Лекин... текини учраб қолса, ўттизтами, қирқтами, фарқи йўқ уриб ташлайверамиз. Нос учраб қолса, у ҳам кетаверади. Энди... бу ёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверасиз.

— Ана, эшитинг, ўртоқ хотинлар! — деди Арбобхон хитоб билан. — Кўрғазмали куролимиз одоб доирасидан чиқмай «белгилаб қўйганлар», деб айтяптилар. Аслида эса неча марта чекиш ноинсоф ва виждонсиз хотин томонидан чеклаб қўйилган ва бу билан эркакнинг эркаклик ҳуқуқи кўпол равишда бузилган. Кунига қирқ ва ундан кўпроқ сигарет чека олувчи эркак бизнинг бой-

лигимиз эмасми? Айрим хотинларга бу бойликни оёк ости қилиш ҳуқуқини ким берган? Хўш, бундай бечора эркаклар дардларини кимга айтсинлар? Бугун биз ташкил этаётган «Эркакларни авайлаш жамияти» шу долзарб масалани ҳал қилиши керак.

Арбобхон гапини тугатмай, раёсатда ўтирган чиройлигина жувон унга мурожаат қилди:

— Кўргазмали курулга саволим бор эди.

Чиройли жувоннинг овози шунақанги ёқимли экан-ки, Йўғонбойда «Шу саволини кулоғимга шивирлаб айтсайди», деган ширин орзу уйғонди. Лекин бу ер орзу амалга ошадиган жой эмасди, шу боис савол микрофон орқали янгради:

— Айтинг-чи, Югонбой ака, сиз ичасизми?

Бошқа биров исмини шунака бузиб айтса, Йўғонбойнинг аччиғи чиққан бўларди. Лекин ҳозир чиройли жувоннинг «Югонбой» дейиши жуда-жуда ширин эшитилиб, ичида «тилингга шакар», деб ҳам кўйди. Саволдан мақсадни англаб турса ҳам, ўзини гўлликка солиб сўради:

— Чойми?

— Йў-ўк, алкогольни айтяпман.

— Ҳа. энди, эл қатори...

— Кўпроқ қай биридан ичасиз, оқиданми ёки кизилиданми?

— Танлаган — номард! Борига барака!

— Яна битта допoлнителний савол: юрасизми?

— Ис, ана, юриб келдим-ку? Арбобхоним кўтарганлари йўк. Хотинхўжа бир нарса десалар, югуриб ҳам қоламиз.

— Мен пешком юришни эмас. хотинларга юришни айтаман. Бошқа хотинларга юрасизми?

— Энди... эркакчилик... эл қаторида.

— Масалан, сразу нечтаси билан юрасиз?

— Саволингиз қизик бўлди-ку? Бу саналадиган нарсамас-ку? Учрашига қарабда...

— Масалан, в данный момент ништа юрадиганингиз бор?

— Ҳозирми... ҳозир биттаям йўк. Очиғи... илгари ҳам бўлмаган.

— Нега?

— Негалигини Арбобхондан сўранг. Хотинхўжа хабар топиб қолса, шўрим курийди-да.

Шу ерга келганда гапни яна Арбобхон илиб кетди:

— Ана, ўртоқ хотинлар, менга худди шу жавоб керак эди! Кўр-газмали қуролга нисбатан фақ-қат ҳуқуқ бузилмаган. Балки зулм ҳам қилинган. Агар кўргазмали қуролни патономик жиҳатдан ўрганадиган бўлсак, унинг бош миясидаги таламус ва гипоталамус қисмларида синдромик ўзгаришлар бошланган бўлиши керак. Яъни унга зулм давом этаверади деган бўлса, яқин орада хотинларни кўрганида боши айланиши, ўқчиши ва қайт қилиш ҳоллари кузатилиши мумкин. Ва ниҳоят, саксон ёшларга борганида, ҳатто эркаклик хусусиятларини йўқотиб боришлари ҳам практикада кузатилган. Хўп, энди табиий савол туғилади: эркакларимизни шу ҳолга тушириб қўйишимиз инсофданми? Чекмайдиган, ичмайдиган, юрмайдиган эркакни эркак дейишга тилимиз ҳам бормайди. Агар эркак шунақа бўлса, у уйланиши эмас, эрга тегиши керак экан, шундай эмасми? Ҳар бир онгли оилага ўзимиз ўрнак бўлишимиз керак. Шахсан мен ўзим эржонимга ҳар куни уч кутидан сигерат олиб бераман. Иккитасини ўзингиз чекинг, биттасини ошналарингиз билан баҳам кўринг, дейман. Ҳар куни бир шиша ароқ, бир шиша конъяк олиб келиб қўяман. Эркакнинг кўнгли ўзгарувчан бўлади, бугун оқини тусаса, эртага қизилини хоҳлаб қолади. Ҳафтада уч марта чойхонадаги маишатлари учун қўшимча маблағ ажратаман. Чойхонадан қайтиб келишларида кутиб олиш учун болалардан навбатчи тайинлаб қўйганман. Ҳар ҳолда йиқилиб қолсалар, ёки бегоналар суяб келса, оиламиз шаънига иснод бўлади-да! Хотинлар масаласини ҳам онгли равишда ўзим ҳал қилиб берганман. Фаррошимиз бабка Шура менинг эримни хомийликка олганлар. Бабка Шурани мен ўзим ҳар томонлама текшириб кўрганман. У минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йилдан бери партия аъзоси бўлган. Эри қирқ иккинчи йилда урушда ҳалок бўлганидан бери бошқа эр қилмаган. Ана шунақа, ҳар бир онгли аёл ўзи бош бўлиб, эрига ишончли хуштор топиб бериши керак.

— Менда битта таклиф бор, — деди раёсатда ўтирган чиройли аёл ҳаяжонланиб. — Янги жамиятимизда малака ошириш курсларини очсак-да, Арбобхонимни бу курсларга мудира қилиб тайинласак. Токи онгсиз хотинлар келиб, бу мухтарама олимамиздан ақл ўрганиб кетсинлар.

Бу таклиф Йўғонбойга ёқиб тушиб, чапак чалди-да, қўшимча қилди:

— Биринчи бўлиб шу ўқишингизга менинг хотинхўжамни ёзиб қўйинглар. Аммо бурнини ерга ишқаб ўқитасизларда.

Йўғонбой шундай дейиши билан хотини пайдо бўлиб қолсами?

— Вой савил, бир камингиз хотинларнинг мажлисида ўтириш эди, энди тўла-тўқис аҳмоқ бўлибсиз, — деди Мардона.

Йўғонбойнинг ўтақаси ёрилишига сал қолувди, раёсатда ўтирган чиройли жувон жонига оро кирди:

— Билишимча, сиз кўрғазмали куралимизнинг хотинлари экансиз? Уялмайсизми, хоним?

— Нимадан уялай? — деб бўш келмади Мардона.

— Шундай жонон йигитни харобгина қилиб қўйибсиз-ку? Ҳуқуқини поймол қилиб ташлабсиз-ку?! Сиздай хотинга чидаб юргани учун бу эркакка ҳар ҳафтада биттадан орден бериш керак.

Бу гап зўр бўлди-ю, бироқ Мардона деганига таъсир этмади. Икки қўлини белига тираб, чиройли жувонга тик боқиб деди:

— Шунақами? Бу одамга чидаб келаётганим учун менга ҳар соатда биттадан орден беришингиз керак.

Орани очик қилиш учун Йўғонбой гапга аралашди:

— Майли синглим, орденни шу опангизга бера қолинг, — деди у чиройли жувонга қараб, — орденини ювиш баҳонасида бизнинг кўкракка ҳам офтоб тегиб қолар.

Жувон чиройли бўлгани билан қайсар экан, Йўғонбойнинг ялинишига қулоқ солмай Мардонага қараб жиддий тарзда буюрди:

— Сиз, опагон, ана у бурчакка туринг. Биз сиздай хотинга замондош бўлганимиздан орланамиз. Билиб қўйинг, бугундан бо-

шлаб ҳаммамиз учун ардокли акамизни чекишдан чекламайсиз. Ишдан келишларига битта оқидан, битта беш юлдузлигидан олиб келиб қўясиз. Ўзингиз бош бўлиб, устингизга битта норасмий кундош олиб берасиз.

Йўғонбой бу талаблардан қувонса-да, кўнгли тўймай, чиройли жувондан яна илтимос қилди:

— Жон синглим, оқидан иккита бўлсин, деб қўяверинг, Сотволди чиқиб қолса, битта камлик қилади.

Ҳайрият, бу илтимос жавобсиз қолмади:

— Бу масалада изоҳимиз бор: агар уйда бир ўзлари бўлса, оқидан битта, улфатлари келса шуларга қараб иккита, учта ёки тўртта олиб қўйишингиз шарт. Ва яна бу акамиз уй ишларидан мутлақо озод этилишлари зарур.

Бу талабни эшитган Мардона додлаб юборишдан ўзини тутиб:

— Вой, шу одам уй ишга қарашарканми? — деб хитоб қилди.

— Қарашмайсизми? — деб сўради чиройли жувон Йўғонбойдан.

— Нега қарашмас эканман? Нон олиб келаман, ахлат ташлайман... Туғишдан бошқа ҳамма айтган ишларини қойиллатиб ташлайман.

— Ҳали шунақами! Ҳали сизни дсб мен бу тавияларнинг олдида шарманда бўлишим керакми! Қани, юринг-чи. олдимга тушинг-чи! — Мардона шундай деб Йўғонбойни чимчилай кетди.

— Жон хотинхўжа, бу ерда жанжал қилма, булар жамият тузишяпти, сениям ўқитишаркан, — демокчи бўлган Йўғонбойнинг негадир овози чиқмади. Хотини биқинидан чимчилаган эди, жон аччиғида бақириб юборди ва... кўзларини очди.

Ҳозиргина хотини мажлисда чимчилятувди... бу ер ўз уйи... диванда ётибди, бошига ёпган газета тушиб кетибди.

— Туринг, туринг-е! — деди Мардона энди уни силтаб,-ахлат машина келди, ташлаб келинг.

Ҳали уйқуси яхши очилмаган Йўғонбой хотинига ажабланиб қаради:

— Бекор айтибсан, ўзинг ташлайвер. Мен уй ишларидан озод

килинганман. Ишонмасанг ўртоғинг Арбобхондан сўра.

— Нима бало, кечаги ҳалиям тарқамади-ми? Қани, туринг-чи!

Йўғонбой ҳозиргина кўргани туш эканидан ачинмади. Ҳар ҳолда тушида бўлса ҳам яхшилиқни кўрди. «Эркакнинг туши ўнгидан келади», дейдилар, бу тушда ҳам бир ҳикмат бордир.

Йўғонбой ахлатни ташлагани чикиб, аввал Сотволдини кейин Умматали, Йигиталини учратди. Элакка чикқан хотиннинг эллик оғиз гапи бўлганда ахлат ташлагани чикқан эркаклар жимгина кетаверарқанларми? Хуллас, бир челак ахлатни кўтариб чикқан Йўғонбой уйга Мардонанинг ҳисоби бўйича тўрт соату ўн саккиз дақиқадан кейин қайтди. Лекин эс-ҳуши жойида эди. Ўқлов кўтарган хотинидан чўчимади, дангал шундай деди:

— Мен озод эркакман, билиб қўй! Мени ҳимоя қиладиганлар бор, билиб қўй! Сен бурчакка тур, эркакларнинг ҳуқуқини поймол қилганинг учун жавоб берасан!

Ўша куни Мардона кўтарган ўқлов синганмиш. Нима учунлигини ҳеч ким билмайди. Ҳеч ким билмаган нарсани биз ҳам билмаймиз. *Вассалом.*

## **«БОЗОР ИҚТИСОДИ»** **(Аввалги хангомага илова бўлмиш** **бу баённи ўқиш шартмикин?)**

Хотинининг макридан беҳабар Норкул маошининг маълум бир қисмини улфатчилик учун яшириб, уйига кайтди. Келсаки, доим очиқ турадиган эшик ёпик. Кўнғирокни чалди. Хотини эшикни қия очиб, бу хонадоннинг бугундан эътиборан бозор иқтисоди-га ўтганини маълум қилди. «Бу нима деганинг?» деб ажабланди Норкул. «Шу деганимки, бу уйда энди ҳамма иш пуллик бўлади. Эшикни очганим учун фалон сўм тўлайсиз. Уйга кириш нархи эса фалон сўм». Норкул буни аввалига ҳазил деб ўйлади. Кейин қарасаки, иш жуда жиддий. Чой сўраса – чой пуллик, овқат сўраса – овқат пуллик. Телевизорга қарай деса – унга ҳам пул. «Дунёнинг қайси қавагида томоша текин бўларкан?», дейди хотини. Маълум бўлдики, диванга ёнбошлаш ҳам пуллик. Хайрият, хотинда инсоф бор экан, стулда ўтириб кўришнинг нарҳини сал туширди. Ҳо-жатга қирай деса, кичик ўғли патта ушлаб турибди. Қўл ювишга алоҳида пул тўлаб, хомчўт қилса-ки, маошидан деярли ажраб бў-либди. Энди турли ҳаражатлардан ўзини тийди. Балконга чиқиб, тикка туриб олди. Аммо бу ердан туриб шаҳарнинг кечки жамо-лини томоша қилиш ҳам пуллик экан. Балкондан ичкарига қай-тиб қирай деса, яна пул талаб қилинди. Болалар ухлагач, ҳазил охирига етгандир, деб ётоққа қирай деса... ё, алҳазар! Бу ёғи ҳам пул! Норкул аччиқланиб: «Э, хотин уялмайсанми?» деса, хоти-ни: «Пул бор жойда уят бўладими?» деб турибди. Хуллас, ётоққа қирай деса, ёнида пул қолмабди. Хотини хасис бозорқўмлардан экан, насиёга киритмади. Ҳайриятки, озгина инсоф қилиб, насиё эвазига диванга эски кўрпача тўшаб берди.

Хотини ухлагач, Норкул солиқ идорасида ишлайдиган ўртоғи-га кўнғирок қилиб, маслаҳат сўраган эди, у пулларни қайтариб олишнинг зўр йўлини ўргатди.

Эрталаб Норкулнинг пули қолмагани учун нонуштага таклиф қилишмади. Хотини дастурхонни йиғиб, ишга отлангач, Норкул: «Ўтира туринг, хоним, бозор иқтисодига ўтган уйда ҳамма нарса ҳалол бўлиши керак. Энди ҳисоб-китоб қилиб олайлик», деди. Хотини англамади. Норкул тушунтирди:

— Ҳар қандай даромаддан солиқ тўлаш керак. Сиз кеча бозор паттачиси эдингиз. Бугун мен солиқ инспекториман. Демак, эрингизнинг уйга кириб келиши учун ундан шунча сўм ҳақ олдингиз, бунинг солиғи бунча сўм бўлади.

Хотин мардлик қилиб солиқни дарров тўлади. Чой учун тўлаган пулдан... хатто ҳожатхонага кириш ҳақидан бирма-бир солиқ тўлайверди. Шу зайлда Норкул бир неча дақиқада кечаги маошини юз фоиз қайтариб олди. Кейинги солиқларни хотини ўзининг маоши ҳисобидан тўлай бошлади. Шу уйда нафас олиш учун солиқ тўлашга келганда унинг пули қолмади. Норкул ҳам мардлик қилди — насияга нафас олишга ижозат этди.

Норкулнинг уйдаги бозор иқтисодига ўтиш маросими шу зайлда яқунланди. Бугун ишдан кейин Норкул «солиқчилик фаолияти»нинг бошланишини «ювиб», чойхонада улфатларга ош бермоқчи. Биз ҳам бу маишатга таклиф этилганмиз. Майли, айтилган жойга кеч қолиб бормаёлик...



## ЯШАСИН, МҶЙЛОВ!

(Буни ўқигач, «шўргинанг курсин, мўйлов!»  
деб юбормасангиз бас.)

Мусича чумчукнинг инида тунаб қолган куни «Мўйловчиликни ўрганиш билмий — текширмаслик институти»да Маънижон Хузуралиев «Йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида мўйловчилик ҳаракати» деган мавзуда чаланомзодлик диссертациясини ўрнига қўйди. Бу маросимда меҳмон сифатида иштирок этсамда, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек, қоғоз-қаламни қўлга олиб, муҳокамада кимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирган атоқли мўйловшунос олимларнинг сўзларини ёзиб қўйибман. Ёзилган нарса ташлаб юборилса увол бўлар, деб сизга илиндим. Истасангиз, ўқинг, истамасангиз — йўқ. Хоҳласангиз, бу гапларга ишонинг, хоҳламасангиз — йўқ.

Сизга ёлғон, менга ҳам чин бўлмаган ўша муҳокамада биринчи гапни мўйловчилик фанлари дўктўри Шопазим Соколисв бошлаб бердилар. Сўзларининг баёни будир:


— Азиз ўртоқлар, Маънижоннинг диссертацияси менда улуғ таассурот уйғотди. Шу пайтгача, ўртоқлар, олтмишинчи йиллар мўйловчилиги ҳақида илмий иш олиб борилмаган эди. Мен Маънижоннинг ушбу иши тўла маънода кандидат деган унвонни беришга лойиқ деб топаман. Лекин укамиз Маънижон йўл қўйган айрим жузъий камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишим лозим. Ўйлайман-ки, Маънижон бу камчиликларга дўктўрлик ишини ёзиш пайтида аҳамият беради. Хў-ўш... Маънижон бизга мўйловчилик ҳақида гапира туриб, асосан мўйловнинг икки тури, яъни-ким, биринчи – «Қалдирғоч мўйлов» ва иккинчи – «Шоп мўйлов» ҳақида тўхталади. Хўш, бизда мўйловнинг фақат икки тури мавжудми? Йўқ, ўртоқлар, аксинча жуда кўп. Мисол учун олайлик — «қиличсимон мўйлов». Бу мўйлов қадим юнон манбаларида «қиличсимон мўйловсимон» шаклида учрашига диққатингизни

тортаман. Хўш, шоп мўйловнинг қиличсимус мўйловсимусдан нимаси ортиқ? Аксинча, қилич мўйлов ҳам шоп мўйлов каби кишига ҳусн бериб туради. Яъниким, юнонча айтилганда: кишимус хуснимус. Бу ўринда Маънижон яна бир нарсага эътибор бермаганлар. Яъниким, хў-ўш... мўйлов ранглари олайлик. Диссертант асосан қора мўйловлар ҳақида фикр юритади. Хўш, малла, яъни маллиус мўйловлар, сап-сарик, яъни сапиус сарикус мўйловлар, оқ оралаган, яъни мошгуручиус мўйловлар қаерда қолди?

Сўзимнинг охирида мен яна бир нарсага тўхталмоқчиман: яъниким, хў-ўш... Маънижон «мўйловчилик» сўзини кўп қайтарганлар. Бу жуда кўпол ва ғализ, энг муҳими антиилмий сўз, ўртоқлар. Атама илмий бўлиши, жаҳон стандартларига жавоб бериши шарт. Яъниким, диссертант «мўйловчилик» эмас, «мўйловизм» дейишлари жоиз эди.

Навбат мўйловчилик фанлари дўктўри, билмий — текширмаслик институти «Мўйлов намояндалари» бўлими мудирини Осимали Қаригановга берилганда ул зот жумладан шундай дедилар:

— Ўртоқлар, ҳаммамиз учун устоз саналган кадрли Шопазим Соқолиевнинг сўзларига юз фоиз қўшилган ҳолда «Маънижон агар тўғридан-тўғри «Мўйловизм ва соқолизм» деяверганларида хато қилмаган бўлар эдилар», деган фикрни ўртага ташламоқчиман. Айни чоқда бу атама қадим Рим империяси даврида «Мўйловетти ва соқолетти» тарзида қўлланганини эслатиб ўтаман. Кейинги давр арман манбаларида «Мўйловян ва соқолян», грузин манбаларида «Мўйловидзе ва соқолашвили» тарзида учрашидиққатимиздан четда қолмаслиги керак. Диссертацияга нисбатан менинг асосий притензиям қуйидагича: Маънижон асосан шоп мўйлов ва унинг олтмишинчи йиллардаги намояндалари ҳақида гапиради. Менинг фикримча, у шоп мўйлов ҳақида кўпроқ адабиётлар бўлгани учун шундай қилган. Ҳолбуки, қалдирғоч мўйлов ҳақида ҳам кўпроқ тўхталиши шарт эди. Чунки қалдирғоч мўйловизм ҳаракатини баралла туриб «йигирманчи асрнинг шох асари» дейишимиз мумкин. Олтмишинчи йилларда мўйловчиликнинг асосини именно ана шу қалдирғоч мўйлов ташкил қилган.



саланинг сиёсий томонига қарасак, мустабид тузум йилларида «буруннинг ҳуснини бузади», деган баҳоналар билан сиқувга олинди ва бу мўйловнинг гуркираб яшнашига йўл берилмади. Бу йиллар мўйловизми намояндалари ҳақида ҳам жиддий притензияларим бор, ўртоқлар. Диссертант бу йилларни асосан қарияларга боғлаб ўрганган. Бу нотўғри йўл фанни антимўйловизмга буриб юбориши мумкин. Масалан, Францияда Одам Атодан олдинги саккизинчи асрда шундай ҳол кузатилган. Мен аниқ ишонч билан таъкид эта оламанки, олтмишинчи йиллар мўйловизмини асосан ёшлар ташкил этган эди. Шу ўринда ёшлар мўйловизмини уч қисмга бўлиб ўрганиш керак. Биринчи: тўлиқ қалдирғоч мўйловизмчилик; иккинчи: сабза урган қалдирғоч мўйловизмчилик; учинчи: яккам-дуккам қалдирғоч мўйловизмчилик. Ўртоқлар, мен диссертантни сиёсий хатода ёки сиёсий саводсизликда айбламоқчи эмасман. Аммо унинг хатоларидан кўз ҳам юма олмайман. Диссертациядан ноҳақлик ҳиди уфуриб турганини барча сезса керак, деб ўйлайман. Ҳеч биримизга сир эмаски, айрим хотинларда ҳам мўйлов учраб туради. Қадимги Испан қироллигида бу фактдан кўз юмиб келинган. Мўйловли хотинлар таҳқирланган. Хўш, мустабид замонлар ўтиб кетган ҳозирги озодлик кунларида, хотинларнинг мўйлов қўйишларига кенг йўл очиб берилганида, бу ҳақда ёзишга Маънижонга нима ҳалақит берди? Албатта, ўша қадимги Испан қироллигининг бизгача етиб келган салбий таъсири! Гарчи, вақти бўлмаса-да, айтиш лозимки, ўртоқлар, мўйловли хотинларни ўзимиз билан бир сафга қўйиш вақти етди. Энди етар, кўп гапириш ўрнига кўпроқ ишлайлик. Ҳар бир кунимизни мўйловли хотинларга қайғуриш билан бошлайлик. Мен институтимиз ташаббуси билан «Мўйловли хотинлар ассоциацияси»ни ташкил этишни таклиф қиламан. Илмий ишлар билан ғоят банд бўлишимга қарамай, мазкур ташкилотга жамоатчилик асосида раис бўлишга розиман. Ассоциация ўз фаолиятини чойхоналарда «мўйловли хотинлар» бўлимини очишдан бошлайди.

Билмий-текширмаслик институти «Мўйловчиликни ҳаётга тадбиқ этилиши» бўлими мудирининг муовини Ўтбосар Бурун-

боевга учинчи бўлиб сўз берилди. Муовиннинг сўzlари бир неча марта қарсақлар билан бўлиниб турганини таъкид этган ҳолда баённи бошлаймиз:

— Азиз ва муҳтарам устозлар, мен диссертация ҳақида гапиришдан олдин кадрли устозимиз Осималижон акамизнинг таклифларини қўлламоқчиман. Шундай ассоциация ҳозир бизга керакми? Керак! Минг маргалаб керак! Чунки устозимизнинг оталари кўса бўлганлари билан муҳтарама волидан муҳтарама-ларида мўйлов бўлганини тарихий далиллар таъкидлайди. Яна тарихий далиллар шуни билдирадики, Момо Ҳаводан олдинги учинчи асрда яшаган айрим бувиларида ҳам мўйлов учраб турган. Демокчиманки, бу анъана ўзининг тарихий илдизларига эга. Янги ассоциация раиси айнан шундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиши адолат юзасидан ғоят тўғридир. Агар ассоциацияга авлодида битта ҳам мўйловли хотин учрамайдиган одам раис бўлиб колса, ташкилотни расво қилади. Энди диссертация хусусига келсак, азиз дўстимиз мисолларни чизмалар ёрдамида яхши тушунтирдилар. Лекин айтиш зарурки, чизмалар ҳаёт билан узвий боғланмаган. Кўлда чизилган расм эмас, мўйлов эгаси бўлган шахсларнинг фотосуратлари кўрсатилганда яхшироқ бўларди. Диссертацияда мўйловчилик процесси ва ўсиш проценти ва диаграммаси тахминан айтилди. Ҳолбуки сартарошхоналар билан алоқа боғлаб, мўйловкашларнинг сони аниқ даражада кўрсатилиши керак эди. Бу жузъий камчиликлардан ташқари диссертант «Киши салмоқдорлигини оширишда мўйловизмнинг роли», «Мўйловизмнинг кенг тараққий этишида сартарошлар томонидан олиб борилиши лозим бўлган агитация ва пропаганда ишларининг ўрни», «Мўйловизм ва соқолизмнинг қардошлик алоқалари», «Мўйловизм ва колониализм», «Кўлтиқсоқолнинг ўтмишда камситилиб, қириб ташлашга ҳукм қилиниши» каби масалаларга яхши эътибор бермаган. Шунингдек, бугунги кунда айрим аёлларнинг мўйловизм ва соқолизмга қарши курашига жиддий зарба берилмаган. Хотини руҳсат бермагани туфайли соқол-мўйлов қўёлмай хорланишларининг олдини олиш йўллари илмий асосда кўрсатиб берилиши ке-

рак эди. Хотинларнинг «соқол ва мўйлов ўпишаётганда ҳалакит беради», деган даъволарининг пучлиги жонли мисоллар орқали рад этилиши шарт эди. Эрнинг соқол ва мўйловидан ҳузурланувчи аёлларга диссертацияда алоҳида боб ажратилиши негадир унутилган. Мўйловизм ва соқолизмга аёлларнинг таъсирини четлаб ўтиш мутлақо мумкин эмас. Қўлтиқсоқол масаласидаги илмий тортишувларда аёлларнинг иштирокини ҳали унутганимиз йўқ. Айнан уларнинг ёрдами туфайли «қўлтиқ жуни» деб камситилишига чек қўйилиб, соқолизм оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида «қўлтиқсоқол» деб шарафланди. Энди кўкрак жуни масаласида ҳам аёлларнинг қўллаб-қувватлашига суянишимиз вақти етди ўртоқлар. Кўкрак жуни шунчаки мўй эмас, соқолизм оиласига мансуб эканини исбот эта олмас эканмиз, тарих бизни кечирмайди.

Диссертантнинг яна бир камчилиги: айрим хайвонларда учрайдиган мўйловларни мутлақо эътибордан четда қолдирган. Мисол учун айтсак, эркак мушукдаги мўйловнинг урғочи мушукка таъсири ўрганилмаган. Мушуклар мов бўлган даврда эски маҳаллалар томида бир неча кун илмий изланиш олиб борилганида, бу камчиликка йўл қўйилмаган бўларди. Умуман мушуклардаги мўйловизм онгли равишда тараккий этадими ё онгсиз равишдами, бу саволга ким жавоб бериши керак?

Илм ошкораликни яхши кўради, мен ҳам нуқтаи назаримни яширмайман: шу ўринда устоз Осималижон акамизнинг бир фикрларига қўшила олмайман. У киши ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида асосан қалдирғоч мўйловлар тараккий этди, дедилар. Ахир бу масалага бир томонлама ёндошиш эмасми? Хўш, номи хунук бўлса ҳам ўзи баъзи кишиларга чирой берувчи «қўнғиз мўйлов» тўғрисида нима учун гапирмаймиз? Шу масалада мен битта таклифни ўртага ташламоқчиман: кейинги йилларда қўнғиз мўйловизм ҳаракатининг анча сустлашгани қайд этилмоқда. Шу муносабат билан институтимиз ташаббуси билан «Қўнғиз мўйловизмни асраш қўмитаси» тузишни таклиф этаман. Бунинг учун чет эллик мутахассисларини ҳам жалб этиш лозим бўлади. Балки

институтимиз қошида германиялик мутахассислар билан бир-галикда «Кўнгиз мўйлов» деган кўшма корхона очиш мақсадга мувофиқ бўлар? Мен бир камтарин мўйловист олим сифатида бу чораларни зарурий деб ҳисоблайман.

Хотима ўрнида:

Маълумингиз бўлсинки, диссертация муҳокамасида айтилган барча фикрларни қоғозга туширишдай оғир иш йўқ. Мен айтилган фикрларнинг қаймоғинигина сизга етказишга ҳаракат қилдим. Мазкур муҳокамада яна икки мўйловист фан дўктўри, тўртта номзод, яна бир қанча аспирантлар сўзга чиқишди. Улар «Бурун оққан маҳалда мўйловнинг ҳолати», «Мўйлов ва зилзила», «Камчаткада уйғонган вулқоннинг Ўзбекистондаги мўйловизмга таъсири» каби муҳим масалаларда диссертантга маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, мўйловчиликни ривожлантиришни кўзда тутувчи яна учта жамият, бешта ассоциация, ўн иккита қўмита тузишга келишиб олинди. Камина ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. «Ёмғирда ҳўл бўлган мўйловни қуритиш принциплари» деб аталмиш қўмитага аъзо қилиб сайландимки, а, ҳа... ўзларингга ҳам муборак бўлсин, табрикларингизни бажонидил қабул этурман.

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНДАН РЕПОРТАЖ (Орзуга айб йўқ.)

Тўп тепишларингдан айланайин «Пахтакор», дунё ўзгариб кетяпти-ку, аммо сен қандай туғилган бўлсанг, шундайлигингча турибсан. Ҳорижнинг футболчиларини футбол нималигини билмаганлар мақтайди. Алаканинг итидай юргургани юргурган. Биров туртиб йикитса ҳам, ёта қолмайди. Иштонининг ичига бурга кириб олганми, сакраб туриб кетавереди. Ҳе, нодон, ўйинни билмасанг, Тошкентга келмайсанми, нима қилишни «Пахтакор»жондан ўрганмайсанми? «Пахтакор» ҳам текис майдонда, биттагина юмалоқ тўпни тепади. Аммо унинг биттагина сири бор: бизнинг жонгинингдан айланай «Пахтакор» футболни югуриб эмас, юриб ўйнайди.

Майли, хорижликларга ҳам ақл битиб қолар. Улар ҳам шунақа ўйинни ўрганишар. Ана ўшанда...

Кўрасиз томошани! Ҳамма «Пахтакор» каби ўйнай бошласа нима бўлади? Нима бўларди, чемпион бўлади-да? Ўзбекистон чемпиони бўлиши-ку, нақд нарсас. Ундан кейин Осиё чемпионларининг додахўжаси бўладими? Ундан кейин Африка чемпионнинг бурнини ерга ишқайдими? Ҳозирча дунё чемпионларининг кубоги йўқ. Нега йўқ, биласизми? Чунки «дунё чемпиони» деган номга лойиқ команда йўқ. «Пахтакор» ҳаммани ўз йўриғига солиб олганидан кейин шунақа чемпионат ҳам ўтказилади. Ана ўшанда финалда, яъни ҳал қилувчи ўйинда «Пахтакор» билан Бразилиянинг «Сантос» клуби тўқнашади.

Бундай чемпионат ўтказилиши ва унда «Пахтакор»нинг мутлақ голиб бўлиши қийин масала эмас. Бизни ҳозирдан ташвишга солаётган масала – ўша ҳал қилувчи ўйиндан репортажни ким олиб боради? «Профессионал спорт шарҳловчиларимиз кўп-ку?» дейсизми? Сиз ниманидир сўрамоқчимисиз, биродар? «Профес-

сионал спорт шарҳловчиси»нинг кимлигини билмайсизми? Унда уқиб олинг: репортаж чоғида бир тоғдан, бир боғдан келса, гапларига биров тушунмаса – ўша проффесионал спорт шарҳловчиси бўлади. Демак, финал ўйиндан репортажни шу азаматлар олиб боради-да, демокчимисиз? Тартиб-қоида бўйича шундай. Лекин ўша кун унинг кўшнисиникида тўй бўлиб қолса-чи? Тўйни ташлаб ким финал ўйинига боради? Ёки энди ишга отланганида кўшниси чиқиб «келинингизни тўлғок тутиб қолди, машинангизда туғруқхонага олиб бориб қўйинг», деса-чи?

Хуллас, бу муаммога ҳозирдан тайёрланишимиз керак. Репортажни фақат футбол шарҳловчисига юкламай, бошқа касб эгаларини ҳам бу вазифага тайёрлаб туриш керак.

Ана энди, озгина тасаввур қиламиз: 2222 йил. «Дунё чемпиони» номини олиш учун финал ўйин. Микрофон олдида:

Проффессионал спорт шарҳловчиси:

Ассалому алайкум, қадрли спорт мухлислари! Ўзбекистон телевидениесининг камера ва микрофонлари республикамиздаги энг йирик «Пахтакор» стадионига ўрнатилган. Бугун бу ерда «Пахтакор» ва «Сантос» командалари ўртасида ҳал қилувчи учрашув бўлиб ўтади. (Изоҳ:шу онда сийғок болалар учун махсус иштон ишлаб чиқарилгани ҳақидаги реклама берилади) Қани, кўрайлик-чи, ким чемпион бўларкин? Ҳозирча ҳисоб очилгани йўқ: нол-нол. Эслатиб ўтамиз, ҳали ўйин бошлангани ҳам йўқ. Ие, ана, майдонга футболчилар чиқиб келишмоқда. (изоҳ: бу онда кизларни қазғок балосидан қутқарувчи шампун рекламаси берилади) Судьянинг жарангдор хуштаги яна бир неча дақиқалардан кейин марокли ўйин бошлангани ҳақида дарак бериш шарафига муяссар бўлади. Биз эса эслатиб ўтамиз: демак, ҳозирча ҳисоб нол-нол! Ниҳоят кўнгилларга шодлик улашувчи судьянинг хуштакчаси янгради. Тўп тепилди. Қайтараман, ҳисоб — нол-нол! Тўп билан Лопухов. У олдинга интилмоқда. Унинг рўпарасида эса кутилмаганда рақиб ҳимоячиси пайдо бўлишга эришди. Қани кўрайлик-чи, Лопуховнинг финтли маҳорати ўз натижасини кўр-



сата олармикин? Ҳа, алдаб ўтди. Биринчисини, иккинчисини... мана бу ерда зарб билан тепилган тўп нима учундир ҳимоячининг думалоқ бошига келиб тушди. Маҳоратли тўпурар ҳужумчимиз хатога йўл қўйди. У тепган тўпи ҳимоячи бошига эмас, дарвоза тўрига тушиши зарурлигини ўйлаб кўрмади. Умид қиламизки, тренер танаффус пайтида ҳужумчига буни эслатиб ўтишни ўзига шараф деб билади. Дикқат қилинг, тўп билан Зверев. Қани кўрайлик-чи, у нима қила оларкин? Ҳимоячилар тўпни осмони фалакка кўтариб юбориш ишини эпчиллик билан амалга оширишди. Шу пайт чакқонлик билан югуриб чиққан Козлов тўпни боши билан тепиб, дарвозага йўналтиришга эришди. Демак, ҳисоб очилди, бир-у нол, олдинда «Пахтакор». Ҳужум эса давом этмоқда ва Лопухов бурчакдан тўп тепиш бурчини қўлга киритди. Тўп тепилди! Яна Козлов!! Аммо... бу сафар тўп машҳур тўптепарнинг бошига етиб келишни ўзига раво кўрмади.

Ана, ниҳоят судьянинг хуштаги «Пахтакор»нинг чемпион бўлганидан дарак берди. Шунинг билан репортажимизни яқунлаймиз. Репортажни Фалонулла Писмадонхўжаев олиб борди.

\*\*\*

Тасаввур этайлик, ҳал қилувчи ўйин куни Фалонулла дўстимиз бир сабаб билан хизматга кела олмадилар. Нима қилиш керак? Телевидениеда хизмат қилувчиларнинг аксари шоирлардир. Эҳтимол, репортаж олиб боришни шулардан бирига юклармиз. Ҳар ҳолда шоирлар гапга уста бўлишади. Эплашар?

Демак, шоирдан эшитамиз:

Ассалом, эй дўст, ассалом, эй ёронлар! Бугун биз кўм-кўк майдонидамиз севимли ва ардокли командамизнинг. Атрофда гулгун чехралар. Юракда кувонч, кўзларда шуур! Қалблар тепади хаяжондан, шавқдан ва завқдан. Майдоннинг барра майсалари майин бош эгади футбол эгаларининг маҳоратидан. Ардокли ва эъзозли футболчиларимиз ҳаракатига қараб шеър айтгиси келади кишининг:

Оёқлар, оёқлар

чайир оёқлар,  
заранг оёқлар  
тепадилар тўп.  
Майин майса узра юмалар  
тўп хўб!  
Чемпионлик лаззатин  
оҳ!  
сурмоқ соз,  
аммо вақт оз...

Дарвоқе, секундомеримизга қараймиз, ўйин бошланганига ўттиз саккиз минут бўлибди. Энди вақт келмишдир тўп аҳли билан таништирмақ юмушларига. Бизларга рақиб бўлмоқлик ила ташриф буюрмиш меҳмонлар кимлардан иборат? Муборак орқа томонларига алифдай «бир» рақами билан зарбланган шоиримиз, йўк, узрлар бўлсин, ўйинчимиз — исмларини билмайман, аммо Пушкинга ўхшаб кетадилар. Футболни бекорга поэзия деб шарафламайдилар. Иштони жиягига икки рақами зарбланган йигит Жўрж Байроннинг худди ўзгинаси. Шунингдек, майдонда Гейне, Лермонтов, Лорка каби улуғларни эслатувчи йигитларни учратамиз-ки, бу қалбларимизга олам-олам нур беражак.

Яна қарайлик вақт ҳисобини қилғувчи соат милларига: уфққа бош кўймоқдадир иккинчи бўлимнинг йигирма бешинчи дақиқаси ҳам. Шу ўйиннинг қайси бир дақиқасида мавлоно Козлов ихтиёрлари ила киритилган тўп ҳозирча яккадир ва ягонадир! Бунга тарих бермоқдадир гувоҳлик. Бизни беҳад сарафроз айлаганлари учун «баракалла, Козловжон!» дегимиз келади. «Офарин, мулла Козлов!» дегимиз келади ҳайкириб.

Қандайин абжирлик, қандайин тезлик бу! Лол қоласан киши футбол заҳматқашларининг маҳоратига. Яна тилга шеър қуюлиб келади, ашъор қуйилиб келади. Офаринлар дегинг келади уларга — азаматларга, баҳодирларга.

Ана, ниҳоят кулоқларга хуш ёқувчи хуштак янгради майдон узра. Майсалардан майсаларга урилиб янгради бу хуштак овози. Яъниким, тугади ўйин! Рўй бўлди тунларни кунларга улаб қилин-

ган орзу. Бунчалар нафис, бунчалар гўзал, дегинг келади бу санъат аҳлига қараб. Уларни қутламоқ пайти келди, дўстлар, уларни табрик этмоқ, олқишламоқ лаҳзасидир бу дамлар. Анъор тўқиймиз улар шаънига, шеър тўқиймиз! Токи улар жасорати қалбга, дилларга, юракларга муҳрлангай бир умр!

\*\*\*

Шоир ҳазратлари бир кун аввал майдан андак бисёр нўш этган бўлсалар, хизматга келолмай қолишлари эҳтимоли бор. Шу боис сўзни адиб жанобларига бера қоламиз:

Адиб:

Сезганмизсиз: кунлар юмалоқ тўп каби юмалаб-юмалаб ўтаверади. Стадионнинг ўн иккинчи секторини қоралаб кўтарилган қуёш, майдонни киздира-киздира, охири чарчаб, ўттиз тўққизинчи сектор ортида ёнбошлаб ётган бепоён уфққа аста бош қўяди. Аммо у ётоғига бош қўймай туриб, бугун сабабсиз иссиқ сел уфурганидан хижолат бўлгандай, стадионни тўлдириб ўтирган футбол мухлисларига уятчан боқади, уларни қийнаб қўйганидан астойдил уялиб, кип-кизариб кетади. Сўнг ўзини оқламоқчи бўлгандай шабадани чорлайди. Чинор шохларини шитирлатиб етиб келган шабада мухлисларнинг иссиқдан бўғриккан юзларини аста сийпалаб, улар қалбига маҳзуслик бахш этади. Сўнг пастга ўрлаб, майсалар кокилини ўйнайди, гўё уларга эртак сўйлаётгандай бўлади.

Табиат бекиёс оқил ва гўзал. Унинг донолиги олдида не-не даҳолар тиз чўкмаган. Ахир кун бўйи сарагон қуёши қиздирган шаҳарда шабаданинг айнан шу пайтда, футбол ўйини авжга минган маҳалда эсиши ажабтовур ҳодиса эмасми?

Мана, ўйиннинг иккинчи бўлими ҳам ниҳоясига стяпти. Онда-сонда уфураётган шабада ҳамон мухлислар дилини равшан этади.

Одатда шундай бўлади. Қизик. Шабада эсаверади, ўйин эса давом этаверади. Табиат сеҳрига маҳлиё бўлиб, ҳисоб очилганини ҳам сезмай қоласан кини. Ҳа, азизлар, қуёш стадион узра сўнгги

нурларини сочаётганда ҳисоб очилган эди. Бу ондаги футболчиларнинг ички кечинмаларини ифода этмоққа сўз ожиз!

Сезганмисиз: ўйин тамом бўлади. Шабада эса гўё билмагандай эсаверади, эсаверади. Сўнг кеч киради, сўнг тонг отади. Табиат сеҳри ана шунақа!

Дарвоқе, ўйин ҳисобининг аҳволи қандай экан? Буни зукко мухлислар эртага газетадан билиб олсалар ажаб эрмас.

\*\*\*

Табиатнинг ажабловур сеҳрларидан яна бири шуки: кечаги майхўрликда шоир билан биргаликда адиб ҳам бўлиши эҳтимоли бор экан. У ҳолда умидимиз танқидчидан.

Танқидчи:

Спортимиз тарихида янги саҳифа очаетган бугунги учрашув ҳақида сўз бошлашдан аввал «Пахтакор»нинг аввалги ўйинларига қисқа экскурс қилиш жоиздир. Шундагина бугунги учрашувнинг асл моҳияти яққол акс этади. Атоқли футбол билимдони Н.Олимов таъкидлаганидек, асосан оёқ билан (яъни тепиб), баъзан эса бош ёрдамида текис майдонда ўйналувчи футбол аҳамияти жиҳатидан спортнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади. Бундан кўриниб турибдики, футболчи (ёки тўп тепувчи) яхши югуриши ва керакли пайтда тўхтаб тура олиши баробаринда майдонга ётиб олиш истеъдодига ҳам эга бўлиши шарт. Ана шу истеъдод қирраларидан ташкил топган команда «футбол командаси» дейилади ва «Пахтакор» шундай командалар силсиласига кирадики, бу бизлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда «Пахтакор» ўз услубига эга команда эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Агар биз команда ўйинчиларининг ички эҳтиросларига, яъниким, қалб нидоларига қулоқ тутсак, уларнинг камроқ тўп уриб, кўпроқ ўтказиб юборишга майллари зўр эканини сезамиз. Аммо бу ўткинчи майл. Футболчилар ички кечинмаларини енга олувчи матонатли йигитлардирлар (курсив бизники). «Пахтакор» йилдан йилга ўсиб борувчи команда. Авваллари унинг ҳаракатида эпиклик, яъни майдонни кенг қамраб

олиш етишмас эди. Ўйинчилар майдоннинг фақат маълум майдонларида йиқилар ва шу маълум майдонда ҳузурланиб ётишни хуш кўрардилар. Командада ижодий кўтаринкилик маълум маънода оқсар эди. Асар қаҳрамонлари, ие, узр, сал ўтлаб кетибмиз чоғи, демак, жамоа, яъни команда футболчилари тўпнинг йўналишини кузатишда актив қаҳрамон даражасига кўтарила олмас эдилар. Ҳозир ундай эмас.

Хулоса қилиб айтсак, «Пахтакор» ўйинларига илмий- назарий нуқтаи назардан ёндошиб, кўп фикрлар билдиришимиз мумкин эди. Аммо тўқсон минутлик қисқа вақт ичида бунинг имкони йўқ. Чунки репортажимиз охирлаб қолди. Агар янглишмасак, «Пахтакор» бугун «Реал» командасига қарши маҳорат билан тўп сурди. «Пахтакор»нинг бугунги рақиби «Зенит» ҳам бўлиши мумкин, деган эҳтимолни ҳам назардан қочирмаймиз. Энди тўқсон минутлик ўйиннинг оқибати, яъни ҳисоб ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу алоҳида илмий изланишни такозо этади. Шошқалок мухлисларга эса «Ахборот»нинг сўнгги спорт саҳифасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

\*\*\*

Сўнгги дақиқада маълум бўлиб қоладики, танкидчи жанобларнинг ҳамқишлоқлари «сув билан сутнинг қўшилишидан ҳосил бўлувчи масса» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлар эканлар. Ҳимояга бормаслик гуноҳ эмас-ку, аммо зиёфатдан юз ўғирини олимона иш эмас. Шу боис, бошқа одам топишга тўғри келади. Бо Худо, шоир, адиб, танкидчи бўлиш шартми? Ана, мухбир укамиз бекорга ўхшайдилар. Шу йигитга ишона қолайлик:

Мухбир:

Биз тушган оппоқ «Мерседес» машинаси теп-текис асфальт йўлдан елиб борар экан, асов қуёш хали адл тераклар ортига ёнбошламаган эди. Стадионга келиб, атрофга хайрат билан тикилдик: бағрига эллик тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз ашаддий мухлисни сиғдира олувчи стадионда ажойиб бир кўтаринкилик ҳукмрон. Стадион узра мухлислар симфонияси янграйди.

Майдонда эса ғалаба иштиёкида ёнаётган футбол усталари завқу шавқ билан тўп сурадилар.

Мухлислар роҳати йўлида самарали югураётган Козлов командагошлари бошлаб берган юксак суръатга «Лаббай!» деб жавоб бериб, «Валаки-саланг» қўшма корхонасида сифатли қилиб тўқилган тўрга тўп киритди!

Мухлислар Козлов жанобларини олқишлаётган пайтда биз унга савол билан хаёлан мурожаат этамиз:

Савол: Ҳорманг, жаноб Козлов!

Жавоб: Бор бўлинг.

Савол: Илтимос, мухлисларимизга ўзингизни таништирасангиз?

Жавоб: Мен, Козлов, футболчиман.

Савол: Айтинг-чи, ҳозир нима билан бандсиз?

Жавоб: Ҳозир футбол ўйнаяпман.

Савол: Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз.

Жавоб: Ҳозирча оиламиз унча катта эмас, яқинда «Бевби» деган итим туғади. Шунда кўпайишамиз.

Савол: Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

Жавоб: Бўш вақтимни итимга бағишлаганман.

Савол: Қанақа таомни хуш кўрасиз?

Жавоб: Текин таомни.

Савол: Энди тўп тепиш сирлари билан ўртоқлашсангиз?

Жавоб: Тўпни тепиш учун уни аввало ерга қўйиш керак.

Савол: Узр, гапингизни бўламан. Тўп думалоқ бўлиши шартми?

Жавоб: Ҳа, иложи борича юмалоқ бўлгани маъқул.

Мухбир: Раҳмат, жаноб Козлов, бундан кейинги зафарли ишларингизда улуғдан улуғ муваффақиятлар тилайман. Итингиз тукканида бешик тўйига айтсангиз, бу ҳақда алоҳида кўрсатув тайёрлаб, мухлисларимизни қувонтирамиз.

Азиз томошабинлар, узр, хаёлдан ҳақиқатга кўчамиз. Қаранг, ўйин юксак кўтаринкилик руҳида давом этмоқда ва секундомер миллари саодатли дақиқаларга чорламоқда. Биз кўпмингли мух-

лислар номидан «Пахтакор»нинг бундан кейинги ғалабаларига ҳам тилакдошмиз.

\*\*\*

Репортаж олиб боришни мухбирга ишонишимиз ҳам хомрок кўриняпти. Чунки ўша куни хомий ташкилот раҳбарининг уйида зиёфат бўлса, мухбирга чой тапишдай улуғ масъулиятли иш топширилади. Демак, ундан умид йўқ. Тўхтанг-чи, ҳов анави кишини танияпсизми? Ие, ҳа, муסיқали драма театрининг артисти-ку? Қани, илтимос қилиб кўрайлик-чи, бу ерда бекорга юрмагандир?

Муסיқали драма театри артисти:

Ассалом, эй «Пахтакор»!

Ассалом, эй мухлислар!

Ассалом, эй бўлажак чемпион! Бугун биз ажойиб томошанинг гувоҳи бўламиз азиз шинавандалар.

Эй куёш, кўрсат юзунг,

Голларга тўлсин тўрлар.

Ғалабадан кувонсин

Жўралар, ўртоқлар...

Шундай қилиб, биз голлар шайдосимиз. Ана, Лопухов. Қўлимиз кўксимизда, саҳоватпеша Лопух ўғли! Тўп эса майдонда жавлон уради. Серзавк шинавандалар олқишда! Лопухов, Зверев, Козлов айниқса илдам!

Уччаласи бўйдоқдир, хо бўйдоқдир,

Аммо аҳил ўртоқдир, хо ўртоқдир.

Жо-о-о-но-ней! Уларга ҳамла қилган

Рақиб оёғи чўлоқдир, хо чўлоқдир,

Вой дод-с...

Шинавандалар уларга пул қистириш иштиёкида ёнадилар. Аммо шавкатли милициямиз бунга йўл бермас! Йўл берганда ҳам пул қистирмоққа бошларида дўппи йўқ эрур, иштонга қистирмоқ эса иснод эрур.

Хуллас, ўйин юксак савияда давом этади. Томошанинг иккинчи пардаси охирламоқда. Ғалабани нишонлаш учун аппосионата

стишмаяпти. Бўлмаса, ҳаммаси гўзал ўтди, гўзал!

\*\*\*

Артист жаноблари футболга келмаётган эканлар. Шу стадионнинг орқасида истикомат қилувчи бой жанобларининг эрта-индин иглари болалайдиган экан, шу шодиёна муносабати билан зиёфатча ташкил этган эканлар. Футбол деганлари ўйинчиларсиз ҳам ўтаверар-ку, аммо бой жанобларининг зиёфатчалари ашулачисиз ўтмас. Шу боис артистга ишонмаймиз. Ана, опера театрининг артисти келяпти. Буларни ҳойнаҳой зиёфатчаларга чорлашмас. Кўрайлик-чи, балки репортажни шу одам олиб борар.

Опера театрининг артисти:

Қиска увертюрадан кейин тренер либреттоси асосидаги футбол томошаси бошланди. «Пахтакор»нинг ажойиб речитатив ансамбл эканини таъкидлаш лозим. Командада бекиёс терцет, ҳатто кuartетлар бор. Булар ансамблдаги аризо ва каватиналарни мутлақо рад этмаган ҳолда командани ғалабага бошлайди. Нихоят, кутилган ўйин бошланди:

Тешилгувчи тўп бо-о-о-р энди,

Судья бизга ё-ё-ё-р энди.

Чойхонада ош дам-ло-о-о-вчи

Тренер унга зо-о-о-р энди.

Судьялар ансамбли ўйинга мохирона дирижёрлик қилмоқдалар. Солист ўйинчиларнинг барчаси ҳозирча ўз ролини қатта истеъдод билан бажармоқда. Ана, Белковни кўринг:

Бола, бола,

Бола деган қаттик тепинг.

Секингина унга эмас, бунга тепинг.

Рақибларнинг жаҳли ёмон, ўргилай,

Секингина, билдирмайин, ёғиб тепинг.

Ие, ана, тўп тепилди! Аммо... парда орқасига ўтиб кетди.

Ўн уч йилдир дарвозага тўп урмайди,

О-о-о-о...

Майдон узра отни жадал сурмайди,



Во-о-ей...

Ётиб олса, ўрнидан ҳеч турмайди-и-и-и...

Турмаса турмас. Томоша тамом. Ўйин сюжет характериға, либретто сценарийсига қатъий амал қилган ҳолда «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди. Офаринлар ва олқишлар...

\*\*\*

Ўйлаб қарасак, опера театрининг артистиға ҳам унча ишониб бўлмас экан. Ўша куни уларнинг театрусига беш-ўн одам киргудай бўлиб қолса, у бечоралар ҳам сахнаға чиқиб, томоша кўрса-тишға мажбур бўлиб қолишади. Энг яхшиси... Ҳа, ана, ана, келяптилар: юришларига ҳамма маҳлиё, Ҳидоятхондурлар бу киши. «Майсаранинг иши»да кўрганмидингиз? Эҳтимол футбол репортажига ҳам моҳирдирлар? Бир синаб кўрмаймизми?

Ҳидоятхон:

Шу денг, акахонлар, майдонға тикилавериб кўз тўймайди-ей! Йигирма иккита норғулгина, азаматгина йигитлар-а! Вужудларидан куч ёғилиб турибди-ей! Вой, курмағурлар-ей, дегинг келади. Оёқларини каранг, бирам узун, бирам узунгина-ей! Ҳой, қоровой йигит ўлмагур Козловжоннинг оёқжонига тепиб юборай деди-я! Тепмайгина ўлгин-а, жувонмарг! Шу норғулгина йигитжон азият чекар ҳам демайди-я! «Пахтакор»нинг ўйинчиларидан айлансанг арзийди. Битта тўпни ури-иб қўйиб, яйрабгина қолишди. Уларнинг елкаларини каранг: оҳ, оҳ! Йиқилса нақ ер титраб кетади. Шуларға битта ош дамлаб, суҳбатини олсанг. Дунё кўрган-да, булар, кў-ўп нарсаларни айтиб беришади. Вой, биррам чарчашди, биррам чарчашди булар, судьяси тушмагурнинг қаҳри мунча қаттиқ бўлмаса. Чала қолмайсанми анави савил қолгурни. Чу-у-у-р! Ҳайрият-ей! Ҳамма икки оёқда туриб қолди. Худоға шукур!

\*\*\*

Хаёлий кўрик-танловимизни шу ерда тўхтатиб турайлик. Турли соҳа вакилларининг репортаж олиб бориш салоҳиятиға баҳо бериш – сиздан. Шу баҳоға қараб уларни 2222 йилдаги ҳал қилувчи ўйинға таклиф этамиз. Дарвоқе, кўрик-танловимиз якунла-

майди. Давом этади. Эҳтимол, сиз ҳам бирон кишининг репортаж олиб боришини тасаввур қиларсиз? Хулосамиз шуки, биз орзу қилган ўйин бўлиб ўтса, репортаж олиб борувчига зорикмаймиз. Энг муҳими, чемпионликка даъвогар бўлса бас, бу ёғи бизга тан. Хўш, азизимиз «Пахтакор», энди навбат ўзларига!

## ХОТИНТАНЛОВ

(Буни ўқинг-у «Худо, ўзинг асра!» деб ўйинг.)

Қорни оч одам сергўшт палову бўрсилдоқ нонни орзу қилгани каби бўйдоқнинг дарду хасрати момақаймоқ қизларда бўлиб қолади. Овози раста бўлган кундан бошлаб то уйлангунига қадар ўтган узоқ йиллар мобайнида ўтирса ҳам, турса ҳам, ётса ҳам хаёлидаги шахло кўз, камалак қош, киприклари ханжар, лаблари бодом, қоматлари сарв гўзаллар ишва қилаверади. Ота-онасининг оғзини пойлайвериб, жигари хун бўлган бўйдоқнинг дардини ким эшитади? Бўйдоқ «Сен ҳам уйлангин, бола-чака орттиргин», деган бир оғиз сўз учун ҳатто жонини беришга ҳам тайёр.

Қийин бўлганда ўзбекнинг бўйдоғига қийин. Ота-онасига қараб: «уйлангим келялги», дея олмаса, «кечалари менга ёстик чидай олмаяпти», дейишга тили бормаса... Европалик бўйдоқларга осон. Эрталаб танишади, пешинда никоҳдан ўтиб, кечқурун уйига бошлаб келиб: «Мамуля таниш, бу келининг», дейди. Ҳикоямиз қаҳрамони Шодикул шунақаларга ҳавас қиларди. Хаёлан шу тарзда, европачасига, минг бир марта уйландиёв. Лекин хаёлни ҳақиқатга айлантиришга қуриб кетмагур ўзбекчилик ҳаёси йўл қўймади-да! Ниҳоят оҳу зори Яратганга етиб бориб, отаси «вақт етди, қиз танла», деб амр қилди. Шодикул қувонди. Кўп йиллардан бери биринчи марта ширин уйкуга берилди.

...Бўйдоқчилик умрига яқун ясаши керак бўлган Шодикулни тонг янгилик билан қаршилади. Бугундан бошлаб совчилик санъати барҳам топадиган бўлибди. Яъни совчиларнинг уйма-уй изгишларига чек қўйилибди. Энди бўйдоқ ҳокимиятга боради, янги ташкил этилган «хотинтанлов» бошқармасига учрайди, суратларга қараб, келинни танлайди – вассалом! Шодикулга бу янгилик маъқул келиб, қувонди. Эрталаб келинни танласам, оқшомда тўй экан-да, деб ҳокимият сари югурди.

«Хотинтанлов» бошқармасининг «бўйдоқлар» бўлимида уни бир хумкалла қарши олди. Хунук каллани безашни ўзига ор деб билган

сочлар тўкилиб кетгач, бу одамнинг башарасини бирон бир тузукрок нарсага қиёслаш ҳам кийин бўлиб қолган. Аммо гўзал қаллиқ орзу-сидаги Шодикул бу башаранинг хунуклигига эътибор бермади.

— Хм, уйланмоқчимисан? — деб сўради хумкалла.

— Дадам шунақа дедилар, — деди Шодикул ийманиб.

— Даданг яхши одамга ўхшайди. Скрапканг борми?

— Исправками? Қанақа исправка?

— Дадангнинг «уйлан» деганини қандай исбот этасан?

— Дадамнинг айтганларига ишонмасангиз, ўзимнинг уйлангим келиб қолган бўлса-чи?

— Унда уйлангинг келиб қолгани ҳақида скрапка керак. Маҳалла раиси уйлангинг келиб қолганини текшириб, аниқлаб, кейин маҳалланинг қарорини чиқариб берсин.

Шодикул гапни чўзса, янги справкалар қайнаб чиқиши мумкинлигини англаб, индамасдан изига қайтди. Дадасига бўлган гапни уяла-уяла айтди. Дадаси сўка-сўка далолатнома ёзиб берди. Маҳалланинг раисига қуюқрок салом бериб эди, текшириб ўтирмай, у ҳам қарор чиқарди.

Хумкалла иккала қоғозга узоқ тикилди, охири ҳукм чиқарди:

— Маҳалланики бўлади. Дадангники ўтмайди, муҳри йўқ экан. Райсабисга бориб, тасдиқлатиб кел.

Райсобесга пешинга яқин бориб, қуюқ салом берилса, иш осон битаркан. Лекин хумкаллага бу кифоя қилмади.

— Даданг бирон партияга аъзومي? — деб сўради.

Шодикул «партиянинг ёрдами тегиб қолар», деб ўйлаб «албатта аъзолар», деб юборди.

— Унда партия раиси тасдиқлаб берсин — деди хумкалла.

Дадаси партиясиз эди, ўғлининг бахтини ўйлаб, бира тўла иккита партияга аъзо бўлди-ю икковидан ҳам далолатнома олиб берди.

Хумкалла далолатномаларни четга суриб, Шодикулга тикилди:

— Тўйга тайёرمىсан, ўзинг?

— Тайёрман, — деди Шодикул ишонч билан.

— Фалон минг сўм калин пули тўлаб кел. Беш прасан солиғи

билан жаъми шунча минг сўм тўлайсан.

— Қалин пули йўқ бўлиб кетган-ку? — деди Шодикул норози оҳангда.

— Сен қадриятларимизнинг тикланишига қаршимисан? Ўйлаб гапир, бу сиёсий масала! — деди хумкалла жаҳл билан.

— Солиқни нимага тўлайман?

Хумкалла унга норози қиёфада қараб, столи устида турган китобчани варақлади.

— Ўқишни биласанми, ма, ўқи! «За обслуга» деган. Уйланганингдан кейин келин «обслуга» қиладими? Ўғил бола бўлсанг, хақини тўлаб қўй-да!

— «Обслуга» қилмаса-чи? Пулни қайтариб берасизми?

— Сен ҳовликавсрма, чироқ ўчгандан кейин бошқа ташвиши бўлмайди.

Шодикул пулни тўлаб келди. Хумкалла яна бош чайқади:

— Сут пули тўламабсан-ку? Фалон сўм сут пули, фалон сўм солиқ, жаъми фалон сўм тўлаб кел.

Бу талабдан Шодикул аччиқланди. Бир ҳафта олдин ўртоғи уйланганида бу машмаша, бу тўловлар йўқ эди-я!

— Яна нега солиқ тўлайман, қайнонам ҳам обслуга қиладиларми? — деди кесатиб

Хумкалла кесатиққа аҳамият бермай, жиддий оҳангда жавоб қайтарди:

— Бу пешонангнинг шўрига боғлиқ, ука.

Сут пули тўлаб келингач, хумкалла яна бош чайқади:

— Туғилишда чала туғилганмисан, ука, ҳамма ишларинг чала-я! — деди у норози оҳангда.

— Яна нимаси чала? Бўлажак қайнотамга нос пули тўламабманми? — деди Шодикул бўғилиб.

— Нос пули алоҳида масала. Ҳозир гинекологдан скрапка олиб келишинг шарт.

— Ие, ака, гинеколог хотинларнинг дўхтири-ку?

— Буни сендан ҳам яхшироқ биламан. Уйланмоқчимисан?

— Ҳа.

— Демак, хотин эмас, эркаксан?

— Кўриб турибсиз-ку?

— Кўриб турганим йўқ. Гинеколог кўриб, хотин эмас, деган скрапка ёзиб берсин.

Гинеколог билан иш бир ёклик бўла қолса қошки эди. Бундан кейин Шодикул хумкалланинг талаби билан саргарошга бориб хатна қилингани ҳақида, невропатологга бориб миясида курт йўклиги ҳақида, мол дўхтирига бориб кечаси маъраб юбормаслиги ҳақида, гўрковга бориб катта дадасининг ростдан ҳам ўттиз йил аввал ўлгани ҳақида далолатномалар олди. Кейин эса электрчиларга бориб, тўйдан кейин бир ой мобайнида чироқни ўчириб қўйиш ҳақида, сувчилардан эса сувни ўчирмаслик ҳақида, бешикчиларга бориб хотини тукқан кунларда иш ташламаслик ҳақида, мактабга бориб туғилажак боласини яхши ўқитиб бериш ҳақида, институтга бориб туғилажак фарзанди комилини ўқишга порасиз қабул қилиш ҳақида мажбуриятномалар олиб келгач, хумкалла унга қоғоз-калам узатди:

— «Ўғлимни ўттиз ёшигача уйлантираман», деб тилхат ёз.

— Қиз туғилса-чи?

— Унда «ўғил бўлади», деган мажбуриятнома олиб кел.

— Ҳали келин маълум эмас-ку?

— Унда ўзинг мажбурият ол. Агар киз туғилиб қолса, мажбуриятни бузганинг учун конун олдида жавоб берасан.

Шодикул таваккал, деб ёзиб бергач, хумкалла: «Ана энди навбатга қўямиз, уч ойдан кейин келасан», деди.

Уч ойдан кейин ўттиз иккита далолатноманинг эскириб қолгани маълум бўлиб, янгиланди. Шундан сўнггина хумкалла Шодикулга бир альбом тутқазди. Шодикул суратларни кўриб, чиройли кизни танлади. Хумкалла қоғозларини титкилаб кўргач, бош чайкади.

— Йўқ, буни сенга бера олмайман. Низом бўйича бу киз фақат уруш инвалидларига ажратилган. «Имгисъ» деган нарсани биларсан? Уруш инвалидларига келин навбатдан ташқари берилади.

Шодикул «ҳозир уйланадиган уруш инвалиди қолибдимми?» деб эътироз билдирмоқчи бўлди-ю тилидан тутилиб қолишдан қўрқиб, индамади. Бошқасини таплади. Хумкалла яна қоғоз ти-

тиб, сўнг сўради:

— Испанчани биласанми?

— Уйланишимга испанчанинг нима кераги бор?

— Бу қиз испанчада ўқийди. Мен уни сенга бериб юборсам. Кечаси у сендан испанчалаб бир нимани сўраб қолса, сен нодон тушунмай гаранг бўлсанг...а? Йў-ўқ, мен оиланинг бузилишига йўл қўя олмайман.

Яна бир қиз раққоса экан, Шодикул чилдирма чалишни билмагани учун у ҳам насиб этмади. Дўхтирликка ўқийдигани ҳам берилмади: «соппа-соғ йигит экансан, дўхтирни нима қиласан?» деди хумкалла. Албомда кўзи сал ғалатироқ кизнинг сурати қолди.

— Сен боп қиз мана шу, — деди хумкалла. — Кўзига парво қилма, юмиб юрса сезилмайди. Хў-ўш, маълумотларга қараганда чап қулоғи эшитмас экан, ўнг қулоғига гапираверасан. Ўнг оёғи... чап оёғидан сак-киз сантиметр қалга. Бунга ҳам парво қилма. Кеча бир ухахон ўн икки сантиметр қалтасини ҳам жон-жон деб олиб кетди. Бўзрайма, агар йўқ десанг, бундан ҳам қуруқ қоласан. Хў-ўш, омадинг бор экан-ку, ухахон! Бу кизнинг ошқозони аперайса бўлган экан. Сенга фойда-да, овқатни кам сўди! Э ука, сен хотин олмайсан, хазина оласан. Шунга рози бўлавер. Бу қиз соқов экан, ўлгунингча қулоғинг тинч бўлади. Ўзи шу кизни сенга ўхшаган ухахонларга асраб юрувдим, суюнчисини бегона қилмайсан. Яна уч йил сабр қилсанг, пенсага ҳам чиқади.

Шу ерга келганда Шодикул йиғлаб юборди:

— Ака, мен энди йигирма бешга кирдим. Мен буви оламанми ё уйланаманми?

— Хой яхшиликни билмаган тентак! Йигирма беш ёш бўладими ё эллик бешми – эрга тегмаган қиз бўлса бўлди-да, сенга яна қанақаси керак! Бор жўна! Бу ер онангнинг уйими, ноз қиласан!

Шодикул ярим йилдан кейин яна келди. Бу сафар хумкаллага сўзи ўтадиган одам билан гаплашиб келди. Аввалги сафар биринчи бўлиб кўзи тушган чиройли кизни яна танлади.

— Буни сенга беролмайман, уруш инвалидларига аталган, — деди хумкалла яна ўжарлик билан.

— Асрор ака тайинлаганидилар. Йўқ десангиз қаттиқ ранжий-

дилар, — деди Шодикул унга хат узатиб.

Хумкалла Асрор акасининг номини эшитиб, ўзгарди, хатни ўқиғач, Шодикул билан қайтадан сўрашди.

— Дидингизга балли, ухахон, шу қиз сизга аталганда, — деди.

— Урушга бормаганманда, бераверасизми? — деди Шодикул унинг марҳаматига ишонқирамай.

— Бу ёғини тўғирлаш бизнинг бурчимиз. Адангиз урушга боргандирлар?

— Катта дадам борганлар.

— Бўпти, қизни катта дадангиз номига расмийлаштирамиз. Сиз доверност билан уйланаверасиз. Катта дадангиз «шу қизга уйланишни неварамга ишондим», деб ёзиб берадилар.

— Катта дадам ўлиб кетганлар-ку? Ишончномани нариги дунёдан олиб келаманми?

— Бу энди бизнинг вазифамизга кирмайди. Нариги дунёга бориб келиш масаласи билан бошқа ташкилот шуғулланади.

Шодикул ўлиб кетган катта дадасининг номидан ишончнома тўғрилай олмагани учун гўзал қизга яна уйланомай қолди. Ўша куни хумкалла шошқалоқлик қилиб, қизни расмийлаштириб қўйган, экан, Шодикул бир марта уйланганлар рўйхатига кириб қолибди. Энди уйланаман, деса, аввалгисидан ажраганлиги ҳақида далолатнома керак экан. Буни эшитиб, Шодикул ўқириб-ўқириб йиғлай бошлади...

Кўз ёшларидан ёстиғи жиққа ҳўл бўлай деганда онаси аста туртиб уйғотди.

— Вой, болам-ей, кейинги кунларда уйқунгда ё бақирасан, ё йиғлайсан, сени ўқитиб юбормасак бўлмайди, — деди у меҳр билан. Отаси бу гапга эътироз билдирди:

— Ўғлингни ўқитиш шартмас. Уни уйлантириш керак. Шоди, сен бугун Турсунмўйловнинг қизини бир кўриб кел, агар ёкса шу ой ичи тўйни бошлаб юбора қоламиз.

Кўрган тушни таъсиридан ҳали қутилмаган Шодикул отасига караб туриб «ҳокимиятга борайми?» деб сўради.

— Қанақа ҳокимият? — деди отаси ажабланиб. — Кампир, гапинг тўғрига ўхшайди, ўғлингни олдин бир ўқитиб ташла.



## **ЯНГИ ХАРИТА**

**(Ишониш унча шарт бўлмаган хангома)**

Жаҳон харитасига ўзгартиш киритишнинг қандай йўллари бор, биласизми? Ҳа, тўғри, бир маҳаллар бунинг учун урушлар қилинган, қонлар тўкилган. Лекин ҳозир ундай замон эмас. Харитага ўзгартиш киритувчи боланинг отаси «бакувват» бўлса бас. Тушуниб тургандирсиз, «бакувват» деганда биз чўнтакни назарда тутяпмиз. Бу жиҳатдан Бўтакулга гап йўқ. Ўглининг аклига эса тан бермасдан илож йўқ. Энди озгина ўтмишга назар солайлик. Бўтакулнинг пул санашни ўрганиши учун мактабда ўн йил ўқитишнинг сира ҳам ҳожати йўқ эди. Шундай бўлса ҳам зўрлаб ўқитдилар. «Одамлар гап-сўз қилишмасин», дейишди-да. Ундан ташқари у замонлар одамлар мактабда ўқимаган болага қиз бермай қўйишган эди. У замонлар «тест» деган даҳмазалар йўқ эди. Имтиҳон олувчига биргина ишора кифоя. Бўтакул ўша ишорадан кейин имтиҳон олувчи билан юзма-юз ўтирган эди. Унга қўйиладиган баҳо аввалдан маълум бўлса-да, имтиҳон олувчи ирими учун унга савол берди: «Ньютон қонуни ҳақида нималар биласиз?» деди. Бўтакулга Ньютон деган одамнинг номи сани таниш туюлди-ю, аммо қариндошлари ичида бу одам ким бўлиши мумкинлигини эслолмади. Шунда имтиҳон олувчи унга туртки бўлар, деган умидда «Олма-чи, олмани эсланг» деди. Бўтакул шунда эслади. «Россияга олма сотиш қонунини чиқарган масковлик хўжайин», деб жавоб берди. Имтиҳон олувчи «физика фанига Россияга олма олиб бориб сотишнинг нима даҳли бор?» деб ўтирмай, ўзича «бу болага қолса Ўзбекистонда узилган олма Россияга бориб Ньютоннинг бошига тушгандир», деб қўя қолди. Иккинчи саволни осонроқ қилди. «Беруний киму Беллини ким?» деб сўради. Бўтакул «Беруний — шарқ алломаси, Беллини Европа композитори» деса олам гулистон эди. Аммо бола тушмагур ўйлаб ўтирмай, «булар иккови амакивачча» деб қўя қолди. Имтиҳон

олувчи ичида «пешонамнинг шўри!» деб қўйди, савол берган тилини чайнаб ташламоқчи эди, ҳали учинчи савол ҳам борлигини эслаб, бундан ўзини тийди-да: «карра жадвални ёдлаб беринг», деб илтимос қилди. Бўтақул «уч карра тўққиз ўттиз саккиз» дегунича чидаб ўтирди-да, ваъда қилинган баҳони қўйиб енгил нафас олди ва қутилганига шукур қилди. Тағин ҳам Бўтақул гапдон бола эди, саволларга доводирамади. Бошқаларга ўхшаб оғзини очолмай турганида у шўринг курғур имтиҳон олувчи нима қиларди! Бўтақул шу тарзда ўқишга кириб, яна ҳудди шу тарзда ўқиб, олий маълумот олди.

Ўғли Тойлоқ мактабни битириб, уни ҳам олий маълумотли қилиш фикрига тушди. Тест дегани сал осонроқдир деса, чўнтакни зириллатиб юборар экан. Нима қилсин, фарзанд азиз, ўқиши ундан азиз, деди-ю харажатларига чидади.

Тойлоқ ҳам гапдонгина бола эди. Аммо бу имтиҳонларда гапдонликнинг сираям хожати йўқ. Тойлоққа қийин саволлар тушмади. Биринчиси: «Франциянинг пойтахтини аниқлап. Жавоблар: Москва, Пекин, Париж.» Тойлоқ «биринчи жавоб ҳамиша тўғри бўлади», деб эшитган эди. Шу жавобни танлади ва Москва ўн минг доллар эвазига Франциянинг пойтахтига айланди. Наполеон дод деганича қолаверди. Ишнинг шунақа осон ҳал бўлишини билганида аҳмоқ бўлиб уруш қилиб юрармиди! Иккинчи савол «Уганда қайси қитъада жойлашган: Европа, Африка, Осиё.» Тойлоқнинг марҳамати билан Уганда Африкани тарк этиб, шу зайлда Европага кўчди. Яхшики биров унинг қўлига ёзувсиз (яъни контур) харита бериб, Угандани шу Европага жойла, демайди. Дегандами, Франциями ё Германиями харитадан ўчиб кетган бўлармиди. Тойлоқ Ҳиндистоннинг пойтахтини Америка деб белгилагач, Африкани Крим ярим оролига жойлаштирди-да, имтиҳонлардан аъло баҳолар билан ўтди. Бу билимлар эвазига тўғридан-тўғри диплом талаб этилса ҳам бўларди-ку, аммо камтарлик юзасидан ўқишни лозим кўрилди.

Бу ўтган йилги воқеа. Бир йил давомида Тойлоқ ўқишда катта ютуқларга эришди. Ҳатто тарихий шахслар таржимаи ҳолига

аниқликлар киритди. Унинг олиб борган илмий изланишлари натижасида Колумб 1917 йилда Бухорода туғилгани ва Самарқандни кашф этгани маълум бўлди. Жаҳон харитасини тўла ўзгартиришга эса улгурмади. Ҳозирча Австралия, Швеция, Албания ўз жойида турибди. Ҳали яна тўрт йиллик ўқиш бор, хафсала қилинса, йўқ, аниқроғи чўнтак кўтарса магистратура деган ўқиш ҳам бор. Унгача харита кўрадиганини кўрар, балки унгача Англиянинг пойтахти Бразилия деган мавзуда диссертация ҳам тайёр бўлиб қолар. Айрим мамлакатларни эса Марс харитасидан излаб топармиз. Ўн минг доллар ҳисобига шунча ўзгаришлар қилинса яхши-ку, дейсизми? Шошилманг, ўн минг биринчи имтиҳон учун, яъни хамир учидан патир эди. Кейингиларини биз билмаймиз.

Азизлар, кўрганингиздек, Жаҳон харитасига ўзгатиришлар киритиш унча қийин иш бўлмай қолган. Агар сизнинг кўнглингизда ҳам шундай истак бўлса, ийманиб четда турманг. Чўнтакни кап-пайтиринг-у отни суринг. Қани, олға!

## НАВОИЙ ҚҶЙ БОҚҚАНМИ?

(Ўтмишдан даҳшатсиз эртак)

Хукмингизга ҳавола этилажак бу воқеа ҳозир учрамайди. Энди замон ўзгача. Йигирма-ўттиз йил аввалги кунларимиз эсга тушса ёмон туш кўргандай чўчиб кетамиз: олий ўқув даргоҳига кирмоқ учун қанчалар азоблар чекканмиз-а! Қанчалар оғир имтиҳонлардан ўтганмиз-а! Оламга татийдиган китобларни ўқиб, синовларга тайёрланганмиз-а! Бу азобларсиз ҳам бўлар экан-ку, а? Майли, бу ёғига ўтмаймиз. Ўтмишга мўралаймиз. Мақсадимиз: ёшлар бугунги имтиҳонларнинг қадрига етишсин. Ёшлар бу баёнимизни ўқигудай бўлишса, ишонмасликлари аниқ. Шу боис, ёзганимизни «қангома» ёки «қикоя» эмас, «эртак», деб қўйдик.

\*\*\*

Бу воқеа Америкадаги чувалчанглар Англияга кўчган йили содир бўлган эди.

Ўша йили Думбултой мактабни битирди-ю «институт» дейилгучи даргоҳда ўқиши зарурлиги отаси томонидан ирода қилинди. Уларнинг уйларида хотиржамлик ҳукм суларди. Шу пайтгача варақланмаган бахтиёр дарсликлар безовта қилинмасди. Думбултой топшириши лозим бўлган имтиҳонлар муаллимлар билан келишиб қўйилгандан кейин дарсликларнинг тинчини бузишга ҳожат бор эканми?

Аммо... синовларга икки кун қолганда Думбултойнинг осойишта ҳаётига безовталиқ суқулиб қирай деди. Тип-тиник осмонда момагулдирак гулдирагани каби стказилган хабар фожиадан дарак бермаса ҳам, бош оғриғини салгина кўзгаб қўйиши мумкин эди. Синовларга икки кун қолганда жуғрофия фани ўрнига адабиёт фанидан имтиҳон топшириши шартлиги Думбултойни ҳам эмас, отасини ҳам эмас, балки ўртада турган даллол йигитнинг тинчини олди. Ўпкадаги курт ғимирлаб қолгандай, у ҳаловатини йўқотди. Лекин калласини йўқотмади. Синовни бошқаради-

ганларнинг дам ёқасидан кириб, енгидан чиқиб; дам эса енгидан кириб, ёқасидан чиқиб, енг билан ёқа оралиғидаги масофада қилиниши лозим бўлган барча амалларни бажариб, ишни дўндирди. Эртага имтиҳон деган кунни оқшомда шошилиб келди-ю самоворхонага отланиб турган Думбултойга тайинлади:

— Факат кўп гапирсанг бўлди, тинмайсан, жаврайверасан.

— Нимани гапирай? — деб энсаси котиброк сўради Думбултой.

— Адабиётчилар сергап бўлишади. Ган орасида битта-иккита асарнинг номини, ёзувчининг исмини эсласанг бўлди. Адабиёт ўқигансан-ку? Бирорта асарни биларсан?

Думбултой сиз ўйлагандай чала пишган думбулфаҳм йигитча эмас. Қирқ кун аввал мактабни аъло баҳолар билан тугатган одам дарсада эшитганларини дарров унутармиди? Бир пас ўйланиб туриб, шартта айтиб юборди:

— «Пўлат қандай олинди?» Толстой асари.

Даллол йигитнинг адабиёт бобидаги билими Думбултойникидан қолишмасди. Адабиёт тарихида «Пўлат қандай тобланди?» деган китоб борлиги, аммо унинг Лев Толстой ўлимидан анча кейин ёзилганини биров айтмаса, у қасрдан билсин? Даллол йигит ўзининг фаҳмини ошқор қилиб қўймаслик учун қошларини сал чимириб, ўйланган бўлди-да, танбеҳ берди:

— Имтиҳонда ёзувчининг номини тўла айтиш керак. Толстойнинг исми нима, биласанми?

Думбултой ҳам анойи эканми, «ҳозирча тилга келганини айтворай, кейин сўраб билиб оларман», деб қарор қилди:

— Толстойнинг оти Ойбек-да. Буни ҳамма биледи-ку?

— Ҳамма билса ҳам тўлиқ айтавер. Ўқитувчининг эсидан чиқиб қолиши мумкин.

Думбултой таваккал айтганим тўғри чиқиб қолди-ку, деб қувонди. Даллол эса давом этди:

Сенга домла «Навоий ва Пушкин» деган қўшимча савол беради, шуни яхшилаб ўқиб ол, довдираб юрма.

— Браган, адам қўшимча саволга келишмаганмиз, деганлар-ку? — деб минғирлади Думбултой.

— Энди ука, ўқитувчининг ёнида комиссия ўтиради. Қўшимча саволсиз «беш» кўя олмайди-да.

Думбултой пешонасини тириштирганича жим тураверди. Даллол йигит «бола пақирни ташвишга кўйдим», деб хижолат бўлди-ю гап чувалашиб, иш бузилмасин, деб тезгина изига қайтди. Думбултой чиндан ҳам ташвишланиб турарди. Аммо унинг ташвиши имтихонда, айниқса, кўшимча саволда эмас, балки самоворхонада сабзи-пиёз милтиллаб қайнаб туриши лозим бўлган қозонда. Уни «Садир мижгов эзмаланиб, оловни баландлатиб юборса, ошнинг расвосини чиқаради», деган ўй қийноққа сола бошлаган эди.

Мактаб билан хайрлашар чоғларида «мустақил ҳаётга қадам кўйяпсизлар», деб муаллимларидан оқ йўл тилагини олган йигитчалар мустақил ҳаётга қадамни самоворхонада кўя бошлаган эдилар. Думбултойнинг бир оз кеч қолгани уларнинг танбеҳи билан тақдирланди. «Ошга ҳам апаздат қиласанми?» деган саволга «Эртага имтихон, домлага учраб келяпман», деди. Сўнг дўсти Садирга юзланди:

— Сен адабиётни яхши биласан, «Наввойи ва Пушкин»дегани нима ўзи?

— Ў, баракалла, бу мавзуда ярим кун гапириш керак, — деди Садир, кейин кўзларини юмиб, шеър ўқий бошлади: — «Манга Пушкин бир жаҳон-у, манга Байрон бир жаҳон, лек Наввойидек бобом бор...»

Садир ўқий бошлаган шеърини охирига етказа олмади.

— Бобонгни кўйиб тур, бор, ош ланж бўлиб кетмасин, — деди жўрабоши.

Навойи ва Пушкин масаласи шу зайлда ҳал этилди. Ошдан кейин қайта сўраш Думбултойнинг эсига келмади. Эртасига эрталаб боши карахтроқ ҳолда туриб, Садирнинг гапларини эсламоқчи бўлди: «Манга Пушкин олам жаҳон», дедими? Кейин нимади? Ҳа, «вайрон» девди. Нимани вайрон қилиши керак экан? — Думбултой мияга зўр бериб, сатрни тиклагандай бўлди: — «Манга Пушкин олам жаҳон, манга вайрондир жаҳон...» — Думбултой

ўзи тиклаган сатрга ўзи ҳам ишонқирамай яна ўйланди: — Балки «вайрон» эмас, «айрон»дир? Пушкин дегани балки айрон ичгиси келганда ёзгандир буни. «Новвойи бобом бор», деб гапни чала қилди. Пушкин айрон ичмокчи бўлса, «қуйиб беришга Новвойи бобом бор», демокчимиди? Унда Новвойи айронфуруш бўлади-ми?..»

Думбултой узок ўйлашни ёқтирмас эди. «Бир гап бўлар», деб шартга қўл силтади-ю имтиҳонга жўнаворди.

Думбултой учун уялиш, довдираш, бировнинг салобатидан чўчиш каби одатлар бегона эди. Шу учун тортиниб ўтирмай, имтиҳон хонасига дадил кирди. Даллол йигитнинг кўрсатмасига амал қилиб, тилига келган сўзларни қайтармай, асосий саволларга дадил-дадил «жавоб берди». Жавоб беришга навбат кутиб ўтирган болаларнинг хишгир-хингир кулгиси эътиборга олинмаса, унинг «жавоб»лари диққат билан тингланди. Айниқса, имтиҳон комиссияси аъзоси киприк қокмай диққат билан эшитди. Нихоят, навбат «беш» баҳони таъминлаши лозим бўлган қўшимча саволга келди.

— Навоий ва Пушкин... — деди ўқитувчи Думбултойга хадиксираб қараб. Унинг бу қарашида «шоирларнинг номларини эшитганмикин?» деган кўркув бор эди. — Уларнинг ижодини қандай ўрганамиз?

— Ништяк қилиб ўрганиб ташлаймиз, — деди Думбултой жавобни ҳаяллагмай. — Шунақа зўр ўрганиб ташлаймиз-ки, уларнинг ўзлари ҳам қойил қолишади. «Кўриб қўй, Пушкин братан, ваабше бунақаси бўлмаган», дейди Новвойи.

Бу жавобни эшитган ўқитувчининг пешонасини алам билан силашдан ўзга чораси қолмади. «Энди балога қолишим аниқ», деган кўркувда комиссия аъзосига ўгринча қараб қўйди. Навоийдан бир байт, Пушкиндан икки сатр шеър айтиб беришни сўраш ортикча эди. Думбултой эса хали-бери гапни бас қиладиган эмасди. Ўқитувчи ўзини босишга, ачиган гапларни тоқат билан тинглашга қанчалик уринмасин, охири ўзини тутолмай, пичинг билан савол бериб юборганини ўзи ҳам билмай қолди:

— Навоий Пушкинни таниганми?

Саволни беришга берди-ю илоннинг думини босиб олганини англаб, росманасига кўрқиб кетди. Комиссия аъзосига яна караб олди. Ҳайрият, Думбултой бу жиддий саволдан довдираб қолмади. Кўлини орқасига қилиб, бошини сал юқори кўтариб, жавобни тезлаштирди:

— Новвойи билан Пушкин битта улфатда бўлишган. Инсти-гудга ўқиб юришганда Новвойи Пушкинга караб: «Ке, братан, бир шеър-пер ёзайлук», деган. Пушкин «Хоп, окахон», деган. Хуллас. У-бу ёзиб, газитга юборишган. Шунака қилиб статялари чиқиб турган. Кейин зўр шоир бўлиб кетишган.

Ўқитувчи Думбултойни сўздан тўхтатиш мақсадида комиссия аъзосига караб, «саволингиз борми?» деб сўради. Комиссия аъзо-си гапга чечан бу болага махлиё бўлиб ўтирган эди. Ўқитувчининг мурожаатидан сўнг довдиратиб ташлайдиган савол бермоқчидай бир ўйланиб олди-да, Думбултойга қаттиқ тикилди:

— Айтингчи, биродар... улар кўй боқишганми?

Бу савол хонадаги барчани, ҳатто Думбултойни ҳам гангитиб кўйди. Қойил қолиш керакким, биринчи бўлиб Думбултой ўзини кўлга олди ва янада дадил гапира кетди:

— Росаям боқишган-да! — шу пайт унинг ёдига кеча само-ворхонада Садир айтган сатр тушди: — Улар айрон ичишни яхши кўришган. Серка деган кўчкорларини ойилари соғиб, айрон қи-либ берган.

— Кимнинг ойиси, аниқроқ айтинг? — деди комиссия аъзоси.

— Пушкиннинг ойиси-да! У ёшлигида колхўзда сут соғувчи бўлиб ишлаган.

Комиссия аъзоси «маъқул» деб бош ирғаб кўйди. Ўқитувчи унинг кулоғига шивирлади:

— Жавоблари дуруст, а? «Беш» қўямизми?

— «Беш»га сал тортмай турибди. Жавобда битта хато қилди, — деди комиссия аъзоси. — «Серка» дегани кўчқор эмас, эчки бўлади.

Ўқитувчи ажабланиб турди-да, яна пичирлади:



— Навоий бундан беш юз қирқ йил муқаддам яшаган зот. У даврларда кўй «серка» деб аталган. Чунки «серка» шеърӣй кофияга яхши тушади. Академик Рубеннинг асарларида бу алоҳида қайд этилган.

— Буни мен ҳам биламан, — деди комиссия аъзоси қошини чимириб. — Мен бугунги кун нуқтаи назаридан айтяшман. Умуман... сизга кўшиламан. Бунақа йигитларга фақат «беш» кўйиш керак.

Думбултой имтиҳонни топширди-ю ташқарида кутиб турган оғайниларига шундай ҳисоб берди:

— Догвор битта бўлса ҳам у номардлар иккита кўшимча савол беришди. Росаям қийин экан. Аммо қийиб ташладим. Чурк этолмай қолишди, — Думбултой комиссия аъзосининг саволига берган жавобини тўғри ёки нотўғрилигига ўзи ҳам гумонда эди. Гумонини аниқлаштириш учун Садирдан сўради:

— Новвойи кўй боққанмиди?

Садирга бу савол ғалати туюлди. Думбултой ҳазиллашяпти, деб ўйлаб, ҳазил билан жавоб берди:

— Йўқ, у мол боққан. Ҳозир ҳам унча-мунча боқиб туради.

Илова: Ҳар бир эртақнинг ниҳоясида бўлгани каби Думбултой ҳам мурод-мақсадига етибди. Бирок, комиссия аъзосининг кўшимча савол бергани барча учун сир бўлиб қолаверди. Бу сирдан фақат каминагина вокифдир. Агар қизиқсангиз, баённи эринмай ўқиганингизнинг мукофоти сифатида сизга айтишим мумкин: комиссия аъзосининг фамилияси Масолиев, асосий ҳунари зоотехник бўлиб, Марказий имтиҳон комиссияси котибасининг хатоси туфайли адабиёт муаллими Мирсолиевнинг ўрнига юборилган эди. Адабиёт муаллими қаерда эди, дейсизми? Қаерда бўларди, бўлажак мол дўхтирлари унга зоологиядан имтиҳон топширишяётган эди.

## ДЕЗДЕМОНАНИНГ «СОТКА»СИ

Отелло дунёга келиб нима ҳам кўрди-я!

(Паттачининг афсуси)

Режиссёр Остонакулов анчадан бери «Отелло» спектаклини сахналаштиришни орзу қилиб юарди. Охири раҳбарият айтди-ки: «Пулдор ҳомий топсанг, сахнага кўявер. Истасанг «Отелло»ни кўй, истасанг «Уйда чакса уни йўқ, том бошида кўш тандир»ни кўй», дейишди. Остонакул бировга «ака», деб борди, бошқасининг эшигини «тоға» деб қокди. Охири ҳомийлар топилди. Томошани сахнага кўйишга етадиган пул топилгандай бўлди. Бундан қувонганича ишни бошлаб юборди. Биринчи галда энг истеъдодли актёрларни танлаб, ролларни бўлиб берди. Дастлабки машқлар бошлаганида ҳомийлардан бири телефон қилиб қолди:

— Дездемона ролига бир қизимиз бор, ўшани ўйнатасиз, — деди.

Режиссёр Остонакулов Ҳолсизова деган артист аёлни эшитмаган экан, ҳомийнинг ўзи мушкулени осон қилди:

— Гўшт бозорига бориб, паттачи Юмалабтортаровни топасиз, у сизни Ҳолсизовага рўпара қилади.

Режиссёр ноилож янги Дездемонасини кўргани борди. Аввал паттачини топди. Паттачи эса Ҳолсизовани. Унгача паттачи «қиз»ни таърифлаб берди. Паттачи «қиз» деб таърифлаган Ҳолсизова унча қари эмас, пенсияга чиққанига ҳали беш йил тўлмабди. «Ёшлик — бевошлик» деганлари тўғри экан, ўттиз беш йил аввал шу паттачи билан пича дон олишиб кўйган экан, «ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур» деганларидек, ўша муҳаббат кунларининг хурматидан паттачи акаси бир марҳамат кўрсатадиган бўлибди-да! Табиийки, Ҳолсизова режиссёрга ёкмади. Юмалабтортаровга Дездемонанинг ёши, ташқи кўриниши қандай бўлишини тушунтирмақчи эди, паттачи гапни калта қилиб кўя қолди:

— Агар шу қиз Дездемона бўлмаса, пул ҳам бўлмайди!

Ўша кеча Остонакулов ухламай чиқди. Эрталаб эса Дездемона ролига тайёрланаётган қизга рухсат бериб, Ҳолсизовани чақирди. Икки кундан кейин иккинчи ҳомий кўнғирок қилиб, Отелло ролига аммасининг ўғлини тавсия қилди. Остонакулов ўша кунийек уни кўриб:

— Бўлмайди, оқсар экан — деди.

— Бўлади, — деди Ҳомий, — Отелло урушда яраланиб, чўлоқланиб қолган, дейсиз, шунга ҳам аклингиз етмайдими?

— Кўзлари ҳам сал... ғилайроқ экан...

— Кўзига урушда ўқ теккан...

Хуллас олтмишдан ошган гўзал Дездемонага чўлоқ ва ғилай Отелло насиб этди.

Учинчи ҳомийнинг ҳам Отелло ва Дездемона ролига даъвоси бор экан, аммо аввалроқ ҳурматли акахонлари банд этгани учун унча савдолашиб ўтирмай, Яго ролини талаб қилди. Талаб қилганда ҳам бировни тавсия этмай, ўзи ўйнайдиган бўлди. «Дўст бор, душман бор, бизни ҳам бир сахнада кўриб қўйишсин». Яго боякишининг бўйи бир ярим, эни, коринга кўшиб хисоблаганда, икки қулоч келарди. Уни кўрган одам юряптими ё юмалаяптими аниқлаши маҳол эди. Бу ҳомийни Отелло билан Дездемона бағоят ҳурмат қилишаркан, бирга ўйнашга рози бўлдилар. Тўртинчи ҳомий Кассиони талаб қилди. Унинг жияни соқов бўлгани билан театрни яхши кўраркан. Хуллас, бошқалар имо-ишора билан гаплашадиган бўлишди.

Роллар шу тариқа тақсимланиб, иш бошланганида асосий Бош ҳомий йўқлаб қолди:

— Шекспирингиз кимлигини билмайман-у, аммо ёзганини менга айтиб беришувди унга қойил қолмадим. Ҳаётни билмас экан. Битта рўмолча деб хотинни бўғадими? Қаранг, бозор тўла рўмолча. Шу битта рўмолчани деб одамларни икки соат лақиллатиб ушлаб ўтирмоқчимисиз? Йўқ, мен бунақа бекорчи томошага пул бермайман, — деди у.

— Рўмолча ёқмаётган бўлса... Дездемона нимани йўқотади? — деди режиссер ажабланиб.

— Масалан... агар Дездемонангиз культурний чувиха бўлса, сотка телефонини йўқотсин. Шунда Отелло бола пакир «Рўмолча!» деб лаллаймайди. «Сотка! Сотка телефон қани?» деса ҳамма ишонади. Минг долларли соткани йўқотган хотинни бўғса, арзийди. Хотини ўйнаши билан соткада гаплашаётганда шартта босиши керак, энг яхшиси шу, укам!

Ночор Остонақулов бунга ҳам кўнди.

Ҳомийлар санъатсевар халқ экан, яна кўп зарурий ўзгартишлар киритилди. Шекспирнинг номи бошқачароқ бўлди: Шекс Пиров, Отелло — Отаулла, Дездемона — Дили Рабо, Яго — Яҳёга айланди. «Отелло — крутой йигит» деган хулосага келган Бош ҳомийнинг талаби билан Отелло Дездемонани ўлдириш учун ёлланма қотил ёллайдиган бўлди.

Иш шу ерга келганда ўша ёлланган қотилни ўйнайдиган актёр топилмай турибди. Актёрку бор-а... унга ҳомий йўқ. Ие, ана, ҳомий ҳам топилди. У айтган актёр ҳам таклиф қилинди. Ана халос, мерганни ўйнайдиган бу одамнинг икки кўзи ожиз экан-ку? Ҳа, майли, бу ҳам муаммо эмас, милтиқни бир кўзни юмиб отадими, ё иккаласиними — фарқсиз, барибир милтиқнинг ўқи йўқ-ку?

## КЕНГАШ

(Кенгашли тўй тарқагандан кейин содир бўлган ҳангома)

Ҳазрат Алишер Навоий «Эсиз тақдир экан, қайдин билибмиз, азизим, дунёга бевақт келибмиз», деган эканлар. Ҳазрат бу дунёда «бадий кенгаш», «тахрир ҳайъати» деган нарсалар борлигини билганларида эҳтимол бундай демасдилар. Тасаввур қилиб кўринг: «Фарход ва Ширин»ни ёзиб, ҳар саҳифасини кўчиртиришга битта бўлка нон нарҳида ҳақ тўлаб, нашриётга ёки пьеса шаклида театрга олиб келдилар. Нашриётда «тахрир ҳайъати», театр ва кинода «бадий кенгаш» деб аталмиш сергак посбонлар гуруҳи борким, ҳар қандай зотга ақл ўргатмак уларнинг юмушидир. Африканинг қайси бир бурчагида жон сақламакда бўлган «цензура» аталмиш идора ходимлари ҳам бу посбонларни кўрганларида қуллуқ қилиб турарлар, деган афсоналар ҳам бор. Демак, ул азизларимиз «Фарходу Ширин»ни ўқуб чиқдилар ва муаллифга дедиларким: «Алишер ака, сизнинг кўп ашъорларингизни ўқиганмиз, айрим шеърларингизни санъатимиз юлдузлари қўшиқ қилиб айтадилар. Сизга ҳурматимиз баланд, аммо-лекин бу янги асарингизда бироз шошибсиз. Унда кераксиз қаҳрамонлар кўп. Масалан, Ёсуман хола образи. Икки севишганларни ажратувчи ёмонлар бизнинг жамиятимизда йўқ. Аксинча, ким бир-бирини севиб қолса, дарҳол тўю томошалар билан қовуштирилади. Демак, Ёсуман хола образи ҳаётий эмас. Ундан ё воз кечинг ё ажратувчи эмас, қўшмачига айлантинг». Ҳайъат ёки кенгаш ўн кишидан иборат бўлса — шу тарзда ўнга, йигирмата бўлса — йигирмата танқидий фикр айтилади-ю шоир ҳазратлари асарларини қўлтиқлаб, минг пушаймон билан изларига қайтадилар. Беш юз йил аввал ўлиб кетганим яхши бўлган экан», деб Худога шукроналар айтадилар.

Биз таъриф қилаётганимиз посбонлар ҳамма соҳада донодирлар. Дейлик, уларнинг ҳукмига «Уч мушкетёр» деган роман қўлёзмаси келди. Албатта, уларга Александр Дюма деган ном

таниш. Гап бошлайдиларки: «Хурматли Дюма ака, аввалги асарларингиз бизга жуда-жуда ёққан. Лекин бунисида анча шошибсиз, ҳатто халқаро миқёсдаги сиёсий хатоларга ҳам йўл кўйибсиз. Масалан, Франция қироличасининг аллақандай чет эл эркаги билан муҳаббатини қандай изоҳлайсиз? Сиз муаллиф сифатида қироличанинг эрига бундай ишончсизлик билдиришга ҳаққингиз йўқ. Сиз бевафо қиролича тимсолида кимни назарда тутяпсиз? Малика Диананими? Унда Дартаньян ким? Унинг ҳайдовчисими? У ҳолда асарингизда автомобил ҳалокати ҳам бўлиши шарт. Асардаги сиёсий хато шундан иборатки, қироличанинг бундай бемаъни муҳаббатини ўқиган ўқувчи барча қироличалар шунақа экан, деган хато қарорга келади. Ҳолбуки, Европанинг кўп мамлакатларида ҳозир ҳам қироличалар яшаяптилар. Ундан ташқари, давлатлар раҳбарларининг аёллари ҳам қиролича мақомидадирлар. Тўғри, Россия Президенти бу масалага жиддий эътибор бермаслиги мумкин. Аммо Германия Канцлери ёки Италия Бош министри бундан ранжишлари табиий. Сиз бу асарингиз билан Германия ва Франция ўртасидага дўстлик муносабатига раҳна соласиз. Ўйлаб кўринг: нима учун Франция қироличаси немис ёки итальян йигитини севмади? Асарда ортикча қаҳрамонлар ҳам бор: Арамис, Атос, Партос деганлар асарда нима қилиб ивирсиб юришибди. Ҳамма вазифани Дартаньянга юклайверинг ва асарни жиддий равишда қисқартирсангиз, ундан ширингина хикояча чиқиши мумкин. Кейин асарни кўчиришда хато ҳам ўтибди, сиз бунга эътибор бермабсиз. Биз «мушкетёр» деганингизга тушунмадик. Аслида «Пушкатёр» бўлса керак. Яъни, «пушкада отувчи», шундайми?

Умуман, ҳозирги ёзувчилар калта ўйладиган бўлиб қолишган. Мана, ўтган ҳафтада Лев Толстой деганлари ёстиқдай китоб кўтариб келди. Бошқа гап куриб қолгандай унда ҳам муҳаббат машмашаси. Анна Каренинова деган хотин биттасига ишкибоз бўлиб қолади. Во ажаб, агар хотин юраман, деса бўйдоқлар камми? Яна ўзини поездга ташлайди. Бу қанақаси? Бу китобни ўқиган хотинлар Карсениновага таклид қилиб, поездга ташланаверишса,

поездлар графиги бузилиб, халқ хўжалигига зарар етмайдими?  
Хуллас, Дюма акажоним, сизга маслаҳат: кўп ўқинг...»

Бу маслаҳатлардан сўнг Александр Дюманинг аҳволини тасаввур қилаверинг.

Айтинг-айтинг, у дунёда ҳам «хайъат» ва «кенгаш» деганлари бўлмасин-да...

## «КЎРИЧАК»

Ўтмишдан бир ҳикоя:

Анчадан бери хаста ётган одамнинг бир кар маҳалладоши бор эди. Дўстлари унга «хаста биродарингни шу пайтгача ҳам йўқламабсан-а?» деб танбеҳ бердилар. Бу гап қарга таъсир қилиб, дархол зиёратга отланди. Йўлда бора туриб ўйланди:

— Мен карман, у эса хаста – гоят паст овозда гапиреди. Ҳеч нарсани эшитмасам, қандай гаплашаман?

Ўйлай-ўйлай «Беморнинг гапларини юздаги ифодадан билиб оламан, — деб қарор қилди. — Уйга киргач «Қандайсан?» деб сўрайман. У ҳазин табассум қилади, шу жилмайиши «яхшиман», дегани бўлади. Шунда мен «алҳамдулиллаҳ, жуда ҳам хурсандман», дейман. Кейин «нима ичиб, нима еяпсан?» деб сўрайман. Албатта, «шўрва» ёки «сут» деб бирон таомнинг номини айтади. Шунда мен «ош бўлсин», деб дуо қиламан-да, «қайси табиб қараяпти?» деб сўрайман. «Фалончи табиб», деб биронтасининг номини билдиради. Мен «У табибнинг гоятда қўли енгил, яхши даволайди», деб кўнглини кўтараман», — деган тайёргарлик билан беморнинг уйига кириб борди. Режаси бўйича «Қалайсиз, кўш-нижон», деб сўради. Бемор шукр ва сабр қилувчилардан эмасди. Шу боис кар кутгандай «Худога шукр, яхшиман», дейиш ўрнига маҳзунлик билан:

— Касалим оғир, ўляпман, — деди. Кар бу гапни эшитмаса-да, юзидаги хазин табассумдан ўзича хулоса чиқариб, суҳбатини давом эттирди:

— Оҳ! Оҳ! Жуда хурсандман, Худога шукр!

Бемор бу одамнинг карлигини унутиб, гапидан ғазабланди. «Бу одам душманим экан-да, билмай юрган эканман», деб ўйланди. Кар эса давом этди:

— Нима еб, нима ичяпсиз?

— Заҳар еб, заҳар ичяпман, — деди бемор аччикланиб.

— Ош бўлсин, — деди кар. — Қайси табиб келиб турибди?



— Азроил келиб-кетяпти.

— Ох, оҳ! Унинг кўли жуда енгил-да, яхши даволайди.

Шундай деб ўзича беморнинг кўнглини кўтарган бўлиб, ўр-нидан турди. Унинг душман эканига қатъий ишонган бемор эса газаб ўтида ковурилиб қолаверди.

Бугуннинг хикояси:

Акмал касалхонадаги кўшнисини йўқлаб кўйиш мақсадида нон сотиб олаётган эди, икки кўча наридаги таниши келиб сўраш-ди:

— Ҳа, баҳай? Бировни зиёрат қилмоқчисиз шекилли?

— Сотимбой, девор бўлмаса, кўчани ҳам кўрасиз-а? — деб ҳазиллашди Акмал. — Турғуннинг тоби қочибди, кўриб кўяй.

— Ие, Турғун танбалми? Нима бўпти?

— Ким билади, бикини оғрибди шекилли...

— Юринг, менам кўриб чиқа қолай.

Маҳалладаги кимдир, қачондир ва нима учундир «Сотибой-нинг мучали хира паиша» деган эди. Шундай экан, Акмал бечо-ра нима қилсин? Касалхонага узун-қиска бўлиб кириб боришдан ўзга чораси қолмади.

Эшик остонасида Акмал кўриниши билан Турғунбойнинг чеҳраси очилди. Соядек эргашиб кирган Сотимбойни кўргач, ач-чиқ бодомни чайнаб юборгандай, юзлари буришди. Акмал унинг ҳолатини сезиб «мен айбдор эмасман, ўзи эргашиб келди», де-гандай елка қисиб кўйди. У кўшнисини билан саломлашиб «Тузук-мисиз?» дейишга улгурди. Турғунбой эса «Худога шукр, тузалиб қолдим», дейишга улгурмади. Гапни Сотимбой илиб кетди.

— Бикин оғриятими? — деб сўради, аммо жавобни кутмай ўзи давом этди, — Ўнг томонми? Дўхтир нима дейди? Санчаёт-ган бўлса, шамол теккан, дейди-да. Уларнинг топиб олган гапла-ри шу. Аслида, кўричак ҳам бўлиши мумкин. Булар кўричакни менсишмайди. Ишхонамда биттасининг кўричагини аперайса қи-лишган экан. Қорнида дўхтирнинг қайчиси қолиб кетибди. Икки кунда ўлди бечора. Қорнида қайчиси билан кўмиб келдик. Бикин-

нинг тепароқ томони оғриётгандир?

Турғунбой унинг нима учун сўраётганини билмай анграйиб ўтираверди.

— Ҳа, оғриган пайтда одам аниғини билмайди, — деди Сотимбой. — Аслида ўт пуфак оғригандир-у сезмагансиз. Ўт пуфак билан ҳазиллашиб бўлмай, акахон. Дўхтир парҳез буюрдими? Ҳа, ана! Қариндошим парҳезга карамаган экан, ўн беш кунга бормай ўлди. Ўт пуфак жигарнинг ёнида бўлади. Жигар оғриси ҳам ёмон. Жигар кетдими, одамнинг тирик қолиши қийин. Амакимнинг иккита қайниси уч ойнинг ичида шу жигардан ўлди-ю кетди.

Шу пайт ён каравотда ётган беморни йўтал тутди. Сотимбой унга тикилиб каради-да, сўради:

— Акахон, йўталингиз хунук-ку? Дўхтир нима дейди? Бу шамоллаш эмас, ўпка шамоллаганда йўтал бунақа бўлмайди. Ўпканинг бир томонини тамом қилганга ўхшайсиз, тез олдириб ташламасангиз, иккинчи томонига ҳам ўтади. Хотинимнинг бувиси шунақа касал билан ўлган эди. Йўталиб-йўталиб юрди-ю бир кунда бўғилиб ўлиб қўя қолди.

Дераза томондаги каравотда ўтирган бемор бу гапларни эшитиб «Бай-бай-бай!» деб бошини ушлаб қолди. Сотимбой унга тикилиб қарагач, ачингансимон деди:

— Бош ушлаб қолдими, акахон? Бошни эҳтиёт қилинг. Касалингиз аналгин билан тузаладиганга ўхшамайди. Рангингиз жа-а бошқача-ку? Ҳозир янги касал чиқибди. Мияни қуртга ўхшаб еб, адо киларкан. Телевизорда кўрдим. Италияда биттаси шу касалдан ўлибди.

Ҳамхоналари олдида хижолат бўлган Турғунбой уни гапдан тўхтатиш чорасини тополмай ўтирганда ҳамшира кириб, мушқулини осон қилди. Акмал бундан фойдаланиб, кетишга чоғланди-да, Сотимбойни қўлтиклади. Сотимбой қаршилиқ қилмади. Эшикка яқинлашганда тўхтаб, ҳамширага норози қиёфада қаради:

— Сингилжон, акаларингизга яхшироқ қаранглар. Катта дўхтирингизга айтиб қўйинг, уччаласининг диагнози ҳам нотўғри.

Бошқатдан текширсин. Мен эрта-индин яна келаман.

Ҳамшира ҳайрон бўлиб қолган эди, Турғунбой «амакингиз ҳазиллашди», деб уни тинчитди.

— Қўшнингиз эрта-индин келаман, деб кетди. Гапи ростми? — деб сўради йўталган бемор. — Агар келиши рост бўлса, бугунок уйга жўнаб қолиш керак.

— Шу одамга қўшни бўлиб чидаб юрганингиз учун сизга балли! — деди бошини ушлаган бемор. — Таништирмадингиз ҳам, исми нима унинг?

Турғунбой уятдан қизариб кетди. Чуқур уф тортиб, жавоб берди:

— Исми «Кўричак»...

## ОТАЛАР МАЖЛИСИ

(Кимга кийин, ота бечорага!)

Мактаблардаги «ота-оналар мажлиси»га фақат оналарнинг бориши ҳеч кимни ажаблантирмай қўйган пайтда «Оталар мажлиси» деган гап чикди-ю Олтмишбойнинг тиңчи бузилди. Хотини билан кизи бир ҳафта давомида мажлисга бориши шартлигини эслатаверишиб, бошини оғритиб юборишди. Якшанба куни чойхонада ошлари бор эди. Қандай чора топишни билмай ошхўр ошналарига қўнғироқ қилса, уларнинг бошлари ҳам шу мажлис билан оғриётган экан. Ошни икки соат кейин дамлашга келишиб олишди.

Кўчада қўшнисига ҳамроҳ бўлиб, мактабга борди. Муаллимлар мажлисга келганларни рўйхатга олишаётган экан. Олтмишбой уларга яқинлашди. Фамилиясини сўрашган эди, айтди. Қизининг шу мактабда ўқишини ҳам айтди. Аммо «Қайси синфда?» деган саволга келганда қокилди. Қўшнисига қараган эди у «Менинг қизим саккизинчида ўқийди», деди. «Менинг қизим ҳам бирга ўқиса керак», деган ўйда:

— Саккизинчида, — деди.

— Саккизинчи «А» ми «Б» ми? — деб сўрашди.

Олтмишбой аниқ жавоб бермагач, ҳар иккала синф рўйхатини қарашди. Унинг кизи рўйхатда йўқ эди.

— Балки саккизинчи «М» дадир? — деб сўрашди.

Олтмишбой ажабланди.

— Синфларинг шунчалик кўпми? — деб сўради.

— Кўпмас, учта саккизинчи бор. «М» – махсус синф деганимиз.

Олтмишбой «Махсус синфда махсус фанлар ўргатилса керак», деб ўйлади. «М» синфида мартабали оилалар фарзандлари ўқишини хаёлига ҳам келтирмади.

— Амаки, қаерда ишлайсиз? — деб сўрашди.

— Қурилишда, устаман, — деди Олтмишбой.

— Унда қизингиз «М» синфида эмас экан, — дейишди.

Олтмишбойнинг боши қотиб турган эди, қўшниси:

— Қизингиз ўттиз иккинчи мактабда ўқийди шекилли? — деб қолди.

— Йўғ-е? — деб иккиланди Олтмишбой.

— Ҳа, шунақа, — деди қўшниси. — Кўчанинг у бети ўнинчи мактабга, бу бети ўттиз иккинчига қарайди.

Қўшниси шундай дегач, гапини исбот қилиш мақсадида ёнидан телефонни чиқариб, Олтмишбойникига қўнғироқ қилди.

Олдиндан огоҳлантирмагани учун хотинини койяган Олтмишбой ўттиз иккинчи мактабга бормаи, чойхонага йўл ола қолди.

Мен чойхонада сабзи тўғраб ўтирган эдим, бечора бир пиёла чой ичиб олгач, хасратини менга тўқди. Унинг арзини эшита туриб, турк адиби Азиз Несиннинг бир ҳикоясини эсладим-у айтиб бера бошладим.

\*\*\*

Икки ўт орасида қолсам ҳам бу азобда қийналмаган бўлардим. Нима қилишни билмай бошгинам қотди: ота-оналар мажлисига борайинми ё бормаинми? Борай десам, у ерда айтишга арзигули гапим йўқ. Гапим бўлганда ҳам, тўртта одамнинг орасида гангиб айтадиганимни айтолмай, довдираб қоламан. Бормаи десам, хотиндан балога қоламан.

Хуллас, ўйлай-ўйлай боришга қарор қилдим. Ўйчи ўйига етгунича таваккалчи тўйига етибди, деганларидай, мактаб остонасига кадам қўйганимда мажлисга кечикканимни англаб яна тўхтаб қолдим. Бир оз иккиланиб тургач, синф эшигини астагина очиб, ичкарига мўраладим. Оқ сочли хоним ўрнидан туриб, менга норози қиёфада қаради. Бу ҳам камлик қилгандай муштимини тугди, бу ҳам етмагандай:

— Кечикяпсиз, жаноблар, кечикяпсиз! — деб танбех берди.

Уятдан кизариб кетдим. Нимадир деб ўзимни оқлашим керак эди, унинг бақиршига жавобан минғирладим:

— Автобус йўқ... такси ҳам анқонинг уруғи... Айб менда эмас...

— Бунақанги баҳоналар маъмуриятни мутлақо қизиқтирмай-

ди!

Хонимнинг гапини яхши тушунмадим: автобус маъмуриятини айтяптими ё таксичиларни назарда тутяптими? Сўрашга истихोла қилиб, бўш жойга ўтира қолдим. Хоним эса кескин оҳангда гапини давом этди:

— Мактаб маъмуриятининг ота-оналардан норозилиги шундаки, қанча гапирмайлик, қанча огоҳлантирмайлик, барибир, болалар дарсга кечикиб келишяпти. Яна эслатаман: мактабда дарс соат роппа-роса тўққизда бошланади.

Хоним «Тушунарлими?!» дегандай рўпарасидаги аёлга қараб қолган эди, у ўтирган жойида гап ташлади:

— Қизларнинг юпқа тўр пайпоқ кийишини мутлако таъқиқлаш керак. Фақат қизлар эмас, катта хотинлар ҳам киймасин!

— Мен мухтарама хоним афандининг гапларига кўшиламан, — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Шундай дейишга дедим-у гапимдан уялиб, ерга қарадим. Шу онда юпқа тўр пайпоқ кийишни таъқиқлашни талаб қилган хотиннинг оёғига кўзим тушиб қолсам! Шу ёшга кириб бунака беўхшов оёқни кўрмаган эдим. Болдир билан сон ўртасида тизза дегани бўларди. Бу хонимнинг болдири семизлигидан тиззани босиб ўтиб, сон билан бирлашиб кетган эди. Кийиб олган қалин қора пайпоғи бармоқдай-бармоқдай бўртиб турган томирларини яширишга ожиз эди.

— Ҳамма қизлар қалин қора пайпоқ кийишлари шарт, — деб юбордим мен яна. Нега шундай деганимга ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Мажлисга отланаётган пайтимда гапиришни режа қилмаган эдим.

Ёнимда ўтирган жанобнинг энсаси қотиб, менга «калланг жойидами?» дегандай ғалати қараб кўйди. Бошқаси эса шарт ўрнидан туриб, эътироз билдирди:

— Муҳокама қилишимиз зарур бўлган бошқа муаммолар ҳам бор. Пайпоқ-майпоқ деб бошни бекорга қотирмайлик. Биз бугун чет тилларни ўқитиш масаласини ҳал қилиб олайлик. Менингча, барча дарслар немис тилида олиб борилиши шарт. Мен Германи-

яда ҳам яшаганман. У ердаги барча мактабларда дарслар немис тилида ўқитилади.

Мажлисга кечикиб кирганимдаги ҳижолатлик мени ҳали тарк этмаган эди. Айбимни ювиш учун яна гапга аралашишни истаб қолдим.

— Мен Германияда яшамаганман, — дедим баланд овозда, — лекин жанобнинг талабини маъқуллайман. Нимага деб сўрарсиз? Чунки дунё тараққиёти, айниқса, техника тараққиёти немисларнинг хизмати билан бўлди. Агар немис болалари мактабларида немис тилида ўқимаганларида...

Фикримни охиригача баён қила олмадим. Кўзойнакли жаноб гапимни шарт бўлди:

— Жаноблар, мажлисимиз мавзуи чегарасидан чиқиб кетяпсизлар. Дарсларни қайси тилда ўқитиш масаласини ҳал қилиш вазирликнинг вазифаси. Биз бугун бу ерга мактаб ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатини белгилаш учун йиғилганмиз.

— Бу мактабда немис тили неча соат ўқитилади? — деб сўради Германияда яшаб келган жаноб.

— Ҳар синфда ҳар хил, — деди кўзойнакли жаноб. — Биринчи синфда олти соат, еттинчи синфда саккиз соат.

— Кам, — деб эътироз билдирди жаноб.

— Жуда кам, — деб мен уни қўлладим.

Шу онда орқа томондаги қария бақирди:

— Мактабда футбол ўйнашни таъқиқлаш керак. Болаларнинг оёғига пойабзал етказиб бўлмапти! Ҳар ойда янғисини олиб беравериб, силлам қуриди.

— Бизнинг қизларимиз футбол ўйнашмайди, — деди оқ сочли аёл.

— Ўғил болалар ўйнайди-ку! — деди қария бўғилиб.

— Ўғил болалар билан ишимиз йўқ. Бу ер қизлар мактаби! — деди аёл ўжарлик билан.

— Нима? Қизлар мактаби дедингизми?-ажабланди қария. — Унда... бу ерда кичик набирам ўқиркан. Бу ерда қизлар ўқийдими ё ўғил болаларми, барибир футбол ўйнашни таъқиқлаш керак. Бо-

лалар қадимги анъаналаримизни унутиб қўйишяпти...

— Энг ёмони — болалар дарсга келмай қўйишяпти, — деди муаллима ачиниш билан. — Ота-оналар бунга жиддий эътибор беришлари шарт.

Чап томонимда ўтирган одам мендан секингина сўради:

— Зиёфат қачон бошланаркан?

— Билмадим, — дедим. — директордан сўранг.

— Директор ким экан?

— Билмадим... Рўпарадаги уччала одам ҳам келбатидан директорга ўхшайди, — дедим.

Ёнимдаги одам рўпарадаги басавлат кишига мурожаат қилди:

— Жаноб директор, зиёфат қачон бошланади?

— Директор қани? — деб сўради басавлат киши атрофга аланглаб.

— Жаноб директор бетоблар, мажлисга кела олмадилар, — деди кўзойнакли аёл.

Ёнимдаги одам энди ундан сўради:

— Зиёфат қачон бошланади?

— Қанақа зиёфат? — деди аёл ажабланиб.

Ёнимдаги одам уялиб, жойига ўтирди.

— Вой бетамиз-ей! Уйга борганимда адабини бермасам бўлмайди. Бунақа аҳмоқ қиз калтакка лойиқми ё йўқми, ўзингиз айтинг? — деб сўради мендан.

— Бир нима дейишим қийин, қизингизнинг айби нима?

— У мени лақиллатибди. «Мактабда ота-оналар зиёфати бўлади, зиёфат пайтида мен рақсга тушиб бераман», дедди. Онаси ҳомиладорлиги учун келолмай, мени жўнатган эди.

Ёнимдаги ҳасратини бошлаган пайтда юпқа пайпоқ душмани бўлган қалин пайпоқли хоним гапга тушиб кетиб, даъвосини исботлай бошлаган эди. Айни дамда немис тили ўқитиш тарафдори ҳам тинмай сўзларди. Ким кимни эшитаётганини аниқлаш амри маҳол эди. Орқа томонда ўтирган йигит мендан аста сўради:

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман, бу ерда нима бўляпти ўзи?

Мен орқамга ўгирилиб, юпқа пайпоқ душманининг, футбол



душманининг даъволарини, немис тили тарафдорининг талабини эринмасдан тушунтирдим.

— Оббо! — деди йигит уф тортиб. — Бу ерга адашиб келиб қолибман. Мен касаба шўросининг йиғинига боришим керак эди, бу ернинг мактаблигини билмабман. Яхшиям сўз сўрамаганим. Энди бу ердан қандай чиқиб кетсам экан?

Сочига оқ оралаган аёл ўрнидан туриб, ҳаммани тинчитди-да, мақсадини баён эта бошлади:

— Жаноблар, бу мактабда камбағал оилаларнинг болалари ҳам билим оладилар. Олти юз етмиш ўқувчининг ярми дарслик сотиб олишга қурби етмайди. Биз ҳеч бўлмаса юз ўқувчини бепул овқат билан таъминлашни хоҳлардик. Биз бу борада сизларнинг ҳимматларингизга муҳтожмиз.

Бу гап бир хотиннинг сабр косасини тўлдириб-тошириб юборди. Шарт ўрнидан турди-ю ғазаб билан гапира кетди:

— Бу қанақаси! Худонинг берган куни ёрдам сўрайсизлар-а?! Қизим ҳар куни пул сўрайди. «Пул бермасангиз, мактабга бормайман, дугоналаримдан уяламан», деб хархаша килади. Мен сизлардан сўрамоқчиман: бу пуллар қаёққа кетяпти? Ҳар куни кимгадир ёрдам бераверамизми? Ёрдамнинг чеки-чегараси борми? Яхшиси, бир ойда шунча пул берасизлар, деб белгилаб қўйинг. Шунга қараб тўлайлик.

— Тўғри, жуда тўғри таклиф! — деб маъқулладим мен.

Оқ сочли аёл менинг хитобимга аҳамият бермай, пул ҳақида гапирган хотинга юзланди:

— Қизингизнинг исми — насаби нима?

— Гултан Яшоба.

— Ҳм... — деди оқ сочли аёл лабини қимтиб. — Учинчи «Б» синфида ўқийдиган Гултан Яшобами? Демак, гап бундай, хоним афандим: қизингиз таътилдан кейин фақат бир ҳафтагина мактабга келди. Шундан бери қорасини кўрсатмади. Биз сизни огоҳлантириб, хат жўнатган эдик.

— Нималар деяпсиз? Демак, мен ёлғон гапираётган эканман-да? Қизим кимларгадир ёрдам бериш учун мендан ҳар куни

пул сўрайди, — у норози оҳангда шундай деб ёнидаги хотинга қараб давом этди: — Уйга ҳам келмайди. Қаёқда санкиб юради? Дадаси билан ажрашганмиз. Дадаси билан туради у...

Мажлисида ўттизга яқин одам иштирок этаётган эди. Ҳар бири ўзига хос муаммосини билдириш мақсадида каттиқроқ бақириб, бошқаларнинг овозини босишга ҳаракат қиларди. Оқ сочли аёл эса барчани инсофга чақиришдан бўшамасди:

— Жаноблар, бозор қилиб юбординглар-ку, ахир! Галма-галдан гапиринглар!

Инсофга кирган жанобу хонимлар тинчидилар-у сўз сўраб, бараварига қўл кўтардилар. Биринчи сўз навбати қарияга тегди:

— Мухтарама муаллима хонимлар, мухтарам муаллим жаноблар, — деб салмоқ билан гап бошлади у. — Биринчи бўлиб футбол ўйинини ким бошлаган биласизларми? Билмасангиз билиб олинг: жаҳаннам хизматчилари бўлган язидлар бошлашган. Ул малъунлар ҳазрати имом Ҳусайн бошларини танадан жудо қилиб, тепиб ўйнаганлар. Бу футбол ўйини ёшларни ўша бузукликка етаклайди. Футбол ўйнаш улуғ гуноҳ саналади.

Унинг эзмалиги шу қадар кўп давом этдики, ўтирганлар чидай олмасдан: «Бўлди қилинг, биз ҳам гапирайлик!» деб бақира бошладилар. Шундан сўнг басавлат жаноб ўрнидан туриб сўз бошлади. У ҳар икки болага бир нонушта беришни таклиф қилиб, бу борадаги муаммони баён этди:

— Шундай қилсак, камбағал оилаларнинг болаларига ҳиммат қилган бўламиз.

У таклифни амалга ошириш ғоят қийин масала эканини исбот этиш мақсадида қимматчиликда бировга яхшилик қилишнинг ўзи бўлмаслигини, сифатли сарёғ топиш қийинлигини, кўмир масаласи ҳам оғирлигини айта бошлаганда барчанинг тоқати тоқ бўлди. Бироқ, уни гапдан тўхтатиш осон бўлмади. Жойига зўрлаб ўткизиб қўйишса ҳам, жаврашдан тинмади.

Қарасам, бунақада менга гап навбати тегмайдиганга ўхшаб қолди. Шу сабабли шарт ўрнимдан туриб қичқирдим:

— Хонимлар ва жаноблар!

Мен мажлис аҳлининг диққатини тортиш учун гапни Насриддин Афанди латифасидан бошладим. Лекин латифа яримлаганда охирини унутиб довдираб қолдим. Лекин сир бой бермай:

— Воқеанинг нима билан тугаганини ўзингиз биласиз, тақрорлашнинг ҳожати йўқ, — деб латифани яқунлагандай бўлдим. Макссадга ўта қолдим: — Агар болалар имтиҳонлардан ўта олмай, иккинчи йилга қолишса, бунга муаллимлар эмас, ота-оналар айбдордирлар! — Мен гапга шунчалар берилиб кетдимки, тўхтатишга уриниб ҳам кўришмади. — Ота-оналарнинг болалари билан ишлари бўлмай қолди. Боласининг нечанчи синфда ўқишини билмайдиган отани нима деб аташ мумкин?

Бу гапимдан кейин ўқитувчилар карсак чалиб юборишди.

— Мажлисимиз чўзилиб кетди, қолган гапларни кейинги мажлисда ҳал қилармиз, — деди оқ сочли аёл.

— Фикримни яқунлаб берай, ҳали гапим кўп, — дедим мен.

Ижозат беришмади, лекин кетаётганимда муаллимлар менга раҳмат айтиб, иззат билан кузатишди. Мажлисдаги ишимдан қувониб қайтдим. Бироқ остона ҳатлашим билан хотинимнинг ғазаб ўқларига дуч келдим:

— Қаёқларда санкиб юрибсиз?

Соатга қарасам ўндан ошибди.

— Санкиганим йўқ. Ўзинг айтдинг, гапингга кириб, ота-оналар мажлисига бордим. Мажлис чўзилиб кетди. Менам гапирдим. Гапим ўқитувчиларга жуда ёқди, раҳмат ҳам дейишди. Қарагин-а, ота-оналар болаларининг тақдирига кизиқмай ҳам қўйишибди. Болалари бир синфда икки йил ўқиса ҳам парволарига келмайди-я! Яна ҳамма айбни бечора муаллимларга тўнкашади. Инсоф деган нарса йўқ ўзи буларда.

Хотиним гапимга маҳлиё бўла бошлаганда қизим хонасидан чиқиб, менга норози кифада қаради.

— Дада, нега мажлисга бормадингиз? Ўқитувчиларим мени яна уришишди, — деди лабини буриб.

Унинг гапи хотинимнинг тутаб турган ғазаб ўтига мой бўлиб сепилди:

— Ҳали уялмай-нетмай боланинг олдида ёлғон гапиряпсизми? Ярим кечагача аллақаерларда санқиб келиб, мени лақиллатмоқчи бўляпсизми?

— Қизим, ҳазиллашмагин, мажлисингга бордим-ку? Зўр гапларни гапирдим. Ўқитувчиларинг койил қолишди-ку ахир?!

— Дада, борганингиз йўқ. Келишингизни мактабда пойлаб ўтирдим.

— Унақа дема, кизим, гимназияннга бордим, мажлисда гапирдим.

— Дада, нималар деяпсиз?! Мен гимназияда эмас, Боязид лицейининг охириги синфида ўқийман-ку! — деди кизим йиғламсираб.

— Нима? — деб ажабланди хотиним. — Қанака лицей? Мен сени гимназияга ўқишга бсрувдим-ку?

— Ойижон, мени у ердан хайдаб юборишганига икки йил бўлди.

— Қанака аклсиз кизсан ўзинг! — деб бакириб юбордим мен. — Қаерда ўқишингни, қандай ўқиётганингни ота-онангга билдириб қўйсанг бўлмасмиди!

Вой, тавба! Қандай замон бўлди ўзи? Бу болаларга нима бўлган, тушуна олмаяпман...

\*\*\*

Учта сабзини тўғраб бўлгунча бу хикояни айтиб яқунлаб, Олтмишбойга қарадим. Олтмишбой ўйланиб қолган эди. «Ҳикоя қаттиқ таъсир қилибди-да», деб ўзимдан ўзим мамнун бўлиб сўрадим:

— Ўшанақа болалар бизда ҳам бормикин?

— Қанақа болалар? — деб ажабланди Олтмишбой.

— Ҳозир айтдим-ку?

— Узр, акахон, хаёл олиб қочибди. Гапингизни эшитмабман.

— Хаёл қаёққа олиб қочибди?

— Гуручни Холдор бетайин олиши керак эди, яхши тайинламабман. Агар «Кенжа» ўрнига «Девзира» олиб келса, ошни расво қилади...

## ПАЖАЛИСКА (Ёзғувчига мактуб)

Каминани йўқлаб онда-сонда бўлса-да, мактуб кслиб турадур. Телевидение идорасидаги мухтарам муҳаррирларнинг илтифоти ва ҳиммати ила ўзбек тилига доир мумаммолар хусусида берилмиш бир кўрсатувда иштирок этиб эдим. Не бахтки, бул суҳбат томошабин ўртоққа маъкул тушиб, у зоти мухтарамнинг кичкинагина мактубига арзибмиз. Ижозатлари ила мазкурни эътиборларига ҳавола этсам.

Биринчи мактуб будир:

«Хўрматли окахонла, бугун байрам баҳонасида беш-олти оғайни кампания бўлиб балдет қилиб ўтирувдук. Узбекский тил ҳақидаги передачани кўрдук. Ништяк гапларни этдийла. Нў, бир братан гапирганда кулоққа лапша осди. Ваабше койил эмасмиза унга. Ҳозир ўзбек тили государственний тилга полний ўтган-ку? Ҳаммамиза чистий ўзбекча гаплашишимиза керакми, абезательний керак. Ман бунақа болтунларни савсем ёқтирмийман. Ўша болтун братан «трамвайга ўтирдук», дейди. Бизани предкаларимиза «трамвай» дейишмаган, ўзбекчасига «кўнка» дейишган. Ўзбекчани чересчур яхши билмасанг, нима қиласан гапириб, одамларни настроениясини бузиб. Пачти ҳаммамиза шу мнениядамиза. Ҳаммамиза патриот бўлишимиза керак. Если ҳаммамиза все как один чистий ўзбеча гапиришга ўтмасак, минг старатса килайлук, ҳамма ишимиза капейка бўлиб қолади. Ман ўзбек тилига тўст этдим. Ҳамма ўзбек тили учун бир рядда бўлиши керак, орада биттаям места свободна қолмасин, дедим. Ҳамма до дна ичди. Силаям бизани паддержка қиласила, деб подписимни кўйдим. Ман Красний мост кварталидаги домда тураман. «Раджи золотой» десайла, ҳамма точна кўрсатиб бсради. Ок брюк билан позалоченний очки тақиб юраман. Билагимда циганкалардан ол-

ган браслетим ҳам бор. Бошпурт бўйича Ражабтилла Каримтиллаевичман. Гапимни яна битта добавкаси бор: сила билан отделна ўтириб, отдуши гаплашмоқчиман. Соғласна бўласила, силага неудобна бўлмайди, деган мнениадаман. О, кейми? »

Дилни ўртаб юборгувчи бу мактубга жавобимиз тайин:

— Нима ҳам дердик, пажалиска деймиз-да...

Иккинчи мактуб будир:

Хўрматли окахон, почерким чў-та сизга знакомий бўлса керак. Олдин ҳам сизга ёзганман. Ман хар куни телевизорда астрологический прогнозни эшитаман. Чў-та чистий ўзбекча прогнозлар бўлмайди. Короче, мандаям астрологический данийлар бор. Биотокларим бор. Буни Топорикдан сўрасангиз у точно подтвердит этади. Унинг настояший оти Болтавой. Биза културний қилиб, Топорик деймиза. Шу Топорик бошқалар билан ичса, икки бутилкага ҳам кайфи ошмайди. Мен билан четвертак ичса ҳам балдет қилиб қолади. Биотокларим мошний-да! Короче, янги йилни встречат қилиб ўтирибмиза. Ҳамма эртага қанақа случайлар бўлиши мумкин деб башкасини қотириб ўтиради. Ўзбек окахонларга чистий ўзбекча прогнозлар керак. Шу прогнозни айтишга ўзим старатса қилмасам, бошқа патриотлар йўққа ўхшийди.

Энди, мана, отдихдан кейин понеделник бошланадими? Мучали ит бўлган братанлар учун бу оғир кун считается қилади. Чунки понеделникда хўжайинлар собачий настроенияда бўлишади. По этому ишга заранес бориш керак. Тўғри, иш бўри эмас, ўрмонга қочиб кетмайди, но зато начальник звср, деган пословица бор. Понеделникда магнитний буря бўлмайди. Бошингиз оғриси, дори-пори ичманг. Пешингача ишга сквозь пальца қаранг. Икки кунлик отдихдан кейин сразу ишга киришиш дурной привичка бўлади. Обедгача у ёқ бу ёқдан балтат қилиб, обетда бирон молодойни супермаркетга чиқаринг. Пивоми, виноми топиб келсин. Понеделникда водка ичманг. Водка желудкага оғирлик қилади. Желдукасида язваси бор братанлар азгина спирт ичиб юбора қолсин. Понеделникда хўжайинларнинг заседанияси кўп бўлади. Шунинг

учун обеддан кейин ҳам ишламанг. Кечқурун пивнушкада закускасиз юзта-юзта қилиб, по домам кетиш керак. А то хотинлар терингизни шилиб, сосиска қилади.

Вторник куни деловой партнерлар билан встречани обеддан бир соат олдин назначит қилиш керак. Шунда иш ҳам битади, обед пули ҳам ёнга қолади. Обедгача бўлган встречада ишнинг ярмини договоритса қилиб, қолган половинасини кечга ўтказсангиз, ужин ҳам экономай бўлади. Ужинда шампан ичманг, желудканинг кислотасини ошириб юборади. Агар деловой партнернинг кармони битий бўлса, до победного конца коньяк ичаверинг. Язвангиз бўлса ҳам қўркманг, «текин коньяк организмни чистий қилади», деган пословица бор.

Среда куни қизлар билан свидание назначит қилишга удобно бўлади. Свиданияни обеддан кейинга назначит қилинг. Қиз ақлли бўлса, ужингача уйига кетади. Шунда ортиқча расход бўлмайди.

Четверг куни осторожнароқ бўласиз. Сизни обедгача неудача кутади. Обеддан кейин эса ишингиз ништяк бўлади. Агар четверг куни ишингиз ништяк бўлолмаса, пятницада начеку туринг. Сиз шу куни добрий одамлар билан столкнутса этасиз.

Суббота, выходний кунлари ишга борилмайди. Деловой партнерлар билан ҳам учрашмайсиз. Менинг прогнозимни мазза қилиб эшитиб, одихат қилинг. Прогнозимнинг давомини кейин яна отпавит қиламан.

Изоҳ: Ажабки, бошқа мактуб олмадик. Узункулоқ гапларга қараганда, дўстимиз Ражабтилла, яъни Раджи Золотой энди мистер «Раджи Голд» имзоси билан чистий инглиз тилида японияликлар учун «прогнозлар» ёзаётган эмишлар. Омадларини берсин.

## АШУЛА БОЗОРИ ҚАЙДА?

Бўрининг бир юмалаб қўзичоққа айланганига инонасиш-ку, тунда уйкуга берилмиш баққолнинг тонгда ёзғувчи келбагида уйғонмоғига нечун ишонмайсиз, садағанг кетай? Тушимга Жулкунбой хазратлари кирсалар, айб кимда бўлур? Баққолликдан топгон-тутғоним «тирикчилик» аталмиш шалоқ аробани юрғизиб турғон эрди. Субҳи козибда уйғониб, ёзғувчиликни касб этарман, деб ўйламағон ҳам эрдим. Гапнинг пўскаллеси шулки, аковси жонидан, бир туш кўрдим, тушимда бозорда ўтирғон эмишман. Ул зот келдилар-да: «Мен — Жулкунбойман», — дедилар. «Ассалому алайкум, тоғажон!» — деб юбормайманми! Ул зот дедиларки: «Тўғри айтдинг, агар бирозгина ўғайлиғим эътиборға олинмаса, мен сенға ўн олтинчи ёки ўн еттинчи бўғинларда тоға бўлурман. Сенинғ томирингда, бола пақир, ёзғувчиларнинг қони оқадур, билиб қўй. Бу қонни бекорға исроф қилма. Оч, оғзингни!» Мен оғзингами очдум, Жулкунбой тоғам тупурдилар. Уйғонсамки, нақ ёзғувчининг ўзгинасиман. Аммо нимани ёзаман? Сизға ёлғон, эгасиға чин, ўзбак ёзувидағи харфларнинг ярмидан кўпроғини билурман. Пирингдан акағинанг айлансун, ёзғувчи бўлишға шу старлидир-а, лаббай?

Шаклу шамойил масъаласида бошқалардан камчилиғимиз йўқ. Онам раҳматли кад-коматимға қараб, «Сендан бир балогина чиқиши аниқ», — дердилар. Бўйим Вали кизик, эним Шукрулло масҳарага якин. Шуларға қараб каминаға кийим бичаверадилар. Ёшимни асти сўраманг. Бошпуртдағиси ғирт ёлғон. Пенсаға вохли чикғайман, деб ёздирганман. Отам раҳматлининг айтишлари-ча, Толиб бедарвозанинг қисир сигирини трамвай уриб кетган йили туғилгон эканман. Ойма-ойига ҳисоблаганда, ўттиз иккинчи апрелға тўғри келаров...

Қўшнимиз Абдумалик аканинг ўғли у-бу ёзиб юради, дегонлари қулоғимға чалинувди. Шу боланинг бўйи бескорға узунмасдиров, деб маслаҳатға чиқувдим, барака топгур, «билган харф-



ларингиз бирлан дунёни забт этарга кодирсиз», — деди. Ана! Худойим менга бериб кўйган экан-ку, илмимни хор қилиб юрган эканман-да. «Бўйларингга аканг қарағай, нимани ёзай?» — деб сўровдим, «Ашула бозоридан рипортаж ёзинг», — деди. «Рипортажинг недир, оковси?» — дедим. «Ашула бозорини узунасига ҳам, кўндалангига ҳам кезиб чиқиб, мактовини келиштирасиз», — деди. «Халолидан бўлсин, рипортажингнинг ҳақиға уч-тўрт кило гўшт берадимми?» — дедим. «Мақсад гўшт бўлса, ашула ёза колинг. Ҳозир ашуланинг бозори чаққон» — деди. «Маслаҳатинг дуруст бўлди. Мендай одамга битта рипортаж чикора? Ашуланинг пулига гўшт олсам, рипортажникига пиёз-миёз оларман. Энди... ўзингдан қолар гап йўқ, исмимни биласан, жаранги тайинсизроқ. Бошқа исм қўя қоламизми?» — дедим. «Ёзгувчилар тахаллус қўядилар, сиз энди «Жўрж» бўласиз», — деди. «Жўрж»инг нимаси, мен немисманми?» — дедим. «Жўрж» немисча эмас, «Жулқунбойнинг Ўгай Рамакижон Жияни» дегани», — деди. Буниси менга маъқул бўлди. Бакқоллик дўконини ёлиб, ёзгувчилик супермаркетини очдим-у рипортаж ёзмокқа белни маҳкам боғлаб, «Ашула бозори қайда? Эшак аробани ҳайда!» — деб йўлга тушдим.

Ашула бозори бизларнинг бозордан бошқачароқ эркон. Биз бозоримизда сара мева, сара молларни соғамиз. Худойим лақма харидорларни йўлиқтурса, пачокларини аралаштириб юбормаган — номард. Алдов бўлмаса, бозор — бозорми?! Ашула бозорда-чи, ҳа, болагинангдан айланай, менинг пойи қадамим ёқибдимми, нуқул гўру думбулллар йиғилибди-я! Аммо дабдаба катта:

Келди ғойибдан бир садо:

«Ашула бозорига мархабо!»

Овозларингдан акагинанг айлансин, бунда битта ҳам пачок ашулачи йўқ бўлса-чи! Биттаси Куёшу, биттаси Зухро! Простойлари йўқ ҳисоб. Дилбузорга чикқанда тузук қарамагон эрканман, бир бачо тушмагур сахнада қора марожний яляптими, десам, ёнимдаги уккикўз дакки бердики, кўлидаги марожний эмас, микрофун. Фаҳмим етгани шу бўлдики, бу бачолар микрофунни қўлдан кўймас эрканлар. Ўйладимки, чақалоқ эрканларида кин-

диклари кесилгану тўғри ўша микрофунга улангандир. Уларнинг шиорларига беш кетдум: «Жон кетса кетсун, микрофун кетмасун!»

Ана тамоша-ю мана тамоша! Бўйгунангдан аканг қарағай айлансун, дейман. Йигит бўлса шунчалик бўлар. Турган жойидан жилмайди-ю омма орқа томонидаги юмшақ ерини елпуғучдай ўйнатаверади. Отам замонидаги майда қадамлар ҳам бунчалар майин-майиз бўлмаганов. Юришларига ҳам беш кетдум, дейин, десам, юра қолмаса. Хомкаллам айтдики, бу бачолар юрмайдургон сўртидан, саҳнага чиққану панжаларидан тахтага михлангон. Йўғ-а, хомкаллам алдабди. Маладес-е, михланмагон эркон! Юриб-юриб чиқиб кетди. Сўнгида бир париваш чиқдики, кўйлагининг ярмини хаптобус эшиги қисиб, йиртиб қолганов дедим. Ажабтовурким, нозик жойларига хушим кетуб, ашуласи кулоғимга кирмади. Омма чирмандакашига рашким кетди. Кўп қаради ғаркўз. Агар билла кетса, бир парса бўларов дейман. Паривашлардан яна бириси шим кийиб чиқди-ю кўнглим алағда бўлиб кетди. Куфрингдан кетай! Шим деганнинг болдирни тараиғ тортиб тургони майли, калдирғочнинг қанотидай қайрилиб тургон лозимчасининг кўрингони ҳам майли, омма париваш деганларининг киндигига кўзим тушмаганига кўп йиллар бўлдиёв...

Дунёдаги куйганларнинг бариси шу ашула бозорида экан. Бириси «Кстаман», — деб куйдиради, бириси «Тегаман!» деб кўрқитади, яна бириси «новвот чой қилиб бераман ичсангиз, тиззамдан жой бераман келсангиз», — деб нолиш қилсами! О, шўргинонг курғур, тиззага ўлтурадургон хушторининг совуғи ошуб кетган эканми, новвот чой қилиб, аввал иситиб олса. Шолим беданавоз дердики, «бедананинг эркаги сайрайди!» Ашула бозорига беш кетдим, эркак-мода аралаш сайрайверар экан.

Кўтара савдоси қайда-ю чакана савдо қайда бўларкин, деб бошимни қашиб турганидим, ким ошди савдо бошланиб кетди:

Хаёлимни олди сўлим,  
Эшакка урдим тўким,  
Қўшним сўйибди сўким,

Таралла бедод ялла.

Ана бозору, мана бозор! Ким ошмади, ким тошмади. Ким улоқни олди. Ким пулни чўнтакқа солди. Вей, Жулқунбой ўгай тоғам оғзимга бскор тупурмагандир, деб мен ҳам битта ашулани тўкиб юбормайманми, бозорга солмайманми?

Ачом-ачом қиласиз,

Офати жон суясиз.

Бемаза қовун уруғини

Энди пачўм қиласиз?

Ана савдо-ю мана савдо! Бир шоирнинг рипортажини эшитгандай бўлувдим. Нима эди? Ҳа: «Ашулани саклабон нетгумдир охир, бозорга чиқориб сотгумдир охир!» Йигирма уч йил баққоликда юруб, бунчалик савдо қилмовдим. Илҳомим жўшуб кетуб: «Ошқозонга ош керак, ашула ёзишга бош керак!» — деб юбормайманми! Ана қарсак, ана дабдаба! Абдумалик аканинг ўғли библиб айтибди, билгон ўн бешта ҳарфим билан шунча мартабага стибман, ҳамма ҳарфларни билсамми!.. Дунёни олмоғим тўғрига ўхшаброк турибди, кўзгинангдан аканг қарағай!

Бугунча етар дейманов. Ҳозирча ашула бозоридан олгоним рипортаж шугинадир. Газнитдан оладиргоним пулгинадир. Ашулага етмайдиргони — тузгинадир.

Айтиб турғувчи: ЖЎРЖ

ЖЎРЖ тоғанинг бисотидаги ўн беш ҳарфни ўттиз иккига айлантириб, оққа кўчирувчи Абдумалик ўғли Тоҳир.

## МАЛАДЕС ҚИЗЛАР

Фельетон ёки ҳажв деб ўйламанг, мазкур баён ўзини Жулкунбойнинг ўртанча жияни деб ҳисобловчи, ёзгувчиликка ҳавасманд кўшним билан каминанинг чойхонадаги кундалик гийбатларидан бир шингил холос.

Ҳой, болангдан айланай, ман на дейман-у кўбизим на дейди? Раҳматли отанг Абдумалик ака бунақа эмасди, мўмингина эди бечора. Ҳадеб нолийверасанми, номардгина! «Ёшлар унақа», дейсан — минғирлайсан, «қизлар бунақа», дейсан – войвойлайсан. Ҳамма даъволаринг бекор, ўзбекчасига айтганда «капейка»! Ёшларимиз меравой, қизларимиз маладес – шундан бошқа гап йўқ! Айбнинг додаҳўжаси ўзингда. Кеча чойхонада Солининг носидан отиб олгандан кейин нима дединг? «Уятсиз қизлар калта юбка кийяпти», дедингми? Аслида қизлар эмас, ўзинг уятсизсан. Ёшинг олтмишдан ошиб, сочингда битта ҳам қора тола қолмаган бўлса-ю яна қизларнинг юбкасига тикиласанми, кўзгинанг тешилмагур! Бунақа юриш сенга эмас, бўйдоқ йигитларга аталганига ақлгинанг етмайдими, галварс! Калта кўйлак кийган қизларни кўрмаган йигит никоҳ кечаси талвасага тушиб қолмасин, унгача кўзлари пишиб турсин, деган яхши ниятда сонларини кўрсатиб юришади.

Сен минғирласанг минғирлайвер, аммо мен маладес қизларимизга беш кетаман. Бизнинг қизлар ҳамма томондан маладес. Галвирда қайнатма шўрва пишириб берадиган қизларга қойил қолиш керакми ё йўкми? Шундай қизни келин қилган хонадон магазиндан туз сотиб олиш ташвишидан бутунлай қутулади-ю пешоналарининг шўрига бодринг тузлаб юраверади. Бозор иктисоди деган замонда шунақа келинларнинг бозори чакқон бўлади. Узун кўйлак киядиган қизларнинг сепига ўнга кўйлак учун камида ўттиз қулоч мато сотиб оласанми? Калта кўйлакка бир қулоч олсанг, ўттизта кўйлакка етадими? Агар битта шим олиб берсанг, пенсага чиққунича кияди. Қойил қолиш керак, тиззалари-ю думба то-

монлари шилиниб, титилиб кетгунича кияверади. Шим тор келиб қолмасин, деб қоматини пенсага чиққунича бир хилда сақлайди. Кенг кўйлак киядиганларни қара-чи, битта тукқанидан кейин семириб, эрининг кучоғига сиғмай қолади.

Ҳой довдир, сен билиб-билмай вайсайвермагин. Киндигини очиб кўйган бўлса нима қилибди? Бор эканки, кўз-кўз қилиб кўйибди, йўқ бўлса нимани кўрсатарди? Димоққинангга қурт тушгур, гапиришдан олдин ўйлаш керак. Маладес қизларимиз бир иш қиладиган бўлсалар, ўйлаб, фойдаси бўлсагина қиладилар. Сен киндикларини очиб юришларини гапираверсан, гапираве-расан, «шамоллаб қолишади, бепушт бўлиб қолишади, фарзанд доғида ўтишади», деб хавотирланасан-а! Бу ёқда муҳимроқ ма-сала турибди. Сен мендан «Нега киндикларини очиб юришади?» деб сўрагин, мен сабабини тушунтириб берай. Сўрадингми? Энди эшит: бола онанинг қорнида қандай овқатланади? Шу киндик орқалими? Ҳа, тузук, ҳеч бўлмаса шуни билар экансан. Маладес қизларимиз ҳам билишади. Нодон йигитлар эса билишмаса керак. Шулардан биттаси қизлардан «онангнинг қорнида қандай тирик-чилик қилгансан?» деб сўраб қолса, узун кўйлакли қиз бечора нима қилсин, кўчанинг ўртасида этагини кўтариб кўрсатсинми? Шу саволни куёв бола тўй пайтида сўраб қолсами? Келинни кий-интирадиган янгалар шу нозик масалани ўйлашмаяпти. Келин бола тўйгача кўчада қандай юрган бўлса, тўйда ҳам киндигини очиб ўтириш шарт. Ақлли одам нозик саволга нозик имо билан жавоб қилиши керак.

Вой, дардингни олай! «Қизларнинг қулоғига гап қирмайди» дейсанми? Худо маладес қизларнинг қулоғини гап қириши учун яратганми? Қўйсанг-чи, бунақа тузсиз гапингдан кўнглим айний-диган бўлиб қолибди. Маладес қизларнинг қулоғи гап учун эмас, тилла-ю жавоҳир зиракларни кўз-кўз қилиб тақиб юриш учун яра-тилган. Сен мард бўлгин-у маладес қизларга тан бергин. Олдин-ги хотинларда фаросат етишмасди. Эри эриб кетиб икки-уч жуфт зирак олиб берса, бир ҳафта биттасини, иккинчи ҳафта бошқа-сини тақиб юрарди. Маладес қизларимиз қулоқларининг уч-тўрт

сридан тешдириб олишдимми? Бирданига тўрт жуфт зирак тақиб юришса ёмонми? Зираги беш жуфт бўлса, ота гўри козихонами? Минг марта қойилман, буринни тешиб, тақиб юришибди-ку? Танги бўлсанг, олиб беравер, ўн жуфт тилла зиракка ҳам жой топишди. Лабга тақиш мумкин, бетга такса ҳам бўлади. Яна тили ҳам бор. «Тилга зирак тақиб бўлмайди», дейсанми? Овқат сая олмай-димми? Йигитлигингда от минган эдинг-ку? Ем беришдан олдин отнинг оғзидан сувлигини олиб қўярмидинг. Маладес кизлар ҳам тилларидан зираklarини олиб қўйиб, маишатларини қилаверади-лар-да. Яна... айтсаммикин ё айтмасаммикин... Хуллас, бир-икки йилда кўкраklarини очиб юриш урф бўлса, ана унга ҳам балдоқ тақиш мумкин. Балдоқни кўкрак! Қари бўлсанг ҳам майли, бир тасаввур қилиб кўр-чи, этларинг жимирлашиб кетдимми? Нима дединг, қайтар-чи? «Гап у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади» дейсанми? Ҳеч ундай эмас. Гап дегани маладес кизларнинг иккала қулоғидан кириб оғзидан чиқади. Шунинг учун ҳам гапга чечан бўлиб кетишяпти-да. Сен билан мен ёшлигимизда қизларга гап отсак нима бўларди, улар уялиб, ерга қарашарди, сен билан мен эсам кўкракни кериб тураверардик. Маладес кизларга гап отган йигитларга қарагин. Битта гапиради-ю мингта жавобдан гангиб, сичқоннинг инини минг тангага ижарага олиб кочворади. Менга битта олим одам айтди, маладес кизларимиз тил хазинамизни ҳам бойитиб ташлашибди. Гап отган йигитларга қараб «Ў ҳариф, қулоққа нега лағмон освотсан, дуҳинг етадимми ўзи!» дейишларининг ўзиёқ бебаҳо экан. «Ҳариф»нинг ўрнига «қозёл», «тўнка» «чучмек»... дейишса, бойлик устига бойлик-да! Эртага биттаси ўша «қозёл»га, иккинчиси «чучмек»ка эрга тегса, у ёғини тўйдан кейин келишиб олаверипади. Мана шунака қизлар келин бўлганида гап гапирган қайнонасини иягидан илгакка осиб қўя қолади. Бу ҳам қони фойда! Келинига кам гапирадиган қайнонанинг умри узоқ бўлишини дўхтирлар айтишган. Хўп, битта даъвоингга қўшилаё: уларга гапириш керак, улар қатталарнинг гапларини қулоққа олишлари шарт. Лекин бунинг учун Худодан сўрашимиз зарур, маладес қизларимизнинг пешонасигами ё

бўшроқ бирон еригами яна битта кулоқ ишлаб берсин.

Юзларига уна чаплашларини айтгяпсанми? Буни гапирмасанг ҳам бўларди. Бу ҳам сиёсий, ҳам халқаро масала. Фарангистондами ё Хитойдами ишлаб чиқарилаётган сифатсиз упалар-у лаббўёқларни бизнинг маладес қизлар сотиб олиб, чаплашмаса ким сотиб олади? У ёқдаги фабрикалар тўхтаб қолса, ишсиз кўпайса, бизга иснод эмасми? Уларнинг олдида уялиб қолмаслигимиз учун бўёқларни икки хисса кўпайтириб чаплаш керак. Нима дейсан? Ҳа... тўғри айтасан, шунақа чатоқ томони ҳам бор... Кечкурун афтидаги бўёқларни ювиб ташласа, арвоҳбашарани кўрган эр кўрқувдан жинни бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун бўянадиган қиз-жувонларнинг юзларини ювишни таъқиқлайдиган қонун қабул қилиш керак. Яна нима деяпсан? Қўй, энди бу ёғига ўтма. Эр жонивор хотинининг юзидан ўпмаса, ўпмабди. Озгина қийналади-ю, кейин кўникиб кетади. Нима? Э, йўқ, «хотинни юзидан ўпмасин», деган қонун чиқариб бўлмайди. Орада шайтон бор, қонунни бузиб қўйса, эр балога қолади. Бу ихтиёрий масала!

Маладес қизларнинг чекишларига осилаверма, сен бола! Оврупода чекишга қариши кураш кучайиб, ҳамма чекишни ташлаётганда сигарет саноати нима қилсин? Тарозининг бир палласи бўшаса, иккинчи палласи босиб туради. Шунақа бўлгандан кейин чекадиган қизларга балли, деявергин.

Кўзларингга беш кетдим! Маладес қизларнинг билагидаги аждар суратини ҳам кўрибсанда, а? Ваққос ака пошиетни инига кирғизвориб, урушдан қайтганида бармоқларидаги «Ваня» деган сўзни ҳам биринчи бўлиб ўзинг ўкиган эдинг. Билагига аждар суратини солишса, маладес қизларимизни айблама. Бутун дунё қизлари билагини-ю бошқа жойларига аждар суратини солиб юрганида, бизникилар қурбақаникини солдиришсинми? Шу масалага келганда эсинг пастлиги сезилиб қолди. Ўйлаб қарагин: бир билагига аждар, иккинчисига бўғма илон суратини туширган қизни тўхтатиб, гап отишга юраги бетлайдиган ўғил бола борми биз томонларда? Яна ўйлагин: келинсаломдан кейин маладес келинимиз кўлига супурги олганида билаклари очилиб, қайнонанинг кўзлари аждар суратига тушиб қолса... Супургини келинпош-

шанинг қўлларидан олиб, хизмат килишни бошлаб юборганини кайнонанинг ўзи ҳам сезмай қолар? Билагидаги аждар ўт пуркаб турганда қайси эр хотинига бир нима дейишга журъат этади? Билакда аждар борми, демак, оилада қайнона-келин жанжали йўқ, эр-хотин машмашаси йўқ. Оиланинг хотиржамлиги учун яна нима керак? Менга қолса «Ҳамма хотинларнинг билагида аждар сурати бўлсин», деб қонун чиқариб қўярдим. Тўхта, сен ховликма, кампирингнинг бужмайган билагига юзта аждарнинг суратини туширсанг ҳам, энди фойдаси йўқ. Вақт ўтган...

Йигит билан қизнинг куппа-кундузи, ҳамманинг кўз олида ачомлашиб юришларидан ғашинг келдими? Қариганингда яхши билан ёмоннинг фарқига боролмай қолибсан. Қоронғида, пана-панада висир-висир килиб ўтиргандан кўра, шундай юргани минг марта яхши-ку! Эҳтимол кўчада биронта таниши ё қўшниси кўриб қолар. Қувониб кетганидан қизнинг уйига суюнчига югурар. «Қизингиз суқсурдек йигитни бўйнидан боғлаб, кўчада ит етаклагандек етаклаб юрибди», деса отасининг қанчалик фахрланишини ҳисобга олмайсанми?

Сочларини бўяшларини умуман тилга олма. Эрнинг шухрати нима билан ошади? Кўп хотин олиш билан. Кимнинг хотини кўп бўлса, ўшанинг чойхонадаги мартабаси ҳам баланд. Ҳозирги йигитлар битта хотинга қаноат қилишяптими? Унда обрў, шон-шухрат нима бўлади? «Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотинми?» Эрга тегаётган киз соч бўяшни ўрнига қўйса, бас, куёв боланинг бахти чопибди, деявер. Бунақа хотин бир ҳафта давомида коп-қора сочда юрадими? Иккинчи ҳафта қарасанг, бахти чопган эр сарик сочли жонон билан кетяпти. Кейинги ойда қизил сочли. Ия, бу лочининг учта хотини бор экан, деб ўйлаб тан берасанми?

Сенинг бир янгиликдан хабаринг йўқ. Агар болалигингда жуғрофия ўқиган бўлсанг, ер юзида Африко деган қитъа борлигини биларсан. Худо қора-қура бандаларининг ҳаммасини шу ёққа ташлаган. Осмондан ерга тушаётганида ярмидан кўпининг кийими булутларга илашиб қолгани учун ерга яланғоч тушиб, шундайлигича қолган. Оврүпода гўзаллар кўриги бўлишини



эшитгандирсан. Ўша Африқода яланғочларнинг дунё кўриги бўлди. Бизнинг маладес қизлардан иккитаси ҳам бориб қолган экан. Уларнинг юриш-туришини кўриб, яланғочларнинг ҳаммаси уятдан қочиб қолишибди. Бунга ҳам қойил эмасмисан? Ҳа, қариганингда ичи қора бир маҳлуққа айланибсан.

«Ўзинг ҳам қизларга кўп қарайдиган бўлиб қоляпсан», дедингми? Ҳа, қарайман-да. Лекин сенга ўхшаб суқланиб тикилмайман. Менинг карашим — илмий караш. Биласанми, Худо одамни тупроқдан яратган-а? Хотинларни-чи, нимадан яратган? Билмасанг, билиб ол: хотинларни эрларнинг чап қовурғасидан ясаган. Ишонмасанг, кўкрагингни очиб чап қовурғангни сана, битта кам бўлмаса башарамга тупур! Маладес қизларга карашимнинг сабаби ҳам шунда: «буларнинг қайси бири менинг қовурғамдан яралган экан?» деб қарайман. Худога шукур, буларнинг орасида менинг қовурғамдан яралгани йўқ. Воҳ! Бу гапинг тентакона бўлди-ку! Қайтар-чи! «Бу қизлар одамнинг эмас, бирон уятсиз ёввойи маҳлуқнинг қовурғасидан бўлган» дедингми, а? Бу гапни менга айтдинг, бошқа ерда лақиллаб юрма-я! Ёввойи маҳлуқлар устингдан Худога арз қилса, балога қоласан.

Кел, қўй, бугун иккаламиз ҳам жуда-а, айнидик. Гапдан кўра, атрофга маза килиб қарайлик, кўзларимиз завқ олсин. Ана, анави қизни кўряпсанми... факат киндигига карама, гуноҳга ботасан. Нега кўзингни юмиб олдинг, дунёнинг лаззатини билмайдиган гирт аҳмоқ экансан-ку, а?

ЖЎРЖ тоғамизнинг ҳангомаларига бир сўз қўшишга ҳам, ёинки олиб ташлашга ҳам ҳаққимиз йўқ. Нима деган бўлсалар, қоғозга беками-кўст тушди. Лаънат тошини отмоқликни истаган қизлар ЖЎРЖ тоғамизни бораверишда ўнг томондаги чойхонанинг бир оёғи синган сўрисидан топадилар. Хангомага жиндеккина изоҳ лозимга ўхшаб қолди: Ўрислардаги «Маладес»сўзи бизда «мард»ни англатади, ўзбекчасига «ўғил бола» ёки «эр йигит» дегани. Чойхонадаги ҳангомани айнан қоғозга туширганимиз сабабли «маладес қиз»ни ҳам ўзича олавердик, деб имзо чекавердим.

## ИНТЕРНАСИОНАЛ ЁЗУВЧИ

Вой, вой, бўйгинангдан айланайин, Абдумалик аканинг ўғли! Ағимдан туртиб, бағимдан туртиб, ахийри ёзғувчиликка ҳам ўргатдинг-а! Кўринмай қолдийиз, қай гўрларда санқиб юрибсиз, дийсанми? Омма, сан бола бағоят золим экансан. Бир сўз ёзсам, «ўхшамабди», дийсан. Ўхшаганини ёзсам, «Тошканча гапирворибсиз, адабийчасига бўлсин», дийсан. Ҳай, шу найнов боладан бошқа устоз қуриб кетибдими, дедим. Ўйлаб қарасам, ўзимнинг домимда бир эмас, иккита теппа текин, устоз бўлганда ҳам устозларнинг хўррози бор экан. Кулма, санам текин устозсан-у омма хўрроз эмассан. Ёзганларимни ўқиб, курк бўғон товукқа ўхшаб, хурпайиб оласан. Мани сира-сира тан олгинг кемайди.

Домимдаги текин устозларнинг ман билан ишлари йўқ. Ҳа-да! Ичинг пишмасин, уларнинг кимлигини айтаман, эшит: бири «радиё» отлиқ шохли қутича-ю иккинчиси дилбизор. Хўп, сен айтганча бўлақолсин – телевизор! Энди бу ёғига гапимни бўлмай эшит:

Бир ой кўчага чиқмай, алардин сўз ўргандим. Билдимки, сани талабларинг ўзинг тўқиган чепуха экан. Охирги учрашганимизда «оқшомда юлдузлар чарақлар эди», деб ёзсам, мани калламни оғритдинг. «Оқшом шом қоронғусидан олдинроқ бўлади, юлдузлар хуфтонга якин кўринади», деганинг эсингдами? Ўша куни уйқум қочиб, радиёнинг қулоғини бурагандим, барака топкур, бир йигит манга «хайрли оқшом» тилади. Соатга қарасам, салкам ўн икки. Радиё бир нима билмаса, гапирмийди. Ярим кечада оқшом бўлишини улар санданам яхшироқ билар дийман, а? Уйқучилигингдан хабарим бор. Телпон қилиб, би-ир авра-астарингни ағдармоқчидим, отангни арвойини хурмат қилдим.

Сан, бола пақир, нуқул « зўр ёзғувчи бўламан десангиз, тошканча ёзманг, тошканча гапирманг, «вотти-вотти»нгизни йиғиштиринг, адабийчасига бўлсин», деяверасан. Ўзинг ҳеч дилбизор кўрасанми? Аччиқ ичакдай чўзиладиган киноларни кўрмийсан шекилли? Мексиканими ё қарисларними киносини кўрсанг, ман-

га бунақа дурной даъволар қилмасдинг.

Ман мазза қилиб кўраман. Мана, охиргиси: карисларнинг подшо-си «Қорним оғривотти», деса вазири «Ҳозир вазири аъзам келобти», деб овутди. Табиб келиб: «Ҳоким тўра, ман сиза дору олиб келут-тим», деди. Ўшанда лашкарбошиси аскарига «Ҳой, аққа-баққа қараб турларинг битта папша учиб ўтса, нақ яйиб талайман. Ҳой анқайма, сен тозза ифлос экансан-ку!» деб сўкиб қолсами. Яхшиям ошнаси ёнида экан «Ёшулли, бизар бу нодона жазо беражакмиз», деб тин-читворди. Шунда билдимки, карисларнинг подшоши асли тошканли экан. Саройига бухороли, анжанли, хоразмли кетворган жигитларни тўплаб олганакан. Ҳозирги карисча мошинларни ашиларнинг ба-чалари жиғориб юрибдиёв, дедим. Аши подшонинг бир секритори бор эркон, қоғозни олиб: «Шуйтиб, тарихга не деб ёзурмиз? Қорин оғриғи бағоят тарихий аҳамиятга молик эрур», деб қолди. Энди ёзишга уннаганида подшонинг укаси кеп қолди. «Братан, не ўлди бу корин жанварга, бовурларга телпон-милпон эттурмак керак», деди. Омма, бу бачанинг асли қаерлик эканини билмадим. «Братан» дей-иши тошканча-ю бошқа сўзлари интернасионал. Кинога қараб ўл-туриб карис подшога ачиндум. Кўлимдан кеса, ўзимизнинг хоразм-ли қизни шартга юборардим. «Тиззамга ўтқазиб, новвот чой қилиб бераман», деб бир хиргойи бошласа, қорин оғриғи момент тўхтар-ди. Жа бўлмаса, ўзимизнинг Юлдуз бориб «Қоши қора, кўзи қисик кизгина», деб бир ишва қилиб берса, подшо жонивар ҳам ўрмалаб қолармиди...

Кариснинг киносидан кейин бир бонка кату ичувдим, Мек-сика киноси бошланиб қолди. Аслида карисникидан кўра ўша Мексиканикини яхши кўраман. Қизларига қараб кўз тўяди-да! Ҳаммасининг кўйнаги тиззадан тепасида, киндиги очиклари ҳам анчагина. Кўкракларининг тепаси қозоқнинг хуржунидай осилиб туради. «Кўрмо бор-у емо йўк» дегани билан, кўрмонинг ўзи ҳам кўзга дармон бўлувлади. Шунақа кинолардан кейин қоронғида пул санасам, юзталиини мингталийдан аниқ ажратаман. Хуллас, Мексикадаги бир хурилиқо жазманини «бир пиёла қаҳва ичинг», деб таклиф қилди. Сан буни хато девотсанми? Қалта ўйлаётсан,

сан бола. Ахир ҳозир савдогарларни кўли ҳамма ерларга етвотганими? Риштонли бир бача Мексикага сопол пела олиб бориб сотган бўлса на дейсан? Ё бўмаса, ўша хуриликнинг ўйнаши Тошканинг манга ўхшаган крутой йигитларидан бўса-чи? Ман ўтган замонларда пойизга чиксам, йўлхалтамга пела солволардим. Ўша йигит ҳам пела олиб бориб, кейин эсидан чиқиб қоғондир.

Америкача кино кўрвотувдим биттаси иккинчисига «Онангни Учқўрғондан кўрсатаман», деб дағдаға қиб қосами! Тошкан атрофида Оққўрғон борлигини биламан. Икки марта илик ёғи обориб сотганман. Ёғга нима аралаштирганим билан ишинг бўмасин. Оборганманми – оборганман, сотганманми – сотганман. Фойдага қолган пул ҳалолми — ҳаромми, барибир, ҳазм бўп кетган. Ман санга Оққўрғонни этвомман. Онасини Учқўрғондан кўрсатадигон бўғондан кейин манам ўйладим, ўша Учқўрғони Оққўрғон агрофидадир балки, лекин аниқ билмейман. Ҳозир Америкага бориб ишлаётганлар орасида учқўрғонлик бачалар кўп бўса битта маҳалласини «Учқўрғон» деб қўйгандир. Ашағлардаям шунақа маҳалла бўгани яхши-да. Америкалик даюслар онасини кўргиси келса, аққа-баққа изғимай тўғри Учқўрғонга келиб турувранлар. Агар Учқўрғон ёкмаса, ана, Каттакўрғон бор, Бозорқўрғон бор. Қанақа кўрғон бўлиши шартмас, главнийси – онасини кўрса бўлди-да! Тўғрими? Тўғри бўлса, оғзингни очиб ўтирмай, каллангни лиқиллатиб қўйсанг-чи!

Энди қоғониниям эшит: Гирмоннинг киносида биттаси «Ҳа, дўппи тор келиб қолдимиз?» деганига сан пачакилашма. Урушда нечта ўзбек соллот борган у ерга. Биласанми? Вобшеш билмейсан! Зато ман точна биламан: ўша замонларда битта-яримтасининг дўпписи қолиб кетгани ҳам тўппа тўғри. Эскириб, энди тор бўп қоғондир. Шунга ҳам аччиғинг чиғами, бачам?!

Туновинда бир мухбир бачага беш эмас, ўн кетвордим. Тўғри, олдинга нималар девотганини пачти тушунмадим. «Амирикода банд бнолар кўп, унларда нсонлар яшайди», деди. «Бно»си нима-ю «нсон»и нима, деб кўп ўйладим. Охири топдим: баччағар «бино» демоқчи экан. «Нсон» – «инсон» экан. Сан уни сўковурма, тили чучуқроқ бўлсаям, ақлига балли, деявур. Биласанми, ҳар бир сўздан бит-

тадан, иккитадан ҳарф тушириб қолдирилса, канча пойда бўлади? Ўзи кўп сўзларда ортиқча ҳарфлар бор-да. Бунисиниям тан олавур. Ўйлаб кўрсанг, ўша мухбир бача инсоф қипти. Янаям кўп ҳарфларни олиб ташаса бўларди. Мана, эшитиб кўргин: «Рикода ланд ноларда ўп сонлар яшийди». Хўш, бунга ким тушунмийди? Ким тушунмаса, ашининг битта винти камрок бўлади.

Шунақа гаплар, оковси, сан энди манга устозлигингни даъво кима. Радиё — дилбузор устозлар барака топишсин, тилимнинг бойлигини меравой қилиб ошириб юборди. Энди нима ёзадиган бўсовуза ўзимиза биламиза. Бир устоз келутти, бошқаси кетутти. Чандон гап бизга ҳам бор, акун. Қани энди мандай ёзғувчига бир нима де-чи, онангни **\*\*риқонинг \*\*\*ўрғонидан \*ўрасан!** Сан **\*апни \*алта \*ил-у, \*\*ғозга \*ўчириб, \*\*ҳарирингга \*ер.** Хайме, бачам! **\*ундай \*ўлсин.**

Жўрж **\*\*ғангдан \*енгга \*оғиниб \*алом.**

Мухтарам муҳаррир оғажон, кўшнимизнинг гапларини оҳанрабо тасмасига ёзиб олиб эдим. Кераксиз гаплар, деб юрганимда уйимга чиқавериб, ҳоли жонимга кўймади. Американинг Учқўрғонига бориб келганимдан кўра, шу гапларни қоғозга кўчириб, сизга тақдим этиш осонроқ кўриндиким, мен бу хизматни адо этдим. «Гапларимдаги битта ҳарфни ҳам ўзгартирмайсан», деб пўписа қилгани сабабли унинг ўзигагина ҳос бўлган имлога даҳл қила олмадим, бунинг учун кечиргайсиз. Гирмондаги дўппингиз тор келиб қолмаган бўлса, мазкурни аслича нашр этарсиз. Ўлмаган қул, чиқмаган жондан умид, дегандай, Жўрж тоғамизнинг дуолари ижобат бўлиб, балки икковимиз Менксика саёҳатига борсак, қора кўз гўзалнинг кўлидан бир пиёладан қаҳва ичиб келармиз. А, лаббай?

Мухлисингиз Тоҳир Абдумалик ўғли.

Изоҳ: Дарвоқе, кеча Жўрж тоғамиз каминага янги хангомаларини айтдилар. Иккиланиб турибман, сизларга тавсия этсаммикин ё бирон баҳона билан йўққа чиқарсаммикин?

## ИККИ АФАНДИ

Ҳой, бола, сен кеча чойхонамизга кимларни бошлаб келдинг? «Бунлар ёзғувчи ошналарим, ҳатто ҳажв ҳам ёзурлар дедингми? Мен ҳажвчи деганда Жулкунбой тоғамни танир эрдим. Уларинг ғалат-ку? Пойма-пой гапларидан, ҳингир-хингир кулишларидан оғимнинг қитқи келди-да, омма локигин, санинг ҳурматингни қилуб индамадим. Учта газнит бериб эрдилар, уйга бориб Ҳархаша холанга ўкутиб, ўзум эшитдум. Битта ҳажвини ўкуб тугатгач, Ҳархаша холанг «агар сиз ҳам шунақа ҳажвчи бўлсангиз, жавобимни беринг, бунақа валаки-саланга хотун бўлишдан иснод қиламан», дегач, ўкушини бас қилдирдум. Кеча ўша ёзғувчи ошналарингга мени «ҳамкасбингиз» деб таништирганингда чорак қоп семирган эрдим. Кейин билсам, мени масхара қилгон эрконсан. Кечаси ухламай, сенга, яна ўша ёзғувчи ошналарингга бир гап айтмасам бўлмас деган аҳдга келдум. Малол олсанг ҳам айтаман. Эшитгин-у ошналарингга етказ. Хоҳласанг, газнитга ҳам бер. Пули ўзингга. Фақат айтганларимни тўғри кўчир, токи, гапларимни ўқиған ўқиғувчи ҳажвиёт бобинда ночорлигимни юзимга солмай, маломат топларини отмасунлар. Шунга ризо бўлсанг, бошладук. Қани, олға, бу майдонда кимлар жанг қилмағанлар, бизлар ҳам ҳажвиёт йўлида шахид бўлсак бўлибмиз-да. Лаббай?

Ҳай-ҳай-ҳай! Исмү насаблариндан айланайин: Эҳтимол бирлари - Додахўжамикинлар, яна бирлари кимсан - Абоносирнинг шахсан ўзлари дейманов. Ҳай-ҳай, аканг карағай, ларзон-ларзон юришлариндан ўргилибла кетайин. Бунларнинг ҳажвиёт оламидаги камолотлари заб бир ҳилда бўлса-да, шаклу шамойиллари ўзга ва яна ўзгачадур. Бирлари бурунларининг остига соч қўйғандурларким, уни қийинчилик билан бўлса-да, ул зоти муборакнинг ҳурматлари юзасиндин «мўйлаб» атамок ҳам мумкиндир. Таъкид жоизким, мазкур «мўйлаб» отлиғ тукларга икки масъул вазифа юкланғондир. Яъниким, эркак саналмиш ул зотга ҳусн

бериб турмоғи ва янаким, шўрпо ичулар дамда ҳар бири Оловуддиннинг ғорини эслатғувчи бурун катаklarини ихота қилмоқлук. Жағдаги соқолларға вазифа юкланмағондур, сабабким, бу подон соқоллар ҳар кишиники каби ташқариға ўсмай, билакс, ичига караб ўсадирким, Нордон кампирнинг кўзойнақларисиз уларни илғаш мумкин эмасдир. Яна шулким, ҳурматлу зотнинг муборак қоматлариға кўз тушмиш ҳар бир номахрам «Бу киши алпинистмиканлар» деб ўйламоғи тайиндур. Фарқ улки, алпинистларнинг қопчиқ-халталари орқада бўлғай, бу зотники эса олдиндадир ва ўзбак лисонинда «корин» деб шарафланур. Яна бир буродаримизни таниб олмоқ ва узоқ вақт эслаб юрмоқлик учун муборак бошлариға назар ташлашлик кифоядур. Хоин бўлмиш сочлар бошни тарк этконлариға кўп йиллар бўлғонким, ҳисобини ўзлари билғайлар. Ажабким, қочуб кутулишға улгуролмай қолғон орқадаги сочларни ўстуриб олдинни беркитиш услуби кейинчалик иш бермай қолғони туфайли, «Ҳарна фойда-да», деган мулоҳаза ила бош пашшаларға ижараға берилмиш эрди. Пашшадром қурмоқға азму қарор қилғон пашшаларға бу юмушни амалға оширмак мумкин бўлмади. Сабабки, бош ғоят силлик бўлганидан ва сирпаниш онда ушлаб, жон сақларға лойиқ бирон мўй қолмағанидан кўп пашшаларнинг оёқлари синибдур ва Моптабибнинг ташвишлариға ташвиш қўшилибдур. Шундайким, бу бош айна дамларда бўшким, эҳтимол, кўнғизларға ижараға берилур бўлса, улар бир нима қиларлар. Бу азиз буродаримизға соч хиёнат қилғон эса-да, соқол ғоят содиқдур. Юзнинг чикмайдурғон ерларини ҳам эгаллаб олғондур. Соқол жонивор ҳар икки соатда қиртишланур ва ҳар икки соатда «ассалому алайкум» деб чиқиб турур. Агарчи қиртишланмаса, икки фожиали ҳол юз бсрур: бирламчи - бу «юз» деб аталмиш майдонда оғиз, бурун, кўз ва қош бўлғон ёхуд бўлмағонлиғини аниқлаш мушкул бўлур, иккиламчи ва энг муҳими Додахўжа раис афандилари билан ўпишиб кўришар чоғларида у зотнинг қитиқларини келтириб қўймоқлари эҳтимоли бор.

Буродарларимизнинг юришлариға кўпда эътибор берилмасун, зотанким, қадам ташлашлари залворли бўлмаса-да, майда ҳам

эмас, раққос йигитларниқидан сал нарироқ, чапани йигитларниқидан сал берироқдур.

Қасблари ҳам бирдир — қаламкашдирлар (Зинҳор «қаламқош» билан адаштирилмасун). ўзларининг «афанди» жамоалари бўлганлиғиндан фирқалардин наридирлар. Емоқлари ёғлик кўй гўштидин паловхонтўрадир, аммо ташлашлари ошиқ эмасдир. Агар сизни учратиб, «палов пиширишнинг устаси биздирмиз», десалар, инониб, иштаҳа сақламангизким, улар дамлаган паловдан шавла ҳам уялиб юз кўрмас бўлиб кетадир. Додахўжа афандининг ошларини ўрусларнинг «Каша с рисом» деган таомлари ўрнида, (агар томоқдан ўтишга қурби етса) емоқ мумкиндир, аммо Абоносир афандини кўрмоқ истагида бўлсангиз, қоринни тўқлаб борингким, бу зот чойга сув қайнатмоғ истагида олов ёқсалар, сувни ҳам тагига олдуруб, куйдириб юборадурлар.

Танишмоқни шу ўринда мухтасар қилиб, муддаоға ўтмоқ фурсати етди.

Эътиборингизни тортқандур, буродарларимизни танитишда «афанди» лафзини ишлатдук. Тенгри-таолонинг марҳамати ила «Афанди» газнити чоп этила бошлағач, буродарларимиз ҳажвиёт соҳасинда ўзларинда улуғ рағбат сездилар ва бу майдонда от сурмоққа азму қарор этдилар. Аммоким, от тополмағанлари туфайлимикин, ош бўлмаса - атала, деганларидек, эшак мина қолдилар. Бундан кўнгуллари заррачада огринмади. Билакс, шукроналик келтуруб, бу хурсандчилик эвазиға тиланчига бермоқ учун етти тангадан атамишлар. Бу воқеаға кўп фурсат бўлган эса-да, аталмиш етти танга ҳали тиланчига етиб борғони йўқдур. Ҳамон у чўнтақдин бу чўнтакка сафар қилиб, ёруғ жаҳонни кўрмоқдан безиллаб турадур эмиш. (Аллоҳ ул зиндонбанд тангаларға сабр бериб, чўнтақда шаҳид бўлмоқликдан асрасин.) Воқеан, эшакка стишганларидан қувончлари улдирким, катта бобо-тоғаларига қариндошлиғи эҳтимоли бўлмиш Насриддинхўжа Афанди ҳам эшак миниб машҳурликға етганлари барчаға маълумдур. Насриддинхўжа Афандимиздан бу замонавий афандиларимизнинг фарқлари шундаким, Насриддинхўжа афандимиз эшакни эл като-



ри тўғри минганлар. Буродар афандиларимизга эса қорин отлик ортиқча даҳмаза ҳалал бердими, ёинким бошқа сабабми, ҳар нечук эшакка тесқари ўтируб қолмиш эрқонлар. Зотан, бу ҳам айб эмасдур, ҳажвиёт оламиға эшакка тесқари ўтирғон ҳолатда кириб келмоқликнинг ўзи бир шарафдур ва бу ҳар бир қимсага насиб этмасдур. Агар қимдир биров бу ҳолатқа ажабланиб десақи: «Афандилар, нечун эшакка тесқари миндингизлар?» жавоб олурқим: «Э, нодон, сен кўрмайсанмики, биз атайин шундай ўлтирубмиз. Эшакнинг думи остини қана босқан экан, савоб топайлиқ деб тозаламоқдамиз». Алҳол бу жавоб ўрунлидур ва баҳсға ҳожат қолдирмағай. Фақатқим, Додахўжа раис афандимизға дум остидағи қанани тозаламоқ шарафи насиб этса-да, Абоносир афандимизға қари эрқак эшак дуч келғани сабаблидан думни кўтармоқ масъаласи кўндаланг бўлғондир ва кўп фурсатдан бери буродаримиз мазқурни ҳал этолмай ҳалақдурлар. Шу боисданмиқин, газнитда қамроқ кўринадурлар.

Эшакка тесқари минуб ёзғанлари учунмиқин, аларнинг ёзғанларини ўқуб тушунгунға қадар қишининг эси тесқари бўлуб кетур. Қиши «Ёзилғанларни ўқиғач қулиб, роҳат қиларман» деган умидда пулға газнит сотиб олиб буродарларимиз ижоди билан танишади-ю қаерда қулмоқлик лозимлиғини биллолмай гаранг бўлиб юраверади. Қиши оилали бўлса дуруст, афанди буродарларимизнинг ёзғанларини ўқиғач, хотинини чақириб: «Кел хотин, қитиқлаб юбора қол, бир ҳажв ўқидимқи, қулмасам инсофдан бўлмас», демоғи тайин. «Пули куйған қалампир чайнабди», деганлари шу бўлса эҳтимол. Қийин бўлғонда бўйдоқларға қийин, улар қимға қитиқлағишни билмасдан ҳалақлар. Эшитганимиз рост бўлсин, илойим, демишларқим, афандиларимиз ҳиммат қамарини боғлаб, қула олмайдурғон бўйдоқларға бепул хизмат кўрсатмоқни ният қилмиш эрқонлар. Ажаб шуқи, афанди буродарларимизнинг бири иккинчисининг хўрози қандай тухум қилғонини мадҳ этса, бошқаси бул буродарининг оқ иштонини байроқ қилиб, майдонда эшак сурадур. Қиши десақи, «ҳой афандилар, ёзилмиш ҳазилларинғиз фақат ўзларинғизға хос экан, бу ҳазилларинғиз

оммага тушунуксиз ва эриш туюлар, ҳажв ила масхарабозлик орасинда анча фарк бордур. Бир-бирингизни масхара этмағонингиз дурустми экан?» жавоб оларким: «Сизда юмор хисси йўқтур, биз ёзамиз - куламиз, ўқиймиз - куламиз.» Шунда киши десаким, «Жулкунбой ҳазратлари «Яхши билиш ксракким, қалам ўқлоғи ва матбуот кетмон бозори эмас», деб кимларға хитоб қилган эканлар. Ёзганлари ўзлариға ёқар экан, «Афанди»ни мулзам қилмай «Икки афанди-плюс» деб номланмиш деворий газнит тапқил қилсалар-да, чойхонамизнинг таҳоратхонасига осиб кўйилса, дуруст бўларми экан. Бун таклифға журъат этмоқликнинг боиси: таҳоратхонада оёк босмоқликға тоза жой топмоқлик азобидан бўғилган кимса бир азоб чекса, деворий газнитда ўқиғанларини англамай минг машаққат чекадур ва охир оқибат таҳоратхонадан чиқғач икки балодан кутғарған Тангрига шукурлар қилиб, тоза ҳаводан мириқиб-мириқиб нафас оладур. Чойхоначига бир вазифа юкланмоғи жоизким, бу чиқаверишға икки одам тайин қилсун ва бу икки одам деворий газнит азобидан қутулиб чиққан кишини қитиклаб кулдурсин ва азобни роҳатға айлантурсин. Алқисса шулким, мазкур сатрлар ҳажв майдонида икки афанди буродаримиз кўринғач, туғилди. Умид улким, буродарларимиз яқин кунлар ичи эшакка тўғри ўлтуриб олурлар ва ҳажв майдонида кулки бўлмоқдан ўзларини тиймоқликни касб этурлар. Бу майдонда учрашмаслик мақсадида қоламиз, ишларингиз хайрли бўлсин, афанди буродарларим.

Сиз, азизмонларға тош отғувчи:

Жўрж, яъниким, Жулкунбойнинг Ўғай Рамақижон Жияни деб билғайсизлар.

Ҳангомани қоғозга тушириб, таҳририятга олиб бориш заҳматсиз кечди. Аммо газетада чиққач, икки ошнаимизнинг кўнглини овлаш қийин бўлди. «Жўрж тоғамиз алмойи-алжойи бир одам, оғзига келганини қайтармайди, мактабда ўн бешта харфни ўргангунча ўқиған», десам ҳам ранжийверишди. Ҳайриятки, таҳририят хангомага қалам ҳақи берди. Жўрж тоғамиз «ҳақи ўзингга»

деганлари учун пулни олдим-у биродарларни тушликка таклиф этдим. Олинган қалам ҳақи чўнтагимдаги яна неча минг сўмни ўзи билан эргаштириб кетганини айтиб афғон қилмай. Дардим ичимда. Мухими, афандилар Жўрж тоғамизни судга бермайдиган бўлишди. Бироқ, яна бир шарт қўйишди: яна икки кун тушлик пайти хизматларида бўлар эканман. Қўлим калта, Жўрж тоғага айтган билан фойдаси йўқ. Балки сизлар карашиб юборарсизлар? 1867 йилда молбозор бўлган жойда ҳозир «Тўккорин» ошхонаси қурилган. Афандиларимизни ўша ердан топасиз. Дастурхон атрофида бирга ўтиришингиз шарт эмас, таом ҳақини тўлаб қўйсангиз бас.

## ЎЗИМИЗНИНГ ФУТБОЛ

Ҳах! Сен бола «устоз эканман», деб ўзингдан кетавурма. Ўзимам у-бу нарсани эплайтурғон бўлуб колдум, аковси жонидан! Ашула бозоридан рипортаж айтгонимдин сўнг футболнинг идорасидан бир амалдор келуб, «бизларни ҳам бир махтаб ёзсангиз-чи», деб ялинди. «Нимангни махтаймак, бачаларинг футбол ўйнашни билмаса, тўпни тўхтатиб тепиш ўрнига «устимдан ўтиб кета колсин», деб шарт ётиб олса. Дарвозабонинг «Эй Худо маним дарвозамни тўпларга тўлдириб юбор», деб тўксон дақиқа нола қилиб турса...» деган эрдим, йиғлаб юбориб «ақлингиздан айланай акахон, унда бизга бир янгилик ясаб беринг, қандай қилсак дунёнинг чимпиони бўламиз?» деди.

Янгилик ясаш осон эмас, лекин мен ясадим. Энсанг қотмасин, эшит.

Дунёнинг чимпиони бўлиш учун дунё ўйнаётгандан бошқачароқ футбол ўйнаш керак. Инглисинг ўйлаб топган бу ўйини ўзига буюрсин, бизларга сираям тўғри келмайдур. Америкада бошқачами? Эшитганман, «Америкача футбол» дейилар эркон. Хитойликлар бокс деган муштлашувни ҳам ўзича ўзгартириб олибдурлар. Қўли етмаган жойга оёқ билан ҳам тушириб қоларкан, азамат. Хўш, ҳамманики ўзича экан, биз «Ўзбекча футбол»ни ясасак нима бўлибди? Шошилма, қанақалигини тушунтириб бераман. Ўйинчиларнинг бошига дўппи кийғозиб, белига белбоғ боғлаганинг бирлан «ўзбекча футбол» бўлиб қолмайдур. Ҳозирги тўптепарларингнинг белида белбоғ турмайтурғон бўп қоғон. Мен бу ўйиннинг қанақа бўларини ипидан игнасиғача ўйлаб, топдим. Ҳозир тренер деган хўжайинлари «Жума куни ўйин, соат ўн бирда стадионда бўлларинг», деса ҳаммаси ўн иккига қолмай етиб келадими? Янгича футболда бунақаси бўлмайдди. Шунинг учун бунақасини «ғалатфутбол» деб атасак-да ярашур. Тренер ўйиндан икки кун олдин тўптепар бачаларига тилшон қилиб чиқадур. Масалан, бунақа дейди:

— Аковси бўйдан, футбол фитрасияси мандан бемаслаҳат бир иш килиб қўйибди. «Тўртешар» қўмондаси бирлан ўйин жума куни бўлар эрмиш. Вахтингиз бўлармикин?

Янгича футболчи пешонасини тириштириб, кейин бош чайкайди:

— Жума куними? Йўқ, братан, пайшанбанинг эртасига тўп тепишга ҳолим бўлмайди.

Гапи тўғри-да! Қайси эркак пайшанбанинг эртасига ҳакиллаб югуради? Эркак ҳам одам, дам олишга ҳаки бор. Тренир ақлли одам-да, бачаларининг аҳволини билиб, фитрасияга илтимос килиб, ўйинни шанба кунига кўчиради. Яна тилпон қилади. Гал дарвозабонга келганда яна ишқал чиқади. «Куёв чақирди»га бормаса бўлмас экан. Якшанбада ҳимоячининг тоғаси хатна тўй қилаётган эркон, душанбада ярим ҳимоячининг хотини туғиб қолиши эҳтимоли бор эркон. Сешанбада чап қанот ҳужумчининг қайнонаси «гап» бераркан. Чоршанбада ўнг қанот ҳужумчининг ҳола-си учинчи эридин ажрашиб, тўртинчисига никоҳланаркан. Ўйин пайшанбага белгиланганини эшитиб, марказий ҳужумчининг чапақай жаҳли чиқиб кетди. «Акахон тўқсон минут итдай югуриб, чарчаб уйга бораманми? Хотинимнинг кўзига қандай қарайман?» Шунака килиб, ўйин ўн кундан кейинга белгиланади.

Ҳой, Абдумалик аканинг ўғли, гапимни эшитяпсанми, намунча ашқаясан?! Ана энди тасаввур қил: бир томонда «Тўртешар»нинг қорин қўйғон азамат йигитлари. Иккинчи томонда ўзимизнинг «Юмалабтепар» қўмондаси. Ҳакамбойвачча уларнинг жўрабошилари чакриб «Агар руҳсат берсангиз, хуштакни чалсам-у ўйинни бошлаб юбора қолсак», деб илтимос қилади. «Воҳ! — дейди «Юмалабтепар»нинг жўрабошиси. — Бетоқат хотинга ўхшаб намунча шошасан? Бир йилдан бери бу оғайним билан энди учрашиб турибмиз. Ўйиндан кейинги ош-пошнинг маслаҳатини килиб олайлик». Ҳакам сал таранглиқ қилади-ю паловхонтўрадан ўзига ҳам насиба тегишини билгач, сал нари кетади. Жўрабошилар бир чекимдан нос отиб олишгач, «Пачоқтўп» чойхонасида ошхўрлик килиб олишга келишиб олишади. «Юмалабтепар» ўйинда ютқи-

зиб беришга, «Тўртешар» эса ошнинг ҳаражатини кўтаришга келишадилар. Ҳомийлар томонидин «Юмалабтепар»нинг ҳар бир ўйинчисига майдакавик чопон, иккита ароқ, иккита конъяк, йигирмата «Кока-кола», икки кило сон гўшти, уч кило биқин гўшти, бир килодан жигар тайёрлаб қўйилгани эслатилгач, 4 : 1 ҳисобида тўхталишди. «Юмалабтепар» бачаларининг кайфиятлари сал пачоқроқ бўлиб тургани учун улар уришлари лозим бўлган тўпни ҳам «Тўртешар» ҳимоячиси ўз дарвозасига киритадургон бўладир.

Ҳа, айтмоқчи, «Ғалатфутбол»нинг асосий талабини айтмабман-ку? Талабга кўра, ҳар бир футболчи бачада алоҳида-алоҳида қўл телпони бўлиши шарт. Чунки ўйин пайтида тўпни кимга оширсам экан, деб бош қотириб ўтирмайди. Масалан, дарвозабон тўпни қўлига олиб, майдонга кўз ташлайди. Қараса, чап қанотдаги ярим ҳимоячи бўшроқ турибди. «Йўқ, унга оширмайман, кечаги ошда менинг олдимдаги устихонни уриб кетган эди», деб ўйлайди. Ўнг томондаги ярим ҳимоячига қараса, бечоранинг аҳволи ночорроқ кўринадур. Чунки кеча қовуннинг устидан «Фанта» отлик сариқ ширин сув ичгон эрди, ҳар нечук, нафсининг бу ўйуни энди қорин ичинда самара бераётгандур? Шундай тўхтама келмиш дарвозабон ўзидан ҳийла узокроқда бўлмиш марказий ҳужумчига телпон қилади:

«Акахон, қалайсиз, чарчамадингизми? Тўпни сизга оширсам қабул қилиб оласизми?» — деб сўрайдир.

«Мендан бошқа ўйинчи қуриб кетибдими? Ана, тренирнинг жиянига узат, доим тайёр ошга бақовул бўлиб туради. Умуман, менга бошқа телпон қилма. Менга ҳозир хотиним телпон қилиши керак», деб жавоб берадир ҳужумчи. Дарвозабон чап қанот ҳужумчига телпон қиладир. Телпон тушмагурдан бир жононнинг «Абонент ҳозир одамгарчилик доирасидан ташқарида», деган жувобни эшитгач, аччиғи чиқиб, тўпни шарт ерга қўядир ва устига ўлтуриб оладир. Тилининг тагига нос ташлаб, бсбурд ошналарини сўкадир.

«Нос каёқдан келди?» дейсанми? «Ғалатфутбол»нинг талабидан иккинчиси шу-да. Дарвозанинг ортида бир халта нос турмаса,

хисобмас. Ҳакамнинг башарасига нос тупуриб юбормаслик учун тўп тепаётганида нос отмаса бас, бошқа пайт оғзини тўлдириб олса ҳам, биров бирнима демайди.

Дарвозабон тўпнинг устига ўтириб олгач, ҳакам «бояқишлар чарчабди, майли бир дам олволишсин», деб «Юмалабтепар»нинг жўрабошисидан икки чеким нос олиб, отволади. Шу пайт жўрабошининг телпони жиринглаб қолади. Қулоғига тутиб «алё» деса, ўзининг ошнаси - «Тўртешар»нинг жўрабошиси.

«Нимага ғўддайиб турибсан? Дарвозабонингга айт, тўпни тепсин. Беш минутдан кейин ўйин тугайди, биз ҳали сенларга яна иккита уришимиз керак», — дейди жиғибийрон бўлиб.

«Ҳовлиқма, ҳакам акамиздан илтимос қиламиз, ўн минут кўшиб берадилар», — дейди буниси.

«Эсинг жойидами? Вақтни чўзсанг, у ёқда ош ланж бўлиб кетади. Икки минутда иккитани урайлиг-у аканг хуштагини чалиб, ўйинни тугатаверсин», — дейди униси.

Шунга келишадилар-да, буниси дарвозабонига телпон қилади:

«Вей, ҳеббим, тухум босмай, тур ўрнингдан, яна иккита ўтказиб юборишинг керак. Анқайма!»

Жўрабоши ҳакамга ҳам телпон қилиб қўйғонида, ҳакам хуштак чалиб, дарвозабонни огоҳлантирмоқчи бўладир. Локигин, оғзидаги нос хуштак тешигини беркитиб қўйиб, қўли билан ишора қилиб қўя қоладир.

«Ғалатфутбол» ўйинидин сўнг қандай воқеалар содир бўлғонин сен сўрама, мен айтмайин. Сен бир нарсани билиб олсанг етарли: «Ғалатфутбол» мавсумида «Юмалабтепар» кўмондаси ҳозирги кўмондаларга ўхшаб овора бўлуб, дайдуб, ҳасратлар чекуб, ўттиз ўйун ўйнамайдурлар. Уларга уч ёнким тўрт ўйун кифоя эрур.

Сен бу гапларимни қоғозга тушуруб, газнитга элтма. Буни қўлланма қилиб ёзасан. Футбол фетрасиясидаги амалдорлар маним бу кашфиётимни эшитиб, йиғлаб юбордилар. «Бизарнинг ҳам кўкрагимизга офтоб тегатурғон кун келаркан-ку!» деб шодланмишлар. Сен қўлланмани ёз, мен тасдиқлаб бераман. Тушундингму?

## 112-ҚАБР

(уч хангомадан иборат даҳшатсиз баён)

Омма, кўп гашимга тединг-да, сен бола. Нечун қитмирлик қилаётганингни билиб турибман. Сен мени кўролмайсан. Дўхтирлар сени аперайса қилиб, қорнингни очганида «бу боланинг ичи қорами ё йўқми?» деб сўрасам бўларкан. Шоқос итбознинг ити болалаган куни мен бир ёзғувчи бирлан танишдим. Эшитгандирсан, Гурилло Бадҳарфий дегони ёзғувчиликни тозза гуриллатган эркон. Эшитган бўлсанг ҳам, «танайман», дейсан. Ичқоралар шунақа бўлишади. Сендан тузукрок бўлса керакки, тан олишни истамайсан. Секин суриштирсам, мenden кўпроқ харфни билмас эркон. Ома — локигин қалласи бинойи! Қулинг ўргулсун, «оқ бола»нинг иккитасини юмалатдиг-у суҳбати жонон қизигани учун ўзимиз қуламадик. Охир-оқибат келишдикким, мен унинг ҳаётини рўмон қилиб ёзадурғон бўлдим, у менинг ҳаётимни кино қилдурғон бўлди. Яна битта «оқ бола»нинг баҳридан ўтдук, менинг ўғил болалигим тутуб, ароқнинг пулини шарт тўлавордим. Шунинг кайфида Гурилло бир йиғлаб, бир қулиб ҳаётини айтуб берди. Ярмага келганида кайфи тарқаб, илҳоми ҳам кетди. Яна бир «оқ бола»ни юмалатай десам, пулим қолмабди. Эртасига учрашармиз, дедук. Эртасига билсамки, бояқиш ўлибди. Ўлган бўлса бўйнимдаги бир «оқ бола» қарзидан қутулишим бор-ку, ҳаётини рўмон қилиб қутула қолай дедум. Айтолмай қолғон чала гапларини юмалоқ — ёстик қилиб тўкидим у рўмонни «гатор» қилиб қўя қолдим. Сен ичқоралик қилмай эшитгин-у, қоғозга кўчируб китоб чиқарадурғонларга олиб бориб бер. Агар у-бу нарсани шамаъ қилишса, айтавер, Гуриллога аталган «оқ бола»дан элликтагина ичганман, қолғони шундайлигича турибди. Ҳаммасини бераман. Омма закускаси ўзингдан. Ие, тўхта, гапимнинг чаласи қолибди. Қоғозга кўчириб ёзаётганингда жуда-а эскичасига қилиб юборма. Олдингисини чойхонадагилар яхши тушунишмабди. Янгичасига



ёз, ҳамманинг тиши ўтадирғон бўлсун. Келишдикми, унда эшит, гап бундай:

Биринчи хангома

Машҳури замон бўлмиш Гурилло Бадҳарфий эсини қачон таниганини билмагани рост. Ҳамма қатори уч-тўрт ёшларни чама-лаб юргони ҳам рост эрур. Ўзининг айтишича, бобосининг «Олим бўлур кишининг пешонаси кенг бўлур», деган пуруҳикмат гапини тахминан шу ёшларида эшитган чиқадур. Ҳарчанд уринмасун, ундан олдирилари ёдида йўқдур.

Гурилло ҳикматларнинг ҳақиқатга яқин эрурлигини ўша ёшида эмас, сал кечикиброқ пайкаган, бу бирлан эса ўзининг келажакда буюк олим бўлишига ишонч ҳосил қилғон эрди.

Ҳа, айнан шундай: унинг пешонагинаси кенг, бўйи Жаҳди пақанадан тикроқ, қарашини Кунниса шилликниқидан кўра майинроқ эди.

Мақтаб ёшига қадар хат чизилгон қоғозларни кўтариб юришини тасдиқловчи гувоҳларнинг охиригиси етти ой аввал қазо қилибдур, Худо раҳмат этсун. Китоб кўтариб юргонини тасдиқловчи икки гувоҳ тирик, омма иккови ҳам тилдан қолғондир. Зарур топилса, кўз қарашлари бирлан тасдиқ этиб берувларига ишончим озроқ. Унинг китобни ўқиса ўқимаса кўтариб юрганини овора бўлиб, исбот этиш шарт эрмас кўринадур.

Олим бўлиш учун зарур талаб – кенг пешонани Худонинг Ўзи бериб қўйгач, нечун ўзини фан сўқмоғига урмасун? Урди! Жавлон урмоқ учун ўзига қатта майдон қидирди. Пешонаси кенг бўла туриб, ўртамиёна олим даражасида қолишга кўнса, нодон дессакда арзир эрди. Аммо кўнмади! Унинг нияти оламини донг қолдурадурғон ихтиро қилмоқлик эрди. Рўпарасидан хандаса илмининг денгизи чиқиб қолғон эди, ўйлаб ҳам ўтирмай шўнғиди. Қарасанки, бу денгиз саёзроқ эркон, яъниким, зўр ихтироларни шошқалоқ олимлар ўтган асрларда юмалоқ — ёстик қилиб ташлашгон эркон. Янаям тўғриси, бу денгизда сузишга укуви етмаслиги билиниб, четга чиқа қолди. Худонинг унга раҳми келуб, фалакиётни рўпара қилди. Локин Худонинг бу ишига қойил қолмади: осмонга бундай назар солса, ҳамма юлдузларга исм қўйиб адо этилибдур.

Унинг муборак исми учун бўш юлдуз қолмабдур. Бу бир адолат-сизлик-да! Ахир осмонда «Гурилло» деган юлдуз чарақлаб турса ярашмасмиди? Агар яна битта бўш юлдуз бўлса, Гуриллонинг ҳаётини рўмон қилгон ЖЎРЖнинг муборак номи ҳам осмонга чиқиб қолармиди, а? Хўп, буни ёзмай қўя қол, давомини эшит:

Бахтидан ўргулсин, қараса, кимё жадвалида бўш катаклар кўп эркон. Мендлоев деган бир серсоқол олим ўтганми? Нима? «Менделеев» дедингми? Адашмадингми? Бўпти, қандай ёзсанг ёзавер. Шу катаклардан биттасини тўлдирса ҳам Мендлоев ёнидаги бўш тахтга ўтирар эркон.

— Мендлоевнинг юзта ихтироси-ю менинг битта кашфиётим! Келажакда кимёнинг жадвали менинг отим билан аталади! — деб аҳд қилди.

Аҳдга беш кетсак арзир: «Мендлоев жадвали» деган қайда-ю «Гурилло жадвали!» деган қайда?!

Гуриллонинг мактабда кимё фанидан «уч» баҳога ўқиган, деб ёмонлаган одамнинг ўзи ёмон. Ўша Мендлоев ҳам «уч»га ўқигон эркон-ку? Ўша додаҳўжа олимнинг зўр ҳислати Гуриллода ҳам бўлса нимаси ёмон? Гурилло кўзгуга қараганда ўша Мендлоевнинг пешонасида ҳам ўхшашлик топди. Омма, ота-бобоси кўса бўлгани сабабли серсоқол бўлиш умиди сўнди. Бу ҳам яхши. Ўша серсоқолдан фарқи ҳам бўлиши зарур-да!

Ўнинчи синфни битириб, мактаб билан ҳайрлашаётганида ҳамманинг олдида «Мендлоев жадвалидаги 112-катакни мен тўлдираман!» деб тантанали ваъда бериб тўғри қилди. Яхши ишни яшириб юришнинг нимаси фойдаси бор? Ҳамма ажабланган эди у камтарлик билан шундай изоҳ берди:

— Мен қатта кетолмайман. Ўзингизга маълум, кашфиёт оғир масъала. Мен институтни тугатиб, то кашфиётга киришгунимча ҳозирги олимлар жим ўтиришмайди. Улар 112-катаккача бўлган бўш ўринларни тўлдириб туришсин, қолганини мен ўзим бошлаб ташлайман, — деди барака топгур.

«Химфакка киришим «занжир реакция» орқали амалга ошди», дедди, омма мен бунисига тушунмадим. Балки «оқ бола»нинг

кучидан шунақа алжиб юборгандир. Бу ёғини ўзинг тўғирлаб юборарсан. Хуллас, ўзининг айтишича, дадасининг пули билан танишлари уни икки йил бадалида талабалик курсида маҳкам ушлаб туришибди. Боякиш, шу икки йилда ҳамма олимларнинг ҳаётини ўқиб тушириб, уларга ўхшаб қолибдур. Аждоди кўса ўтган бўлса ҳам, Худодан умид килиб соқол кўйибдур. Худонинг раҳми келуб, биринчи синф ўқувчиси санай оладургон микдорда соқол чиқибдур. Омма нечундир мўйлаб жонивардан кўп вақт дарак бўлмабдур. Мендлоев кўзойнак тақар эркон, Гуриллонинг кўзлари балонинг ўкидек чақнаб турса ҳам, кўзойнак тақаверди. Мендлоев деган нодон бир ҳафталаб овқат емас эркон. «Бу нодонлиғи бекоргамасдир», деб таомдин ўзни тортибдур ва оқибат ўқишда кўринмай қолибдур. Ўн кундан кейин эти устихонига ёпишган бир авҳолда ўқиш хонасига судраб келубдурлар. У таом емаган кунлар нечундир, жадвалнинг 112-катаги хусусинда эмас, тўкин дастурхон тўғрисида ўйлаганини менга гапира туриб йиғлаб юборди. Ўзимнинг ҳақимдан ярим пиёла қуйиб узатмаганимда овутиш кийин бўлур эрди боякишни.

Худонинг мўъжизасини қарагинки, «занжир реакция»нинг кучсизланиб сўниши, Гуриллонинг бу илмдан совушига тўғри келиб қолибдур. Додахўжа олимларнинг ҳамма ҳислатлари ўзида мавжуд бўлса ҳам, мардлик килиб, ўша майдонни ташлаб чиқиб кетадур. Шу тантилиги учун ҳам ўша бадбахт жадвални Гурилло номи билан атаворишса бўларди, номардлар!

Бобоси билмаган нарсасини гапирмайди: пешонаси кенг килиб яратилгандан кейин буюк бўлмай қаёққа ҳам борсин! Овози бинойи, гавдаси келишган: қуйиб қўйилган артист-ку! Пешонасини тириштириб юрадиган бадқовоқларни ҳам кулдириш қўлидан келадур. Юзтадан ортиқ ролни қойилмаком килиб ташласа, буюк бўлади-ю тарихда қолади. Масала ҳал! Дадасининг касби нималигини сўраб олмагон эрконман, омма «дадамнинг режиссёрлигида артистлик ўқишига кируб ўқудум», дегани эсимда. «Беш пардага мўлжаллангон ҳаётини фожиа ривожланиб кетуб, саккиз пардада кўз ёшисиз яқунланиб, диплом киссага тушди»,

деса гапига тушунмабман. Гапга тўн кийғизворадиган ёзғувчи эди-да, бояқиш. Кейин тушунтириб берди: беш йиллик ўқишга тўймай, саккиз йил ўқигон эркон.

Барака топгур Гурилло саккиз йилни бекорга совурмай, оламга донг таратган артистларнинг барча ажойиб ҳислатларини ўзида жамлади. Мендлоефга ўхшатадурғон соқолни қирдириб ташлади-ю морж аталмиш жониворни эслататурғон мўйлаб кўйди. Кинода тўксон икки яримта рол ўйнагон шуҳратли артистга ярашган шунақа мўйлаб Гуриллога ярашмас эрканми? Чорли Чоплин деган отлиғ артист ўша мўржмўйловдан шуҳратлироқ бўлгани учун, хатосини англади. Тўрт ойдан кейин кўйгон кўнғизмўйлаби песга ҳол ёпиштирғандек ярашди - қолди! Бир нодон ҳар куни эрталаб тош кўтарар экан, Гурилло кунда тўрт марта кўтаравериб, мушаклари тошиб чикди. Тўртинчи йил ўқувида кўзлари мошдек очилди. Ўзимизнинг Тарзани ўйнагон артист сузиш бўйича жаҳон чемпиони бўлгон эрконми? У эса ҳали сузишни билмас-я? Ана, уят! Сузишни ўрганаман, деганда икки марта чўкиб кетай, деди-ю Худо бу эрка бандасини асраб қолди.

Театруда режистер деган ҳоким бўларкан. Гуриллога шунақа ҳоким режистернинг бетамизи учраб қолди. Саккиз йил ўқиб, қуйиб кўйган артистга айланган Гуриллога арзимаган ролларни беравериб, бездириб юборди. Сен мени кўролмаганингдек, ўша ҳам Гуриллони кўролмаган-да, дардингни олай! Гурилло мағрур артист эди. Шарт театрдан кетворди.

Энди нима қилиш керак?

Ёзғувчилик! Юздан орттириб китоб ёзиб ташласа, дунёни қойил қолдиради. Суриштириб кўрса, бир юз ўнта рўмон ёзган ёзғувчи бор эркон. У бир юз ўн иккита рўмон ёзмоқликни мўлжаллаб, адабиёт оламига от суриб қолсами?! Шайтон «Сен бир юз йигирмата, хатто бир юз ўттизта рўмон ёза оласан!» деб васваса қилди-ю локин у «ҳар ишнинг миёнаси яхшидур», деди. Камтар одамнинг чегарани билгани яхши-да. У бояқиш энди ҳам рўмон ёзди, ҳам улуғ ёзғувчиларнинг ҳислатларини жамлашга киришди. Биттасига ўхшаб сопол шляпа кийди, бошқасига ўхшаб жағининг

тагидаги тўрттагина соқолини ўстириб юборди. Яна биттаси табиб ўтган экан, тиббий китобларни олиб ўқиди. Одамнинг миясини ўргататурғон китобни ўқиётганида мияси суюлиб кетай деди-ю, бу машғулотини бас қилди. Биттаси театруда ишчи бўлгон эркон, у бира тўласи қоровулликка кирди. Биттаси мажнунсифат бўлиб юриб, жини ёқтирмагон кишилар ила муштлашар эркон. У ҳам мажнунликни касб қилди-ю, икки марта чапани йигитларнинг кўлига тушгач, эсини таниб олди. Гурилло яхшиликка яхши эди-ю, омма бир-икки хурмача қилиғи ортиқчайди. Эси пастлиғи ҳам бор эди. «Мен сопол пелада чой ичаман, чунки Қодирий сопол пела — коса ишлатгон», дейди. Бўлмаган гап! Менинг ўгай тоғам чинни пиёлада чой ичганига гувоҳларим бор. Навоий бўйдоқ ўтган, деб хотини билан ҳам ажрашибди.

Очиғи, мен унинг кўп гапларини яхши тушунмадим. Қоровул бўлиб ишлаётганида столи устида Шекс деган пирининг китоби тураркан. «Отаулла» деган рўмони борми ўшанинг? Нима дединг, кайтар-чи? Пирининг оти Шекспирми? «Отелло» дегани рўмонмас, «трагедия» дейсанми? Бўлса бордир. «Оқ бола»дан ичволсам, кулоғим яхши эшитмайтурғон бўлиб қолади. Хўп, сеники маъқул, жириллайверма. Ўша «Отаулла»га ўхшатиб учта рўмон ёзибди. «Гамлот» дегани борми? Ҳа, «Гамлет»ми? Билмадим, ҳар ҳолда ўшандан ўтадагон қилиб саккизта рўмон ёзибди.

Сопол шляпа кийиб юрганида бешта рўмон ёзибди. Хотинини ҳайдагандан кейин «Фарҳоду Лайли» деган ўн иккита рўмон ёзибди. Ана энди унга «Қойилман!» демай кўр-чи! Китобларининг босилиб чикмағони ҳисоб эрмас. Муҳими ёзишда! Дунёда сендан кўра инсофлироқ ёзғувчилар ҳам бор. Шулардан иккитаси унинг тўртта рўмонидан битта ҳикоя ясаб газнитда чиқартириб беришгани учун жаннатга тушсалар керак.

Мен бирлан «оқ бола»ни юмалатганда Гурилло бир юз ўн биринчи рўмонини ёзганини айтгон эрди. У қайсидир ёзғувчига ўхшаб ёзаётиб, ўлишини орзу қиларди. Локигин, «оқ бола»ни кучоклаб ўлиб қолибди. Худонинг эрка бандаси эди, бояқиш. Уни янги қабристонга кўйишибди. Гўрига бориб, зиёрат қилдим. Гўр-

га қадалган номирасига қарасам «112» экан. Битта таниши билан боровдим, кўз ёши кила туриб «Бояқиш кимёдаги 112-моддани, кинодаги 112-ролини, адабиётдаги 112-рўмонини шу ердан топди», дейди. Нимага шунақа деди, тушунолмадим. Сен тушунган бўлсанг, гапга тўн кийғизиб ёзиб юборавер. Энди мен чарчадим. Ахбор карнайнинг улфатида бугун текин ош бор. «Текиндан кафан бўлса ўлмоқ керак», деб бекорга айтишмагандир. Кафани курсин, омма паловхонтўра ланж бўлмасин, мен кетдим...

#### Иккинчи ҳангома

Ие, жамоа жам-ку! Ялписига ассалому алайкум! Бировга бориб «Абдумалик аканинг ўғли бизлар билан чойхонада ош ейди», десам ишонмаса керак. Ҳадеб уйингда китобга мук тушиб ўтирмай, чойхонага чикиб турсанг, обрўйинг ошади. Тишинг тузалиб қолдими? Олдириб ташладингми? Ақл тишини-я? Ҳа, майли ташвишланма. Сенда ақл тиши бўлди нима-ю бўлмади нима, барибир ўша-ўшасан. Тиш дўхтирга нима дединг, сен бола? «Жўрж тоғанинг тишга тегадагон гапларидан жоним ҳалқумимга келди», деганинг ростми? Ақл тишини олдириб ташлаганинг билинибди. Ҳеч замонда гап тишга тегадими? Гап қулоққа айтилади, тишга эмас. Агар яна шунақа валдир-вос гапларни айтиб юрсанг, орани очик қилиб ташлайман. Устозлигингни пишириб е! Ўзимам туппа-тузук ёзғувчи бўлиб қолдим. Энди мустақил ёзиб ташлайвераман. Сенинг маслаҳатларинг менга капейка! Муҳими, тушимда Жулқунбой тоғам оғзимга тупурганлар. Шуниси главний! Сен жагингни ушлаб дўхтирда ўтирганингда, мен Гурилло ҳақидаги рўмонимнинг давомини тўкиб ташладим. «Гурилло Бадхарфий ўлган эди-ку?» дейсанми? Рўмонимнинг иккинчи китоби унинг ўлганидан кейинги ҳангома-да. Эшит:

Шундай килиб, одамлар Гурилло Бадхарфийни 112-қабрга қўйишди-ю тарқалишди. Хў-ўш, десанг, жамоа тарқалиши билан, Гурилло ўзини кенг ялангликда кўрди-ю ҳайрону лол қолди. Ахир у одамлар орасида яшади, нариги дунё ҳақидаги гап-сўзларни у ҳам эшитган. Қабрга тупроқ тортилиши билан лаҳадга

Мункар-накир кириб келиши керак эди. Нима, хато гапирдимми? Мункар бошқа Накир бошқами? Иккови бир эмасми? Сенинг устозинг ким, билмайману аммо локигин қисир қолган сигиримизни қочиришга олиб кетаётганимизда додам менга Мункар-накир деган одамни гапириб берганлар. Яна нима дейсан? Мункар ва Накир одам эмасми? Фаришта бўлса фариштадир, бу ёғини ўзинг тўғрилаб ёзавур, бола. Хўп, Мункар билан Накир кириб «Дининг надир?» деб сўраши тўғрими? Ҳа, шунақа бўлишини Гурилло ҳам эшитган эди. Лекин лаҳадда сўрок бўлмай бирдан ялангликда пайдо бўлишидан хайрон бўлиб қолибдур. Атрофга аланг-жаланг қилуб, сўнг шундай ўйларни ўйлабдур:

«Гуноҳим камроқ бўлса, сўраб-тергаб ўтирмай тўғри жаннатга ўтказиб юборишдимикин? Йўғ-е, ҳали қилқўприкдан ўтмадим-ку? Агар бу ер жаннат бўлса, унда парилари қани? Бир қултум сув билан ютиб юборса бўладиган сулувлари қани? Атрофдагилар росмана одамларга ўхшашяпти. Анави жувоннинг турки намунча совуқ? Менга бунча тикилади? Йў-ўқ... бу ер жаннат эмас. Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганлари ҳаққи — рост. Балки бу томондагиларнинг ҳам замони ўзгариб, ишлаш услуби ҳам бошқача бўлғондир? Ахир Мункар билан Накир қачонгача гурзи кўтариб сарсон юради?»

Гурилло шу ўйлар ила банд бўлғон кезде атрофда жонланиш сезилибдур. Буталар орасидан чуваккина чол чиқиб келиб, гиламчага чордона қуриб ўтирмишдир. Во ажаб!.. Ахир бу Гуриллонинг гилами-ку? Қоровул бўлиб ишлаб юрганида бир одам бу гиламни идора бошлиғига атаб, кўтариб келгон эрди. Тили чучуклик қилиб «пора» деёлмай, «совға» деган эди ўшанда. Бошлиқ нимадандир гумонсираб, гиламни олиб кетмаган, Гурилло эса «бошлиққа келмиш совға табаррук бўлур», деб ўша тунийёк уни тинчитган эди. Бошлиқ «гилам қани?» деб сўрашга кўп оғиз жуфтлади-ю, уялди шекилли... Ана ўша гилам энди бу ялангликда пайдо бўлиши қизиқ. Агар Гуриллони оқ сурпга эмас, шу гиламга ўраб кўмишганида ажабланмаса ҳам бўларди...

Гуриллонинг гилам ҳақидаги ўйлари узокқа бормади. Икки

киши унинг икки қўлтиғидан олуб, гилам устида ўлтурғон чолнинг рўпарасидаги қоқ ерга судраб борди. Гурилло уларнинг амри ила тиз чўкди.

«Мен Мункар накирман», — деди қария.

Нима дейсан, яна янглишдимми? Ҳа-я, Мункар бошқа, Накир бошқа, девдинг-а? Тўхта, унда рўмонни бошқача қилурмиз. Шошилма, ўйлаб олай... Бўлди, топдим! «Сўроқ қилувчи чол» деб қўя қол. Бу ёғи ҳам зўр бўлди, эшит:

— Мен сўроқ қилувчи чолман, — деди қария.

«Росаям қарибди-ку, шунинг учун гурзи кўтаролмай қўйибди-да» — деб ўйламиш эрди Гурилло.

Бу ўйни ўйлаб улгурмай бошига оғир бир нарса урилиб, хушини йўқотди. Кўзларини очса, сўроқловчи чол унга тикилиб ўтирибди.

«Гурзи уришни жамоатчилик асосида бажаришадиган бўлишибди-да», деб ўйлади яна Гурилло.

— Сен бўлакча фикрлар ила чалғимай саволларимга аниқ — тиниқ жавоб қайтар. Қисматинг оғир. Устингдан кўп аризалар ёзилмишдир, — Қария шундай деб бир тўп қоғозлар орасидан бирин олди. — Биринчи ариза бандаи мўмина Қорабой қизи Нафисадан. Ўқулсун!

Гурзи туширганлардан бири қоғозни чакқонлик ила олиб ўқи-моқни бошлади:

«Аризагинамнинг асл мазмуни шулки, Гурилло Бадҳарфий исмлиқ зот мени бадном қилди. Суюклигимдан ажратди. Биров билан бир ёстикқа бош қўймай, ҳомиладор бўлдум. Аммо тукқанимдан кейин Гурилло Бадҳарфий мени нафақа билан таъмин этмабдур».

Қария «бас» деб қўлини кўтарди.

— Хўш, гуноҳкор банда, айбингга икрормисан?

Гурилло аввалига доводи раб қолмишдир. «Бировни урганмисан ё сўкканмисан ё ҳақиқа хиёнат қилганмисан?» деб сўраса жавоб топиб берарди. Лекин бунақаси...

— Таксир... — Гуриллонинг тили аранг гапга айланди, — Бўх-



тон бу. Юмалоқ хатчиларнинг иши бу. Мен хотинимдан бошқага... бормаганман. Биринчи хотинимга ўн беш йил олимиент аталмиш солиқ тўладум. Патгалари бор эди, фақат.. у ёқда қолган. Сўроқ бўлишини билганимда олволардим. Зарур бўлса, иложини қилиб бир-икки кунга чиқазворинг, айтган вақтингизда олиб тушаман.

— Гапни чувалаштирма! Айбингга иқрормисан? — деб ўшқирди чол.

— Йўқ, бунақа гуноҳ қилмаганман.

Бошига гурзи тушиб, яна ҳушини йўқотди. Ўзига келиб, кўзини очса, бояги хунук хотин ёнида ўлтурубди.

— Бу муслимани танирмусан? — деб сўради чол.

— Йўқ, — демиш Гурилло.

Яна бошига зўр бир гурзи тушмиш. Яна ҳушини йўқотмиш. Яна кўзларини очса, тумшуғининг тагида бир тўп қоғозлар турибди. Қараса, ўзи ёзган қоғозлар. Тепасига катта-катта қилиб «Баҳордаги муҳаббат рўмони», деб ёзиб қўйибди.

— Ўки! — деб буюрди чол.

Гурилло яна гурзи еб қолмай, деган ҳадикда ўқий бошлади:

— Мўрчамиён қизнинг юрагида муҳаббатга ўхшаш аллақандайин ҳис ўркач-ўркач бўлиб куйдирарди. Юраги эса туяга ўхшаб лўкиларди. Бирдан у ўзини йигитнинг увода бағрига ташлади. Йигитнинг кўкрагидаги қалин жунлар уни маст қилиб қўйди. У ҳозир йигитнинг севмаслигини ҳам унутган, эртага фалсафадан имтиҳон топширишини эсидан чиқарган эди. У йигитнинг қучоғида мушук каби эркаланар, йигитнинг ҳирси сўнмай туриб, кўкрагидаги жунларни майда қирққоқил қилиб ўриб олмоқлик учун пайт пойлар, қиз қилиб тукқани учун онасига ғойибона раҳматлар айтарди. Тўғри-да, онаси адашиб ўғил қилиб туғиб қўйганида, бу лаззатлар қайда эди!? Ўттиз учинчи қоқилни ўраётганида йигитнинг қўллари қутилмаганда ғалати ҳаракатлар қила бошлади. У жувонга айланганини сезмай ҳам қолди.

— Бас! — деди чол асабийлашиб. — Энди танидингму бу муслимани?

— Ахир бу... бу... бадий тўқима-ку? Ҳамма шунақа тўқийди...

— деб ўзини оклади Гурилло.

Локигин чол унинг гапини эшитмади:

— Даъвойингни айт, Қорабой кизи Нафиса.

Хунук жувон йиғлаб туриб, дардини тўка бошлади:

— Мен бу кишининг асарларига кирганимдан мингдан минг пушаймон эрурман. Бундан кўраси оқибати фожиа билан тугай-турғон бирон атала асарга кируб, захар ичуб ўлғоним афзал эрди. Иложим қанча, шўрпешона эрконман. Рўмонларининг ўн учинчи саҳифасида мўрчамиён эрдим. Йигирма биринчи саҳифадан йигирма иккинчисига ўтар ерида қаддим «келишган дол» бўлиб букчайдим. Аввалига мужгонларим қайрилма эди. Кейин камон ўқига айланди. Қўй кўзларим шахло бўлди, учар отникидай бежирим оёқларим семиз сонларим дастидан юролмай ҳам қолди. Хуллас, ўзимнинг канақалигимни билолмай, ҳалигача ҳайрондурман. Тешавойни яхши кўрардим. У ҳам мени севарди. Лекин Тешавой бирданига раиснинг кизига уйланиб олди. Мени институтдаги Ўроқвой деган домла илиб кетди. Қирк тўртинчи бобда эримнинг оти Болтавой, касби домла эмас, қамалиб кетатурғон магазинчи бўлиб қолди. Ҳомиладор бўлганим майли, локигин боламини бошқаларга ўхшаб тўкқиз ой қорнимда кўтариб юрсам бўлмасмиди? Йў-ўқ, уч ойда туғиб қўйганимни ўзим ҳам кейин билдим. Беш килоли болани қанақасига қийналмай туғдим, ўзимам ҳайронман. Туғруқхонада ётганимда болам киз эди. Боғчага бораётганида Алпомишдай ўғил бўлиб қолди. Боламнинг отаси Ўроқвойми ё Болтавойми, аниқ эмас. Ўзимнинг афти-ангоримни киши танимас қилиб юбордилар, бунисига чидайман. Омма болани қанақасига ортгирдим, шунисига жавоб берсинлар. Агар бу киши зўрламаганларида бунақа ишлар бўлмас эрди. Мен «Баҳордаги муҳаббат» деган рўмонга кирган барча қаҳрамонлар номидан даъвогар бўлиб келдум. Юзта даъвогарни Гурилло Бадҳарфий аро йўлда чала ёзганлари учун улар бу ерга етиб келолмадилар. Менинг Тешавойим... еттинчи бобда чимилдиққа кирганича ҳалиям чиққани йўқ...

— Шу гаплар ростми?! Қизни бадном қилганингга иқрорми-

сан? — деб ўшқирди чол.

— Йўқ, таксир, ахир емаган сомсага...

Бу жойда савол бериларкан-у жавоб охиригача тингланмас экан. Бошига гурзи тушгач, гапи тилида қолди. «Емаган сомсага пул тўлаш бу ерда ҳам бор экан-да», деган ўй хаёлига келди-ю хушидан кетди.

Э... Абдумалик аканинг ўғли, соатингга кара-чи? Оббо... роса чайналибман-ку, а? Энди қанот чиқариб уйга учишим керак. Самовор палов сенга буюра қолсин. Ҳархаша холанг бешик тўйдан қайтгунича ширгуруч қилиб қўйиш бўйнимга тушгон. Ҳархаша холанг ҳозир парҳезда, тўйдан оч келади. Айтмоқчи, ширгуручга туз солинармиди, билмайсанми? Оббо... Таваккал, бир чимдим соларман. Яна нима дейсан? Ие! Рўмоним ростанам ёқдимми? Қалақа қилаётганинг йўқми? Ўйлаб топмадим, бу гапларни, Худо берди, мен тўқидим — қўйдим. Яна давомини тўқиб қўйганман. Эртага айтиб берарман-а?

Учинчи ҳангома

«Чойхона ҳам бор бўлсин!» дейдиган хотин мавжудмикин, бу дунёда. Қуёш ғарбдан чиқиб, мабодо шундай хотин топилиб қолса, мени айтди деявер, дунёдаги барча чойхоналарда унга ҳайкал қўйилади. Ҳозирча биз бевақт туғилғонмиз шекилли, чойхона борлиги учун Худога шукр қиладиргон хотин топилғонича йўқ. Мана, кеча салгина гапга берилибман. Шошиб-пишиб ширгуруч қилибман. Тамомий балога қолдим. Ҳархаша холанг бешик тўйига кетишдан олдин менга ширгуруч эмас, ширчой буюрган экан. Хуллас, ширгуруч пиширган мен-ку, локигин қарғишга чойхона қолди. Шу инсофданми? Ана, Толиб бедарвозанинг чойхонасини қарғасин, Дунёдаги итпашша-ю хира пашшаларнинг ҳаммаси ўша ерда. Бизнинг чойхонада нима айб? Айниқса, сен энди чиқиб ўрганаётганингда бу чойхона хотинимнинг қарғишига қолиб бир нима бўлса, мен бу дунёда қандай қилиб бош кўтариб юраман? Ҳа, ҳа, гапинг тўғри, номард одам хотинидан шикоят қилади. Бўпти, дамим ичимда. Фақат шу чойхонага бир нима бўлса, хотинимдан

кўриб юрмаларинг. Мақсадга ўтайми? Хўп, кеча нималарни айтиб берувдим? Гурилло Бадҳарфийга бир хунук хотиннинг даъво қилгониними? Унда бугунгиси меравой гап бўлади. Эшит:

Шундай қилиб, нариги дунёдаги сўроқ қилғувчи чол иккинчи аризани чикорди. Ҳарфларга кўз югуртирди-да, Гуриллога «аҳволинг чатоқ, омма баттар бўлмасанг розимасман», дегандай қараб қўйди. Кейин баланд овозда бақирди:

— Султон Мурод ибн Маъмур ибн Аҳмад!

Оломон орасидан кўриниши дарғазаб, юриши эса майинроқ бир одам чиқиб таъзим қилди. Ўзи эркагу, локигин таъзими эркакча бўлмади.

— Хўш, рўйхатда кўрсатган барча хотинларинг шу ердами? — деб сўради чол ундан.

— Ҳа, тақсир, ана улар.

Подшоҳ шундай деб нарида тўп бўлиб турган қирқ нозанинни кўрсатди. Чол уларга қараган эди, нозанинларнинг ўн еттисиси ишва билан жилмайиб қўйди. Чолнинг ўзи қари бўлгани билан кўнгли ёш эди, оёғининг тирноғигача зириллаб кетди.

— Демак, Гурилло Бадҳарфийда даъвоинг борми? — деб сўради нозанинларга тўйиб қараб олгач.

— Шундай.

«Мен шоҳлар замонида яшамаган бўлсам, уларга ёмонлик ис-тамаган бўлсам, менда қанақасига даъвоси бўладур?» — деб ўйлади Гурилло.

— Хўш, Бадҳарфий, сен бу олий зотни танийсанми? — деб сўради сўроқловчи чол.

— Танайман, — деди Гурилло дадил.

— Ҳой, малъун, энди танаймай қолдингму? Бошимга шунчалар қулфатлар солиб-а? — деб нола қилди султон.

— Ўлай агар, танайман, — деб қасам ичди Гурилло.

— Ўлиб бўлгансан, қасаминг ўтмайди, — деди чол. — «Шоҳ борки, хотин бор» деган рўмонни сен ёзганмисан?

— Ҳа, бир пайтлар ёзувдим... лекин босилиб чиқмагон.

— Султон Муродни сен яратганмисан? Унинг қирқта хотини бор эди, энди эсингга тушдимми?

— Туш...ди, — Гуриллони беҳос ҳикичок тутиб, дадил жавоб қайтара олмади.

— Ана, танишиб олдинглар. Ишни ўзаро тушуниш йўли билан ҳал қиламиз. Қани, подшоҳ ҳазратлари, даъвоингизни лўнда-рок қилиб баён этинг.

— Подшоҳ бўлиб яралиш ҳаммага насиб этавермайди. Толоимдан ўргулай, деб дунёга келдум. Беш ёшумда подшоҳ бўлдум. Отамнинг кимлигидан, қандай йўқ бўлгонидидин беҳабар эрурман. Сен отамнинг кимлигин билармидинг, малъун!?

Гурилло ҳуқуқ илмидан ҳам боҳабар эрди. Шу боис дангал деди:

— Мен норозилик билдираман. Даъвогар жамоатчилик орасида обрўйимни тўкяпти!

— Бу ерда обрў деган гап йўқ. Жамоатчилик ҳам йўқ. Даъвогарнинг саволига аниқ жавоб бер.

— Отангнинг кимлигини, нима бўлганини мен қаердан биламан? Керак бўлса, уруғ-аймоғингдан сўраб-суриштириб олавер!

— Ана кўрдингизми, таксир, бу муттаҳам шунақа тониб туради. Хўп, бунисига чидай. У менга дастлаб етти қасабали мамлакат берган эрди. Ерларимнинг у бошида кун чиқиб, бу бошида ботарди. Рўмонининг ярмига бормай, қасабаларим учта бўлиб қолибди. Хўш, малъун, тўртта қасабамни нима қилдинг?

— Еттиталигича турибди, ана, қўлёзмамга қара, кўчирғувчи хотуннинг айби бирлан «учта» деб кўчирилган.

— Ана, яна тоняпти бу малъун! Бир гўзал жононга ишқим тушган эрди. Мулозимларим уни ҳарамга киритишиб эрди. Қани ўша жонон? Нима учун мени ҳарамга киритмадинг, малъун?

— Қанақа, подшоҳсан, эсинг жойидами ўзи? — деди Гурилло ғазабланиб. — Ўша куни чет эл делегациясини қабул қилишинг керак эди. Ҳарамда бало борми сенга? Биттасига кирмаган бўлсанг, ана, қирқтасини бериб қўйибман-ку?

— Қирқтасини бермай ўл, сен жувонмарг! Қирқта жононнинг

кўнглини ола билишим учун мени қароқчилар тўдасида тарбиялашинг керак эди. Сен мени кимнинг ҳовлисида катта қилдинг, малъунгина?! Майдакадамларни қаердан топа қолдинг, балогинага учрагур!

— Феодал жамиятда бўлган бунақалар, мен ўйлаб топмаганман...

— Ҳув, овозинг ўчсун! Бу қирқ жонон менга насиб бўлмади, — подшоҳ шундай деб пешонасига қарсиллатиб урди. — Ҳаммаси мулозимларим билан дон олишадур, учраган эркакка қош кокадур. Ана, ҳозир ҳам ишва қилишяпти.

— Ҳай-ҳай! — сўроқловчи чол сири ошкор бўлгандай сапчиб кетди. — Мавзудан четлашманг!

— Муддаога ўтсам, у бегуноҳ одамларнинг дарё-дарё қонини оқизишга мени мажбур қилди.

— Бу менинг истагим эмас, жамият...

— Жим бўл! Сен мени қирқта хотинга уйланишга мажбур қилдинг!

— Ҳамма подшоларда қирқтадан хотин бўлган...

— Ахир менга биттаси ҳам етарди!

Подшоҳ шундай деб йиғлаб юборгон эрди, сўроқловчи чол унга валидол бериб, тинчлантирди. Бу ерга валидол қандай тушиб қолди, Гурилло билмайди, очигини айтсам, ўзим ҳам билмайман. Тинчителининг бошқача йўли бўлса, ўзинг тўғрилаб ёзарсан.

— Яхши, яхши, — деди чол подшоҳни тинчитгач, — талабингизни айтинг, дўзахда куйдирайликми?

— Йўқ, йўқ, куйдирманг тақсир! Ана, кўряпсизми, хотинлар имлашяпти. Ҳаммасини ўзи никоҳлаб олиб, жабрини ҳам ўзи тортсун. Мени шу хотинлардан халос қилсангиз бас...

Подшоҳ шундай деб ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Гурилло «Шунча хотин менга ҳам керакмас», деган эди, бошига гурзи тушди...

Нима дейсан, Абдумалик аканинг ўғли, Гурилло Бадҳарфийнинг у дунёдаги ҳаётини котириб тўқибманми? Энди менга тан берасанми? Хоҳласанг, яна тўқиб тапшлайвераман. Хоҳламайсан-

ми? Шунинг ўзи кўнглингни алағда қилдими? Вой, найнов-е! Кеча мақтаётувдинг-ку? Бўпти, сенга ёқмаса ҳам ана, чойхонадагилар эшитиб икки марта кулишди. Менга шуниси ҳисоб. Айтганларимдаги биттаям ҳарфни ўзгартирмай, қоғозга ёзгин-у газнитга бер. Ҳа, айтиб кўй, уларингга, қалам ҳақидан уриб қолишмасин. Берадигани бир кило гўштга етмаса, ёзғувчилигингни ҳам ташлайман. Кеча баққолликка ўтсам, шерикларим бирни бирга уриштириб, ўнни олишяпти. Маним фидойи эканлигимни билиб кўй. Ука, ха!

Жўрж тоғамизнинг айтганларини аслича қилиб қоғозга туширдим-у яна ўйлаб қолдим. Тўқиган хангомалари нашр қилинмаса, қалам ҳақи олмаса ёзувчиликни ташлар экан. Шундай қилгани сизга маъқул. Адабиёт майдонида ивирсиб юрганларнинг биттаси камаяди, деб қувонарсиз. Лекин менга кийин. Маҳаллада бош кўтариб юролмайман. Кўчиб кетишимга тўғри келади. Қаёққа кўчаман? Агар уч қаватли, бир юз ўн икки хонадан иборат, ховлиси ўн икки сотихдан кам бўлмаган ортиқча уйингизни менга берадиган бўлсангиз, майли, шунинг эвазига Жўрж тоғамизни адабиётдан безитиб, четлатиш биздан. Келишдикми?

## **ИКСНИНГ ХАТАРЛИ КАШФИЁТИ** (Мулла Муталлибнинг ғойиб бўлишига доир муқаддима- ли, аммо хотимаси узилган хаёлий ҳангома)

### Муқаддима

Қишлоқда ҳеч кимга сўз бермай юрадиган мулла Муталлиб бир кечада ғойиб бўлиб қолди. Аслида муллаликка ҳеч бир дахл-сиз Муталлиб саводи йўқдан кўра бор бўлишига қарамай, тўртта одам йиғилиб қолган ерда ҳеч кимга гап бермасди. «Ўзимиз оддий деҳқон бўлсак ҳам дунёвий илмлардан бохабармиз», дея суҳбат мавзуини истаган сўқмоғига буриб юбораверарди. Муталлибнинг эзмалигидан бағоят безор бўлган оқсоқоллардан бири унга «чала мулла» деб лақаб қўйган, бироқ йигирма иккинчи аср маданияти нуқтаи назаридан бу кўполликка йўйилгани учун лақабни сал андавалаб, уни «мулла Муталлиб» деб атардилар.

Мулла Муталлиб чекига тушган ерга фақат қовун экарди. Аммо кейинги ўн йил бадалида унинг бировга қовун сўйиб берганини ёки бозорга олиб чиққанини тирик зот кўрган эмас. Хотинининг айтишича (сизга ёлғон, бизга чин), хатто уларнинг ҳам оғизлари қовунга тегмасмиш. Ҳар йили қовун етилгач, мулла Муталлиб уни бир кунда узарди. Полизнинг ўртасига уйиб қўярди. Қишлоқдагилар эрталаб карашсаки, полизда сапча ҳам қолмаган. Ҳа, мулла Муталлиб худди қовунлари каби бир кечада изсиз йўқолди. Агар бу воқеа ўн учинчи асрда юз берганда эди, «Аллоҳнинг инояти» ёхуд «Ҳақ таолонинг кароматлари чексиз» деб ёқа ушлаб қўя қолган бўларди. Афсуски, воқеа йигирма иккинчи асрда содир бўлмоқдаким, ҳар бир мўъжизанинг сабаби илмий жиҳатдан исботланиши зарур. Зеро, мулла Муталлибнинг ғойиб бўлиши бежиз эмасдир ва у мазкур жумлага нуқта қўйилганидан сўнг бошланувчи бобда ҳикоя қилинур.

### Биринчи ва сўнги боб

Яхшининг ёмони, оқнинг қораси бўлгани каби, ҳар нарсанинг



акси борлигига ҳеч ким гумон қилмаслиги аниқ. Дунёнинг қурилишини қарангки, Аллоҳ ўз мўъжизаси ила яратган ўн саккиз минг олам орасида Ернинг, яъни сизу биз яшаб турган сайёранинг ҳам акси бор экан. Унга фазогирларимиз бу воқеадан йигирма тўрт йил аввал, аниқроғи, икки минг бир юз саксон саккизинчи йилда, яна ҳам аниқроғи, мулла Муталлибнинг эшаги ҳаром ўлган йили илк бора қадам кўйган эдилар. Шундан бери икки сайёра ахлининг алоқалари аъло даражада мустаҳкамланиб бораётган эди. Энг муҳими, масофа ҳам унча узоқ эмас. Сайёранинг ўзига яраша гўзал исми ҳам бор. Аммо ерликлар акс сайёрадаги дўстлари олдида бир озгина хижолатда бўлганликлари сабабли, унинг номини яшириб, ўзимизча «Зет» деб атаб турайлик. Ҳа, Зет Ернинг акси бўлса ҳам, у билан алоқамиз яхши эди. «Акс» деганда нимани тушунамиз? Биз кислород билан нафас оламизми? Зетликларда бунинг акси, улар ис гази билан тирик. Биз чучук сув ичамиз, улар эса денгизнинг шўр сувини ҳеч нимага алмашишмайди. Ерликлар санокни «бир»дан бошлайдилар. Зетликлар учун эса энг юқори сон — «бир». Ёки Ерда акселерация жараёни ниҳоясига етпти, оддий тилда айтганда, одамларнинг бўйлари ўсяпти. Зетда эса аксилакселерация жараёни бошланаётир, яъни зетликларнинг бўйлари тобора пастлаяпти. Жараён шу тахлит давом этаверса, яқин минг йил ичида энг новча зетликнинг бўйи тўрт қаричдан нарига ўтмай қолади. Зетлик олимларни ташвишга солган бу муаммо кўп баҳсларга сабаб бўлди. Одатда, башарий аҳамиятга эга бўлган муаммо туғилганда барча олимлар диққатларини шу масалага қаратиб, ўз мутахассисликларидан (кўпинча, ўз феъл-атворларидан, дунёқарашларидан) келиб чиққан ҳолда турли таклифларини ўртага ташлайдилар. Таклиф кўпайган сайин муаммо чигаллашиб бораверади. Аммо Зет акс сайёра эмасми, у ерда муаммо чигаллашмай, ечилиб боради. Таклифлар тезлик билан рад этилади ёки қабул қилинади. Бир гуруҳ олимлар зетликларнинг мўътадил бўйини сақлаб қолиш учун ерликлар билан чагишишни таклиф қилди. Бундай қабих ўй хаёлига келгани учун улар жинойий жавобгарликка тортилдилар. Чунки зетликлар

ўз насл-насабларини ниҳоят даражада қадрлайдилар, бирон бир ташқи таъсир натижасида юзага келувчи ирсий ўзгаришлардан ўзларини эҳтиёт қиладилар. «Бўйимиз бир қарич бўлиб қолса ҳам, қонимиз бузилмасин. Зетлик – зетлигича қолиши керак!» Олимларнинг барча таклифлари шу асосда кўриб чиқилди. Ниҳоят, калаванинг учи топилди: бўй пасайишининг олди олинбгина қолмай, уни ўстириш йўли ҳам кашф этилди. Кашфиётчи олим эса «Зет Қаҳрамони» деб эълон қилинди. Бу олимнинг ҳам чиройли исми бор эди. Бирок, уни тилга олишга барча ҳазар қилиб қолгани учун биз ҳам уни «Икс» деб тураимиз.

Демак, масала ойдинлашди: зетликлар пакана бўлиш хавфидан қутулдилар. Лекин бир нарса қоронғи: нима учун кашфиётчининг юзига қора суртилди?

Энди масаланинг бу томонини ҳам изоҳлаш лозим. Бунинг учун Зет Тубан (яъни Олий) судининг айрим ҳужжатларидан фойдаланишга тўғри келади. (Зет акс сайёра бўлгани учун уларда суд жараёни ҳам бошқачароқ. Яъни аввал ҳукм чиқарилади, сўнг жараён бошланади. Қораловчи ва адлия ходимининг вазифаси ҳам бўлакча. Сиз, азизлар, чалғиб кетманг, деган мақсадда жараёни маромига тўғрилаб тушунтиришга ҳаракат қилдик.)

Терговчи тўплаган маълумотдан:

«Икснинг кашфиёти дастлаб ижобий натижалар бера бошлади. Унинг тажрибахонасидан чиққан кишиларда бўйнинг ўсиши сезиларли даражада тезлашган. Икснинг муваффақияти аввалига ҳеч кимда шубҳа туғдирмади. Кейинчалик ирсият масалалари билан шуғулланувчи олимлар Икс олиб бораётган ишларнинг зетликлар насл-насабини бузишга олиб келаётганидан бизни огоҳ этдилар. Орадан кўп ўтмай, тарқалаётган Зет учун номаълум юкумли касалликларда Икс кашфиётининг ўрни борлигини ҳам маълум қилдилар. Шундан сўнг Икс сир тутиб келаётган кашфиётнинг моҳиятини ошкор этиш ҳаракати бошланди. Маълум бўлишича, Икс мижозларига кунда уч маҳал қовун шарбати ичираётган экан. Қовун шарбати Ердан яширинча олиб келинган...»

Оддий молекуляр биолог (Ерда «академик» деб иззат қилинади) берган гувоҳлигидан:

«Олий ҳакам: Сиз ҳамкасбингиз Икс жанобларининг кашфийетини зарарли, деб ҳисоблайсизми?»

Жавоб: Зарарли эмас, мудҳиш ва хатарли деб ҳисоблайман.

Олий ҳакам: Сиз фалокат сабабини фақат қовун шарбатида деб биласизми ёки бошқа тахминларингиз ҳам борми?»

Жавоб: Яна бир қарра такрор ва қатъий равишда айтаманки, Ерда етиштирилган қовун шарбати хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Олий ҳакам: Даъвоингизни илмий эмас, оддий халқ тушунадиган қилиб изоҳлаб берсангиз.

Жавоб: Марҳамат: текширишда аниқланишича, қовун таркиби ерликлар «селитра» деб атовчи ғайритабиий моддадан иборат. Селитра қатта одам саломатлигига дарҳол қаттиқ таъсир қилмаса ҳам, унинг зуррийетини бузишга олиб келади. Ерда етиштирилган қовун шарбатини ичган аёллардан соғлом бола туғилмайди. Шарбат билан баданга сингган, ҳалиги айтганим, селитра деган захарли модда аста-секин қон таркибини ўзгартиради. Демак, бора-бора марказий асаб мажмуини ишдан чиқаради. Лекин зетликларга мен айтган сўнгги ҳасталик хавф солмаслиги ҳам мумкин. Нега деганимизда, мия фаолиятида салбий ўзгаришлар бошлангунга қадар ошқозон-ичак ҳасталигидан ўнглана олмай жон беришлари турган гап. Икс бўй ўстираман, деб жинойтга йўл қўйган. Балки у буни билмагандир. Чунки ерликларнинг илмий ишларида бу нарсага қатта аҳамият берилмайди. Селитра билан озикланган ерликларнинг шу дамгача қирилиб битмаганига ҳайронман.

Олий ҳакам: Ерликлар селитранинг зарарини биладиларми? Билган тақдирда нима учун ундан фойдаланадилар?

Жавоб: Буниси мен учун қоронғи.

Олий ҳакам: Сиз илгари қовун таркибида селитра мавжудлигини билармидингиз?

Жавоб: Бу ҳақда бизда маълумот йўқ эди...»

Мулла Муталлибнинг (у ўзини шундай таништирган бўлса керак) берган гувоҳлигидан:

Олий ҳакам: Аввало сизни тўсатдан ва мажбуран бу ерга олиб келганимиз учун узр сўраймиз. Бошқа иложимиз йўқ эди.

Мулла Муталлиб: Ҳеч қиси йўқ. Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр, дейдилар. Баҳонада томоша қилиб кетаман. Фақат... қайтишдан олдин бозор айланишга ижозат берсангизлар бас.

Олий ҳакам: Сизнинг олиб келинишингиздан Ер элчиси огохлантирилган.

Мулла Муталлиб: Шунисига беш кетдим.

Олий ҳакам: Айтингчи, сиз жаноб Икс билан кўпдан бери танишмисиз?

Мулла Муталлиб: Ўн йил бўлди чамаси.

Олий ҳакам: Қандай танишгансиз?

Мулла Муталлиб: Биласизми, юртимизга бошқа сайёралардан кўпгина меҳмонлар келиб туришади. Шуларнинг иззатини қилиб, қовун сайли ўтказилади. Таниш-билишларга раҳмат, ишқилиб, озгина харажати бўлса ҳам, битта сайлда қатнашига ижозат олиб беришди. Ўша йили жаноб Икс келган эканлар, қовуним ёқиб қолди.

Олий ҳакам: Нима учун? Селитраси кўп эдими?

Мулла Муталлиб: У пайтлар унчалик кўп эмасди.

Олий ҳакам: Бошқаларникига нисбатанми?

Мулла Муталлиб: Чамамда бошқаларникида мутлақо йўқ эди. Мен яширинча ишлатардим, сабаби, тирикчиликда, жўжабирдай жонмиз. Жаноб Икс илтимос қилганларидан кейин кўпроқ қўша бошладим. Ҳар ҳолда ҳурматлари борда.

Олий ҳакам: Селитра қўшмай ҳам қовун етиштириш мумкинми?

Мулла Муталлиб: Неча минг йил шундай бўлиб келган, дейишади.

Олий ҳакам: Селитра ўзингизга таъсир этмайдими?

Мулла Муталлиб: Биз селитра солинганини оғизга олмасдик...

Ҳар холда тирик жон... билиб бўлмайдиди-да...»

Суд қароридан:

«...4. Икснинг кашфиёти зарарли деб топилсин ва бекор қилинсин. Зетликлар наслини, қонини тоза сақлаб қолиш мақсадида қовун шарбатини истеъмол қилиб ақлан заифлаша бошлаганлар ва уларнинг фарзандлари даволаниш учун махсус шифохонага юборилсин. Юртимиз аҳли саломатлигига касд қилгани учун ўзини олим деб юрган Икс Зетнинг табиий йўлдошига бадарға қилинсин. Икс илмий тадқиқотлардан мутлақо четлатилсин...

...9. Ердан олинадиган маҳсулотлар рўйхати қайта кўриб чиқилсин. Қовун олиб келиш мутлақо тақиқлансин.

...13. Ерлик Мулла Муталлиб жиноятга шерик деб топилсин. Унинг энг олий жазога лойиқлиги, яъни бозор айланиш ҳуқуқидан маҳрумлиги таъкид этилсин...»

Хулоса

Ердаги воқеаларга оид ҳикоя бўлганида, албатта, хулоса - қиссадан ҳисса талаб этиларди. Айтганимиздек, Зет – акс сайёра, унинг қонун-қондаси бўйича бир қулоч хулоса ёзишга ҳожат йўқ. Шу боис гапни мухтасар қиламиз. Баёнда хираликлар учраса, маъзур тутасиз.

Мазкур воқеани ўз қулоғим билан эшитганимни тасдиқлайман, деб имзо чекаман:

Т. М.

## ЙЎҚҚУЛОБОД ҲАНГОМАЛАРИ

«Йўққулобод» деганлари қайда экан, деб бош котирманг. Бундай кичкинагина мамлакатнинг қаерда жойлашганини ўзимиз ҳам яхши билмаймиз. Эҳтимол, бизнинг қитъамиздadir, балки ўзга сайёрададир? Шу кейингиси тўғрроқ бўлса керак. Чунки ўн саккиз минг олам орасида бизни кига ўхшаган яна битта сайёра бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳамонки ўша сайёра бизни кига ўхшайдими, демак, унинг ҳангомалари ҳам бизга яқин бўлади-да! Ҳали биз у сайёрани кашф этганимиз йўқ. Лекин улар бизни аллақачон кашф қилиб, кузатаётганларига ишонмайсизми? Қачонлардир улар самовий кемаларида учиб келишар. Унгача эса ҳангомаларини ҳаво тўлқинлари орқали юборишибди. Биздан нима кетди, эшитсак эшитибмиз-да! Огоҳлантириб қўяйлик: агар ҳангомаларнинг бирида қўшнингизга ўхшаган одамни учратиб қолсангиз, ажабланманг. У сизнинг эмас, ўн саккиз минг олам доирасида жойлашган Йўққулобод сайёрасида яшовчи Ғойибқулнинг қўшниси.

### Кимга мазза?

(Икки қултумгина лоф шарбатига муҳтож ҳангома)

Биродар, мен сизга бир телбанамо савол берайину аммо сиз ажаблана кўрманг. Донишманддан «телбанамо саволдан дурусти надур?» — деб сўралганида у «телбанамо саволдан дурусти — тентакнамо жавоб эрур», — деган экан. Саволим бундай: тасаввур қилингким, камина бир ҳомийнинг сармояси ила чиқадурғон газнитнинг мухбиридурман. Газнитнинг номини асти сўраманг. Аммо-локигин Йўққулободимизда чиқадурғон «Бургачи»ми, «Битлики»ми, «Тесқари кўнгил»ми деганлариға ўхшата кўрмангким, аларга ўхшашдин Худойим асрағай! Бизнинг газнит улар каби минг-минглаб нусхада чоп этилмағайким, зотан, «бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлғай», — демишлар донолар. Бизнинг газнит

бир билан бир ярим мингнинг орасинда тебраниб турса-да, ўладиргон эмасдур ва ўлим нишонасидин ҳийла узоқдур. Маош ва «гонорар» аталмиш тириклик сувининг қуришидан ташвишимиз ҳам йўқдур.

Хўш, энди асосий телбанамо саволимизга келсак: айтнинг-чи, бу соҳада каминага маззами ё чет эллик, айтайлик америкалик мухбирга маззамикин? Баъзилар борким, хориждаги ҳаётни ҳавас қилурлар. Бе, ҳавасгинангга курт тушгур, ўша ҳам ҳаёт эканми! Мана, ўша америкалик мухбирнинг мақоласи газнитда чиқди, дейлук. У нима қилади? Қалам ҳақини олиб, ошналари билан улфатчилик қиладими? Бе, қаёқда! У энди эртасини ўйлай-ўйлай адо бўлади. Юрса ҳам ўйлайди, турса ҳам ўйлайди. Ҳатто, бировга айтманг-у ўйнашининг кучоғида ётган чоғида ҳам «эртага нима ёзсам экан?» деб тўлғонур. Ўйламасун-чи, ҳаммани қойил қиладурғон мавзу топиб, мақола ёзмасун-чи, каттаси чақиради-да: «Тошингни тер, бола», деб суробини тўғирлаб қўядур. Камина-чи? Менинг ҳаётим бўлак, жаннатнинг ўзгинаси. (Атрофимда ҳурилиқолар йўқ халос. Кўчадаги ҳурилиқоларга эса «тириклик суви»нинг чўғи пастрок келадиким, бу жиддий масъала эмасдур ва дафъатан чалғимайлук, ошналар.)

Айтайлик, газнитда менинг мақолам чиқди. Бу ёғи кечгача таралла бедод, ялла! Чойхонага борурман, паловхонтўра билан тиллашурман (тўғри англангким, бир лаган эмас, бир коса). Бекорчи қулоқ топилса, сайраб ҳам беражакман. Эртани ўйлаб ташвиш чекмоқлик каминага ёт эрур. Сабабким, кечга яқин бошлиғим чақиринини билурман. Бошлиғимни Худо берган, бунақаси етти иклимда йўқдур. Имлода ўн иккита ҳарф бор, десангиз ҳам кўнадиргон мўмин инсон. Дерларким, тўртинчи синфдалигида боши тошга урилиб, (эхтимол, тош бошга урилгандир) ўқишни ҳам қойиллатган эканлар тақсирим. Аммо каминани бу мутлақ қизиқтирмаским, ул зотнинг ҳомийимизга қариндошлиги ҳам ўнинчи даражотдаги бир масъаладур.

Хуллас, боши тош билан ошно бўлғон ўшал бошлиғим чақирур-да: «Газнитимиз ҳомийси Фалончихўжа акамизнинг сигирла-

ри иккита туғибди, шунинг кифтини келтириб ёз, оковси», — дер. Айтиш хўжайиндан — ёзиш каминадан. Хонамга чиққаним ҳамон Фалончихўжанинг уйига телпон қилурман. Сигирнинг рангини сўрайдурман. Бошқа гапга на ҳожат? Сигирнинг тўрт оёғи, битта думи борилигини ўзим ҳам билурман. Эрталабгача газнитнинг бир бетини безайдурғон қулинг ўргулсун мақола тайёр бўлур. Фақат топшириқка жиндай таҳрир киритишга журъат этурман: мақолада ҳомийнинг ола сигири бошлиғим айтганидай иккита эмас, учта туғди. Ҳа, энди бадий тўқима ҳам керак-да. Одамлар ҳомий жанобларининг бекор ўтирмаганини билиб қўйишсун-да. Аммо, бир гап айтайким, биров зинҳор билмасун, рости — ҳомий жанобларининг сигири умуман йўқ. Аммо бу каминани мутлак қизиқтирмайдурғон масъаладур. Ҳомийнинг сигири бўлмагани билан менга юкланган топшириқ бор эрур ва мен уни қойиллатганим ҳам ростдур. Гап сигирнинг йўқлигида ҳам эмасдур, бильакс, йўқ нарсаларга ўқиғувчини ишонтирмоқдадур. Мақола газнитда чикди. Чойхонага бордим. Паловхонтўра бу сафар ҳам каминадан ранжимадилар. Кечка томон яна хўжайин чақирдилар: «Мақоланг яна бир ҳомийимиз Пистончихўжага ёкибдур. Энди унинг товуғини ёзасан». Буюриш хўжайиндан — ёзиш каминадан. Бунака товуқларни ёзавериш, пишиб кетганманким, хатто қаламим ҳам баъзан қақаглаб қоладиғандай. Қандайин товуқ бу, декормисиз? Ҳа, ҳа, ўзимизга таниш ўша хўрознинг хотини-да!

Америкалик мухбир эртанинг ташвишини қилиб ётганида камина уйга беташвиш равишда келурман, беташвиш ҳолда овқатланурман. Беташвиш ётиб, беташвиш тураман-да, беташвиш ишга жўнайман. Нечун ташвиш чекай, биродар? Қўлимда Пистончихўжанинг товуғи ҳақидаги мақола. Товуқ «простой» эмас, кунда иккитадан тухум туғади: эрталаб кумуш тухум, кечқурун олтин тухум. Йўл-йўлакай бир газнит сотиб оламан. Ўқишгамас, бе, ўзим газнитчи бўла туриб газнит ўқийманми. Бу газнитда яхши кроссвордлар бўлади. Мана кеча «тўп тепишни билмайдурғон, аммо чиранишда оламини лол қолдирғувчи футбол командалари қайси мамлакатда мавжуд?» — деган саволга жавоб топа



олмадим. (Тошишга топдим, харфлар катакчага тўғри тушди-ку, аммо жавоб бировга айтадурғон эмас. Сиз ҳам билурмисиз? Билсангизда... жим. Ҳа, баракалла!)

Хуллас, мақолани хўжайинга бердим. Газнит чиқай деганда урди Худо! Ҳомий Пистончихўжа жаноблари фикрларини ўзгартирибдилар: у кишига товук ёкмай қолғон эркан, энди хўроз ҳақида ёзмоқ шарт эркан. Бизнинг ишда шунақа оғирчиликлар ҳам бўлиб туради, биродар. Лекин биз тушкунликка тушадурғон анойилардан эмасмиз. Мақолани бир зумда оёғини осмондан келтирдим-у тузатдим. «Товук» деган жойларни «хўроз» деб ўзгартиш билан иш пишди. Битта жойи сал хато кетибдиким, эртасига газнит чиққанда билдук. Камина таърифун тавсиф этгон хўроз жаноблари кунда иккита тухум туғарканлар: эрталаб кумушу кечкурун олтун! Хўжайин «бу қанақаси?» деб дарғазаб бўлгон эрдилар, «акахон, бу хўроз қўшма корхона эрур, қўшма корхонадан эса ҳар бало кутмоқлик жоиздур», деб «суваб» ташладим.

Бор гап шу биродар. Ана энди айтинг-чи, кимга мазза, каминагами ё америкалик бечорагина мухбиргами? Дарвоқе, сизга энди бир ақлли гап айтурманким, сиз зинҳор базинҳор ранжимагайсиз: мабодо узок чет элда кариндош мухбирлар йўқми? Бор бўлса, уни чақиринг, у ёқларда эзилиб юрмасун. Газнит чиғаришга химмат қўлини чўзғувчиларимиз кўп. Бизда, америкаликлар айтгандай, ҳамма нарса о, кей! Энди узр, мени хўжайин чақиряптилар, янги топшириқ олажакман. Бирорга хомийнинг мушуги мов бўлган бўлса керагов...

### **Зижхаздан Кенгқошга саёхат**

(Бировга айтиб берган эдим, «ўлай агар, ишонмадим», деди. Майли, ишонмаса ишонмасин, аммо ўлмасин.)

Йўкқулободда ким кўп, омад куёши кулиб турганлар кўп. Войкул ҳам шуларнинг бири. Омади кулмаса, юк машинаси сотиб олардими? Йўкқулободда омади бор одамнинг хўрози ҳам тухум килади, дейишгандай, ҳосил ҳам мўл бўлди-ю Войкул бир машина

сара қовун билан «Қайдасан, Кенгқош!» деб йўлга тушди. Қўлида Хотинхўжаси ёзиб берган отнинг белидек бўлмаса ҳам, думи қадар узунликдаги рўйхат. Шу рўйхат бўйича Кенгқош бозорларини овлаши керак. Минг турли орзулар билан кетаётувди, бир йигитча ола таёғини кўтариб «Тўхта!» деди. Айтмоқчи, бунақа азаматларни Масков томонларда илгари «ГАИ» дейишарди, Йўккулободда биров «йўлларингдан айланай, сен салом бергин, алик олмаган — номард» дейди, яна бирови қисқагина қилиб, «ВОИ». Ола таёғидан ҳам номи узайибди, барака топгурларнинг. Топиш-тутиши ҳам шу номига қараб узайса майли-я! «ВОИ бола», хужжатларни текширгиси келиб турган экан, Войкул ҳамма қоғозларини берди. «Ака, ҳамма хужжатингиз жойида экан, эсон-омон бориб келинг, Худо бозорингизни берсин», дейишини кутиб, у нодонгина: «Янгангиз билан деҳқончилик қилувдик, энди меҳнатнинг роҳатини кўрадиган бўлиб турибмиз» деб юбормайдими? «Ие, — деди «ВОИ бола», — хали янгам билан бирга деҳқончилик қилдингизми? Бунинг хужжати йўқ-ку?» Войкул, хомкалла, хотини билан бирга далада ишлагани ҳақида қоғоз қилиб олмаган экан. «ВОИ бола» «бу хужжатсиз сизга шаҳарга йўл йўқ», — деб туриб олди. Яхшики, Войкулнинг калласи ишлаб қолди. «Болангдан айланай, ВОИ бола, иккита қовун берсам, ўша хужжатнинг ўрнини босадими?» деди. «ВОИ бола» «Нима, мен порахўрманми?!» — деб уни жеркиб берди. Войкул вой-войлаб ўтирмай, савдони барибир пишитди. «ВОИ бола»нинг китобидаги қоида бўйича ўн донагина қовун порага кирмас экан, ўзи танлаб олиб, Войкулга «оқ йўл» тилади. Йўлда «ВОИ бола»лар ҳам кўп экан. Ҳаммасига ола таёқ етказиб берганларга ҳам қойил қолиш керак. Ҳаммаси Войкулни кўриши билан таёғини ўйнатиб қолса-я! Биттаси: «далада бирга ишлаганингиз чин хотинингизми ё ўйнашингизми, нега хужжати йўқ», деса иккинчиси: «ўша аёлингиз хотин жинсидан эканига гинекологдан хужжат олишингиз керак эди», — дейди. Аммо буларнинг орасида биттаси ҳам порахўр эмас экан, шуниси аж-жойиб! Войкул ўнта-ўнта қовун билан ишларини хужжатлаштириб бораверди. Кенгқошга етай деганида машина тепасига чикиб қа-

раса, худди атай санагандай ўнтагина қовун қолибди. Ният — холис-да! Бу қайси бахти кулганга насиб қилганийкин, деб турувди, яна битта «ВОИ бола» келди. Қоғозларни ўкиб чиқиб: «Хужжатга қараганда машина эркак кишиники экан», деди. «Ўша эркак — аканг қарагай бўлади, акаси жонидан», — деди Войкул. У эса Войкулга яхшилаб қараб олиб: «Бу ерда эркаклигингиз ҳақида хужжат йўк-ку?» — деди. «Эркаклигимни кўриб турибсан-ку?» деса, бола пақир, «Мен кўриб турганимга ишонмайман, хужжатга ишонаман» — деди. Хуллас, қолган ўнта қовун эвазига эркаклигига ишонтирди. Қовун кетса кетсин, обрў кетмасин, деди-да!

Шаҳаргача келиб, орқага қайтиб кетавермай, деб бир айлангиси келди. Яхши ҳамки хотини қовун сотилгунча пагтачи-магтачига ишлатиб турарсиз, деб пича пул берган эди. Шаҳар ичида ҳам олатаёқлар кўтарилиб турар экан. Ҳар кўтарилганда чўнтак қоқилаверди. Охири ютқизган ночор қиморвоз хотинини тиккандай, Войкул ҳам машинанинг биттадан бўлагини ташлаб кетаверди. Тўртта ғилдиракка қаноат қилган «ВОИ бола»нинг инсофи бор экан, қоқ суяги қолган машина «склети»ни йўловчи «Камаз»нинг кажавасига ортиб берди. Қовун ортиб Кенгқошга келаётганида кадрдон бўлиб қолган «ВОИ бола»лар қайтишини интиқ кутиб туришган экан, Войкул уларни ҳам курук қўймади. Қишлоққа кираверишда елкасида битта тўн-у, қўлида машинанинг калитигина қолган эди. Охириги «ВОИ бола», отасига раҳмат, калитни олмади, «сизга биздан эсдалик бўлсин», деди аммо тўнини олди. «Эскироқ бўлса ҳам сизники табаррук, итимнинг тагига соламан», — деди.

Войкул «Саргузаштларимга уйдагилар ишонишмас», деб хавотирланганди, йўк, калитни далил қилгач, хотини дарров ишонди. Аммо ҳеч ким ранжимади. Йўкқулободда туғилиб-ўсмаган Афанда битта тақа топиб олиб, «яна тўртта тақа топилса, тепасига биттагина эшак топсам бас», деган экан. Войкулда калит бор, тўртта ғилдираг-у, битта мотор, яна кузов деганларидай... топиш кийин эканми? Лекин кейинги йил Борқандга боришни мўлжал қилиб қўйди. Ўйлаб қараса, шу шаҳарни кўрмаган экан. Тижорат бўлма-

са зиёрат, деганлар, а, лаббай?

Биз бу баёни ёзиб ўтирганимизда Войкул шошиб турган эди. «Қаёққа кетяпти?» дейсизми? Хотинининг қайнонасига қиз экани, ўзининг эса қайнонасининг куёви экани ҳақида ҳужжат олиб қўйиши керак. Яна ким билади, йўл узоқ...

### **Саломат бўлсинлар, доктор!**

(Бу ўлимтук миш-миш жон таслим қилмай  
туриб танишиб олайлук)

Йўкқулободнинг қадим тарихида боши оғриган одам шифо умидида табибга борса, табиби билан ҳисоб-китоб қилганидан кейин юрак оғриғини ҳам орттириб чиқаркан. Бу бир миш-миш дейсизми? Унда яна бир миш-мишни эшитинг. Йўкқулободнинг шимоли-шарқида жойлашган Тескариобод томонда Тошбақаобод деган қишлоқ жойлашган. Ана ўша ерда яшовчи Бевошқул отанинг касалхона бош врачини тавбасига таянтирганини биров эшитган, бошқа биров эса беҳабар. Аслида Бевошқул ота соппа-соғ эди. Шу ёшга киргунига қадар дўхтир деганига иши тушмаган. Шу қиш икки марта аксирган эди, катта ўғли тушмагурнинг меҳри жўшиб кетдимиз, «ота, сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ёти-иб бир даволанинг», деди. Бевошқул ота: «Касалхонага ётмасам одам қаторидан чикаман шекилли», болаларим яна «отасини касалхонага ётқиза олмаяпти экан», деган маломатга қолишмасин», деб, кўна қолди. Аммо ўғли тушмагур ҳадеганда йўлланмани олавермади. Бевошқул ота бу йўлдаги сарсонгарчиликни қаердан билсин? Сарсонгарчилик нималигини Йўкқулободда жуда кўпчилик билмайди. Сарсонгарчилик — йўкқулободликлар тили билан айтганда, бу йўлда озгина чиқим қилиш. Чиқимсиз мушук ҳам офтобга чикмайдиган бўлиб колганини билмайдиган одам уйида туршак шимиб, наъматакнинг қайнатмасини ичиб ўтиравергани дуруст-да. Катта ўғил ҳам уятчан-да, «ота, уч ойлик маошимни олсам, касалхонага йўлланма ҳам униб коларди. Унгача кўрпача қатига яширган пенса пуллариғизни чиқариб туринг», демади. Бевошқул ота тушунарди, асли мард эмасми, «сен уч ойлик ма-

ошингни кутаётган бўлсанг, менам икки ойлик пенсамдан ҳали умидимни узганим йўқ», деб ўтирмасдан, носдан орттирган пулларидан шарт чиқариб берарди. Охири шундай бўлди ҳам, катта ўғил айтди, кўрпача қатидаги пул чиқарилди Йўлланма кўлга тегди. Бевошқул ота ҳам одам қаторига кўшилиб, касалхонага ётқизилди. Дўхтурлар бирин-сирин кириб, отанинг хурматини жойига қўйиб: «Нима касалингиз бор?» — деб сўрашди. Бевошқул ота «нима касалим борлигини ўзинг топмайсанми?» — деб ўтирмай, «Тўрт йил олдин ўлиб берган кампиримни соғинишдан бошқа касалим йўқ», — деб қўя қолди. Шу-шу дўхтурлар Бевошқул отага йўламай қўйишди. Ота «Бу дўхтурларда кампирни соғиниш касалига дори йўқ экан-да?» — деб ётаверди. Кейин зийраклик билан кузатиб карасаки, дўхтурлар кириб, қуюқ салом беришганда, у куруқ алик олган экан. Билсаки, тузалишни истаган касал дўхтурнинг саломига бошқача алик олиши зарур экан. Астойдил дуо қилиш, юракдан чиқариб раҳмат айтиш ҳисобга ўтмас экан. Раҳмат деганлари чўнтақдан чиқиши шарт экан. Дўхтурларнинг билгани билган. Агар улар бозорга бориб: «Бевошқул бобо менага бир тонна раҳмат айтдилар, дейишса, биров бир мисқол гўшт берармиди?» Бевошқул ота зикна эмас. Ақли киргандан кейин у ҳам раҳматни чўнтақдан чиқариб, айтиб турди. Дорининг хилма-хилини ёзиб беришди-ю «бунақа дори касалхонамизда йўқ, ўғлингизга айтинг, топиб келсин», дейишди. Барака топгурлар, касалхонанинг шундай бикинида дорихона очиб қўйишган экан, ўғли қидириб, сарсон бўлмади. Яна барака топишсин, илгарилари касалхонага ётган одамни йиғирма тўрт кун даволашарди. Ҳозир икки ҳафтада миҳдай қилиб юборишяпти. Шуниси ҳам дуруст. Йиғирма тўрт кун ётган одам раҳмат айтавериб, охири ўлимлигига асраб юрганини ҳам шу ерга ташлаб кетармиди... Икки ҳафта деганда Бевошқул ота ҳам уйига кетадиган бўлди. Нарсаларини тугиб, ўғлига «уйдаги аравани олиб кел», деб тайинлади. Кейин ўзи ётган каравотини кўтартириб, аравага ортаётган эди, бош врач хай-хайлаб келиб қолди.

— Касалхонангга ётғизиш учун ўғлим пул тўлаган экан. «Бит-

та койка фалон сўм», — деган экансанлар. Ўша пулни тўлаганман. Энди шу койканг меники бўлади, — деди Бевошкул ота ўжарлик билан. Бош врач ялинган эди Бевошкул ота: «Менинг бу ерда ётишим ҳам, дори-дармон ҳам текинлигини биласанми?» — деб сўради. Сўнг ҳисоб-китобни бошлади: бармоқдан қон олишга ҳамширангга шунча раҳмат пули, томирдан қон олишга мунча, думбага игна санчишига яна бунча, клизма деган палакатиног бор экан, унга ҳам шунча, ҳожатхонангга кўп тўламай деб икки кунда бир кирадиган бўлиб қолдим... яхшиям касалхонангда ўлиб бермадим, жағимни боғлашга пулим етмаса, оғзимни ланг очиб, чиқиб кетаверардим. Янаям барака топларинг, кампирларга бир қараб олиш текин экан, кўзларим роса мазза қилди.

Энди миш-мишнинг охири нима билан тугагини билмоқчимисиз? Бош врач Бевошкул отанинг ҳамма чиқимларини тўлаб, қаравотни олиб қолди. Бечорага жавр бўлибди, деб ачиняпсизми? Ачинманг. Ўша куни Ҳапкул отанинг қатта ўгли бу койка учун озгина чиқим қилди, деб эшитдик. Янаям Худо билгувчиноқдир. Балки бу ҳам бир миш — мишдир?

### **Ушланг, ўғрини!**

(юз грамм ачиган лоф қўшилгани сезилмаса керак)

Йўққулободда эмас, ўзимиз яшаётган сайёрада Французларнинг бир фильми бўларди. Ундаги қаҳрамоннинг уйи Франция — Италия чегарасида жойлашган бўлиб, чегара уйнинг қок ўртасидан ўтаркан. Яъни, уйнинг бир-икки хонаси Францияда, ошхона билан ҳожатхонаси эса Италияда экан. Бояқиш қаерда туғилганини билолмай сарсон. Агар меҳмонхонада туғилган бўлса, Франциялик бўлади, онаси ошхонада туғиб қўйган бўлса, Италиялик бўлади. Бу энди қулгили бир ҳангома. Шунга ўхшаш ҳангома Йўққулободда ҳам бўлибди.

Борқул машинасини кўча чстига қўйиб, бозорга кириб кетди. Чиқиб қарасаки, машинани ўғри очиб, кичкина ҳамённи олиб кетибди. Дарров полис маҳкамасига борди. «Машина кўчанинг

чап томонида эдими ё ўнг томонидами?» деб сўрашди. «Ўнг томонида» деди. «Унда «Ўнгкулобод» районга борасиз, ўнг томон — «Ўнгкулобод» районининг ери, биз «Чапкулобод» районмиз», дейишди. Норкул «Ўнгкулобод» район полис маҳкамасига борди. Улар дейишдики: «Тўғри, машина бизнинг районда турган. Лекин ўғри «Чапкулобод» район еридан ўтиб келиб, ўғирлаб бўлгач, яна «Чапкулобод» район ерига ўтиб кетган. Бу иш билан «Чапкулобод» район полис маҳкамаси шуғулланиши керак.» Норкул яна «Чапкулобод» район полис маҳкамасига бориб «Ўнг»дан эшитганларини айтди. «Тўғри, — дейишди улар, — аммо ўғри бизнинг районда қолмаган, у «Орқакулобод» районига ўтиб кетган. Ўғри ўша ерда, ўша ерга боринг.» «Орқа» районга борган эди, ўғрининг Бикинкулободга ўтиб кетгани маълум бўлди. Боркул деганимиз гапга кўниб, «хўп» дейдиганлардан эмас. Шарт Бикинкулободга ҳам борди. Унда маълум бўлдики, ўғри Қуйруккулободга ўтиб кетибди. Боркул у ерга, ундан Бўксакулобод-у, Болдиркулободга бориб, Йўккулободнинг жами ерларини босиб ўтиб, камига уммонларидан ошиб, яна ўзининг қадрдон бозор кўчасига келиб қарасаки кўчанинг чап томонида турибди. «Чапкулобод» район полис маҳкамасига бориб саргузаштини айтиб, юрган йўлларини харитада кўрсатди. Харитани диққат билан кўздан кечирган полискул «Ака, сал адашибсиз, харитага қараганда ўғри кўчанинг ўртасига келибди. Кўчанинг ўртаси эса бизнинг районга қарамайди. У «Ёнбошқулобод» районга қарайди», деди. Боркул «Ёнбошқулобод» районига борди, кейин ундан нарисига. Ўжарлик ҳам эви билан-да! Ўғрининг изидан тушиб яна неча мамлакатларни босиб ўтди. Яхши ҳамки, Йўккулобод юмалоқ шаклда барпо этилган. Қайси томонга қараб юрилса, айланиб келиб, яна ҳаракатини бошлаган ўша нуқтасида пайдо бўлинаверилади. Боркул ҳам шу зайлда юра-юра яна «Чапкулобод» районига келди. Машинасини кўйиб, уч-тўрт қадам босиб орқасига қараса, ўғри калит соляпти. Боркул қувониб кетиб, ўғрини қучоқлаб олди. «Оғайни, ўғирласанг ўғирлай қол, фақат машинани район полис маҳкамасининг рўпарасига кўйай, ўша ерда ўғирлагин. Мени сарсон қилмагин».

Ўғри кўнди. Аммо... Майли энди қолган саргузаштларни айтиб бошингизни оғритмайлик. Сиз балки «ўғри ўғирлаган кичкина ҳамёнда нима бор эди, пул каттадирки, шунча овора бўлиб юрибди?» деб ўйлаётгандирсиз? Бе, Боркул анойилардан эмас, пул тўла ҳамённи машинага қўймайди. Пул ҳамиша ён чўнтакда, юракка яқин жойда. Ҳамёнда... тишқавлагич бор эди. Ахир Йўккулободда тишқавлагичсиз яшаш осонми? Лекин гап тишқавлагичда ҳам эмас. Бу ёғини ўйлаб кўришимиз керак бўлади.

### Ота ўғил

(ишониниш шарт бўлмаган лофга қўшни ҳангома)

Ота ўғил, деганда биз яхши болаларни назарда тутамиз. Аммо Йўккулободдаги бир мактабда «ота ўғил» дейилса, муаллимлар қочгани жой тополмай қолишади. Гап шундаки, Жўркул болалигида шу мактабда ўқиган, ўғли Ғўркул ҳам шу ерда ўқийди. Синф раҳбари бир пайтлар Жўркулни ўқитиб, у мактабни битириб кетгунича тавбасига таянган эди. Энди қариган чоғида Ғўркулга рўпара бўлганига нима дейсиз?

Жўркул ўқиган пайтларда мактабда кунда бўлмаса ҳам ҳафтада бир марта болалардан пул йиғиш одати бор эди. Бир сафар «болалар, эртага «Тинчлик фонди» учун пул олиб келинглар», дейишса, кейин «Четкулобод пионерларига ёрдам учун» пул сўрашарди. Жўркул тушмагур пул бермаслик учун ҳаммасига баҳона топарди. Бир куни муаллимаси «Жаҳонда тинчлик учун йигирма тийинингни аяйсанми!» деса бола пақир «Муаллим, йигирма тийин билан тинчликни сақлаб бўлмайди.» десами! Муаллимага ҳам қийин унга юқоридан топшириқ беришади. Сўровчи у, ёмон кўринувчи ҳам ўзи. Бир куни «Каткулободдаги компартияга ёрдам фондига пул тўпланглар», деган буйруқ келди. Муаллима топшириқни айтган эди Жўркул «Мен бермайман, Каткулободда компартия йўк», деди. Шунда муаллима топшириқни сал ўзгартириб «Унда Каткулободдаги очларга ёрдам учун пул беринглар» девди, бола шарт ўрнидан туриб: «Каткулободда очлар йўк» десами! Муал-



лима: «Нега очлар бўлмас экан?» деб ҳайрон бўлса, «Компартия йўқ ерда очарчилик ҳам бўлмайди», деб юборсами! Шу-шу муаллима Жўркулдан пул сўрамайдиган бўлди. То Жўркул мактабни битиргунича пулларни ўзининг ҳисобидан тўлаб юрди. Такдирнинг нобоп ҳазилини қарангки, айна шу Жўркулнинг ўғлига яна рўпара бўлиб турибди-я! Ота ўғил бўлмай кетсин бу бола, худди отасининг ўзи-я! Аммо кеча, яхши гапириб, болани ийдирмоқчи бўлди: «Болалар, синф ремонт учун пул бериб юборган ота-оналарингга мактаб маъмурияти номидан раҳмат деб қўйинглар. Ундан кейин газеталарга обуна бўлиш учун пул тўплаш давом этаётганини эслатиб қўйинглар. Мактаб фондига ҳар ойда берилиши зарур бўлган пулни ҳам унутмасинлар. Синган ойнаклар ўрнига учун ҳам пуллар тўла тўпланмади. Дераза пардаларни янгилаш учун яқинда пул тўплаш бошланади, бунга ҳам шай турсинлар. Ўтган ойда кичик бўлимдан мактабимизга комиссия келиб, бир ҳафта текширди. Комиссия аъзоларини чоршанба куни меҳмон қилиш бизнинг синф зиммасига тушган эди. Мактаб директори-миз бу меҳмондорчилик учун алоҳида раҳмат айтдилар. Аммо комиссия аъзоларининг айрим ҳаражатлари учун тўпланган пул меёридан камроқ бўлди. Келгуси ойда мактабимизга ўрта бўлимдан, ундан кейин катта бўлимдан комиссия келади. Энди биз бу камчиликни такрорламаслигимиз керак. Сайқулова, кизим, ўтган сафар ойинг сомса қилиб бериб юборган эканлар, раҳмат. Бу сафар ҳам сомса сенинг зиммангда. Ойингга айт, сомсага картошкани камроқ, гўштни кўпроқ солсинлар. Энди асосий муддаога ўтамыз: бугундан бошлаб мактабимизни янги бўлим текширяпти. Бизнинг бахтимизга, текширувчи мактабда тушлик қилмас экан. Лекин озгина чойпули берилмаса, меҳмондўстлик қоидаси бузилган бўлади. Шунинг учун эртага пул олиб келинглар.» Муаллима шундай деб Жўркулнинг ўғли Ғўркулга ҳавотирланиб қараб қўйди. «Ишни яна бузмасайди», деб қўрқди. Йўқ, хартугул, бола индамади. Шунда ҳам муаллима «Ғўркул, сен ҳам пул олиб келасанми?» деб сўради. Ғўркул «Албатта олиб келаман, устоз!» деб юборсами, ё қудратингдан! Муаллима ўз кулоқларига ишонмай,

беихтиёр «Нега?» деб юборди. Ғўркул «мактабимизни текшираётган киши бувимнинг жиянлари бўлади. Бувим айтдилар: «пул кетса кетсин, обрў кетмасин. Ҳар ҳолда бегонага кетмас эканку...»

Хуллас, шунақа гаплар... Яхши гапирилса, Йўккулободдаги ҳар қандай ўжар ота ўғилни ҳам ўзгартириб юборса бўларкан-а!

**Пулдан олсинлар, марҳабо!**  
(Сарик чақага арзимайдиган хангома)

Биз яшаётган сайёрада элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Пулдан гап очилгудай бўлса, махмадоналардан бири Швецария банки яхши дейди, бошқа бирови Лондонники дейдими-ей... Ким Йўккулободга бориб келибди, бу сафсаталарни балчикқа улоқтириб ташлаши аниқ. Швецария банкасини мактайдиганни суриштириб келсанг, ўзининг ёнидан тўрт танга чиқмайди-ю орзу умиди осмонча бор. Худо унга беш-ўн доллар берса-ю югуриб бориб пулини ўша Швецария банкасига қўйиб келса-да, ўша пули болалаб ётаверса, кўпайиб кетаверса. Э, орзу-умидингга пашша кўнгур, банка деганлари туғруқхона эмас, деб юборгинг келади. Хўп, майли, дейлик, банка пулнинг туғруқхонаси. Сенинг пулинг хомиладор-у, банкага тушиши билан туғиб беради. Шунақами? Вой, ўша иккиқат пулингдан айланай, аммо туғадиган пайтида Худо кўрсатмасин-у лекин бола оёғи билан келиб қолса, ёинки қон босими ошиб кетиб битта томирчаси узилиб кетса, тамомми? Иккиқат пул ҳам асфаласофилинга жўнаворадими? Шунақа бўлгандан кейин узоқни орзу қилмаган ҳам дуруст. Узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши деб бекорга айтишмагандир. Мен Швейцария банкаси қанақалигини билмайман-у аммо-лекин одамга холис хизмат қилмасов. Ўзинг икки танга оладиган бўлсанг ҳам югуриб борарсан, бировга бир танга ҳадя киламан, десанг ҳам оворагарчилик. Шунақа бўлганидан кейин мен айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзим гувоҳ бўлиб келган Йўккулобод банкаси зўр, дейман. Йўккулободда донғи кетган тadbиркорларни шу бан-

ка ёрлакамаса, ким қўллаб-қувватлайди?

Билиб келганларимни шошилмасдан айтайми? Тадбиркор деганлари иш юритаман, деб қарз сўрадимми? Банк бердимми? Ҳа, энди озгина оворагарчилигни айтиб, гина кудурат қилиш бу — номарднинг иши. Озгина ҳады берган бўлса бергандир, энди шуни миннат қилиб, байроқ қилиши керакми? Бу Йўккулобод учун иснод эмасми! Банкдагилар ҳам ҳадыни олиб, қўл қовуштириб туришгани йўк, қайтарадиган фоизини пича камайтириб беришди, барака топгурлар. Хўш, озгинагина ҳады ҳисобига ким ўша Швецарияда бир ишни пишита олади? Гаров ўйнайман, агар сиз пишитиб кела олсангиз, мени нақ истаган банкангизнинг пештоқиға осиб қўя қолинг.

Йўккулободдаги корхона, Худога шукур, ишлаб турибди. Пул банкаға тушиб турибди. Банкаға тушган пул ишлаб турибди. Аммо тадбиркор бориб, овораи сарсон бўлмайди. Мана, шу кичкина шаҳарчаға футбол командаси керакми? Керак! Командаға пул керакми? Керак! Пулни ким беради? Тадбиркорға ўхшаган хотами тойларда! Аммо банкаға бориб, футбол командасиға бунча пул ўтказинг, деб ялиниб юрмайди. Қалбидан ўтганини банканинг ўзи сезиб, керагича пулни ўзи ўтказиб юбораверади. Тўғри, кечаги ойға пул олишмабди. Тадбиркор ажабланиб суриштирса, ўтган йили кузда бу футбол командаси тарқаб кетган экан. Бу ҳам бир тақдир-да! Эшитишича, бу томонларға зўр бир театру келиб томоша кўрсатар экан. Шунга ҳам пул ўтказиш керакми? Керак. Лекин тадбиркорнинг ўзи бориши сира шарт эмас. Пул аллақачон ҳисобидан олинган. Агар ўша театру тарқаб кетмаса бирон йил келиб томоша кўрсатиб кетар? Бу ҳам бир савоб иш-да. Энди савобнинг хўрози олдинда турибди. Яқинда Йўккулободда бир миллионинчи эшакнинг туғилиши муносабати билан катта байрам бўлар экан, тадбиркор номардмики, четда турса?! Банкаға раҳмат, уни «пуф сассиқ», деб четлатмай, ҳисобидан беш-ўн танга бўлса ҳам айириб олибди. Лекин йўккулободликлар орасида ҳам ношукурлари бор экан. «Банка нимаға маошға пул бермайди?» — деб нолийдиганлари ҳам учраб тураркан. Шунақаларға

қараб: «Э, нодон, сабр қил, савоб ишлар қилиб олинсин, кейин бу ёғи таралла бедод-да!» — деб юборгинг келади.

### Илмли бозор

(Ҳеч қаерда содир бўлмаган ҳангома)

Нафасингдан айланай, бу Йўкқулобод деган жойда не-не ажойиботлар бўлмайди. Мана, бозор деганда биз қандай манзарани кўз олдимизга келтирамиз? Бир мошин қовунни туширгач, эски чопонини буклаб, тагига яқандоз қилиб олиб, носни отволиб, савдо қилувчи деҳқонними? Садаганг кетай, Йўкқулободда бошқачароқ, у томонларда бозор илмийлашиб кетган. Шунақасини эшитмаганман, дейсизми? Менам эшитмаганман, лекин Йўкқулободдан бир ҳангома келиб қолган эди, ишонингдан ўзга чорам қолмади. Келинг, менга бегона эмассиз, сиз ҳам эшитиб кўринг: биз ўзимизнинг бозорда «бозоркўм» деган мартабали одам бўлишини биламиз. Йўкқулободдаги бозоркўм мактабини аранг битирган, ўнта бармоғини бир амаллаб санай оладиганлардан эмас. Аксинча, нақ филология фанлари номзоди! Сал ошарвордикми? Майли, унда омади чопмаган олий маълумотли шёнрлардан биридир. Йўкқулободда бошқача бўлиши мумкинмас, чунки бозорга гапдон, сўзамол одам керак. Бир куни Йўкқулободдаги катта бозорга кўшни сайёрадан меҳмонлар келди. Бозоркўм уларни айлангириб юрибди. Яхшики, меҳмонлар «Сиз қандай қилиб бу мартабани эгалладингиз?» деб сўрашмади. Сўраб қолишсами, номзоди бозоркўмлик рўйхатида турган иккита иқтисодчи, учта биологни доғда қолдирганини айтишга мажбур бўлармиди? Шунда ҳам киндиги юқори мартабали бир одамнинг киндиги билан уланганлигини айтмай, суваб кетарди. Аслини олганда меҳмонларга бунинг қизиғи ҳам йўқ. Хуллас, бозоркўм ўзига тобе салтанатини қойилмақом қилиб таништирди:

— Мана гўшт бозорининг салоҳияти билан танишинг: калла гўшти сотаётган йигит тўрт йил район касалхонасида невропатолог бўлиб ишлаган. Каллага доир барча илмларга эга. Анави мол

оёқларини сотаётган синглизимиз икки йил давомида медицина институтида травмотология бўлимида ўқиганлар. Насиб бўлса, бу йил ўқишни контракт асосида тиклаб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илм олишни давом эттирадилар. Энди бу томонга қаранглар: рўмол сотаётган биродаримизни кўряпсизми? Бу киши кимё фанлари номзоди бўладилар. Ҳар қандай матодаги табиий ип билан сунъий кимёвий толаларни бир пасда ажратиб берадилар. Бу кишининг завжай муҳтарамалари ҳам кимёгар бўладилар. Бу хоним ширин ичимликлар сотуви билан бандлар. Аммо бугун келмаганлар, аммалариникида бешик тўйи экан. Энди электр бўлимига ўтайлик: сим ўлчаётган кишига эътиборингизни тортамиз: бу киши нақ йигирма йил мактабда ёш авлодга физикадан дарс берганлар. Электр буюмларининг сарасини ҳамма шу кишидан олади. Радио буюмлари билан савдо қилаётган дўстимиз бозоримизнинг фахри. У Йўққулобод чемпионларини ҳам ютиб ташлайдиган шахматчи робот ясаганлардан. Чойнак-пиёла сотаётган синглизимиз геология соҳасида диссертация ёкламоқчи бўлганида озгина билими етишмай қолган экан. Биз бозор аҳли номидан бу синглизимизга топшириқ берганмиз. Бу йил қандай қилиб бўлса ҳам диссертация ёқлашлари керак. Биз бозоримиздаги фан номзодлари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз шарт. Чунки қўшни вилоят бозоридагилар бу соҳада биздан анча илгарилаб кетишган. Аммо биз юк ташувчилар орасида олий маълумотлилар кўплиги бўйича улардан олдиндамиз. Бу ҳам бизнинг фахрли кўрсаткичимиздир.

Бозоркўм шундай илҳом билан таништираётганида ёнларидан эски пахталик кийиб олган патгачи йигит ўтиб қолсами? У патгачини танимайдигандай тесқари қараб олди. Агар меҳмонлар «бу ким?» деб сўрашса, нима дерди? «Еттинчи синфнинг ярмидан кейин мактаб нималигини билмай юрган бола бу» дермиди? Илмли бозор деган номга бу тўғри келадими? Аслида, бозоркўм бу патгачининг баҳридан ўтса бўларди. Математик қўшниси бу ишга анчадан бери харидор. Пича хамир учидан патир ҳам бериб қўйган. Аммо нима қилсин, ноилож бу бечора. Агар шу патгачи

ўзининг куёви бўлмаганида, аллақачон бу саводсизнинг баҳридан ўтиб юборган бўларди-я!

Ана шунақа, Йўккулободдан юборилган хангоманинг қисқа баёни билан танишиб ҳам олдингиз. Бир пасда қандай ажойиботларга гувоҳ бўлдик-а? Энди садағанг кетайлар, бу гаплар орамизда қола қолсин. Тасаввуримиз дарвозаларини ёпиб қўя қолайлик. А, лаббай?

### Меҳмондўстлик

(Юз грамм лофга тўйдириб олинган хангома)

Балликул Йўккулободда кичик корхона очаётганида яхши ният билан «Меҳмондўст» деб ном берган эди. Ўшанда фаришталар «омийн!» деган эканми, Худога шукур, ишхонасидан меҳмонларнинг оёғи узилмайди. Меҳмондўстлик яхши-да, ҳар қандай муаммо дастурхон устида бир дақиқада ҳал бўлади. Мана, энг аввалида, меъморлар идорасида битадиган ишда чизмаларга тушуниши кийин бўлувди, меъмор йигит: «Ҳозир вақтим йўк, кечкурун уйга келинг, тушунтириб бераман», — деб қолди. У айтгандай қилиб, окшом чоғи уйига бозор орқали ўтиб борган эди, масала ярим дақиқадаёқ ҳал бўлди. «Меҳмондўст» деган номни ҳам ўша баракка топгур қўйиб берганди.

Балликул қўли ширин пазанда бўлгани учун унинг дастурхонидан бир чўким ош еган одам яна келаверади. Корхонасида меъмор боланинг таклифи билан алоҳида меҳмонхона ҳам қурган. Эрталаб бозорга кириб қаймоғу сомса деганларидай майда-чуйда олиб дастурхонни безаб қўйди. Нонуштага солиқчи йигитнинг кириб туриш одати бор. Болаликда сигир эмиб катта бўлганми, қаймоққа жуда-а ишқибозда. «Бир коса қаймоққа битта иссиқ нонни тўғраб есам, кун бўйи одамга ўхшаб юраман», дейди бо-яқиш. Аммо анча ориятли бола, кунда келиб безор қилмайди. Ҳафтада келса беш марта келар, ортиқ келмайди. Балликул унга шунчалик ўрганиб қолганки, ҳафтасига уч марта келса, бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдай гангиб қолади. Баъзан пешин

пайти икки-уч оғайнисини бошлаб келса, Балликулнинг боши осмонга етади. Меҳмон — атойи Худо-да! Кўнглини яқин олибдики, ошналарини бошлаб келибди. Ана, йўлнинг четидаги фирма хўжайини меҳмондан безор. Аммо Худонинг берган куни бир текширувчи келиб, эсини тескари қилиб кетади. Балликулникига текширувчи келмайди. Меҳмон келади. Мана, бугун эрталабдан кадрдон азиз меҳмони келиб қаймоқхўрлик қилиб кетди. Қаймоқхўрликдан кейин кун бўйи одамга ўхшаб юрганининг савоби Балликулга тегмай кимга тегсин! Кўп меҳнаткаш-да, шу бола. Бир дақиқа бўш вақти йўк. Бугун қайнонасининг туғилган куни экан, совға-саломга тушишга ҳам вақти йўк, бечоранинг. Балликулнинг раҳми келиб, оқшомга бир қулинг ўргилсин совға тайёрлаб қўйишга ваъда берди. Бу ҳам бир савоб-да! Хаёлига «Ўтган ой ҳам қайнонасининг туғилган куни эди-ку?» — деган фикр келди-ю, лекин «Хотини иккита бўлса, қайнонаси ҳам иккита бўлади-да», деган фикрда майдалашмай қўя қолди.

Солиқчи йигитни кузатганидан кейин ўт ўчирувчи идоранинг вакили келди. Булар ҳам ғамхўр бўлишади-да, ўт тушганда келишларидан нима фойда? Сомса совумаган эди, нонушта қила туриб ёнғиннинг олдини олиш чораларини гапириб берди. У кетганидан кейин «санэпидстанция» деган идоранинг одами келди. Меҳмонлар орасида Балликул шу йигитга беш кетади. Бурнини рўмолчасига ҳар артгандан кейин эринмай ўрнидан туриб, қўлини совун билан ювади. Балликул уни алоҳида меҳр билан кутади. Алоҳида пиёла, алоҳида ликопча, тилла ҳалли қошиқ... Шунақа озода йигитлар келиб турса, ҳар қанақа корхона ҳам ўз-ўзидан озода бўлади-да! Балликулнинг бу йигитга меҳри баланд бўлганидан кузатаётганида чўнтагига «совун пули» деб озгина атаганини солиб қўяди. Бунақа озода йигитларни қўллаб туриш савоб-да. Ахир бунақа қўл ювишида маоши фақат совунга кетиб қолади-ку!

Озода йигитни энди кузатган эди, прокурор йигит кириб келди. Жуда адолатли йигит шу бола. Атай текширгани ёки бир нима таъма қилгани келмайди. Шу кўчага йўли тушиб қолса, «Балликул акамни бир кўриб кетай», деган илинжда киради. Аммо кўп

ўтирмайди. Балликул унинг бир соатдан ортик ўтирганини ҳечам эслолмайди. Ҳар гулнинг ҳиди бўлак, деганларидай, бу меҳмоннинг ҳам ўзига яраша иззат-нафси бор. Ота-бобоси ё чўпон ўтган ё қассоб. Қазии-қартанинг ҳурмати жуда-а ўрнига қўяди. Ёзнинг жазирамасида ҳам юзта-юзта конъяк қазии-қарта билан ачомлаши-иб кириб борса, ошқозон нима десин? Ошқозон чидагач, Балликул нима десин? Прокурор боланинг учта хотини борлигини эшитгани учун, бу қазии-қарталарнинг кучи қаёққа кетади, деб қизиқмайди.

Прокурор боладан кейин келган ҳокимият вакилининг иши осон. Балликул уни «арзон меҳмон», дейди. Чой ичмайди, ош емайди, қаҳва ичади. Унга аталган «Паҳлава» деган ширинликми ё «Наполеон» деган тортми — хамиша тайёр. Битта чатоқ томони — унинг тоғалари кўп. Ҳар бири туғилган кунини нишонлайвериб, бола пақирни қийнаб юборади. Балликул меҳрибон эмасми, индамай қараб турмайди.

Кун шундай азиз меҳмонларни кутиш билан ўтиб, энди дастурхонни йиғиштираман, деб турганида бир нотаниш йигит кириб келди. Билса, у мухбир экан. Корхонанинг доврўғини эшитиб, мақтаб ёзгани келибди. Балликул бундан қувонди. Аммо «корхонангиз қандай маҳсулот чиқаради?» деб сўраганида ўйланиб қолди. Очиғи, меҳмонхонадан ташқарига чиқмаганига кўп бўлибди. Корхонасининг «Меҳмондўст» деб аталишини аниқ билади-ю, бироқ маҳсулотини унутибди. Балликул керакли маълумотларни эртага тайёрлаб қўйишга ваъда қилиб, мухбир боланинг холаси тукқан экан, суюнчисига совға-салом қилиб берди.

Балликул бугун чарчамади. Фақат бир нарсадан кўнгли хижил қолди. Уч кундан бери божхонадаги биродарлари йўқламай қўйишди. Тинчликмикин?

### Сатира театри, қайдасан?

(Бу хангомага ишонганларга беш кетмадим)

Беткул Тилкул билан баҳслашиб қолди. Беткул ҳеч қачон



осмондан олиб гапирмайди. Кўрганини ё эшитганини гапирди. Тилқул эса, жуда-а эшшакдай бўлмаса ҳам, сал қайсарроқ. «Ишонмайман» деб тураверади. Мана, кечаги гап: Бетқул «Кенгқош шаҳрида сатира театри бор», деса Тилқул «Йўқ», — дейди. Бетқул «Кенгқошга бориб келганлардан ўз қулоғим билан эшитганман», деса ҳам «Ишонмайман», — дейди. Яна айтадики: «Сатира нима дегани? «Ҳажв қилиш, бирор нимани танқид қилиш», деганими? Бизнинг Йўққулободимизда нимани танқид қилади? Кимни ҳажв қилади? Ҳаётимиз гўзал бўлса, ҳамма ёқ «ўйна ёр, ўйна» бўлса!» Бетқул Тилқулнинг бу гапига ҳам қўшилади. Лекин сатира театри борлигини эшита туриб, қандай қилиб «йўқ» десин? Хуллас, баҳс гаровга айланди. Хулоса шу бўлдики: Бетқул Кенгқошга боради, ўша театрни топади, театрнинг афишаси ёнида бирор артисти билан суратга тушиб қайтади. Ана шунда Тилқул битта мастава қилиб беради. Бетқул палов талаб қилувди, Тилқул ютқизишдан чўчидими, ҳар ҳолда «битта театрнинг бор ёки йўқлиги паловга арзимади», деб унинг шаштини қайтарди. Бетқулнинг хотини эса «эсингиз жойидами, битта мастава дёб Кенгқошга бориб класизми?» деганича жавраб қолаверди.

Бетқул суриштиришни поезддаёқ бошлади. Тушган бекатида давом эттирди. Биров биламан, демайди-я! Ҳайриятки, икки киши қачондир шунақа театр борлигини эшитган экан. Шу иқдорнинг ўзи Бетқулнинг кўнглига чироқ ёқди. Суриштиришдан чарчамади, учинчи куни калаванинг учини топди. Кенгқошдай шаҳри азим бўлади-ю икки миллион одамнинг ичида сатира театри борлигини биладигани топилмайдими? Топилди! Ҳагто тарихини ҳам сал-пал биларкан. Айтишича, сатира театрнинг ташкил бўлганига йигирма йил бўлибдиёв! Ўша барака топгур манзилни айтувди, кидириб топди. Шундайгина кунгирадор баҳайбат кинохонанинг рўпарасида, биқинида ресторан ҳам бор экан. Аммо бинонинг пешонасига «Сатира театри» деб эмас. «Йўққулобод мухбирлари маркази» деб ёзиб қўйилибди. Бетқул анча каловланди. Охири «Эҳтимол томошахонананг номини шунақа дёб ўзгартиришгандир» деган хаёлда ичкарига кадам қўйди. Қараса, эл-

лик ёки юз чоғли одам айлана: стол атрофида ўтириб, бири олиб, бири кўйиб гапиряпти. Беткул булар артистларми, деса баъзан чапак чалишади. Тамошабинларми, деса гаплари сал ғалатирок. Аммо бир-иккитасини телевизорда кўрган эди. Уларнинг гапига нима учун тушуниш қийин деса, артист экан-да, а? Беткулнинг «ба айна театру экан-у лекин нима учун пулсиз, текинга тамоша кўрасатишаркан?» деб анграйиб турганини кўрган бир одам «нима қилиб турибсиз?» деб сўради. Беткул мақсадини айтувди, у одам хафсаласини пир килди: бу ер сатира томошахонаси эмас, гапхона экан. Сатира театри бошқа жойга кўчибди. Беткул ишонмовди девордаги эълонни кўрсатди. Беткул ҳали унга эътибор бермаган экан, ҳижжалаб ўқиди: «Бор нарсани йўқ дейишда махмадоналарнинг роли». Беткул «роли»деган сўз театрда бўлгувчи эди, деса ҳам, ҳалиги одам уни чиқариб юборди. Беткул ярим йўлда ортга қайтиб, битта маставага тушадиган аҳмоқлардан эмас. Сатира театрининг янги жойини қидирди. Охири топди! Сатира театри болалар боғчасига жойлашган экан. Беткул аввалига ишонмади. Боғча ахволининг ўзи ҳажвий томоша бўлса керак, деб ўйлади-ю Тилкулнинг «Бизда танқид қиладиган ёмон ахволнинг ўзи йўқ», деган гапини эслаб, фикридан қайтди. Боғчадагилардан суриштира, чинданам театр шу ерда экан. Бир-икки артистлари ҳам бормиш, директори ҳам бормиш. Мана шуниси зўр бўлди! Директор бўлгандан кейин муҳр бўлади, муҳр бўлгандан кейин театр бўлади-да! Театрнинг томоша кўрсатадиган биноси, саҳнаси бўлмаса нима қилибди! Йигирма йилда битта томоша кўрсатмаганни чилдирма чалиб, овоза қилиш шартми! Ҳажв қилишга арзирли гап йўқдирки, тамоша кўрсатишмагандир.

Беткул битта-яримта артисти келиб қолса, шу боғчада бўлса ҳам суратга тушарман, деб икки кун кутди, бўлмади. Тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. Аммо ютқизганини тан олмади. Тилкул анча суриштирди охири: «Хўп, ўша сатира театри бор бўлса, оти нима экан?» — деб сўради. Беткул бу саволсиз ҳам тўлиб турган эди, тилига келганини қайтармади: «Беданинг уйи йўқ, қайга борса пидпилдик!» — деб қўя қолди.

**Марҳабо, талантлар!**  
(Лоф учраб қолса, маъзур тутғайсиз)

Аввалги асрда Йўққулободда эмас, ўзимизнинг телевидениеда «Марҳабо, талантлар» деган кўрсатув бўларди. Унда турли туман ашулакашлару раққосалар кашф қилинарди. Гарчи у кўрсатув аллақачонлар йўқ бўлиб кетган бўлса-да, бизда эмас, Йўққулободда унинг иш усулидан фойдаланиш давом этаётган экан. Ким Шерлок Холмс ҳақидаги асарни ўқиган бўлса, тасодифан йўқолган артистни топиш воқеасини эсласин. Эсладингизми? Ҳа, баракалла. Ўша артистга театрда гадо ролини ўйнаш топширилган экан. У гадолар ҳаётини чуқур ўрганиш учун грим қилиб, яъни ўзини гадо қиёфасига солиб, кўчага чиқиб ўтиради. Ҳаётни ўрганиш шу билан тугайдики, унинг кундалик тушуми театрдаги маошидан кўп бўлгани учун, гадолик қиёфасидан чиқмай, тиланчилик билан кун кечираверади.

Ҳозирги кунда Йўққулобод томонларда ҳам ана шундай талантлар пайдо бўлиб қолган. Уларнинг бахтига тунда ёмон туш кўрувчилар кўп, ёмон туш кўрганда кейин у-бу аташ керак. Бу талантлар садақа бергиси келганларнинг мушкулени осон қилишади. Метро ёки автобуснинг гавжум бекатларида, таъбир жоиз бўлса, ўзларининг «штаб»ларини очишади. «Штаб» деганимизга ажабланманг. Бу штабнинг бошлиғи бор, аскарлари бор, кузатувчилари ҳам бор. Ёлғиз тиланчилик қилиб кун кўриш замонлари ўтиб кетган. Ҳар бир бекатнинг ўз хўжайини бор. Масалан, бирон ногироннинг қўлига гитарами ё чилдирмами бериб қўйилади. Эрталаб кетишингизда гитарачини кўрасиз. Пешинда чилдирмачи тиланиб турган бўлади. Ўйлайсизки, гитарачи инсофли экан, бир-икки соатда кундалик тирикчилигини қилиб кетибди. Агар диққат қилиб кузатиладиган бўлинса, ҳар икки-уч соатда бу талантли тиланчилар жойи алмаштирилади. Сиз бу тиланчига раҳм қилиб, садақа берасиз-у тикин автобусда кетасиз. «Бечора» тиланчини эса янги иш жойига камида «Нексия»да олиб бориб қўй-

ишади. Пешин пайтида сиз арзонроқ таом кидирасиз. У «бечора»-га эса шоҳона бўлмаса ҳам, шунга яқин дастурхон тайёр туради. Ахир талантларни оч қолдириб бўлмайдими-да! Бутун санъатларини ишга солиш учун уларга ҳам куч-қувват керак. Айниқса, ногирон ролини ўйнашнинг ўзи бўладими? Бир кун эмас, бир соатгина кўзи ожиз одам қиёфасида туриб кўринг-чи, ёки оёғингизни қийшайтириб юра оласизми? Санъат тилида гапирсак, буларни ўргатувчи ва йўналтириб турувчи «режиссёр»лари ҳам бор. Ҳозир чорраҳаларда ногиронлар ролини ижро этувчи талантлар кўриги бўляпти. Кечаги куни режиссёрнинг айби билан ишнинг расво-си чиқай деди-ю тиланчининг таланти туфайли Худо бир асради. Катта чорраҳада тиланиб турган туғма чўлоқни бир ҳайдовчи таниб қолди. «Кеча бошқа чорраҳада кўзинг кўр бўлиб турувдинг, бугун чўлоқмисан?» деб қолсамиз? Аммо гапи тўғри эди. Кеча у сўқир ролини ижро этганди. Бугун режиссёрнинг айби билан роли алмашиб кетибди. Ҳар қанақа ролни қойиллатиб ташлайверганидан бу ёғига аҳамият бермаган экан. Лекин жавобни топди: «Кеча сиз кўрганингиз укам Ҳусан, мен эсам Ҳасанман, биримиз кўр, биримиз чўлоқ бўлиб туғилганмиз», — деди. Ҳайдовчи яна бир нима демоқчи бўлди-ю светофор чироғи ёниб қолди.

Штабнинг ўша кунги йиғилишида бу масала кескин муҳокама қилиниб, ролларни алмаштириб юборган режиссёр кунлик улушдан маҳрум қилинди. «Штаб» мажлисида иштирок этолмаган Тангатопдиқул Пулсанарқулов билан Чақабойқул Кумуштойқуловларнинг тилла тиш қўйдираётганлари инобатга олиниб, уч кунга таътил берилди. Шунингдек, «Оилавий талантлар»ни қўллаб-қувватлаш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Эр — кўр, хотин — соқов, болалардан бири шол, яна бири меров ролларини қойилмақом ижро этган Яканқул Тийинбекқуловлар оиласи моддий рағбатлантирилди. Улар маҳоратларини ошира борсалар, йил охирига бориб енгил автомашина билан тақдирланадиган бўлишди. Ўша йиғилишда тиланчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун шахсий кўриқчи жорий этиш таклифи «бунақада ашулачилардан фарқимиз қолмайди» деган мулоҳаза билан рад

этилди. Аксарият талантларнинг аксари «карате»га қатнаши инobatга олиниб, бу вазифа уларнинг ўзларига юкланди. Шунингдек, йиғилишда тиланчиликнинг янги кўринишларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам кўрилди. Томошаларда бир ҳилликка барҳам бериш учун ёш жувонларни яхши кийинтириб, уйма-уй юришга ва ҳаётнинг оғирлигидан нолишга ўргатишди. Бу ролни зиммасига олган жувон уйда тайёргарлик кўраётиб, ўзини шундай ҳокисор қилиб кўрсатдики, «Мерседес» автомашинасини артаётган эри ҳам чидолмасдан, йиғлаб юборай деди.

Йўққулободдан хабар беришларича, тиланчилик вазифасига ярокли истеъдод эгаларини танлаш давом этипти. Тиланчиликнинг янги-янги усуллари кашф этилса, не ажаб?

### **Темир одам**

(Чўнтакда асралган хангома)

Насркулдан сўрашибди: «Худо одамни лойдан яратган экан, сомон ҳам қўшганмикин?» У жавоб берибди: «Қўшган, қўшмаган бўлса одам бу дунё ташвишларига чидолмай, ёрилиб кетган бўларди». Бу бир латифа. Аммо Жазкулнинг фикрича, бошқалар лойдан яралган бўлса ҳам Йўққулободдаги ўқитувчи зоти темирданми ё бетонданми яралган бўлиши керак. Қирқ йил мактабда муаллимлик қилган Жазкулнинг, оқибат, топган фалсафаси шу бўлди. Билмаганлар дерларки, мактаб болалари шўх ва бебош, ўқитувчининг асабларини қийма-қийма қилиб ташлашади, уларга чидаш учун одам темирдан бўлиши керак. Жазкул бу гапга қўшилмайди. Болаларнинг шўхлигига чидамоқ учун одам балчиқдан ясалса ҳам бўлаверади, ёрилмайди. Туновинда маориф мудирининг ўзи келиб, Жазкулнинг синфини бир кўздан кечирди. Синф тоқчасида турган Жанубий Йўққулобод харитасига кўзи тушди-ю тутоқиб кетди. «Тевоскул даврида чиқарилган харитадан фойдаланилмасин», деган буйруққа итоат этмагани учун Жазкулни болаларнинг олдида бир пул қилиб ташлади. Жазкул «барака топпур мудир укам, йигирма йил олдин ҳам Бразилия шу ерда эди,

хозир ҳам жойида турибди», демокчи бўлди-ю, аммо индамай кўя қолди. Ана ўшанда билмаганлар уни «темирдан ясалган, ёрилмади-я!» дейишди. Жазқул эса «бе, шунга ҳам темирдан бўлиш шартми, бунақа пайтда одам пластилиндан ясалми керак», деб кўя қолди. Билмаганлар, «ўқитувчилар дарс беришга чидашадими дастёрликка чидашлари қийин», дейишади. Жазқул бу гапга ҳам кўшилмайди. Ахир дастёрлик кони савоб-ку! Мана, сайловга тайёргарлик жараёнида уйма-уй юриш, рўйхатга олиш ҳам оғир иш эканми? Ҳақ тўлашмаса, тўлашмас. Агар хожалар ҳурмат қилишмаса, ишонч билдиришмаса, шу ишларни буюришармиди? Бунинг учун одамнинг темирдан бўлиши шарт эмас, лойқа сувдан ясалса ҳам бўлаверади. Бир марта қайси бир идорага кишлоқдаги чувалчангларнинг сони керак бўлиб қолибди. Яна бошқа идорага эчкиларнинг рўйхати. Яна битта идорага хомиладор хотинларнинг рўйхати керак бўлибди. Шу топшириққа келганда Жазқул сал қийналди. Рўйхатни олиб, топширгунича хомиладор хотинларнинг ярми туғиб кўйиб, рўйхатни икки марта янглишга мажбур бўлди. Темирдан ясалмаган бўлса ҳам гинг демади. Болаларни фермер хўжалигига чопикқа олиб чиқаётганда хотини «ўзингизнинг томоркангизга қачон қарайсиз?» деб жавраса ҳам ёрилмади. Номини кимдандир эшитган, ўзини эса кўрмаган газета обунасига маошидан ушлаб қолишганда ҳам, кишлоқнинг яқинига йўламаган цирк тамошаси учун чегириб қолишганда ҳам ёрилмади. Бунинг учун одам темирдан ясалган бўлиши шарт эмас, чанг-тўзондан ясалса ҳам бўлаверади. Йил яқунланаётган чоғи ўқувчиларини баҳолаётганда бир ишбилармоннинг ўғли, дабдурустдан столи устига бели синмаган пулни кўйиб «Устоз, бизда ҳам номус бор, «уч» баҳони тўртга айлангириб кўйинг», деганида ҳам ёрилмади. Бунинг учун ҳам одамнинг темирдан бўлиши шартмас, чириган қоғоздан ясалса ҳам бўлаверади.

Аммо... ҳар нарсанинг чегараси бор. Жазқул «Бу йил хожаларнинг кўчаларини тозалашга мактаб ўқитувчилари жалб қилинмас эмиш», деган янгиликни эшитди-ю чидолмай қолди. Бу янгилик унга камситиш бўлиб кўринди. Хожалар ўқитувчиларга ишонмай

кўйишгандирки, шундай қарор чиқаришган. Мана шунақанги адолатсизликка чидаш учун одам албатта темирдан ясалган бўлиши керак. Нима дедингиз?

### **Тилла каламуш**

(Сичқонларнинг ҳафсаласини пир қиладиган хангома)

Саноқул каламуш тутиб олди. Қопқонсиз, захарли дорисиз, шундай кўли билан тутди. Эрталаб туриб қараса, каламуш кўрпача устида ялпайиб ётибди. Ўлганми, деса, қимирлаб кўяди. Шартта чангаллади. Шунда каламуш типирчилаб қолди. Саноқул уни энди ўлдирайин, деб ҳовлига олиб чиқаётган эди «Саноқул акагинам, бу фикрдан қайтинг, мени ўлдирманг, уйингиздаги итингизнинг тувагигача олтин қилиб ташлайман», деган овоз келди. Саноқул аввал кўрқди, кейин ажабланди, юзини чимчилаб ҳам кўйди. Овоз яна такрорлангач, каламушга қаради: «Каламушвой, сен гапирдингми?» — деб сўради. «Мен гапирдим, акагинам, мен анойимасман, суперкаламушман. Мени кўрпачага кўйинг, ўзингиз ҳам ўтиринг. Би-ир отамлашайлик». Саноқул ажабланганича каламушнинг айтганларини бажарди. Во ажабо! Каламуш худди одамга ўхшаб, ёстиққа суяниб, оёқларини чалиштириб ўтирди.

— Мен сизга бошимдан ўтган барча савдоларни айтиб бермайман. Сиз охиргиларини эшитсангиз бас, — деди каламуш. — Хуллас, гап бундай: ҳориждаги бир кимёгар олим захарли газнинг янги турини ихтиро қилиб, синамоқчи бўлади. Ўнта шиша қалпоқча ичига биттадан каламуш қамаб, газни бериб, уйига кетади. Эрталаб қарасаки, тўққизта каламуш ўлиб ётибди, биттаси эса оёқларини чалиштириб, сигара тутатяпти. «Ие, сен нега ўлмадинг?» деб ажабланади олим. «Шу газдан ҳам ўларканми, бу захарингиз менга чепуха! Мен Олликма деган шаҳарда туғилиб ўсганман. Бундан баттари ҳам менга қор қилмайди». Фаҳмлагандирсиз, ўша каламуш менман. Ўша олим мени олиб қолиб, яна бир йил бокди, бир йил синади. Бир куни ошналари билан тоғ сайрига ҳам олиб чиқди. Лекин ўша ерда сал нафасим қайтди. Ҳа-

воси тозароқ экан, қийналдим. Лекин каламуш калламни ишла-тиб, йўлини топдим: машинанинг тутун чиқарадиган туйнукчаси-га жойлашиб олдим. Бир маҳал қарасам, олимгинамнинг кўзлари ола-кула бўлиб, ўладиганга ўхшаб қолди. Ошналари дарров дўх-тир чақиришди, фойдаси бўлмади. Шунда менинг яна каламуш каллам ишлаб қолиб, машина моторини ўт олдиртирдим-да, олимни тутун чиқадиган туйнук ёнига ётқизтирдим. Ўпкасига ту-тун киргач, сал ўзига келди. Кечгача шу аҳволда ётиб, тузалди.

Эртасига бошдан оёқ сарпо килиб, мени иззат-икром билан кузатиб қўйди. Икки кун уйда яшаб, зерикдим. Аннендаги хо-лаваччаларимни кўрай, деб кетаётсам, полис постидагиларнинг хуноблари ошиб ўтиришибди. «Нима гап?» десам, уларга маши-надан чиқаётган зарарли газ миқдорини ўлчайдиган янги асбоб беришган экан. Ишлатамиз дейишса, машинага яқинлашмаса ҳам асбоб юқори даражани кўрсатиб турганмиш. Машина туту-нига тутишса, пасайиб кетаётганмиш. Мен дарров тушундим. «Асбоб бузук эмас, у шаҳардаги ҳавонинг даражасини тўғри кўр-сатаяпти. Машинадаги газнинг зарарини аниқлаш учун кўрсатила-ётган юқори даражадан машина кўрсатган пастки даражани олиб ташласангиз, керакли натижа чиқади. Ахир бу оддий математи-ка-ку!» дедим. Уларга оддий арифметикадан озгина сабоқ бер-ганимдан кейин мени совға-салом билан кузатиб қўйдилар. Ана шундан кейин мен захарли ва зарарли газлар бўйича супермута-хассис бўлиб қолдим.

Сиз сира сезмадингиз, кечагинда икковимиз Қорпок диёрига са-фар қилдик, сиз «Эсан» поездининг тепасида, камина пастида эдим. Аммо бора-боргунча, кела-келгунча зиёфатлар зўр бўлди, а?

У ёқдаги зиёфатларга-ку, гап йўқ. Каламуш бўлиб туғилиб, шу ёшга етгунча бунақаларини кўрмовдим. Сизлардан қолган-қутган-нинг ўзи бизларга етиб-ортди. Аммо бир нарсани сезмай қолдим, афтидан, сал кайф бўлибманми ё менинг каламуш каллам буни ан-глашга калталиқ қилди шекилли. Мен қайтиб келганимдан бери ўй-лайман: менинг-ку нимага борганим аниқ, сиз нимага бордингиз-у, нима ишни қойиллатиб келдингиз? Саволга жавоб бермасангиз ҳам



майли, бу ерга келишимдан мақсад, буни билиш эмас.

Энди акагинам, бу ерга келишимнинг сабабини айтсам, кеча каламушларнинг кенгайтирилган йиғилишида агроф-мухитни, табиатни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларини, хусусан «Эсан» ташкилотининг бир катор фаол ходимларини ўз вазифаларини бажармаётганлари учун мукофотлашга қарор қилинди. Бу рўйхатда сизнинг ҳам номингиз бор, мен шу хушxabарни етказгани келганман. Энди сиз «Каламуш халқаро мукофоти» лауреатисиз! Акагинам, шу идорада ўн йил ишлаб, биттаям иш қилмабсиз, агар шуни билиб, кадрламасак, ғирт номардлик қилган бўламиз. Агар сизлар табиатни асраш бўйича жиддий иш бошлаб юборсангизлар, бизларнинг уруғимиз кирилиб кетарди. Сизга раҳмат, бемалол урчиб, кўпайиб ётибмиз. Биз миннатдорчилик билдиришга сичқонларни ҳам таклиф қилган эдик, аммо улар номардлик қилишди. Озгина пасткашликлари бор уларнинг. Аммо биз хасис эмасмиз. Ҳар бир лауреатга икки килодан тилла берамиз. Олтинни каердан олишимизни сўраманг, вақти келганда айтамыз. Ҳозир каламушларни қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари охирига етай деб турибди. Каламушлар сони рекорд нуктага етгани аниқланган кун шу кўрпачангиз устида икки кило олтинни кўрасиз».

Каламуш шундай деди-ю бир керишиб олиб, кўздан йўқолди.

Санокул бу воқеани ўнгими ё туши эканини билолмай қолди.

Аммо ҳар кун уйғониши билан каламуш ётган кўрпачага қарайди. Олтинни кутади. Каламуш адашиб кетмасин, деб кўрпачаларни йиғдирмади. Ҳар ҳолда яхши ният... ярим тилла-да!

### **Замонавий тадбиркор**

(Лакашиқилдоқ хангома)

Жуда зарурати бўлмаса-да, Жумқулнинг катта шаҳарга боргиси, унда мардикор ёлланиб ишлагиси келди. Катта шаҳарнинг тузини тотиб, машаққатларини унутмаган йигитлар «борма, шўринг қурийди. Уч кун ичида рўйхатда турмасанг, топганинг назоратчиларнинг томоғини мойлашга кетади», деб қайтармоқчи бўлишди.

Табиатан қайсар бўлган Жумқул «беш-ўн сўм топиб келмасам, Йўкқулободнинг йигити эмасман», деб қишлоқдан чикди. У катта шаҳарда юриб, адабларини еганларнинг ўғитларини унутмади. Ўзини тўғридан-тўғри мардикор бозорига урмади. Тўққиз қаватли уйдан бир хонани ижарага олган эди. Тонгсаҳарда туриб, деразадан қараса, бир кошонасифат, кўркам бинонинг атрофида тумонат одам. Синчиклаб қараса, бу ер тўйхона экан. Эрта турганнинг ризқини Худо беради, дегани шу-да, деб яхши кийимларини кийиб, пастга тушди. Тўйга келаётган бир гуруҳга қўшилиб, ош еб чикди-ю, қорни тўймади. Сал нари борди-да, бир оз сабр қилиб, сўнг бошқа гуруҳ билан яна кириб чикди. Унга биров «кимсан, нима учун яна қиряпсан?» демади. «Камбағалнинг тўйгани — чала бой бўлгани», деганларидек, кўнгли ҳам шодликдан ёришди.

Мардикор бозор узоқ эмасди. Бориб, мижоз кутди. Пешинга қадар иш чикмади. Қорни очган эди, тўйхона эсига тушди. Умид билан борган эди, оч қайтмади. Шу зайлда у қорин ғамини ҳал қилиб олди. Сўраб-суриштириб, тўйхоналарни аниқлади. Одамлар гумонсирамасин учун бугун бу тўйхонада, эртасига унисига борди. Энди унинг учун энг муҳим муаммо шаҳарда рўйхатда туриш эди. Шаҳарда таниши, қариндоши бўлмаса уни ким уй дафтарига тиркаб қўярди. Аммо Худо унинг бу ишини ҳам ўнглади. Мижоз кутиб турган эди, назоратчи йигитлар кўринишди. Жумқул ўзини одамлар панасига олди. Назоратчилар аланглаб юрган уч кишидан гумонсирашдими, улардан ҳужжат кўрсатишларини талаб қилишди. Шунда уч киши бараварига гапира бошлашди. Улар инглизча гапиришдими ё немисчами, Жумқул билмади. Назоратчи йигитлар эса бир-бирларига қараб «чет эллик экан булар», деб нари кетишди. Муҳожирдан ҳужжат сўрамаслигини билиб олган Жумқул «мендан талаб қилишса, чет элликка ўхшатиб гапиравераман», деган қарорга келди. Шу ниятига ҳам фаришталар «омин» дейишган экан, ўша куниёқ ғафлат босиб назоратчиларга рўпара келганини сезмай ҳам қолди.

— Қани, ҳов бойвачча, ҳужжатларингни кўрсат-чи! — деди назоратчилардан бири.

Жумкул аввалига сал додирради. Кейин ўзининг «муҳожир» экани эсига тушди. Аммо дарров бир нима дейиши кийин бўлди. Мактабда бир йил инглизча, уч ой французча, тўққиз ой испанча, етти ҳафта немисча ўқиганида бирон нимани дурустроқ ўрганиб олмаган экан. Лекин Жумкул кўча кўрган йигит эмасми, киноларда эшитганлари эсига тушиб, уларга тик қаради-да:

— Хенди хоҳ! — деди.

— Нима деяпсан? — деди иккинчи назоратчи.

— Ахтунг, гуден так, гуд,гуд, — деди Жумкул ва беихтиёр илжайди.

— Бу чет элликка ўхшайди, — деди биринчи назоратчи.

— Базарен гуден морген, — Жумкул шундай деб унинг кўлини олиб дўстона сиқиб кўйди.

— Фамилияси Морган экан, — деди назоратчи шеригига, кейин Жумкулга қараб, ўзини «Шоболткул» деб таништирди.

— Америкаликка ўхшайди, кўй, индама, — деди шериги.

Ўша куни оқшомда Жумкулнинг омади келиб, бир киши уни нақ икки ойга ёллаб, олиб кетди.

Икки ойдан сўнг Жумкул яна бозорда пайдо бўлди. Назоратчи хужжат текшириб қолармикин, деган ҳавотирда турди. Қараса, назоратчилар бошқа йигитлар, шунда яна эски ҳунарини қилди:

— Хело Жонни, о кей? — деди кулимсираб.

Назоратчилар гапга тушунмай, бир-бирларига қарадилар.

— Акасини йўқотиб кўйган шекилли? — деди биринчиси.

— Ҳа, — деди иккинчиси унинг гапини маъқуллаб, сўнг Жумкулга қараб деди: — Бозор катта, биз акангизни топиб беролмаймиз.

— Сомсамова Кураосва, — Жумкул тилига келган бу сўзларни айтиб, уларга бир-бир қўл узатди.

— Фамилияси Сомсамова экан, — деди назоратчиларнинг биринчиси ва ўзини «Шотенкул» деб таништирди.

Жумкул катта шаҳарда хор бўлмади. Қорин ҳам тўйди, пул ҳам топди. Энг қизиғи — «Сомсамова Морган» деган янги ном билан уйига эсон-омон қайтди. Ҳол-аҳвол сўраганларга гапни калта

қилди:

— Чет тилларни билган одам шаҳарда ҳор бўлмайди. Чет тилни билсанг, бор шаҳарга, бўлмаса, қишлоғингда ўтиравер.

### Тескари кўзлар

(лофчининг липпасидан тушиб қолган хангома)

Қандай шамол учирди, Алқул билмайди. Лекин кўзларини юмиб очгунича ўн саккиз минг оламнинг бирида пайдо бўлиб қолди. У ердаги одамларнинг турқу таровати йўққулободликларникидан сал бошқачароқ: оғиз-бурун башаранинг олдида, кўзлари эса орқада. Қулоқ эса умуман йўқ. Қилар ишлари ҳам мутлақо ўхшамайди. У шундай жой эканки, аравалари отдан олдин юраркан, пашшалари филларга хўжайин-у сичқонлари йўлбарс овлаб кун кўраркан. Алқул «Во, ажаб!» деб турганида тескарикўзлардан бири келиб, тескари кўзлари билан синовчан боқди-да:

— Шу юртнинг тобеси бўлиб, яйраб яшашни истайсанми? — деб сўради.

Яйраб яшашни истамайдиган аҳмоқ бормикин, бу ўн саккиз минг олам аро? Алқул саволга жавобни ўйлаб ҳам ўтирмай «албатта-да!» деди.

— Амирлардан бўлишни хоҳлайсанми? — деб сўради тескарикўз ундан кўз узмай. Алқул: «Бекорга сўрамаётгандир, яна бирон шикаст етказиб қўймасин», деган ҳадикда дарров «йўқ» дейишга кўрқди. «Амирлик қийинмасдир, биз томонларда кимлар амир бўлмади», деган қарорга келиб «Хоҳлайман», деди.

— Унда кўрик-танловдан ўтишинг керак, — деди тескарикўз.

— Сайловданми? — деб сўради Алқул тушунмай.

— Сайлов кейин бўлади. Аввал кўрик-танловдан ўтасан, қани юр!

Алқул унга итоат билан эргашди. Қараса, бир бино атрофи тумонат одам. Ҳаммаси кулоксиз ва тескари кўзли.

— Булар ҳам амир бўлишмоқчимми? — деб сўради Алқул.

— Агар танловдан ўта олишса, — деди тескарикўз.

Алқул «наватим бир йилда ҳам келмаса керак», деб юраги сиқилиб турувди, уни меҳмон деб сийлашдими, дарров чакира қолишди.

— Сенинг кулоғинг бор экан, шунинг учун кўшимча сайловдан ўтасан, — дейишди унга.

Хуллас, биринчи танлов — эшита туриб, эшита олмаслик экан. Алқул қийналди. Кўзни юмса, кўрмаслик мумкин. Лекин кулоқни қандай беркитсин? Лекин ақлни ишлатиб, иложини топди.

— Биз томонларда муттаҳамлар кўч, кўрдингми? — деб сўрашди ундан.

Алқул кўзларини жавдиратганича эшитмагандай бўлиб тураверди. Бу саволни такрор ва такрор, жаъми бир юз саккиз марта сўрашди. У эса гунг ҳолини ўзгартирмади. Унинг бу санъатидан ҳаяжонланишиб, энг юқори баҳо — ўн балл қўйишди. Иккинчи танлов гапирмасликдан эди. Қизиғи шуки, бу мамлакатнинг амирлари мутлақо гапирмасликлари керак экан. Алқул шунга ажабланиб турганида: «Порахўрликка қарши кескин чора-тадбирлар қўллаш керак», деб айтгин», деб буюришди. Биринчи танловда қар бўлган одам энди бинойи соқов бўлиб берди. Бир юз саккиз марта буюришди, бир юз саккиз марта тилини тишлаб турарверди. Кейинги танлов осонроқ экан: бир амир лойиҳаси овозга қўйилди. Алқул қўл кўтариб, маъқуллаши керак экан, лойиҳанинг ярмини ҳам эшитмай шарт иккала қўлини кўтариб овоз берди. Тескари кўзлар бунақасини сираям кўришмаган эди, қойил қолишди. Лойиҳа минг марта овозга қўйилди, Алқул минг бир марта тасдиқлаб тапшади. Яна овозга қўйилса, оёғимни ҳам кўтараман, деб турувди, йўқ, шу билан кифояланишди, иш оёқ кўтаришга бориб етмади. Тўртинчи танлов ундан ҳам осонроқ экан. Қонун қабул қилиндими, энди чапак чалиш шарт экан. Алқул чунон қарсак уриб бердики, иморат титраб кетди. Атрофда амирлик умидида турганлар бу қарсак зарбидан қарахт бўлишиб, «энди бизга бу ерда нон йўқ экан», деб тарқаб кетишди. Қонда бўйича икки дақиқа қарсак чалиш шарт эди. Алқул «бу ёғи кўтара савдо бўла қолсин», деб уч ойлигини бир қилиб чалиб бера қолди.

Алқул амирлар сайловидан ҳам ўтди. Очиғи, қандай ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. Энди Алқул тескари кўзлар оламида амирлик айшини суриб юра турсин, гапни унинг Йўққулободдаги қишлоғидан эшитинг: эрининг йўқолиб қолганидан ташвишга тушган хотини бир пойи тешик калишини судраб, уни излай-верганидан калишининг иккинчи пойини ҳам тешиб олди. Нима қиларини билмай ўтирганида ғойибдан бир овоз келдики: «Эй Алқулнинг хотини! Эрингдан ташвишланма, у ўн саккиз минг оламнинг тўққизинчисида амирлик айшини суриб юрибди». Хотин бу овозга аввал ишонмади. Кейин синаб кўриш учун: «Амир бўлса бўлаверсин, лекин менга янги калиш олиб берсин», — деди. Ғойибдан келган овоз буни эшитдими, Алқулга талабни етказдими, биз билмаймиз. Бизнинг билганимиз хотинга ҳали ҳам янги калиш битгани йўқ. Хотин эридан ҳам, калишидан ҳам ажраб ўтирибди, дейишяпти, лекин бу гапга ишонишимиз қийинроқ.

### Шапалок

(Эридан калтак ейиш бахтидан мосуво хотинларга бағишланган ҳангома)

Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Сўтқул хотини билан уришиб қолди. Йўққулобод томонлардаги эр-хотин жанжалида ғалвани ҳеч маҳал эр биринчи бўлиб бошламайди. Бу сафар ҳам хотиннинг ўзи бошлади.

— Вой, дадажони-ей, сизга ҳам бир мансаб битсайди, амалдор бўлсангиз ҳукумат бериб қўйган машинада биз ҳам яйраб юрармидик, — деб орзу қилиб қолди.

Аслида, бу ёмон гап эмас, хотиннинг шунчаки хом хаёли. Сўтқул индамай қўя қолса бўларди, аммо шайтон унинг кўнглига ҳам гулғула солди-ю хотининг орзусига ўзиникини қўшди:

— Қанийди, хотин, ҳукумат берган машина бўлса, мен ҳам билардим эрталабки ошларга қанақа керилиб боришни. Саҳар соат учда кўчага чиқиб йўловчи машина пойлаб, сарғайиб турмасдим. Ён телефонимдан гаражга шарт телефон қилардим.

— Ён телефонингиз нимаси, уйда оддий телефон ҳам йўқ-ку, — деб гапнинг белига тепди нодон хотин.

— Э, каллаварам, тагимга машина бериб қўйган ҳукумат чўн-тагимга телефон солиб қўймайдими? Сен гап қўшмай, тек ўтир.

Хотин бош ирғаб, жим ўтиришга ризолик бергач, Сўтакул келган жойидан давом эттирди:

— Ҳа, гаражга телефон қиламан: «Алло, Галхон!»

— Қанақа Галхон? — деди хотини бетоқатланиб

— Сенга тек ўтир, дедим. Галхон бўлмаса, Валхондир, шунақа биттаси ўтиради-да. Хуллас, ўшанга айтаман: шопирим эрта сахармардонда соат учу нол-нолда эшик тагида турсин. Менинг гапим — гап! Айтган вақтимда машина келади, битта сигнал ча-либ қўяди.

— Вой, чалмасин, дадажони, сахарда ҳаммани уйғотиб юборади-я, — деди зорланиб хотини.

— Уйғонса уйғонар, қўни-қўшнилар билиб қўйишсин бизнинг кимлигимизни. Шу гапинг учун машинага ўтиргач, яна битта сигнал чалдириб қўяман.

— Унда бурилишда ҳам битта чалдириб қўйинг, Дуз сатанг бир куйиб ўлсин.

— Хўп, сенинг ҳам сазанг ўлмасин. Соат учда Жоркулнинг ошига бораман. Машинадан тушишим билан «келинг, акажон, келинг», деб туришади. Бир томонда тумонат одам навбат кутиб турибди, лекин мени алоҳида иззат билан ичкари олишади. У ерда икки чўқим ош еб... Йўқ, ичкарида ошдан олдин юзта-юзта коньякдан олинади. Кейин иримига икки чўқим ош еб, яна савлат билан чиқаман. Кейин Соткулнинг ошига бораман. У ерда ҳам аҳвол шу: келинг-келинг, олинг-олинг...

— Дадажони, у ерда кўп ичманг, ишга борадиган одамсиз, яна ҳиди келиб турса...

— Э, нодон, амалдорга бунинг айби йўқ. Сен жим ўтир, омад келган даврда давру даврон суриб олиш керак. Шу пайтгача менга биров наҳорги ошда ўн грам куйиб берувдими?! Дод десанг-демасанг Соткулникида ҳам элликта отволаман. Ундан Доткулнинг

ошига бораман. Ундан Нетқулникига... Йўқ, бугунга шу учтаси етар. Нетқул сал бетайинроқ бола, уникага бормаса ҳам бўлади. Кейин қоринни сила-аб, уйга келаман. Ишга боргунча бир соат мизғиб оламан, сен телефонларни ўчириб қўясан. Балки... тўғри идорага бораверганим маъқулдир, а? Идорамда ҳам ухлайдиган хонам бор-ку? Котибамга телефон қилиб қўйсам, чойми, қахвами дамлаб туради.

Бу гап хотинга ёқмади, жим ўтириб эшитиши лозимлигини унутиб, эрининг гапини бўлди:

— Идорада пишириб қўйгани йўқ. Уйга келасиз. Чойни ўзим дамлаб тураман. Сиз ухлаб тургунингизча мен машинангизга ўтириб, бозорга бориб келаман.

— Уриниб нима қиласан, шопир болага айтаман, бозорни ўзи қойиллатиб чиқади. Сен сартарошга бориб, ачиган қатик хиди келиб турган манави сочингни шампун-пампунда ювдириб, одам башара бўлиб ол.

— Азонлаб қайси сартарошга бораман?

— Котибамга телефон қилсанг, қаердалигини айтади.

— Ҳо-о, — хотин лаб буриб гап бошламоқчи эди, Сўтқул йўл бермади:

— «Ҳо-о»лама. Бунақа ишларни ёшлар яхши билишади. Сен айтганимни қил.

— Хўп, унда кундузи машинангизни бериб турасиз, бешик тўйига бориб келаман.

— Кундузи машина ўзимга керак. Мажлис-пажлисга чақириб қолишади.

— Ишхонангизда машина биттамасдир?

— Бўпти, жонимга тегавермагин, ўринбосаримникини бериб тураман.

— Эртага ҳам бериб турасиз, онамни кўриб келаман.

— Яктоққа боргунча машинада эзилиб кетасан, самолётда бора қол.

— Машинада кириб боришнинг савлати бошқачарок бўлади.

— Майли, котибам ҳам аммасини кўргани бормоқчи эди, бир-



га бориб келасан.

— Котибангизни тикиштирманг. Битта ўзим бораман, — деди хотин белига қўлини қўйиб.

— Бирга борасан, — деди Сўткул қатъий.

— Йўқ, — деди хотин ўжарлик билан.

— Бирга бормасанг, туш машинадан, — деб бақирди Сўткул.

— Тушмайман, ана, котибангиз тушсин, — деди хотин бўш келмай.

— Туш деяпман!

— Йўқ, йўқ!

Шу ерга келганда Сўткул чидолмай қайсар хотинининг юзига бир шапалоқ урди. Хотин «вой!» деб бетини ушлагнича эрига бакрайиб қаради:

— Нега урасиз?

— Ўзинг нега машинадан тушмайсан?

— Қани, қанақа машина?

Энди Сўткул хотинига бакрайиб қолди: дарвоқе... нималарни гапиряпти?

Хомхаёл эр-хотин бир-бирларига бакрайганларича ўтиришди.

Энди «Сўткул ким ўзи, бирон вазирликда бўлим бошлиғи-ю эрта-индин янги амалга кўтариладиган одамми?» деган савол туғилар? Сўткулнинг манзилени айтиб қўяйлик: ўша ўзингиз билган эгрикўчанинг бораверишда ўнг, келаверишда чап томони-га жойлашган ямокчилик устахонасидан топасиз. Фақат... амалдорлик орзусида хотинига бир шапалоқ урганини эслатиб, у бечорани ҳижолат қилманг, хўпми?

### **Бозор дарслиги**

(Пагтачининг сандиғидаги ҳангома)

Санкул қишлоғида тинчгина юрувди. Қайси шайтон юрагига гулгула солди-ю шаҳарда ишлашга ошиқиб қолди. Хотини «мол дўхтирига шаҳарда нима бор?» деб дийдиё қилса, «шаҳарда мол йўқ деб ўйлайсанми, менга аталган бирон иш бордир», деганича

жўнаворди. Шаҳардан қўним топган ҳамқишлоқлари уни кутиб олишиб, иш танлай бошлашди. Охири: «касбинг табобатга яқин, бозорда ишлайсан», деган тўхтамга келишди.

— Мол бозоридами? — деди суюниб Санқул.

— Йўқ, мол бозоридаги ўрин банд. У ерда иши юришмаган шоир ошнамиз ишляпти. Молларнинг думидан анча-мунча илҳом оларкан, унга тегиб бўлмайди. Сен деҳқон бозорида ишлайсан.

— У ерда нима қиламан, патгачиликми? — деб сўради Санқул.

— Шу илминг билан сени патгачиликка қўйсақ, иснодга қолмайми? «Сан-эпид назорати» деган касбни эшитгандирсан?

— Ҳа, оз-моз ўқиганман, айти мен боп иш, — деди Санқул кувониб.

— Ўқиган бўлсанг, ўқигандирсан. Лекин ўқиганларинг китобингда тура турсин. Бу бозорнинг китоби бошқа. Уларнинг ўзлари сени аввал яхшилаб ўқитишади. Улар чизган чизикдан чикмасанг, бўлгани, — деб қаттиқ тайинлашди.

Санқул бу насихатни қулоғига олиб, ишга борди. Қиладиган ишининг китобини ҳам ўқитишди. Ўқиш жараёни бундай бўлди:

— Деҳқон тонг чоғи бозорга қовун-тарвуз олиб келганда, сиз нима қиласиз? — деб сўрашди.

— Таркибини текшираман, кимёвий моддалар даражасини аниқлайман, — деди Санқул донолик билан.

— Даражаси ортиқ бўлса-чи? — деб сўрашди.

— Сотишга рухсат бермайман, — деди Санқул дадиллик билан.

— Нега?

— Китобда шунақа ёзилган.

— Китобингизга амал қилсангиз, бозорни ёпишга тўғри келади. Сиз у китобни тамоман унутинг. Бизнинг китобдаги қоида бўйича сиз кўзингизни чирт юмасиз-у сотишга рухсатнома бера-сиз.

Соддалик курсин-а, Санқул: «унакада одамлар касал бўлиб қолишади-ку?» деб донолик қилиб ишдан айрилишига салгина

қолди. Уни тавсия қилган дўстларининг ҳурмати бор экан, ҳайдашмади, аксинча сабот билан тушунтиришди:

— Ким қовун еб касал бўлса яна яхши. Дўхтирга боради. Баҳонада дўхтирнинг ҳам тирикчилиги битади. Дўхтир дори ёзиб беради. Дорихонанинг ҳам тирикчилиги ўтади. Кўрдингизми, қанча одамга фойда?

Санқул «бу ёқда гўрковнинг ҳам тирикчилиги бор», деб лукма ташламоқчи бўлди-ю «Менга нима? Муҳими — ўзимнинг тирикчилигим», деб тилини тийди. Ундан яна сўрадилар:

— Гўшт бозорига ўтганда нима киласиз?

— Гўшларнинг тоза-покизалигини текшираман, — деди Санқул яна соддалик билан.

— Бунақа қилишингиз ҳечам шарт эмас, — дейишди улар аччикланиб. Кейин дона-дона килиб тушунтиришди: — Гўшт бўлимига ўтганингизда кўзингизни юмасиз, бурнингизни беркитасиз. Эскириб кетган гўшларга қарамайсиз. Бадбўйини хидламайсиз, кир-чир араваларда ташилаётган гўшларга ҳам қарамайсиз-у «ярим соат олдин сўйилган тоза гўшт», деб сотишга рухсат берасиз. Ҳаром ўлган жониворларнинг гўшларига ҳам у-бу деб ўтирманг. Колбасачилар бор, сомсачилар бор, пинҳона олиб кетишади, иси чиқмайди. Билиб қўйинг: ҳар бир кўз юмушингизнинг, бурун беркитишингизнинг ўзига яраша нархи бор. Сиз шу нарса ни адаштириб юбормасангиз бўлгани. Табиблар билан кинначилар «қўл ҳаққи» олишади. Сизники «кўз ҳаққи» бўлади.

Санқул бозорнинг янги қоида китобини тез кунда ўзлаштириб олди. Фақат бир иш сал ғалатиноқ бўлди. Санқулнинг чўнтаги пул кўргач, уйига бориб келди. Қишлоғига кириши билан одамлар унга қараб ажабланишди. Ажабланмасинларми, яқиндагина шаҳарга кетаётганида кўзлари очик эди. Энди юмиб юрибди. Одамнинг пули кўпайса, бурни кўтариларди, бунинг кўзлари юмилиб қолибди. Шаҳардаги ишлардан беҳабар ҳамқишлоқлари «тарки одат — амри маҳол» деган гапни унутишгани учун ҳам ҳар ҳил тахминлар қилишди.

Биз ҳам Санқулнинг кўзларини юмиб юрганини кўрдик. «Бал-

ки қилган ишларидан уялиб, ҳамқишлоқлари кўзларига қарашга ботинолмаётгандир?» деб ўйладик. Яна Худо билади.

### Олтин балик

(Балиқчининг тўридан тушиб қолган хангома)

Булутсиз осмонда бир чақин чақди-ю Йўққулободда ақл бовар қилмас ишлар бошланиб кетди. Ҳайратомуз воқеалар аввалига ўрмонда бошланди: тулкининг ишки филга тушди. Фил эса тошбақани севиб қолди. Қарға «бегонага уйланмайман, хотин қариндошдан бўлсин», деб булбулга кўнгил кўйди. Чувалчанг илоннинг совчиларини ҳайдаб чиқарди. Эшак отга уйланди-ю эртасигаёк унинг ёли билан думини қирқтириб ташлади. Маймун қоплонга уйланмоқчи эди, киндигини очиб юришга кўнмагани учун ундан айниди...

Ўрмонда шундай ғалати воқеалар содир бўлаётганда тешиқ тоғорани ёстиқ қилиб ётиб олган Ялққул пашша кўриш билан овора эди. Бечора яна нима қилсин? Ёмғир чоғи чакка ўтиши ҳисобга кирмаса, бинойидек уйи бор. Дарз кетгани инобатга олинмаса, қозон-тобоғи ҳам йўқ эмас. Олов нималигини эсдан чиқариб кийшайиб қолган тандири ҳам мавжуд.

Ерликлар лафзида «Бекорчидан Худо безор» деган мақол бор. Йўққулободликларда бу сал бошқачароқ янграйди: «Бекорчи чолдан кампири безор». Бекорчини Худо кечириши ёки ҳоли кўйиши мумкиндир-у, бироқ, бекорчи чолни ўз ҳолига қўядиган кампир ўн саккиз минг оламнинг беш минг йиллик тарихида ҳам йўқ. Шундай бўлгач, Ялққул қанча вақт ялпайиб ётиши мумкин? Ҳар нечук бир уйқуни олишга улгурмай, кампиршонинг овози янграб қолди. Бу янгроқ овознинг нималарни баён этганини батафсил баён этмоққа қалам ожиз. Ярим соат янграган овоз ерликлар тилига ўгирилса, тахминан бу мазмун ҳосил бўлур: «Сизга теккунча итга тегсам бўлмасмиди. Ҳатто ит ҳам уйига битта суяк кўтариб келади...» Бунақа дадил гапни Ерда айтиш мумкин, Йўққулободда бечора хотинлар бундай дейишга журъат қилишолмайди. Чунки

қариндошга тегиш қатъиян ман этилганини ҳаммалари яхши билишади. Хуллас, ярим соатлик дебочадан сўнг кампиршо Ялққулга тўрни олиб, балиқ овлаб келишга амр этди. «Хотин амри – вожиб!» бўлгач, Ялққул додини кимга айтсин? Бир пайтлар балиқ тутувчи тўр бўлиб яралган, энди эса чириб, узулиб, увадага айланган матохни судраб денгиз бўйига борди. Сув тизза бўйи бўлгач, тўрни ташлади. Бир оздан сўнг денгиз мавжланиб, Ялққулни ҳайрат олови чулғаб олди. Аввалига қочмоқчи эди, лекин увада ҳолидаги тўрини ташлаб кетишга кўнгли бўлмади. Тўрни тортган эди... Во, ажаб! Бир балиқча... Балиқча бўлганида ҳам нақ олтин балиқ! Типирчилайди-ю бироқ, тўрдан чиқиб кетгиси келмайди.

— Ҳой нодон, — деди Ялққул, — бу тўрнинг тешигидан тимсоҳ ҳам қутилиб кетса бўлади, сен нега қочмайсан?

— Тўрдан-ку, қочиб кетарман, акахон, аммо тақдирдан қочиб кетиб бўлмайди-да. Тақдиримда шу тўрга тушиш, сизга сидкидилдан хизмат қилиш бор экан.

— Вой, нодон-е, менга қандай хизмат қилишинг мумкин?

— Кўнглингиз нима истаса шуни, тиланг тилагингизни?

Ялққул қандай тилакни сўрасам экан, деб ўйлаб ўтирмади. Кампири ҳар куни тоғоранинг тешиклигидан нолирди «Кўлингдан келса, янги тоғора олиб бера қол», деди. Олтин балиқча «уйингизга бораверинг, тилагингиз амалга ошди. Яна хизматим лозим бўлиб қолса, шу ерга келиб чақиринг», деди-ю, тўрнинг тешигидан ўтиб ғойиб бўлди.

Ялққул бу мўъжизага бир ишониб, бир ишонмай уйига қайтиб, қарасаки, ҳовлида яп-янги тоғора офтоб нурида жилваланиб ётибди. Кампиршо эса унга ҳайратланиб қараб турибди. Ялққул бўлган воқеани унга айтди-ю қолди балога:

— Ҳой, мияси ачиган чол, келиб-келиб тоғора сўрайсизми?!

— деб нақ тўқсон олти дақиқа жавраб берсами! Тўқсон еттинчи дақиқага етганда маломат тошлари тугаб, амр этилди: — Боринг, балиқчангизга айтинг, бу кулда мен бит боқиб яшашни истайман, сарой кошонасида умр кечиришни хоҳлайман!

Ялққул борди. Олтин балиқчани чақирди. Тилагини айтди.

Кампир амри бажо келтирилди. Бироқ, изига қайтиши билан кампиршо унинг «мяси ачиган чол» эканини эслатиб, янги истагини билдирди: малика бўлди! Сўнг унга сарой хазинасидаги бойликлар камлик қилиб буюрди:

— Денгиз ҳам менинг ҳукмимга бўйсуниси керак. Олтин балиқчангга бориб айт: бугундан бошлаб у менга солиқ тўласин!

Ялқкул бу амрни етказган эди. Олтин балиқча чуқур ўйга толди. Сўнг бирданига ғойиб бўлди. Ялқкул қараса, денгиз мавжи сўниб қолибди. Увада тўри эса соҳилда ётибди. У ажабланган ҳолда тўрини судраб уйига қайтди. Қараса, сарой ҳам йўқ, малика ҳам йўқ. Ўша ўзининг вайсақи кампири тешик тоғорага ҳайрат билан қараб турибди.

Бу ажабтовур воқеани Йўкқулободда биров билди, биров эса беҳабар қолди...

## ТИЛГИНАМДАН АЙЛАНАЙ

Инсон боласининг вужудидаги кўпгина аъзолар ақлнинг ҳукмига бўйсунди.

Айтайлик, қўл, оёқ... ҳатто кўз.

Ақл «Рўпарангдаги жононга қарама», деб буйруқ берса, кўз бечора бу амрга бўйсунди қолади. Қулоқни айблаб бўлмайди, чунки у кўз каби ёпилиш фазилатидан маҳрум.

Яхши гапни ҳам, ёмонини ҳам эшитаверишга мажбур.

Танадаги бўйсунмас, ўзбошимча аъзолардан бири тилдир.

Ақлдан буйруқ келмаса ҳам сайраб ташлайди. Барча бани одам сингари

камина ҳам бу қусурдан холи эмаслар. Ихтиёримсиз айтилган айрим гапларни

сизларга илиндим, айбситмайсиз.

### Мучал

Бир даврада мучал ҳақида сўз юриб қолди. Каминадан ҳам сўрадиларким:

— Мучалингиз нима? — деб.

Тўғриси айтишга истиҳола қилиб дедимки:

— Хотинимнинг мучали «ит».

— Бизга ўзингизнинг мучалингизни айтинг, дедилар.

Тилгинамдан айланай, ўйлаб ҳам ўтирмай, қийналиб ҳам ўтирмай шартта дедими:

— Эй биродар, хотинимнинг мучали «ит» бўлгач, каминаники «итбоқар»-да!

### Қовок

Дўстлар билан гурунглашиб ўтириб эдик. Биродаримиз гапнинг белига тепиб, ҳали тоғдан, ҳали боғдан сўзлай бошлади-да, кутилмаганда:

— Мен бир йиллик қовокни кўрдим, балконда қолиб кетган

экан, бир йилда айнамабди, — деб худди улуғ кашфиёт қилгандай керилиб қўйди. Ақлим «кўрсанг кўрибсан-да», деб қўя қолди. Лекин, тилгинамдан айланай, бунга муроса қилмай:

— Шунга ҳам мактанасанми, мен эллик йиллик ковокни кўрганман, — деб юборсами!

— Лофни ҳам олиб қочасан-да, қани, қаерда кўргансан, исбот эт, — деб талаб қилди биродарим. Ақл «ҳазиллашдим», деб қўя қол», демокқа даъват этди. Тил эса:

— Исбот қилиш учун узоққа бормаймиз, ана, кўзгуга қарагин, елкангнинг устида турибди. Эллик йилдан бери айнамасан-я... — деб юборди.

### Тиш ва бош

Дўстимнинг кайфияти чатоқроқ эди. Ҳол сўрасам, «бошим оғрияпти», деб нолиди. Ақл «чарчагансан, ошнам, дам ол, ширин чой ич...» деб далда бермокчи эди, тил , хай-хай-хай, шошқалок бўлсанг айланай, дедики:

— Э, оғайни оғрик ёмон-да, тишим оғриганда олдириб ташлаб, кутилган эдим.

### Захар

Халқ ардоғидаги санъаткор Ёдгор Саъдиев билан бир масалани ҳеч ҳал қила олмаймиз. Ёдгор акамиз мени, камина эса у кишини заҳарликда айблаймиз. Дунёда тилдаги заҳарлик даражасини белгилаб берувчи ускуна йўқки, бизнинг баҳсимизни ечиб берса.

Камина селекционерлик, яъни ўсимликларнинг янги навини яратиш билан шуғулланиб, тувакда бир ўсимлик етишдирдим-да, акамизга бўлган ҳурматимиз ифодаси сифатида унга «Ёдгор Саъдиев номидаги кўп йиллик мевали ўсимлик» деб ном бердим. Тувакдаги бу ўсимлик чиндан ҳам қишин-ёзин мева тугадиким, уни халқда «каламбир» дерлар, айримлар «гармдори» деб ҳам юритарлар. Алқисса шуки, меҳмонлар келиб, қалампирдан тотиб кўриб, унинг захрига беш кетиб, уруғидан сўрадилар. Ақл «индамай бериб юбора қол» деб амр этган эди, тилгинамдан айланай,



уруғни бермаслик йўлини топиб, дедики:

— Уруғни беришим мумкин, лекин сизлар буни аслича ўстира олмайсизлар.

— Нега энди? — деб ажабландилар.

— Сабабким, камина бу ўсимликни Ёдгор акамизнинг тупукулари ила суғорганман. Қалампир шу тупукдан қувват олгандир...

Орадан фурсат ўтиб, бетобланиб ётганимда Ёдгор ака ўғиллари Ҳабибуллоҳ билан йўқлаб келдилар-да, меҳрибонлик билан муолажанинг турли йўллари ҳақида гапириб:

— Сизга илон шўрва дори, илон топиб, шўрва пишириб келаман, — дедилар.

Ақл «Раҳмат, ака, кам бўлманг», демокчи эди, тилгинамни қаранг:

— Ёдгор ака, илон қидириб овора бўлманг, шўрвани пиширинг-у битта бармоғингизни теккизиб қўйсангиз бас, — деб юборса-я!

Ёдгор акамизнинг ҳам тилларидан айлансангиз арзийди. Ақллари «Қўй, шу касал одам бир ҳазил қилса қилибди, жавоб қайтарма», дегандир. Лекин тиллари тинч турармиди:

— Ака, мен шўрвага бармоғимни теккизсам, овқат аччиқ бўлади. Захар бўлиши учун сиз тилингни теккизишингиз керак...

### **Бош**

Бошим оғриб ўтирган эдим. Бир оғайним келиб ҳол-аҳвол сўради-да:

— Мен сенга «Кўп китоб ўқима», деб минг марта айтганман, камрок ўқисанг, бошинг оғримайди, мана мен битта ҳам китоб ўқимаганман. Ёшим эликдан ошди, лекин шу пайтгача сира бошим оғримади, — деди.

«Гапинг маъқул», деб қўя қолсам бўларди, лекин тил бунга йўл кўярмиди. Айтган гапини қаранг:

— Одамнинг боши бўлса, оғриб тургани ҳам маъқул...

### **Балиқ**

Ароқхўрликни ҳуш кўрувчи танишим Рамазон ойи арафасида:

— Бир балиқхўрлик қилайлик, — деб қолди.

— Нечук кўнглинг балиқни тусаб қолди, балиққа бошқоронғумисан? — деб ҳазиллашдим.

— Рўзадан аввал халқумни тозалаб олай, — деди у.

«Ниятинг яхши», демокчи эдим, тилим бошқа гапни айтиб юборса:

— Тинч океандаги барча балиқларни еб тугатсанг ҳам халқумнингни тозалашга кифоя қилмас...

### Исиниш

Иймони заифроқ биродаримиз билан кетаётган эдик.

— Совқотяшман, — деб нолиб қолди.

Тилгинамдан айланай, шу ерда ҳам тинч турмади-я! Айтган гапини қаранг:

— Биродар, озгина сабр қилинг, дўзахда исиниб оласиз (астаф-фируллох!).

### Қулупнай

Зиёфатда қулупнайнинг фазилатлари мадх қилинарди. Мендан:

— Қулупнай қон босимини туширар эмишми? — деб сўраб қолишди.

Ақлим «ха», демокқа шайланган эди, тилим тушмагур чакқонлик қилди:

— Зиёфатда текин қулупнойни тўйиб ссангиз, қон босимингиз тушади. Агар пулингизга сотиб олсангиз, аксинча, кўтарилиб кетади.

### Хандон писта

Бозор оралаб юрган эдим.

— Иним, хандон писта олинг, — дедилар бир отахон. — Қаранг, писталар сизга қараб кулиб туришибди.

«Раҳмат, писта олмайман», деб ўтиб кетаверсам ҳам бўларди, аммо тил бунга йўл бермади:

— Отахон, писталарингиз менга қараб кулиб туришгани рост,

лекин нарҳини айтганингиздан кейин чўнтак сизга қараб йиғлаб юбораци-ку, бунга нима дейсиз?

### Қувват

Бир чала мулла ҳаммани оғзига қаратиб ваъз айтарди:

— Ўрик нима учун юракка ўхшайди, биласизларми, чунки ўрикни есангиз, юракка қувват бўлади.

Ақлим «балки шундайдир», деб ўйлашга улгурмай тил тиш хатлаб қўя қолди:

— Тақсир, қовоқ-чи?

### Антенна

Ўша чала мулла:

— Соч толалари антенна, кечкурун ухлаганингизда руҳларнинг тўлкинини қабул қилиб, сиз туш кўрасиз, — деб қолди. Даврадагилардан бири:

— Домла, сочи йўқлар-чи, улар антенна сиз ҳам туш кўраверишадими? — деб сўради.

Тилгинамдан ўргилай, чала мулла жавоб топгунича, унинг мушкулени енгил қилиб қўя қолди:

— Уларники парабал (чиғаноқ) антенна, тушнинг додаҳўжасини ўшалар кўришади.

### Эҳтиётдаги бош

Чала мулла Аллоҳнинг мўъжизаларини гапира туриб дерди:

— Агар Худо кўзни пешонага эмас, елкангизга ўрнатганида костюмни ечиб қарармидингиз? Қулоқни қўлтиғингизга ўрнатганида биров гапирганида қўлингизни кўтариб турармидингиз? Агар бошни елкага маҳкамламай телпакка ўхшаб, олиб қўядиган қилиб яратганида, бирон жойда бошни олиб қўйиб, эсингиздан чиқиб қолса, нима қилардингиз?

— Ҳамманинг эмас, шу чала мулланинг бошини олиб қўядиган қилиб яратса, яхши бўларди, — деб юборди тилгинам.

— Нега? — деб ажабланиб сўрадилар.

— Шу боши эсидан чиқиб қолса, бунинг ўрнига ақллирок бошни олиб ўрнатармиди...

### Қийин савол

Ўша чала мулла илм олиш хусусида гапириб, мақтаниб қолди:

— Илмимиз етарли даражага етди. Ҳар қандай саволга жавоб топа оламиз.

— Домла, унчаликмасдир, — дедим. — Менинг Раҳматилла ошнамга рўпара бўлсангиз, теша тегмаган саволларни қалаштириб ташлайдики, лол қоласиз.

— Масалан, нимани сўрашлари мумкин?

— Масалан, у «Домла, ифтор чоғида оғизни ароқ билан очган маъқулими ё конъяк биланми?» деб сўраб қолса, жавоб бера олармикинсиз?

Домла тушмагур Раҳматилла ошнамга рўпара келмаёқ мағлуб бўла қолдилар.

### Том

— Унинг томи кетган, — деди дўстим.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — дедим.

— Нега?

— У асли томсиз туғилган эди... — деди тилим.

### Товук

Ҳамкасбим билан суҳбатлашиб ўтирган эдим. Катакдаги товук қақаглаб қолди.

— Бигта тухум туғиб шунча ваҳима қилади-я, — деди ҳамкасбим кулиб.

— Шапалоқдек китоби чиқиб, мақтаниши оламни бузадиган шоирга ўхшайди, бизнинг товук, — деб юборди тилим.

### Қулоқ

Иссиқ жонмиз-да, беҳос қулоғим оғриб, қулоқ, бурун, томоқ дўхтири бўлмиш дўстимникига чикдим.

— Ҳа, нечук, биз ғарибларни йўқлаб қолибсан, дўстим, мени кўргинг келиб қолдими? — деб ҳазиллашди дўхтир.

— Сени мен эмас, қулоғимнинг кўргиси келиб қолибди, — деб юборди барака тошгур тилим.

### **Ҳаво ўзгарди**

Қон босимим ошиб, бошни боғлаб ётган эдим. Аҳли аёлим кириб, ҳол сўраб:

— Об-хаво ўзгарса, сизнинг босимингиз ҳам ўзгарадиган бўлиб қолди, бугун кўчага чиқманг, — дедилар меҳрибонлик билан.

— Гапингиз тўғри, об-хаво ўзгарса, қон босими ҳам ўзгаради. Лекин хотин ўзгарса, ҳар қандай қон босими яхшиланиб кетармиш, — деб юборди тилгинам.

### **Гўрковнинг нархи**

Дўхтир юракка қувват бўлувчи янги дори чиққанини айтиб, изоҳ берди:

— Дорини ўзимизнинг дорихонадан олинг. Бошқа жойларда йигирма минг сўм, ўзимизда ўн олти мингга беради.

Буни эшитиб, кулимсирадим.

— Нега қуляпсиз? — деб ажабланди дўхтир.

— Ёзиб берган дорингизнинг нархи гўрковнинг нархи билан бир экан, — деб юборди бемаъни тилим. Бу ҳам етмагандай яна изоҳ бергани-чи: — Аммо фарқи ҳам бор. Дорининг кафолати йўқ, гўрковнинг кафолати борким, нақ суваб ташлайди.

### **Қаймоқ**

Дўхтир жиддий парҳез лозимлигини уқтириб, ейиш мумкин бўлмаган таомларни санаб кетди. «Қаймоқ ҳам мумкинмас», деганда «айтсангиз-айтмасангиз қаймоқ емайман», — дедим.

— Нима учун? — деб сўради дўхтир ажабланиб.

— Жуда қиммат-да, — деб тўғриси айтиб қўя қолди суяксиз тилгинам.

Дўхтир яна рўйхатни давом эттириб, охирида «тушундингиз-

ми?» — деб сўради.

— Фақат битта нарсага тупшунмадим, нафас олишим мумкинми? — деб юборди тилгинам.

### Алмаштириб берарсиз

Бир учрашувда «Нега хотинингизни олиб келмадингиз?» деб сўрашди.

— Кейинги сафар, албатта, олиб келаман. Кўрарсиз, ёқса ёқди, ёқмаса алмаштириб берарсиз, — деди тилгинам талтайиб.

### Парҳез

Дўхтир жаноби олийлари каминага марҳамат кўрғазиб, сихатимни асрамоқ умидида бир қатор маслаҳатлар бердиларким, барчасини эслаб қолмоқ учун битта бош камлик қиларов, дейман. Хусусан, парҳезга доир талабларга битта нафсу битта қориннинг чидамоғи мушкул ҳолдир. Аллоҳ бандалари учун яратган неъматлар бир бошдан саналиб, «ейиш мумкин эмас», деган ҳукм ўқилди. Ажабо! Кўй гўштини банда емаса, бўрининг қорни учун яралибдимикин? Оқ нонни банда емаса, сигирга байрамми экан? Асти-асти бундай саволлар билан дўхтиржон кўнгилларини хира қилмадим. Эсим жойида! Аммо тилда эс йўк. Дедики:

— Дўхтиржон, сиз буюрган парҳез рўйхатини эслаб қолишим қийин. Мен ўзим учун махсус парҳезни тартиб этганман.

Дўхтир дедики:

— Айтинг, эҳтимол, бошқа беморларга ҳам тадбиқ этурмиз.

Тилим дедики:

— Каминанинг парҳез рўйхаги узун эмас: дастурхон устидаги текин неъматларнинг барчасини смоклик мумкин. Чунки «текин томоқ танни тоза қилур», демишлар. Бироқ, ўз пулинга сотиб олиб ейиладурғон неъматларга эҳтиёт бўл. Дўхтурнинг парҳезини фақат ўзинг сотиб олғувчи неъматларга нисбатан тўғри деб бил!

### Қора хотин

Дўхтир парҳез буюргач, каминага оқ нон ейиш қатъий

таъкикланди. Таомланиш вақтида мухтарамаи хотинхўжа теппамизда уруш давридаги «гестапо» янглиғ соқчиликда турадурлар. «Гестапо»дан фарқлари – кўлларида ўқланган автомат йўқ халос. Аммо тиллари ҳамиша захарли ўқлар билан ўқлоғлиқ турадики, «гестапо» автоматидан бир амаллаб паналаниш мумкин, аммо тил ўқларидан сақланиш мутлақо мумкин эмасдир. Шу боис камина чойни ҳам муте ҳолда ичур, атрофда раҳм қилғувчи зот топилмас. Бахтимдан айланай, бу кун нонушта пайти ҳазрат хотинхўжани кўшни чақириб қолди-ю озодлик ҳавосини туйиб, дастурхондаги оқ нонга зўр ҳаяжон ила кўл узатдим. «Элакка чиққан хотин эллик оғиз гап гапирар», демишлар экан. Аммо бизнинг кўшни элакка эмас, пулга чиққани учун эллик оғиз ўрнига бир оғизгина гап кифоя қилғони сабабли хотинхўжамиз изларига тезгина қайтдилар. Бир тишлам оқ нон қора нондан безор бўлган ошқозонимизга хушхабар олиб тушишга улгурди халос. Икки тишламга улгурмай, кўлимга яна қора нон туткизилгач, кўзларимга ёш келиб дедимки:

— Энди фақат қора нон ейманми?

Ситамкор дедими:

— Дўхтир руҳсат бермагунича шунақа бўлади.

Алам туфайли кўзларим ёшлангани билан тилим бақувват эди.

У дадил дедими:

— Агар қора нон ейдиган бўлсам, унда менга қора хотин ҳам олиб беринглар!

### **Қора чой**

Зиёфатда ўлтурар эдик. Хизмат қилиб юрган йигитча кириб сўрадики:

— Чой қанақасидан бўлсин? Кўкми, қорами?

Биров «қора» деди, яна биров «кўк». Йигитча менинг хошимни сўраб эди, шошқалоқ тилим дедими:

— Иним, яхшилаб билиб олинг: менга чойнинг қораси маъкул, пулнинг эса кўки ёқади!

### Йўтал

— Нега йўталаясиз? — деб сўрадилар.

— Тирик олам тириклигини билдириб туриши учун йўталиб тургани дуруст, — деди тилим.

Иттифоко кўйхонадаги кўчкорлардан бири йўталиб қолди. Охурга ҳашак ташлаб кўйишни ўзи учун энг оғир машаққат деб билган ўғлим «кўйларнинг ҳарна битта камайгани яхши», деган умидда деди:

— Шу кўчкорни сўйиб юбора қолайлик, каранг, йўталапти.

— Йўталаётган бўлса, тузатиш ҳаракатини қил, мен йўталганимда дарров сўйиб юбормайсан-ку, — деди тилгинам.

### Оғзингни ўпади

Тўйдан қайтаётган эдик, танишларимдан бири учраб қолиб мен билан кучоқлашиб кўришди, кейин меҳри товланиб кетдим ё ҳазил тариқасидами: «Китоб ёзган қўлларингизни бир ўпай», деб ўпиб кўйди. Ҳазил-ҳузудан кейин хайрлашиб, машинага чиқаётганимизда дўстларимдан бири:

— Дунёда адолат йўк, бунинг китобидаги вокеларни айтиб бергувчи мен-ку, бунинг қўлини ўпишади-я! — деди кулиб. Дўстимнинг даъвоси бежиз эмасди. Болаликда кўп овқат егани учун ҳамма унга «Бўтка» деб лақаб қўйган эди. Шу дўстимнинг ҳурмати учун «Шайтанат»даги Асадбекнинг югурдақларидан бирига унинг лақабини олиб бергандим. Дўстим шуни назарда тутиб кўп ҳазиллашарди. Ҳозирги ҳазили ҳам ўринли эди. Шу учун мен ранжимадим, аммо тилим тинч туролмади:

— Айни ҳақиқат, — деди у. — Мен китобни қўл билан ёзганим учун қўлимдан ўпди. Сен оғзингда айтиб турасан, ҳозир айтаман, оғзингни ўпиб кетади...

### Ўлмайдиган бўлдим

Жанозадан қайтаётган хотинлар марҳумнинг яқинлари қандай айтиб йиғлаганини, албатта, бир-бир муҳокама қиладилар. Бу ка-



минага ҳам маълум. Маҳалладаги бир жанозадан кейин хоним-афандидан шу ҳақда сўрадим.

— Юрагим эзилиб турувди, гапларига эътибор қилибманми? — дедилар.

— Бскор турмай эшитсангиз бўларди. Яна ўн йилми ё ўттиз йилданми кейин ўтадиган бўлсам чиройли-чиройли гапларни айтиб, ҳаммани қойил қолдириб йиғлашингиз керак, — дедим.

— Бсмаъни гапларни гапирманг! — дсб жсркиб бердилар. Мен эсам қитмирликни давом эттирдим:

— Нима, чиройли гапларингизга арзимайманми?

— Арзийсиз, лекин бунақа бемаъни гапларни айтиб, асабимни бузманг.

— Унда сиз ҳам чиройли йиғлайман, деб ваъда беринг.

— Йўқ! — дедилар қатъий хоним.

— Йиғламайсизми?

— Йўқ! — дедилар яна ҳам қатъий равишда.

Оғзимни юмсам ҳам бўларди, лекин тилгинам тиш ҳатлашдан тийилмади:

— Мен чиройли йиғлашингизни эшитиб, би-ир роҳатланиб ётмоқчи эдим-да. Йиғламайдиган бўлсангиз, ўлиб нима қилдим, бўлди, ўлмайман.

### **Тарози**

Тўйимизга ўттиз беш йил тўлган кун эди. Эрталаб хизматга кетар чоғида «уйда тарози борми?» деб сўрадим. «Йўқ», дедилар хоним-афанди. «Нега йўқ? Масковдан олиб келган осма тарози қайда қолди?» дедим ранжиб. Хизматдан қайтиб, овқатланиб ўтирганимда хоним-афандим кўшниллардан бирининг шахсий мулкига айланиб қолган тарозини топиб қўйганини ғурурланиб маълум қилдилар. «Неча килогача тортар экан?» деб сўрадим. «Ўн килогача», дедилар. «Кам экан, бу бўлмайди, бошқа тарози топиш керак», дедим. «Нимани тортмоқчисиз ўзи?» дсб қизиқдилар. «Тўйдан кейинги ўттиз беш йил ичида йиғилиб қолган пешонамнинг шўрини тортишим шарт бўлиб қолди», — деб юборди

тилгинам. Тилгинамнинг тўй билан табриклаганига ўзингиз тушунгандирсиз?

### Бахтли умр

Ёзувчининг хотини бўлиш осонмас. Айниқса, ёзувчи тўғри гапни ҳам киноя санчигига илиб узатса, бундай хотиннинг қаҳрамонлигига тан бериш керак. Бир куни хаёлга берилиб ўтирган эканман, хоним-афандим «дард хуруж қилдимимин?» деган ҳавотирда «Ҳа, адаси нима бўлди?» дсб сўрадилар. Бу онда «янги китобдаги бир воқеага хаёлим кетибди», десам тушунмайдилар. Шу учун тилимга эрк бериб қўя қолдим:

— Бир нарсани эслай олмаяпман, хоним, нечанчи йилда эрга теккан эдингиз?

— 1972 йилда, нега эслаб қолдингиз? — дедилар ажабланиб.

Бундан ўғлим ҳам ажабланган эди, энди тилим гапни унга қаратди:

— Қачондир, яна йигирма йилми ё қирқ йилданми кейин оламдан ўтсам, қабрга тузукрок тош қўйдир. Ёзувига эҳтиёт бўл: «ёзувчи» ёки «хурмагли одам» деган гапларни ёздирма. Ёзув камтарона ва оддий бўлсин, эшит: «Тоҳир Малик. 1946 йилда туғилиб, 1972 йилга қадар одамга ўхшаб бахтли умр кўрган», вас-салом!

### Ёшим бир юз ўн бешда

Каминанинг ёши етмишга етганини кўп гапирадиган бўлиб қолишди. Етмиш ёшга тўлиш айб эмас, аммо умр ҳисобини ҳам тўғри олиш керак-да. Буни барака топгур тилим чиройли қилиб тушунтириб берди.

— Топтурмада ўтирилган бир йил икки йилга ҳисобланади. Демак, кампиримнинг ҳукми билан уй қамоғида ўтирган 45 йил 90 йилга ҳисобланади. Бунга озод ва эркин юрган бахтиёр кунларим қўшилса, роппа-роса 115 ёш чиқади. Ҳисобдан адашманглар, илтимос. Мадҳу санолар ва совғалар ҳам шунга яраша бўлсин.

## Кимлардир тўқиган латифалар

### Озода хотин

Оёғи терлайдиган эрга озода хотин учраса, дардини кимга айтсин?

Озода хотин бу оқшом эри билан театр томошасига бормоқликни ихтиёр этди ва деди:

— Оёғингизни уч марта ювиб, яхшилаб қуритиб, кейин янги пайпоқни кийиб олинг!

Эр буйрукни адо этди. Театрга бориб ўтирганларида озода хотиннинг бурнига таниш хид урилиб, бурнини жийирди-да, эрининг билагидан чимчилади:

— Оёғингизни ювиб, янги пайпоқ кийинг девдим-ку?!

— Айтганингизни ошириб бажардим, хоним. Уч марта эмас, беш марта ювдим.

— Ювмагансиз! Оёғингизнинг сассигидан димоғим ёрилиб кетай деяпти!

— Ишонмаслигингизни билувдим, — деди хўрсиниб эр, — шунинг учун эски пайшоғимни чўнтагимга солволувдим, мана, қаранг.

### Озодлик

Эр-хотиннинг турмуш қурганларига эртага ўн беш йил тўлади. Бу муборак кун арафасида хотин ширин умидлар қанотида учаётган эди:

«Эртага эрим менга нима совға қилар эканлар? Этик олганлари яхшими ё палтоми? Балки иккаласини олиб келарлар? Заргар ўртоқлари анави куни тилла занжир ҳақида бир нима деяётгандек бўлувди-я...»

Тўй куни эрнинг ҳам ёдида, аммо унинг хаёли хотинниқидан ўзгачароқ эди:

«Агар никоҳ кечаси шу бадбахт хотинни бўғиб ўлдирганимда

ўн беш йилга қамашарди-ю эртага озодликка чиқиб келган бўлардим...»

### Ваъда

— Тўйдан олдин қанақа ваъдалар берган эдингиз? — деб нозланиб сўради хотин.

Эр ўйлаб ҳам ўтирмай, дадил жавоб қайтарди:

— Ваъдаларим эсимда: осмондаги юлдузларни олиб бераман, Ойни ҳатто Қуёшни ҳам олиб кафтингга тутқазаман, деганман. Лекин ҳар йили янги палто олиб бераман, демаганман.

### Кўрқинч

— Шикоятингизга тушундим, — деди психиатр беморга. — Демак, алақ-чалақ тушлар кўрасиз: сизни қандайдир ёвуз кучлар таъқиб қилади, тутиб олиб уради. Бу ҳам етмагандай бақираётганда уйғониб кетасиз-у бу даҳшатлардан қутуласиз, шундайми?

— Ҳамма гап шунда-да, дўхтир, -- деди бемор йиғламсираб, -- даҳшат тўхтамайди, давом этади. Уйғонишим билан «ялнайиб ётаврмасдан турсангиз-чи, болани боғчага олиб боришингиз керак!» деган чинқириқни эшитаман.

### Қувончдан ўлган одам

Икки марҳум бир қуца ёнма-ён қабрга қўйилибди. Бири зерикиб, иккинчисиникига мўралаб, танишибди. Дилкан суҳбат қурибдилар.

— Сен нега ўлдинг, дўстим? — деб сўрабди бири иккинчисидан.

— Хурсанд бўлиб кетганимдан юрагим ёрилиб ўлдим, — дебди иккинчиси.

— Ие, одам қайғудан ўларди, сеники қизиқ-ку, қани, очикрок айт-чи? — дебди биринчиси.

— Ўртоқларим нукул хотинимни ёмонлашарди. Бир куни «хотининг ўз уйингда ўйнаши билан бирга», деб хабар беришди. Ғазабланиб келдим. Хотиним ростанам уйда эди. Ҳаммаёқни

кидириб чиқдим: жавон ҳам қолмади, каравотнинг таги ҳам қолмади. Ҳатто қозоннинг ичини ҳам қарадим. Ўйнашни тополмай қувонганимдан ўлиб қолдим, — дебди иккинчиси.

— Эй аҳмоқ, — дебди биринчиси афсус билан, — музлатгичнинг ичини ҳам қараганинда, иккаламиз тирик қолган бўлардик...

### Дид

Эр хасталанса, хотиннинг меҳри дарё бўлиб тошиб кетиши барчага маълум. «Сиз касал бўлгунча, шу касалликни Худо менга бера қолмайдими?» дегувчи танти хотинлар ҳам учрайди. Шунақалардан бири бемор эри ёнида дийдиё қилиб, кўзларини ёшлаб ўтирган эди. Эр унга қараб: «Нима деяпти бу эси паст! Ўзидаги касаллик тури етиб ортгулик-ку, яна менинг дардимни ҳам оларканми? Бўлмаган гап! Касалимни олиш ўрнига ўзиникини менга қоплаб ҳады этишлари мумкин», деб ўйланди-да, ҳазин жилмайиб деди:

— Хоним, юзингизга бир оз пардоз бериб, энг чиройли кўйлагингизни кийиб чиқинг.

Хотин бу амрни бажо келтириб, яна эри ёнидан жой олди-да, «мени нега ясангирдингиз?» деб сўради.

— Хоним, аҳволимни кўриб турибсиз, агар Азроил ҳазратларининг келиш вақтилари етган бўлса, ўзлари кўрарлар. Ёшлигингизда гўзаллигингиз билан кўпнинг ҳушини олардингиз. Бу гўзаллигингизни ҳали ҳам йўқотмагансиз. Азроил ҳазратларида ҳам дид бордир. Ким хунук, ким гўзал, билиб олиб кетарлар... — деди бемор эр.

### Кимга ўхшайди?

Бир полвон одам ўғил кўрди. Туғруқхонага келиб, баланд овозда хотинини чақирди. Хотини деразадан қарагач, керилиб, янада баланд овозда «Полвонча қалай, кимга ўхшайди?» деб сўради. «Худди ўзингизга ўхшайди», деган жавобни кутиб қаддини гоз тутди. Содда хотин эса уялиқираб деди:

— Вой дадаси, сиз у кишини танимайсиз...

### Навбати билан

Чол билан кампир ссеруйку ва ғоят ялқов келинларини тарбия қилмоқнинг янги усулини ўйлаб топдилар. Эрталаб турдилар-да икковлари супурги талаша бошладилар:

— Бугун ҳовлини мен супураман! — деди чол зарда билан.

— Нега сиз супураар экансиз, мен супураман, — деб зорланди кампир.

Шу тарзда ярим соатча ғалва қилишгач, дераза кия очилиб, келин кўринди. Уйқусираган кўзларини аранг очиб, уларга норози қиёфада қаради-да, бир эснаб олиб, муросага келтирди:

— Во-ей, ён болага ўхшайсизлар-а, ойижон, нимага талашасиз? Бугун адажон супурсинлар, эртага сиз супурасиз. Навбат-ма-навбат супуришга ҳам ақлларингиз етмайдими?..

### Телеграмма

Хасисликда тенги йўқ бир одам Москва саёҳатига отланди. Самолёт кўниши билан хотинининг илтимоси эсига тушиб, телеграмма жўнатиш учун почтага кирди. Хотинига бўлган меҳр-муҳаббатини аён қилиб қўйиш учун чиройли қилиб ёзди:

«Жонгинам, Москвага эсон-омон, бефалокат учиб келдим. Соғ-саломатман. Сени ўшаман».

Почтачи сўзларни санаб, ҳисоб-китоб қилиб берган эди, тўлайдиган пулни кўриб, капалаги учиб кетди. Телеграммадан воз кечай деса, хотинига ваъда берган. Ўйлай-ўйлай сўзларни қискартира бошлади.

«Жонгинам», дейишим шартмас. Кечалари минг марталаб айтганман», деб биринчи сўзни ўчирди. «Эсон-омон, бефалокат учиб келганимни айтишим шартмас. Фалокат бўлганида учиб келиб, телеграмма бермас эдим-ку? Хотиним ақлли, бу ёғини ўзи билиб олади», деб бу сўзларни ҳам ўчирди. «Учиб келдим», дейишим шартми? Самолётда учмай эшак аравада келибманми бу ерга?», деб бу сўзни ҳам ўчирди. «Соғ-саломатлигим аниқ-ку? Уйдали-

гимда соппа-соғ эдим, нима, тўрт соатда айнийманми?» деб яна ўчирди. «Қайси калла билан «сени ўпаман» деб ёздим? Телеграммада ҳам ўпиш мумкин эканми?» деди-ю буни ҳам ўчирди. Қараса, телеграммада «Москва» деган сўз билан ўзининг исми қолибди. «Москвага учмай Берлинга учибманми, хотиним биледи-ку», деб буни ҳам ўчирди. Кейин «хотиним исми биледи», деб охириги сўзни ҳам ўчиргач, ўйланди: «Телеграмма юбориш шартми? Агар фалокат бўлиб, самолёт портласа, радиодами ё телсвизордами эълон қилишарди, хотиним шундан биларди. Фалокат ҳақида хабар йўқми, дсмак, етиб келганим аниқ. Бир ҳафтадан кейин қайтиб бораман. Эсон-омон учганимни ўшанда айтаман. Айтаман-у росманасига ўпиб қўяман».

### **Кучли дори**

Бир киши шошилиб кириб хотинини чақирди-да, кўйлагини кўтариб «Белимга тупур», деб буюрди. Хотин унинг бу амридан ажабланди.

— Бўлақол, белим оғриб, жонимни оляшти. Дўхтирга борган эдим, илоннинг захрини суртинг деди. Дорихонада бунақаси йўқ экан. Ўзинг тупуриб қўя қол, тилиннга тегиб чикқан тупугинг ўннга илоннинг захрига татийди.

### **Жамоа жам**

Сайёҳларнинг кемаси денгиз ўртасида ҳалокатга учраб чўка бошлади. Бир киши йиғлаб, Аллоҳга муножотни бошлади:

— Эй Худо, биламан, гуноҳларим кўп. Бузуклик ҳам қилдим, пора ҳам олдим, ғийбатдан, фитнадан тийилмадим. Энди битта мени деб шунча одамни чўқтирасанми?

Шу онда унга бир овоз келдики:

— Эй банда, сен куйинма, кема фақат сенинг гуноҳинг учун чўкаётгани йўқ. Худо бу кемага ўзингга ўхшаганларни тўплаган...

Тайёрмисан?

Табиати бузук одам гуноҳларининг жазосидан қўрққан маҳал-

да ўзича чалама-чатти равишда, бестаҳорат бўлса-да, намоз ўкиб кўярди. Навбатдаги кўркув юрагига оралаганда ният қилиб, кулок коқди-да, рукуга борди. Шунда кўз олдида бир соҳибжамол пайдо бўлди:

— Сен кимсан? — деб сўради.

— Мен шайтонман, сени йўлдан ургани келдим, — деди соҳибжамол тасвири.

— Мени йўлдан уришнинг сираям ҳожати йўқ, ўзинг тайёрмисан?

### Сиғмаяпти...

Меҳмондорчиликда ўтирган ота ўғилнинг ош ошалашидан ҳижолат бўлиб, уни тартибга чақирмоқчи бўлди:

— Ўғлим, учтадан гўшт қўшиб ошалаяпсизми?

— Ҳа, дада, тўрттадан олай десам, кафтимга сиғмаяпти.

### Яна олинг

Меҳмон меҳмонга илтифот қилди:

— Сомса совумасин, олсинлар, таксир.

— Хўп ажойиб сомса бўлибди. Тўрттасини еб, тўйиб қолдим.

— Таксир, бешта едингиз, яна битта олинг, жуфт бўла қолсин.

### Таом дарди

Оғзида биронта ҳам тиши йўқ қария билан ўспирин биргалида овқатланиб ўтиришарди. Иккови бараварига йиғлаб юборишди.

— Нега йиғлаяпсиз? — деб сўрашди қариядан.

— Оғзимда тишим йўқ, то мен ямлаб юггунимча бу йигитча овқатни паккос тушириб, мен оч қоламан.

— Сен нега йиғлаяпсан? — деб сўрашди ўспириндан.

— Бу чолнинг тишлари йўқ, мен то чайнаб юггунимча у чайнамай ютиб, овқатнинг баракасини учуриб юборади...

### Йигирмата қўй

Бир масжид қоровули имом-хатибнинг янги салласига ҳуши кетиб, бир кийиб кўрмоқчи бўлди. Саллани бошга кўндирган



маҳалда бир одам масжидга кириб келиб, уни имом деб ўйлади-ю, қайғусини билдирди. У киши саллали одам улуғ бўлади, деган ўйда, дардини очик айтди:

— Менинг фарзандим йўқ. Лекин бир итим бор эди. Йигирма йил боқдим, ўз фарзандимдай бўлиб қолган эди. Бугун ўлиб қолди. Шунини одамга ўхшатиб кўймоқчиман. Уйимга бориб, итимга жаноза ўқиб кўйсангиз.

Қоровул итга жаноза ўқилганини эшитмаган эди. Шу боис «Қандай бўларкин?» деб мужмал жавоб берди.

— Факат мумкинмас, деманг, мен сизга йигирмата кўй атаб кўйганман, — деди у киши ялиниб.

Йигирмата кўйнинг дарагини эшитган қоровулнинг эси оғиб қолди. Жаноза ўқишни мутлақо билмаслигини ҳам унутиб, у кишига эргашди. Итнинг жасади оқ чойшабга ўралиб, ҳовлида гўр ҳам қазиб кўйилган эди. Саллали қоровул жасад ёнидан жой олиб, қулоқ қокиб, кўл боғлади. Ўқиладиган дуоларни билмагани учун ўзининг касбини қила қолди. У ўттиз йил бадалида колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган эди. Уч-тўрт нафаснинг ичида йигирмата кўйнинг бозор нархида печа пул бўлишини ҳисоблаб чиқди. Мутавалли сезиб қолгудай бўлса, унга қанчасини беришни чамалагач, дуога кўл очди.

Эртасига унинг бу қилмиши мутаваллига етди. «Алиф»ни калтак дейдиган, иккита кичик сурани йигирма йилда аранг ўрганиб олган мутавалли итга жаноза ўқиш мумкин ё мумкинмаслигини аниқ билмаса-да, таваккалига ўдағайлашни бошлади, эшакка те-скари миндириб, сазойи қилдираман, деб пўписа ҳам қилди. Қоровул ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган пайтларида текширувчилар келиб «қаматаман», деганда ҳам у чорасини топарди. Бу сафар ҳам муте ҳолда кўл ковуштирганича деди:

— Таксирим, итга жаноза ўқиш мумкинмаслигини биламан. Гуноҳи менга. Лекин итнинг эгаси йигирмата кўй бермоқчи эди. Йўқ, дея олмадим. Кўйларнинг ўн бештасини сизга ажратиб кўйдим.

— Ростданам йигирмата кўй бердимиз? — деди чала мутавал-

ли шаштидан тушиб.

— Ҳа, атаб қўйган экан, деди қоровул.

— Унда дарров тур, — деди мутавалли шошилиб, — фотиҳага бориб келайлик.

Бордилар. Фотиҳа ўқиб, ит эгасининг қўнглини чоғ килдилар. Қайтаётганларида мутавалли тўхтаб, пешонасига бир шапати урди:

— Оббо, эсдан чиқибди-ку? — деди.

— Нима? — деб қизикди қоровул.

— Йигирма оши қачон бўлишини сўрамабмиз-ку, бор, билиб кел.

### Кейинги жума

Ўша мутавалли бир йиғинда кўп сўзлади. Бировлардан эшитганларини яримта-юримта килиб гапираверди. Охирида жума куни ўлишнинг улуғ неъмат эканини ҳам айтди. Намозни бошлаб, рукуга эгилиши билан юраги ўйнаб, безовта бўла бошлади. Намозни ҳам унутиб, дарҳол Худога илгижо килди:

— Эй Худойим, факат бу жума эмас-да, факат бу жума эмас-да...

### Осмондаги можаро

Туркларнинг одати бўйича, майитни ювиш, кафанлаш учун ғассолнинг уйига олиб борилади. Тоғ этагидаги сой бўйида яшовчи ғассол ялқовроқ эди. Пастдан сув ташиб чиқишга эриниб, майитни кўтариб, сойга олиб тушди. Иттифоқо майит кўлидан чиқиб, сойнинг тезоқар суви оқизиб кетди. Ғассол ҳеч нима бўлмагандай кулбасига чиқиб ўтираверди. Майитнинг эгалари келганда «Ўликларинг ҳажга кетди», деди. Улар ҳайрон бўлишган эди, тушултирди:

— Ўликни ювиб, кафанлашни бошлаганимда осмондан фаришталар тушишди-ю «бу бандани Аллоҳ севарди, унинг жойи ҳажда», деб олиб чиқиб кетишди.

Майитнинг эгалари бу хушxabардан кувониб, изларига қайтиш-

ди. Эртасига майит сойнинг саёзроқ жойида кўришиб қолди. Майит эгалари ғассолга таҳдид қила бошладилар. Шунда у дедик:

— Мен кафанлаётганимда фаришталар уни осмонга олиб чиқиб кетишган эди. Осмонда нима гап бўлганини мен қаёқдан билай?

### **Суюкли хотин**

Русларнинг «Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас», деган иборасини «Икки хотин олишни орзу қилмаган эр — эр эмас», деб ўзгартирсак бўлар. Икки хотиннинг борлиги яхши-ю, аммо икки хархашаси мавжудлиги ёмон. Чидаганга чиқарган-да! Бир киши икки хотин хархашасига чидаб яшарди. Икковига ҳам адолат қиларди. Бирига зирак олса, иккинчисига ҳам айни шундай совға оларди. Ҳатто тунни ҳам тенг иккига бўларди. Иттифоқо, иккала хотини ҳам бир соатда жон берди. Одатга кўра, майит деразадан олиб чиқилиши керак. Уйнинг биттагина деразаси бор эди. Деразадан аввал қайси хотинни олиб чиқсам экан, деб кўп ўйланди. Охири адолат қилиш мақсадида яна битта дераза очдириб, иккала ўликни бир вақтда икки деразадан олиб чиқартирди. Ўзининг адолатидан кўнгли равшанлашди. Бирок, орадан етти кун ўтгач, катта хотини тушига кирди. Қараса, хотин хафа эмиш. Нукул «Сиз барибир кичик хотинингизни яхшироқ кўрардингиз», дермиш.

— Икковингни бир ҳилда яхши кўрардим, — дебди эр.

— Йўқ, кичик хотинингизни яхшироқ кўрардингиз, шунинг учун ҳам унинг ўлигини янги деразадан олиб чиқартирдингиз...

### **Шаҳид**

Бир киши хотинини синамоқ мақсадида уйига йиғлаб кириб келди.

— Дадаси, нима бўлди? — деб чўчиб тушди хотин.

— Подшо фармон чиқарибди. Иккита хотини борлар уйида ўтирар экан, битта хотини борлар урушга кетар экан, — деди эр.

Бу хабарни эшитиб, хотин ҳам йиғлай бошлади.

- Сен нега йиғлаяпсан? — деб ажабланди эр.  
— Дадаси майли, урушга бораверини; ўлсангиз, шаҳид кетарсиз, — деди хотин.

### Сувга чўккан кампир

Кекса дурадгор сой бўйидан келаётиб болтасини сувга тушириб юборди. Афсусланиб турган эди, рўпарасида бир йигит пайдо бўлиб, сўради:

— Ҳа, отахон, нега хомушсиз?

— Болта эллик йилдан бери менга ҳамроҳ эди, эски бўлса ҳам хали иш берарди.

Йигит «Ранжиманг, отахон», деб ўзини сувга ташлаб, бир нафасдан кейин тилла сопли тилла болтани олиб чиқди.

— Бу эмас, меники ёғоч сопли темир болта эди, — деди кекса дурадгор.

Йигит яна сувга тушиб, бу сафар кумуш болтани олиб чиқди.

— Бу эмас, меники ёғоч сопли темир болта эди, — деди кекса дурадгор.

Йигит яна сувга тушиб, ёғоч сопли темир болтани олиб чиққан эди, кекса дурадгорнинг чехраси очилди.

— Отахон, сиз жуда ҳалол одам экансиз, бу тилла болта ҳам, кумуши ҳам сизга бўлсин! — Йигит шундай деб бирданига кўздан йўқолди.

Кекса дурадгор бир қувониб, бир ажабланиб, тилла ва кумуш болталарни уйига олиб келиб, кампирининг қўлига топширди. Қайси хотин қўлига эр миллион доллар берса, у «Раҳмат, барака топинг», дейиш ўрнига «Қаердан олдингиз?» деб сўрайди. Дурадгорнинг кампири ҳам шу тоифадан эди. Кекса дурадгор сой бўйидаги воқеани ўн марта такрорласа ҳам, ишонмади.

— Унда юр, сой бўйида ўша йигитни кўриб қоларсан, — деб бошлаб кетди.

Кампир тушмагур қирғоққа яқин бориб, тойиб кетди-ю, сувга шалоплаб тушди. «Кампирдан ажралдим», деб қайғуга берилганда ўша йигит пайдо бўлди.

— Кампирим эллик йилдан бери менга ҳамроҳ эди, кари бўлса ҳам кунимга яраб турувди, — деди кекса дурадгор йиғламсираб. Йигит шошилганича ўзини сувга отди. Бир нафасдан кейин ўн саккиз ёшли гўзал кизни кўтариб чиқди:

— Кампирингиз шумиди?

Қизни кўрган кекса дурадгорнинг ақли шошиб қолди:

— Худди ўзи! Худди ўзи! — деди қувонч билан.

— Э, отахон, шу ерда сизга қойил қолмадим! — деди йигит.

— Э, болам сен мени тушунмадинг. Агар «Бу эмас», десам, сувга тушиб яна иккитасини олиб чиқиб берасан. Шу ёшимда мен учта хотинни қандай боқаман?

## МишТАГ хизматингизда

Ҳозир нима кўп, шахсий корхоналар кўп. Каминага ўхшаган ношуд бандалар бунақа ишларни эплотмайди. Лекин бошқадан қолсак, қулоғимизни кессамиз, деган одатимиз бор. Ўйлаб-ўйлаб биз ҳам шахсий корхона очмоққа бел боғладик. Қайси бир мамлакатда одамлар ғалвирда сув ташир эканлар. Биз уларга таклидан ғалвирда гап ташишга ният қилдик. Корхонамизга МишТАГ деб ном қўйдик. Бунинг маъноси – менинг ихтиёримдаги шахсий телеграф агентлиги. Демак, биз миш-мишлар, лоф-қоялар, олди-қочди гапу эълонлар билан тирикчилик қилишни бошламоқчимиз.

Омадимизни берсин, омийн!

Ишни МишТАГ ғалвирига тушган дастлабки эълонлар баёнидан бошлаймиз.

### Ҳокимликда:

Киш мавсумида шаҳар кўчаларига сув сепувчи автомашиналарда ишлаш учун ҳайдовчилар таклиф этилади. (Изоҳ: ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши шарт эмас.)

\*\*\*

Шаҳар кўчаларида ёнмайдиган светофорларнинг ишлаб қолгани ҳақидаги хушxabарни етказган кимсага аталган суюнчи маблағи сарф қилинмагани сабабли бу пуллар келгуси йил ҳисобига тўлалигича ўтказилади. Қадрли пиёдалар, диққатингизни сусайтирманг, суюнчи сизни кутмоқда!

\*\*\*

Тўхташ жойида тушувчи йўловчиларга қулайлик яратиб, орқа эшикни очган автобус ҳайдовчиси шу мардлиги туфайли Гиннес китобига киритилди. Бу мардлик бошқа ҳайдовчиларга юқмаслиги учун автобус ҳайдовчисининг номи сир тутилмоқда.

**Ишхонада:**

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан декрет отпусчасига чиқадиган аёллар маъмуриятни камида ўн тўрт ой аввал огоҳлантиришлари шарт.

**Ресторанда:**

Ресторанимизга кимё факультетини битирган ошпазлар, физика факультетини битирган овқат сузувчилар, бошланғич синф маълумотли, аммо арифметикани билувчи официантлар, жисмоний тарбия факультетини битирган фаррошлар ва ўзбек тили факультетини битирган юк ташувчилар керак.

**Ошхонада:**

Хўрандаларнинг истак ва талабларини инобатга олган ҳолда, таомларнинг хилма-хиллиги ва тўйимлилигини таъминлаш учун кунлар қуйидагича тақсимланади: пайшанба — балиқ куни, жума - ўрдак куни, шанба — товук куни, якшанба — пашша куни, душанба — чивин куни. Сешанба ва чоршанба кунлари овқатларга гўшт умуман солинмайди.

**Мактабда:**

Кундалик дафтарим йўқолиб қолди. Уни топиб олган одамдан қайтариб бермаслиги сўралади.

**Ҳайвонот боғида:**

Бугун зоопаркимизда очиқ эшиклар куни ўтказилади. Қадамларингизга ҳасанот.

**Кўчада:**

Икки хонали уйни сотаман. Қўшнимни кеч соат еттидан сўнг кўришингиз мумкин.

**Майдонда:**

Беш кишидан иборат талабалар оиласи бир хонали уйни ижа-

рага олади. Уй топилмаса, каравотнинг ўзини олади. Бунинг ҳам иложи бўлмаса, каравотнинг бир бурчагини ижарага олишга ҳам розимиз.

**Қабулхона эшигида:**

Бошлиқ 10 дан 100000000гача қабул қилади.

**Маҳаллада:**

Эрим йўқолиб қолди. Алоҳида белгилари йўқ. Топилганидан кейин алоҳида белгилари ҳам бўлади.

**Газетада:**

Машҳур олим Ру Сафга профессор унвони берилди. Жаноб Ру Саф беш йил илгари тухум туғадиган хўроз яратган эди. Бу йил у тухум туғмайдиган товук яратиб, жаҳон фанига улкан ҳисса қўшди.

**Хорижда:**

Америкада «Айсбергларни ҳимоя қилиш» ҳаракати таъсис этилди. Ҳаракат айсберглар эриб битгач ўз фаолиятини бошлайди.

**Австралияда:**

Кенгуруларнинг бўшаб қолган халтаси филларга ижарага берилди.

**Метрода:**

Метрополитен маъмурияти йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида метрополитендан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш киритилганини маълум қилади:

1. Келгуси якшанбадан эътиборан, ёмғир ёғадиган кезлари метрополитенга узун қўнжли резина этикисиз кириш ман этилади.

Изоҳ:

А) Этикнинг қўнжи тиззадан паст бўлмаслиги керак;



- Б) Мазкур қоида эркагу аёл учун бир хилда қўлланилади.
2. Ўн олти ёшга тўлмаганлар учун чўкишдан қутқарувчи чамбарак бўлиши шарт.
3. Ёмғирли кунлари метрополитенда балиқ тутиш катъиян ман этилади.
4. Ёмғир ёккан кунлари вагонлардан то юқорига олиб чикувчи зиналарга қадар бўлган масофада эшқакли қайиқлар хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Хизмат ҳақи – шартнома асосида. Чакка ўтувчи дунё метрополитени тажрибаларидан фойданилган ҳолда яқин ойлар ичида эшқакли қайиқ ўрнига сув ости кема-сидан фойдаланиш режалаштирилган (бу хизматдаги кира ҳақи алоҳида эълон қилинади).
- Изоҳ: Эшқакли қайиқларни тешиб қўйиш, эшқак дасталарига исмни ўйиб ёзиш катъиян таъқиқланади.

### **Китоб дўконида:**

Дўконимизнинг пештахталари янги асарлар билан бойиди. Китоб мухлислари атоқли ўзбек ёзувчилари Уилямжон Коллинз-нинг «Женшина в белом», Жекбой Лондонийнинг «Белый клик», Александрхўжа Дюмабскнинг «Три мушкетёра», ва шунингдек, Жоним Стейнбек ва Жоним Голсуорси, Ивожон Турғунов каби улуғларнинг асарларини харид қилишлари мумкин.

### **Театрда:**

«Фарҳод ва Ширин» томошасида Фарҳод ролини узлуксиз олти-миш йил бадалида ўйнаб келган артист вафот этгани муносабати билан Ширин маъшуқининг бўшаб қолган ўрнини эгаллаш учун ижодий танлов — конкурс эълон қилинади. Конкурс шартлари қуйидагича: конкурсда иштирок этувчининг бўйи 160 сантиметрдан, оғирлиги 65 килодан ошмаслиги ва албатта эркак жинсидаги актёр бўлиши шарт.

### **Ўрмонда:**

Ўрмон суди арслоннинг кизини зўрлашда айбланган қуённинг

жиной ишини кўриб чиқиб, қуённи айбдор деб топди. Суд қуённи йўлбарс хизматига юборишга ҳукм килди.

\*\*\*

«Булбул — 2006» кўшиқ конкурсида Олақарға ғолиб чиқди. Унга ғолиблик нишони ва «Консерватория профессори» фахрий унвони берилди. Шу йилдан эътиборан Олақарға «булбул наволари» фанидан талабаларга дарс беради.

\*\*\*

Эшак яйраб ҳанграётган пайтда Саман от беҳос кишнаб юборгани учун кишнаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

### Итлар оламида:

Ҳаммомдаги хотинлар бўлмасига қараб вовуллагани учун Тўрткўз ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди.

\*\*\*

Ҳамма тишлари бутун Бўрибосар ит экапимни маълум этиб, ўзимга қаллик излаётганимни эълон қиламан. Бўлажак хотинимнинг думи кесилмаган бўлиши шарт. Баҳор ойларида орқасидан эргаштириб юрадиган итларнинг сони ўнгадан ошмаслиги зарур. Кечаси таом тониб келиш учун қўшни маҳаллага икки соатга бориб келишга руҳсат этилади. Мен билан тақдирини боғламоқчи бўлган ит каминани эски молхона ёнидаги қуриб қолган зовурдан топади. Кўприк остида икки итлик жой ҳозирлаб қўйганман. Қулоғим оғирлашиб қолгани сабабли қаттиқроқ вовуллашингизни сўрайман.

\*\*\*

Дайди ит Олапар хонимни Саримсоқдаҳадаги биронта урғочи итга бартер усулида алмашади.

\*\*\*

Лайчахон ит мистер Бўрибосар билан овчарка итлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга солиқ солинмайди.

\*\*\*

Този итлар тумов бўлиб қолгани сабабли Бўрибосар итлар бе-

дана овига таклиф этилади.

### **Янгиликлар:**

«Балли, қизлар!» клубида қизлар орасида сақич чайнаш бўйича мусобақалар бўлди. Мусобақалар кескин, мурасасиз ва дўстона руҳда ўтди. Мусобақага меҳмон сифатида таклиф этилган йигирма олти ёшли Кимсанбой Мерганов барчани хайратда қолдирувчи ютукқа эришди. Ҳакамлар Кимсанбойни сақич чайнаш бўйича мутлақ чемпион, деб топишди. «Балли, қизлар» клуби эса янги чемпионни клубнинг фахрий аъзолигига қабул қилди.

\*\*\*

Темирйўлчилар йўловчиларни зериктирмасликнинг антика усулини ўйлаб топдилар. Энди поезд ўрнидан жилиши билан йўловчилар ўртасида чойшабларни қуритиш мусобақаси бошланади. «Тошкент – Китоб» йўналишидаги поезд йўловчилари нам чойшаб, ёстикжилд, сочиқларни ким тез қуритиш мусобақасини биринчилардан бўлиб бошлаб бердилар. Мазкур мусобақада чойшабларни Самарқандга қадар қуритишга эришган Собиров биринчи ўринни, иккинчи ва учинчи ўринларни эса чойшабларини Қарши бекатига қадар қуритишга эришган Алиева ва Валиевалар эгалладилар. Уларга қайтиш маҳали нам чойшаблардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Бундай мусобақалар ҳозир барча йўналишларда давом этмоқда.

Ҳурматли йўловчилар, танловда иштирок этинг ва бахтингизни синаб кўринг!

### **Врач маслаҳати:**

Дори-дармонларнинг сифатига ишонч йўқолгани сабабли сизларга чиниқишни маслаҳат берамиз. Чиниқиш йўллари ҳар хил. Сиз кун обдон қизиган пайтда югуриб ёки бошқа жисмоний ҳаракат қилиш-да, сўнг музхонада турган ярим литрли идишдаги сувни нафас олмай, бир кўтаришда ичинг. Агар ўн икки соат ичида иситмангиз чиқмаса, бу машғулоти такрорланг ва қўшимча равишда ярим кило музқаймоқ снг. Бу ҳам таъсир қилмаса, яна

такрорланг ва музлатгич (холодильник) ичига кириб, уч соат ўтиринг. Шундан сўнг томоғингиз оғриси ёки иситма чикса, ўзингизча даволашга киришмай, албатта, врачга мурожаат қилинг.

\*\*\*

Ёз маҳали кўнчилик қорин оғриғидан нолийди. Бунинг олдини олиш учун ҳам чиниқиш керак. Яъни пишиқчилик пайтида селитрага тўйинган бодринг; хандалак, гилос, қулушнойни тўйиб еб, устидан бир литр қайнамаган хом сув ичасиз. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, устидан ўрик еб, яна сув ичасиз. Бу ҳам қор қилмаса, бир кило бодринг еб, устидан бир литр мағзава ичасиз. Шундан сўнг агар иситма чикиб қолгудай бўлса, албатта врачга мурожаат қилинг.

### Янгича таклифнома

Хурматли —————!

Сизни ва оила аъзоларингизни олтмиш икки ярим йиллик юбилейим муносабати билан ёзиладиган тўкин дастурхонга лутфан таклиф этаман. Юбилей зиёфати 32 апрел соат 25дан 71 дақиқа ўтганда «Бетайин» тўйхонасида бошланади. Врачлар каминага Италияда ишланган пойабзал (45 — размер), Алмонияда ишланган костюм (62 — размер), Англияда ишланган палто кийиб юришни буюришганини минг истиҳола билан илова қилишни лозим топдим, айбга буюрмайсиз. Қизикқан ўртоқларга ҳовлида битта автомашина сиғадиган жой борлигини эҳтиётдан маълум қиламан.

Камтархўжа Каттахўжаев

### Кимга нима етишмайди?

Нима учун «бири кам дунё?» дейишади, биласизми? Чунки инсон зотининг кўнгил кўчаси ғоят кенг, шунинг учун у доим нолийди. Доим унга нимадир етишмайди. Ё нотўғрими? Қапи, биргалашиб мулоҳаза қилиб кўрайликчи?

Сахрога сув етишмайди. Хотинга битта гап етишмайди. Эр-

какка битта хотин етишмайди. Ўғрига пул тўла темир сандик етишмайди. Итга сўнтак етишмайди. Газетачига қоғоз етишмайди. Талабага имтихон чоғи пул етишмайди. Ҳайдовчига бензин етишмайди. Лайлакка илон етишмайди. Чойхоначига ошхўрлар етишмайди. Чўнтакка пул етишмайди. Гўрковга ўлик етишмайди. Ифвогарга олтинчи бармоқ етишмайди. Қизларга сарик сочбўёк етишмайди. Қиморбозга бешинчи «туз» етишмайди. Сутчига сув етишмайди. Заргарга тилла етишмайди. Мушукка сичқон етишмайди. Сичқонга дон етишмайди. Севишганга орзу етишмайди. Божхоначига чегара етишмайди. Ғийбатчига вақт етишмайди. Имомга тугун етишмайди. Дояга ҳомиладорлар етишмайди. Осмонга юлдуз етишмайди. Ашулачига тўй етишмайди. Дехқонга ер етишмайди. Ялковга ёстиқ етишмайди. Олимга китоб етишмайди. Жоҳилга илм етишмайди. Пахтага арзон теримчи етишмайди. Бозорга инсоф етишмайди. Тарозибонга виждон етишмайди. Қассобга гўшт орасига яширишга суяк етишмайди. Чойхонадаги фиску фасодчига чидамли одам етишмайди. Бахилга қишда қор етишмайди. Телевизорга Мексика кинолари етишмайди. Радиога жавран етишмайди. Автобустга эшик етишмайди. Асаларига гул етишмайди.

### Эски мақолларга янгича изоҳлар:

«Юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин.»

Изоҳ: Ҳар бири еб кетарга юз доллардан бера олувчи дўстлар назарда тутиляпти.

«Қазисан, картасан, ўз наслингга қайтасан.»

Изоҳ: Қазии-қарта қимматлашгани ҳисобга олинмайди.

«Икки кўчкорнинг боши бир қозонда қайнамайди.»

Изоҳ: Айниқса битта калла аҳмоқроқ бўлса, янада қийин.

«Ит хураб – карвон ўтар.»

Изоҳ: Эҳтимол карвоннинг қулоғи оғирроқдир...

«Дехқон бўлсанг, куз ҳайда.»

Изоҳ: Трактор топилса, ёзда ҳайдаса ҳам бўлаверади.

«Олтин айнимас.»

Изоҳ: Сизнинг олтинингиз ер қаърида айнимай ётибди. Ишонмаганлар, қазиб олаверсин.

«Тил тойганидан кўра, оёқ тойгани яхши.»

Изоҳ: Иккови тоймаса, янада яхши. Чунки ҳар икки ҳолда ҳам ҳақ тўланади.

«Дўст бошга қарар, душман оёққа».

Изоҳ: Агар бошда маъно бўлмаса, дўстнинг ҳам оёққа қарашдан ўзга чораси йўқ.

«Сўраб-сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим»,

Изоҳ: Отангнинг пули кўп бўлса, сен орланавер, пулсизлар сўраб — ўрганаверишсин.

«Бошига урсанг – туёғи зиркирайди».

Изоҳ: Овора бўлиб бошига урмай, тўғри туёғига урилгани маъкул.

«Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл». («Аҳмоққа Қува бир тош».)

Изоҳ: Самолёт учиб турса, Америка ҳам нима йўл?

«Кўшнинг кўр бўлса – кўзингни қис».

Изоҳ: Жой олишда кўшнинг кўзига қараб олсанг, кўз қисиш балосидан қутуласан.

«Ўйчи ўйига етгунича, таваккалчи тўйига етади».

Изоҳ: Ўйчи ноумид бўлмасин, у ҳам қуруқ қолмас, хотин ошига етиб борар.

«Сочи узун – ақли калта».

Изоҳ: Айримларнинг сочи ҳам, ақли ҳам калта бўлар эмиш, во ажабо!

### Реклама учун текин сценарий

1. Энг олий қимиз — ола буканинг қимизидир. Чанқоғинга ишон! Ўзинг ҳал қил!

\*\*\*

2. «Беминнат» фирмаси Канада хўрози тухумини бозорга нисбатан арзон нарҳда пуллайди. Канада хўрозларининг тухумини смабсиз, дунёга келмабсиз. Ишонинг: биринчи қошиқдаёқ севиб қоласиз. Мурожаат учун манзил: «Беминнат» фирмаси. Мўл-

жал: кўшни уйнинг шундайгина ўнг биқинида.

\*\*\*

3. Телемухбир: — Нима учун ханги эшакларни севамиз? Биз шу савол билан харидорларга мурожаат қилдик:

1-харидор: -- Мен эшакнинг думини ёқтираман. У менга севган ёримнинг кокилини эслатади.

2-харидор: -- Бу эшакларнинг кулоғини ҳеч бир одамда учратмайсиз.

3-харидор: — Нархи ҳам арзон, хиди ҳам мазали.

Телемухбир: — (Ҳаяжонини яшира олмай) Эшак бозоридаги хангиларни сотиб олинг. Менинг шахрим, менинг эшагим!

\*\*\*

4. Қиз (кўзгуга қараб ўқиниб) — Вой ўлмасам, энди нима қилдим? Севгилимнинг кўзига энди қандай қарайман?

Дугонаси: — Нима гап дугонажон?

Қиз: -- Қарагин, сочимга қазғоқ тушибди. Менинг йигитим қазғоқни сираям ёқтирмайди. Ўзинг ўйлагин, ўпишаётганимизда сочимдан қазғоқ ёғилиб турса?

Дугонаси: — Сен сира кайғурма, дугонажон. «Ачиган қатик» кўшма корхонаси биз билан! Улар бизнинг ғамимизни еб кўйишган. Сен бошингни ачиган қатик тўла челаққа етти марта ботирасану қазғоқ балосидан бутунлай қутулсан. Кейин шу қатикдан севгилингга ичирсанг, ўпишишларинг янада тотли бўлади.

Телемухбир: --- Унутманг: «Ачиган қатик» кўшма корхонаси сизнинг халоскорингиз.

\*\*\*

5. Бева чолларга: Анзираг кампирнинг ачиган шўрвасини ичмабсиз, дунёга келмабсиз. Ичинг ва бир қошиқда севиб қолинг!

Текин сценарийга қалам ҳақи олинг умиди

билан қолувчи:

Тоҳир Малик

## МАЛАДЕС ЧОЛЛАР

(Саксонбой туғилишидан бир йил аввал бўлиб ўтган бу хангома Лоф дарёсидан сув ичгани сабабли ишонмаслик ҳуқуқига эгасиз)

«... Худога нима ёмонлик қилган эканман, ҳайронман. Юзтагина ичаман. Ичаману ётаман. Бировга зарарим тегмаса. Ичишимнинг нимаси гуноҳ, ҳайронман? Ароқни мен ўйлаб топибманми? «Шу Турғунали деган бандам трактир ҳайдайвериб, хотинини роддомга ташийвериб эзилиб кетди, юзтагина отиб хумордан чиқсин», деб яратган бўлса-ю мен ичмайинок бу дунёдан ўтиб кетсам Худога беҳурматлик бўлмайдими? Хў-ўш... киёматда Худо «Турғуналивой, мен яратиб қўйган дорини назарга илмадингизми? Нега юзтагина отиб, кайфингизни сурмадингиз? Ароқнинг ўзи ҳаром эмас, кайфи ҳаром», деб қолса, нима деган одам бўламан? Хотиним руҳсат бермади, дейманми? Хўш, кимнинг гапи гап? Хотиннинг гапими ё Худонинг гапими? Э Худо, яна бир марта Худолигингни қилгин: насибамга яна юз граммгина қўш. Ҳозир шуни отиб олмасам, ёрилиб ўламан, ўзинг товонимга қоласан. Сал ўзимга келволайн, кейин ташласам, ташлай шу зормандани. Лекин... кейин ҳам «ичавер» десанг, яна ўзинг биласан. Мен Сенинг гапингни қайтарадиган номард бола эмасман...»

### АВВАЛИ

Мазкур хангомани ёзиш фикри кўп йиллар муқаддам уйғонган эди. Совет даврида «агитация ва пропаганда», яъни тарғибот ва ташвиқот ишига ғоят катта эътибор бериларди. Бу эътибор уммони баъзан тошиб, кулгили ҳоллар юзага чиқарди. Бу ҳақда латифалар ҳам тўкилар эди. Шулардан бири: Насриддин афанди «Билим» жамиятига лектор бўлиб ишга киргач, янгиликдан хотинини



вокиф этибди.

«Лектор деганингиз нима иш қилади?» — деб сўрабди хотини.

«Агитация ва пропаганда билан шуғулланади», дебди Насриддин афанди мағрурланиб.

«Агитация ва пропагандангиз нимаси?» — дебди хотини янада ажабланиб.

Шунда Насриддин афанди содда хотинига дехқонча қилиб тунтирмокчи бўлибди:

«Тасаввур қилгинки, мен кўчада бир гўзал жононни учратиб қолдим. Уни гапга солсам, бу агитация бўлади. Агар гапимга кириб мен билан бирга кетса, у ёғи пропаганда бўлади», — дебди Насриддин афанди.

Бу гапдан кейин хотини чуқур ўйга толибди.

«Яна тушумаяпсанми?» — деб аччиқланибди Насриддин афанди.

«Тушуняпман, — дебди хотини «уф» тортиб, — фақат бир нарсага ҳайронман, менам кўзга яқин, латофатли аёлман. Кўчада кетаётганимда бирон бир эркак тўхтатиб, агитация ва пропаганда ишларини бошлаб юборса, нима қиламан?»

Бу гапдан аччиқлапган Насриддин афанди «Ҳе, аҳмоқ, сен сиёсат билан шуғулланма!» деган экан.

Биз ҳам сиёсат билан шуғулланмаймиз-у совет давридаги айрим ишларни ҳазил тариқасида ёдга оламиз.

Мазкур қиссага бўлиб ўтган воксалар қисман асос қилиб олинган. Қасрда содир бўлганини айтиб ўтирмаймиз. Чунки бундай воқеалар исталган қишлоқда юз бериши мумкин. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида фантаст ёзувчиларнинг Москвада бўлиб ўтган бир йиғилишида иштирок этган эдим. Шунда Бестужев — Лада деган социолог олим фантастларга мурожаат қилиб: «Ҳадеб космосни ёзавермай, ердаги муаммоларга ҳам қаранглар. Туғилиш борган сайин камайиб кетяпти, кизлар эрга тегишни исташмаяпти, йигитлар уйланишни», деди. Шунда мен сўзга чиқиб, фантастикага доир айрим масалаларни гапириб бўлгач, олимга

ярим ҳазил, ярим чин тариқасида эътироз билдирдим: «Сиз айтган муаммолар фақат айрим халқларга тегишли. Масалан, ўзбекларда бундай муаммо йўқ. Ўзбеклар бола туғилиши бўйича биринчи ўринда турадилар ва мен эркаклар номидан ваъда берманки, йигирма биринчи асрда ҳам шу биринчиликни қўлдан бермаймиз!»

Ўша ҳазил кейин-кейин ҳангома ёзишга туртки бўлди. Қани кўрайлик-чи, ҳазилга қурбимиз етармикин?

### МУСОНИНГ БАҚАСИ

(хангома бошланишидан бир кун олдин)

Бу қишлоқларнинг ажиб номи бор: бири – Шерқўзи, иккинчиси — Шербиллак. Ўртадан оқиб ўтувчи сой бўлмаса, бу жойни икки қишлоққа ажралиши шарт ҳам эмас. «Сой» дейилиши номига сал номуносиброқ, аслида эни бир қулоч келувчи ариқ. Илгари ўртада ҳовуз ҳам бўларди. Ҳовузга ҳожат қолмагани учун кўмиб, гузарга қўшиб юборишган. Гузарнинг ярми Шербиллакка қарайди, ярми эса Шерқўзи қишлоғи ихтиёрида. Соининг икки томонида туғилса-да, бир кўчани чангитиб катта бўлган, урушга бир кунда кетиб, бир кунда қайтиб келган икки оқсоқол: Турсунали билан Тешавой икки қишлоқни бошқариб, бу гузарларни ўзларича обод қилишарди. Уларнинг назарларида бу жой икки қишлоқнинг икки гузари эмас, балки икки мамлакатнинг икки пойтахти! Ўртадаги сой эса «давлат» чегараси. Ўзлари эса шу икки мамлакатнинг икки султони. Агар колхоз раиси индамаса, сой бўйига уч-тўрттадан чегарачи қўйишдан ҳам тоймайдиган бу оқсоқолларга Худойим яхши ҳам катта мартабалар бермаган-а, деб юборгинг келади. Дейдиларки, Аллоҳнинг мўъжизаларидан бири – мушукни қанотли қилиб яратмагани, иккинчиси, туяга шох бермагани. Бу икки оқсоқолнинг феълени билмаганлар шу икки мўъжиза билан чекланишади. Аслида учинчи мўъжиза ҳам бор: бу Турсунали полвон билан Тешавой оқсоқолнинг юқори мансаблардан бена-

сиблиги.

«Социалистик мусобақа» деган олишув бу қишлоқларга ҳам етиб келган. Дастлаб «мусобақа ўйналсин», деган фармойиш келганда ҳамма ҳайрон эди: «Тошбақани билардик, қурбақани билардик. Мусо дегани ким бўлдийкин, унинг бақаси қанақа бақа экан, нега энди биз унинг бақасини ўйнашимиз керак, ўзимизда ҳам бақалар бор-ку?» Кейин маълум бўлишича, Мусонинг бунақа бақаси бу атрофларда йўқ экан. Унинг исми-шарифи — «социалистик» экан, Масков томонлардан олиб келинаркан. Йиллар ўтиб, одамлар Мусонинг социалистик бақасисиз туrolмайдиган бўлиб қолишди. Урушдан кейинги қайси бир йили, кимнингдир тўйида Солимбуқок «Мусонинг бақаси нақ эсимизни тесқари қилиб юборяпти. Исонинг бақаси ҳам келиб қолса, энамизни кўрамиз шекилли?» деган эди, икки кундан кейин милисахонага олиб кетишди. Хотини «Эримни қасққа олиб кетяпсизлар?» деб сўраган эди, «эрингга Исонинг бақасини кўрсатиб кўямиз», дейишди. Алдашмаган экан, Исонинг бақасини кўриб келсин, деб Солимбуқокни Сибирга жўнатишди. Сибирнинг совуқ ўрмонларида Исонинг бақасини кўриш Салимбуқокка насиб этдими ё йўқми, номаълум, лекин энасини кўрдиёв, қайтиб келмади.

Битта эрни талашган тўртта кундошнинг олишувидан бу мусобаканинг фарқи — унда зўр чиққани эрнинг бир тунлик кучоғига, бунда зўр чиққан эса битта қизил байроққа эришади. Кундошларнинг аҳволини тушунса бўлади, бошқа эрни бозордан сотиб олишолмайди. Лекин мусобақа ишқибозлари талашадиган қизил байроқни магазиндан истаганча сотиб олиш мумкин. Шунга қарамай, жонларини жабборга бериб олишиб юраверишади.

Икки дўст оқсоколда кундошлик кини йўқ, тўйда бир лагандан ош ейишса ҳам раис тасдиқлаб берган мусобақа шартлари бўйича зинҳор-базинҳор келиша олишмайди. Гузарга безак беришда ҳам шу шартларга амал қилинган. Ҳарбий кўрғон атрофи танклар билан ўралгани каби гузарлар кўргазма-плакатлар билан ихота қи-

линган. Бунчалик плакат ҳатто район марказида ҳам йўқдир. Ўнг томонда «Шерқўзи қишлоғининг фаҳри», чап томонда «Шербилак қишлоғининг шону шуҳрати», чап томонда «Қаҳрамон — оналаримиз», ўнг томонда «Қаҳрамон она булар», чап томонда «Олимларимиз», ўнг томонда «Шербилак олимлари» Яна «Раҳбарларимиз» – «Энг зўр раҳбарларимиз», «Спортчиларимиз» – «Додахўжа спортчилар»...

Бошқа сайёрадан учиб келган фазогирлар адашиб, шу қишлоққа тушиб қолишса, бу манзарани кўриб, «бу ерликларнинг туғилишдан мақсадлари социалистик мусобақада иштирок этиш. Яшайдан ниятлари ҳам шу. Ўлишлари ҳам мусобақа шартлари асосида бўлади», деб хулоса чиқариши табиий. Улар фақатгина мазордаги гўрларга мусобақа ғолибларининг қизил байроқлари қадалмаганидан ажабланишлари мумкин. Яна ким билади... четдан фазогирлар ташриф буюришгани йўқ. «Тез ва сифатли ўлиш мусобақасининг ғолибига» деган қизил байроқ таъсис этилгани ҳам маълум эмас.

Шербилак билан Шерқўзи қишлоқларига бошқа сайёралардан вакиллар қадам ранжида қилишмаган бўлишса-да, районданми ё бошқа жойданми комиссия келиб, кўнгилларни хушнуд қилиб турибди. Улар ҳар келиб-кетганидан сўнг плакатлар икки оқсоқолнинг назоратида янгиланади. Ҳар янгиланиш карнай-сурнай садолари остида бўлиб ўтади. Аммо бугун карнай-сурнайга ўрин йўқ. Бугун оқсоқолларнинг кунлари тунга айланган – жон жўраларидан бирини Яратганга топшириб, ўзларининг ҳам сўнгсафарга тадорик бошлашлари лозимлигини ҳис қилган ҳолда, эгик бош билан гузарга қайтдилар.

— Мана, яна бир ошнамитни Эгамга топшириб бўлдик, — деди Тешавой оқсоқол, чуқур хўрсиниб.

— Ҳа... Эрали ёш кетди. Биздан бир ёш кичик эди-да, а? Саксон икки, деб кўтарилди-ю омма домла нотўғри айтди. Ҳали саксонга кирмовди. Унинг онаси менинг аямга айтган экан, Эрали сўфиқишлоқлик Садирчаноқнинг эшаги бўкиб ўлган йили туғил-

ган экан. Ўша эшак ўлганда сенам, менам югуриб юрадиган бўлиб қолган эканмиз. — Турсунали полвон шундай деб дўстига савол назари билан қаради.

— Неччига қирган бўлса ҳам кетди... Тенг-тушлардан энди иккимиз қолдик. Худо энди сенинг умрингни узок қилсин, ошна.

— Худо сенинг умрингга ҳам барака берсин.

— Қара-я, ана-мана дегунча ёшлик ҳам ўтиб кетди. Умримиз ҳам бир тутамгина қолди. Ўйлаб қарасам, кечагина Эрали билан синглимни таллашиб юрувдиларинг. Сенлар талашдиларинг-у омма икковингга ҳам насиб этмади.

— Эрали билан талашмаганмиз. Эрали бир орзу қилган кўйганда. Туя ҳам ҳаммомни орзу қилар экан-ку, а? Ҳамробону уни сираям яхши кўрмас эди. Кўнгли менда эди. Сен ўшанда номардлик қилиб, синглингни менга бермадинг. Қўй, у гапларни эсимга солиб, тилимни қичитма. Менга қара, эртаматан Ўроқбойнинг эшиги тагида дўхтурнинг мошини турувди, тинчликми?

— Хотипининг тоби йўқ экан, дўхтурга олиб кетишибди.

— Ҳомиладор эди, бояқиш, эсон-омон кутулиб олсин. Буниси саккизинчисими?

— Ҳа, Худо хоҳласа, икки йилда у ҳам гирой\* бўлиб қолади.

— Бўлсин, бўлсин...

Турсунали полвон ноҳуш кайфиятда шундай деди-да, хайрлашиб, уйи томон бурилди. Ошнаси кейинги гапларни айтмаса ҳам, Турсунали полвоннинг бугунги қайғуси ўзига етарли эди. Ошнаси эслатмаса-да, Ҳамробонуни таллашиб Эралини урганини ёдга олиб, афсусланган эди. «Ўроқбойнинг хотини икки йилдан кейин гирой бўлади», дейиши ҳам ўринли бўлмади. Аслида Турсунали бу гапга эътибор бермаса ҳам бўлади. Ўроқбойнинг хотини энди саккизинчисини туғади. «Қаҳрамон она» унвонини олиш учун яна иккита бола кўриши керак. Демак, Шерқўзи кишлоғи бу соҳада ҳали бери уларга етиб ололмади. Шундай бўлса-да, Тешавойнинг гапидан оғринди. Бскор оғринмагани эрталаб маълум бўлди.

**ФОТИМА, ҲАСАН ВА ҲУСАН**

(Ҳангоманинг бошланиши)

Субҳи содиқда, хали сўфи таҳорат қилмай туриб бирданига карнай-сурнай, ноғоралар янграб қолди! Шу аснода ҳар икки қишлоқ бараварига уйғонди. Аслида-ку, ноғора базм бўлмаса ҳам шу пайтда уйғонишарди. Қишлоқда қуёшдан аввал турмаган одам одам ҳисобланмайди.

Турсунали полвон қўшни қишлоқдаги базм бошланмай туриб уйғонган эди. Юз-қўлини ювиб, артинаётган пайтда янграган овозлардан ажабланиб, ўйланиб қолди. Қанча ўйламасин, тонг базми учун асос бўлувчи сабабни топа олмади. Тонг қоронғусида кўчага чиқиб, агрофга қаради: ҳеч ким йўқ. Сойнинг нариги томонида эса карнай-сурнай, ноғора овози тобора авжга чиқади. Турсунали полвон гузар ўртасида бироз гарангсиб туриб, сой томон юрди. Аммо кўприқдан ўтмади. Қўшни қишлоқ томонда бирон тирик жон кўриниб қолар, деган умидда қараб тураверди. Тирик жон у томонда эмас, ўзининг салтанатида пайдо бўлди. Турсунали полвоннинг ўнг қўл вазири макомида юрувчи Қамбарали муллавачча йигитлардай қироат билан салом берди.

— Нима бало бўлган буларга? — деди Турсунали полвон саломга алик олгач. — Бугун тўй-пўйи йўғиди шекилли?

— Тўйи йўқ, буни точна\* биламан, — деди ишонч билан Қамбарали.

— Унда нима учун хўрознинг уйқуси очилмай ноғора базмни бошлаб юборди бу тоғанг?

— Разведка\* қилиб келайми, Батка?

Турсунали полвон бу саволга жавоб бермай туриб «Батка»нинг маъносига изоҳ бериб қўйишимиз лозим. Бу томонларда яшовчи одамлардан биронтаси ҳақида гапира туриб: «шу кишининг бош чаноғи остида тарикдай ҳам мия йўқ», дейилса, инонишадими-ю, аммо «лақаби йўқ» дейилса, мутлақ ишонилмайди. Шун-

га кўра, Турсунали полвонимизнинг ота-бобо мерос лақаблари – «хўкиз»дир. Кимга исми ёки насаби ёқмаса, милисага бориб бошқачароғига алмаштириши мумкин. Лекин, лақаб ўзгармайди. Турсунали полвоннинг қайси бир бобосига «хўкиз» деган шарафли лақаб берилганми, тамом, буни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Агар бир мўъжиза юз бериб, шу уруғда эшак туғилса ҳам унинг лақаби барибир «хўкиз»лигича қолаверади. Аввалги йили бир одамнинг лақабини алмаштиришга уриниб кўрилди-ю, бироқ кутилган натижага эришилмади. Турсунали полвоннинг «хўтик» лақабли ошнаси бўларди. Шу ошнаси етмиш беш йил бу лақабни кўтариб юриб орланмаган эди, ҳозир шаҳарда яшаётган набираси уялибди. Қишлоқдан борган дўстлари «хўтик» деб ҳазиллашишган экан, шаҳарлик биродарлари олдида орланибди. Қишлоққа келганида Турсунали полвонга шикоят қилиб, «замонлар ўзгариб кетди, энди бу одатни ташлаш керак», дебди. Турсунали полвон унга ачинган бўлиб: «Одатни ташлаш қийин, лекин сенинг лақабингни ўзгартириб бериш мумкин. Бунинг учун сен самоворхонада улфатингга битта ош дамлайсан. Мен Тешабой тоғанг билан бориб, фотиҳа бераман», дебди. Ош дамланибди, сўнг иштаха билан ейилгач, Турсунали полвон фотиҳага кўл очибди: «Ота-боболаринг «хўтик» деган лақабни кўтариб юра-юра ўлиб кетишди. Энди замон ўзгарди. Сенам катта одамсан. Хўтикка ўхшамайсан. Кўзи улғайса — кўчқор, жўжа улғайса — товук, хўтик улғайса — эшшак бўлади. Омийн, бугундан бошлаб лақабинг – эшшак!» Оқибат нима бўлди? Аввалги лақабга қайтиш учун учун самоворхонада яна бир ош дамланди.

Турсунали полвон ҳам лақабини ўзгартиришга уриниб кўрган эди. Урушдан қайтган кезлари «Германиядаги қишлоқларни бошқарадиган одамнинг мансабини «бургомистр» дейдилар, менам шу қишлоқнинг бургомистриман», деган эди. Унинг хурматини қилган ёки ҳайбатидан чўчиганлар уч-тўрт кун уни «бургомистр» деб юрдилар. Бир йиғинда ошнаси Тешавой: «Тўғри, сен бургомистрсан, фақат тўғри айтгин: сен бургаларнинг министрисан!»

дегач, даъвосидан қайтишга мажбур бўлди. Бургаларнинг министри бўлгандан кўра, «хўкиз»лигича юриш маъқул кўриниб, самоворхонадаги бир зиёфат ҳисобига аслига қайтган эди.

Орадан йиллар ўтиб, Қамбарали уни «Батка» деб атай бошлагач, бу лақаб хуш ёқди. Отаси тенги одамни «хўкиз» дейишга тили бормаган Қамбарали кино кўриб ўтириб, шу сўзни эшитгани ҳамон, полвон тоғасига атаб кўя қолганди. «Батка»нинг тарихи билан танишдик, энди гузарга қайтайлик:

Қамбаралининг разведкага бориб келиш хақидаги таклифи маъқул бўлса ҳам, Турсунали полвон ўйланиб туриб: «Тўхта-чи, у томондан бирон гап чиқиб қолар», деб рухсат бермади.

— Разведкага бориш керак. Буларингиз бир балони хаёл қилишган, буни точна биламан.

Қамбарали бир ниманинг исини олмаса «точна» билишини даъво қилмайди. Тешавой оқсокол бир куни Турсунали полвонга «Зўр дастёринг бор-да, билмаган нарсаси йўқ. Бу боланг отасининг белида қандай юриб, онасининг қорнига қандай тушиб қолганигача точна билади», деб бекорга мақтамаган эди. Ҳозир ўша мақтов эсига тушиб, уни йўлдан қайтаргиси келмади:

— Бор, аниғини билиб кел.

Милтиқнинг тепкиси босилган чокда ўк «отилиб чиқсамми ё йўқми», деб ўйланса кераг-у, бироқ баткасидан топширик олган Қамбарали сира ўйланиб ўтирмайди. Ҳозир ҳам кўприқдан ўтишга қаноат қилмай, бир сакраб нарига бетга ўтди-ю кишлоқ оралаб кетди.

Бу гузарни ярим айлана қилиб ўраб турган хонадонларнинг бири Турсуналиники бўлса, уч эшик наридагиси Собиталиники. Собитали кеча одам қаторидан чиққани учун бугун кун тиккага келгунича ухласа ҳам ярашарди. Лекин ногора базми бу бечоранинг тинчини бузди. Томоғи қақраб сув ичай деса, челақлар бўм-бўш, хотинини чақирса — уйда ҳеч ким йўқ. Нима гаплигини англамай гаранг ҳолда гузарга чикди. Аввалига Турсунали полвонни кўрмади. Сойга энгашиб, юз-қўлини ювиб, рўмолчаси-



га артинди. Сўнг рўмолчани хўллаб пешонасига босгач, сал ором олгандай бўлди. Шундан кейингина қишлоқ оқсоқолига кўзи тушиб, қаддини кўтарди. Турсунали полвонни қўшни қишлоққа тикилиб турганидан ажабланди. Эрталабдан унинг қаҳрига дуч кела колмай, деган ўйда астагина уйига кириб кетмоқчи эди, Турсунали полвон ўгирилиб, томоқ кириб қўйди. Собиталининг таққа тўхташига шу товушнинг ўзи кифоя килди.

— Ассалому алайкум, раис тоға, — деди у ўгирила туриб.

— Ваалайк. Ҳа, сахармардонда туриб олибсан? Яна бош оғриятими?

— Оғриш ҳам гапми, ёрилай деяпти, тоға.

— Кўркма, ёрилмайди, — Турсунали полвон шундай деб унга яқинлашди.

— Ёрилмайди? Нега ёрилмайди? — деди Собитали ажабланиб.

— Бўм-бўш бош ёрилмайди. Бош ёрилиши учун ичида бир нима бўлиши керак. Сен алкашга Худо ақл бермайди шекилли, а? Одамлар «Шербиллак қишлоғи» демай, «Собит алкаш яшайдиган қишлоқ», дейдиган бўлишибди. Қишлоқни позорларга қолдирдинг.

Турсунали полвон аслида «иснодларга қолдирдинг», демокчи эди. Лекин «позор»дегани исноднинг уччига чикқанидир, деган хаёлда урушда ўрганиб келган шу сўзни ишлата қолди. Собиталига ҳозир «позор» дейдими ё «иснод»ми, фарқи йўқ эди. Секингина уйга кириб, бошини ёстикқа қўйишдан бошқа орзуси йўқ эди. Шу мақсадда бир қадам босган эди, Турсунали полвон тўхтатди.

— Ҳа, қаёққа?

— Қайнотамникига бориб келай...

Собитали нима учун шундай деб юборганини ўзи ҳам билмади. Бу гапдан Турсунали полвон хайрон бўлди:

— Каллаи саҳарлаб қайси аҳмоқ қайнотасиникига боради?

— Бормасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди, — деди Собитали ундан қутилиш йўли топилганига қувониб, — эрғаматан туриб

қарасам, ёнимда хотиним йўқ. Боллар ҳам йўқ. Уйига кетдимикин, дейман-да?

— Кечаси ёнингдамиди? — Турсунали шундай деб унга қаттиқ тикилди. Собитали бу қарашга дош беролмай, кўзларини олиб қочди.

— Ёнимда эди... — деди бироз дудукланиб. Кейин ишончсизлигини яшириш учун кўшиб қўйди: — Қучоклаганим эсимда, кейин учиб қолибман-да.

— Бе... Сен кайфингда билмагансан. Хотинингни эмас, Тешабой тоғаннинг эшшагиними ё итиними қучоклагансан. Ана, башарангни ит ялаганга ўхшайди. Менга кара-чи, — Турсунали полвон шундай деб унинг юзига тикилиб қаради-да, бош чайкаб, ўз гапини ўзи инкор этди: — йўқ, ит яламаган. Ит бунақа искирт башарани яламайди. Кўнгли айнийди. Башарти билмай ялаб қўйса ҳам, захарланиб ўла қолади.

— Гапга ҳам тўн кийгизворасиз-да, раис тоға, ғирт маст бўлсам ҳам хотин билан эшакнинг фарқига борарман.

Собиталининг дадил шундай дейиши бежиз эмас: ғирт маст бўлса-да, хотинининг думи йўқлигига акли етиб туради. Турсунали полвон унинг бу борадаги фахмига тан бердими, сал бўшашгандай бўлди:

— Хотининг ярим кечада кетиб қолган. Ўзим кўрдим.

— Аразлагандир-да... — деди Собитали ўкинч билан. — Кеча эртаман дийдиёсини бошлаганида «Энди ичсам ҳар нарса бўлай», деб қасам ичворганидим. Қасамни бузганимга чидамаган, феълини биламан.

— Сен бола гапни чувимагин-да, тўғрисини айтавер: нима деб қасам ичганингни ўзим эшитганман. «Энди ичадиган бўлсам, эркак эмасман, ҳалигиндақа... майда қадамман», дегансан. Деганмисан?

— Ҳа, энди... — Собитали чайналган эди, Турсуналининг қаҳрли назаридан чўчиб тан олди: — Хотинни тинчитиш учун деган бўлсам, дегандирман.

— Ҳа, дегансан! Хўш, энди эркакмисан, ё?..

— Бе, у қасам ҳисобга ўтмайди.

— Нега ўтмас экан?

— Қуръонни ўпиб қасам ичмаганман.

— Баҳонангни кара-я! Ўзингнинг ақлингга кела қолдимми ё...

Сен алкашнинг қўлига қайси аҳмоқ Қуръон бериб қўяркан? Библия кўй: кеча қасамнинг қабул бўлган, тамом! Энди сен эркакликдан чиқдинг. Хотининг кета туриб шунақа деди. «Эрим эркак эмас экан, энди битта эркак топиб, тегаман», деди. Хотининг нақ ўғил боланинг гапини айтди, отасига раҳмат!

— Чўпчак тўқивордингиз, раис тоға. Менинг хотиним унақа демайди.

— Алдаяпти, десанг, бор, боравер. Қайнотангникида йўқ бўлса, ишонасанми, гапимга?

Бу гапдан кейин Собитали тешилган пуфак ҳолига тушди.

— Раис тоға, қаякка кетвордийкин? — деди йиғлагудай бўлиб.

Ҳозир у ёмон аҳволда қолган эди. Хотинининг кетиб қолиши унга янгилик эмас. Бу атрофда уйига аразлаб кетиб қолмайдиган хотин зотининг ўзи йўқ. Аммо «эрим эркак эмас экан», деган лаянат тошини отиб кетадигани шу пайтгача бўлмаган. Собитали кўп ичгани учун унинг гапига ишонишмайди, бироқ, хотинининг гапига чиппа-чин ишонишади. Унинг ташвиши шундан эканини англаган Турсунали полвон хужумини давом эттирди:

— Бу атрофда ким кўп, кўзига қон қуйилган букадай эркак зоти кўп. Битта-яримтаси билан аҳду паймони келишиб қолса, шартта никоҳига ўтади — қўяди-да.

— Тегиб кўрсин-чи! — Собитали ғазаб билан бақириб юборганини ўзи ҳам сезмади. Бу онда раис тоғасининг ҳайбатидан ҳам чўчимай қўйди: — Икковиниям онасини нақ Учқўрғоннинг қайқисидан кўрсатаман! Сиз-чи, тоға... совук нафас қилманг. Мен уни қўймаганман, эрга тегишга ҳақки йўқ.

— Ҳовлиқма, ўпкангни бос, кеча сен уни уч талоқ қўйдинг.

— Қайфдагиси ҳисобмас, Қосим домла айтган.

— Сен алкашга фатво берадиган домла ҳам дарров топила қолади-я! Домлангга бориб айт: номаъкул бузоқнинг гўштини емасин. Уч талоқ қўйганинг ҳисоб. Мен гувоҳ бўлдим. Бу қишлоқда анов — манов домлангнинг гапи ўтмайди. Менинг гапим — закун\*! Уч талоқ қўйдингми — тамом! Энди у билан яна яшамоқчи бўлсанг, аввал хотининг учта эрга тегиб чиқиши керак. Уччала-сидан ҳеч бўлмагандан биттадан туғиши керак. Ана ундан кейин бешта болангни саккизта қилиб яшайверасан.

Бу гапни эшитиб, Собитали чўчиб тушди, бош оғриғини ҳам унутди:

— Нима! Саккизта дедингизми?

— Ҳа, бола, ҳисобдан чатоғинг борми? Қани, чўтга ташлаб кўр-чи: бешта ўзингнинг болангми? Учтаси... хашарда.

— Чўпчак тўкиманг, тоға, бунақа закун йўк.

— Нега йўк бўларкан, бор! Мен чикарганман шу закунни. Меники ҳисоб.

— Сизники ўтмайди, сизда печат\* йўк.

— Печат йўк, дедингми? Мана бу-чи, ўтмайдими? — Турсунали шундай деб муштини Собиталининг даҳанига тиради. — Фашистга ўтган бу печат сенга ҳам ўтиб қолар дейманов, а?

Икки йил илгари бу мухр енгилроқ тарзда бўлса-да, юзини қандай беаганини эслаган Собитали орқасига тисарилди.

— Раис тоға, ёмон гап айтмадим-ку, хотинимни қўймадим, дедим халос. Шунга ҳам печатми?

— Агар сен қўймаган бўлсанг, хотининг сени қўйди. Уч талоқ қўйди.

Собитали бу гапдан кейин кула бошлади.

— Ҳа, нега қуйдирган калладек ишшаясан? — деди Турсунали полвон аччиқланиб.

— Уч талоқ қўйган бўлса... энди менам учта хотин оламанми? Ҳар биттасини биттадан туғдириб, а?

— Оласан-а, оласан! Ана, биттасига Ҳанифа бева кутиб турибди, югура қол.

— Пичинг килаверманг, менинг у билан борди-келдим йўқ. Бир мартагина телевизорини тузатиб берганман, халос.

— Сен бола бошқа қишлоқлардаги мингта беваникига борсанг ҳам боравер, омма Шерқўзига қатнама. Ҳанифа беванинг нечта боласи бор, биласанми?

— Мен санабманми, қаёқдан биламан?

— Сен санамаган бўлсанг, мен биламан: тўққизта боласи бор.

— Тўққизта бўлса, менга нима?

— Сенга нима? — Турсунали уни елкасидан ушлаб, силкиди:

— Орада шайтон бор-а... Телевизори кун ора бузилиб турса. Бу беванинг боласи бир йилдан кейин ўнга бўлиб қолса-чи?

— Нима бўлади?

Турсунали полвон «ростданам тушунмайдими ё мени калака қиляптими?» дегандай унга тикилиб турди-да, бу сафар елкасидан қаттиқроқ ушлади:

— Дард бўлади! Бало бўлади! Агар сен туфайли ўнинчисини туғса, у гирой бўлади! Болани ўзининг эридан туғдими ё сенга ўхшаган аҳмоқданми – ҳукуматга фарқи йўқ, гиройликни бераверади. Билиб кўй: ҳар бир қадамнинг ҳисобда.

— Раис тоға, мени алкаш дейсиз, майли, тан оламан. Омма бунақа чакки юрадиган йигитмасман. Болаларим бор-а! Палакати-дан кўркаман, — деди Собитали эзгин овозда.

— Ичмаган пайтингда кўрқасан, кайфинг ошганда Худодан ҳам кўркмай кетасан. Агар болларинг кўзингга кўринса, ичиб олиб кўча-кўйда молдек ағанаб ётмаган бўлардинг. Гап бундай: сен беваникига саккизинчи июнда киргансан. Агар у кейинги йил саккизинчи мартда туғса, сен билан ади-бади айтишиш йўқ, нақ оёғингдан осаман!

Турсунали кейинги гапни шунчаки пўписа учун айтди. Эркак кишини кўрса иштонбоғи бўшаб кетадиган хотинлар чет элликларнинг киносига бўлади. Бу кишлоқлардан ҳали бегона эркакка ўгринча қарайдиган аёл чиқмаган. Айниқса, Ҳанифа бева ҳақида ёмон фикрга бориб бўлмайди. Эрини ўтган йили ерга қўйган

хотин тўғрисида шундай гумонли гап айтворгани учун Турсунали полвон афсусланди. Ўзини ўзи лаънатлади. У Собитали алкашни бир оз эзиб қўймоқчи эди, гапи чалғиб, Ҳанифанинг шаънига тегиб ўтди. Бироқ, очиғини айтганда, Ҳанифадан ранжиган томони ҳам бор: Ҳанифанинг етти аждоди Шербилакда туғилиб, яшаб ўтган бўлса ҳам, Шеркўзиликка турмушга чиқди. Қиз тушмагурнинг кўнгли шу йигитга мойил экан, нима қилиша оларди? Йиллар ўтиб, «Қаҳрамон она» унвонига даъвогар бўлиб қолишини ўша пайтда билганида бу тўйни тўхтагиб, қизни шербилаклик бироқ азаматга олиб беришга уриниб кўрарди. Куёв болани авайлаб-асрарди. Тўққизта боладан кейин ўлиб кетишига йўл қўймасди. «Отамнинг ўлишини билганимда бир қоп кепакка алмаштириб юборардим», деган экан бир нодон. Турсунали полвон энди минг армон қилсин — фойдаси йўқ. Армонини бировга айтолмайди — ич-эттини еб юравради.

Оёғидан осилиши ҳақидаги тантанали ваъдани эшитган Собитали унга тикилиб қолди. Кейин «бунақа масалада мен фариштаман», деди-да, нари кета бошлади. Турсунали полвон бу масалада қовун тушириб енгилганини билса-да, тан олгиси келмади. Собиталининг бурилиб кетиши, ўзининг жим қолиши маълумлик харсангтошини елкага олиш билан баробар эди. У нимадир дейиши зарур эканини биларди-ю, бироқ, тилига маънилироқ гап келмасди. «Собитали иним, кейинги гапларим ҳазил эди, сал бемаънироқ чиқди, сенам кечир, эпитмаган бўлса-да, Ҳанифа ҳам кечирсин, шунда Худо ҳам кечиради», деса олам гулистон эди. Бироқ, бу гап ўрнига бошқачаси келди:

— Ҳой бола, юраётганингда сал у ёқ-бу ёққа қараб қўй, сезяпсанми? Кўчамиздан ит ўтмайдиган бўлиб қолди-я?

— Нега? — деди Собитали тўхтаб.

— Сенинг сассиғингдан кочяпти бари. Бўкиб ичавериб, сасиб кетяпсан, бола!

— Менинг сассиғим сизнинг гапларингизчаликмасдир... — шундай деб яна йўлига кетаверди.

Турсунали полвон дами ичига тушганича қолаверди. Тузсиз гапи билан Ҳанифа беванинг номини булғаб кўйгани учун пушаймонлик ботқоғида бўғилиб турмаганида мот бўлиш қайда эди, бу боланинг бурнини ерга ишқашдан ҳам қайтмасди-я!

Ҳанифа беванинг номи шунчаки тилига келиб қолгани йўқ. Бу аёл тўққизта бола кўрган бўлса-да, ҳали тароватини йўқотмаган. Мусулмонча койдага мувофиқ иддаси ўтиш у ёқда турсин, эрининг йили ҳам ўтиб бўлган. Агар қариндошлари ёлғиз юрмасин, деб уни биронтасига никоҳласалар-у ўнинчисини туғиб берса, Шерқўзи кишлоғи «Қаҳрамон она»ларнинг кўплиги бўйича улардан ўтиб кетишлари ҳеч гап эмас. Турсунали полвоннинг ташвиши шундан.

Собитали муюлишга борганда рўпарасидан Қамбарали чиқиб қолди. Шерқўзи кишлоғининг бу биқинидан кириб, нариги қуйруғидан айланиб чиқаётган Қамбарали Собиталини кўриб, тўхтади. Сал нарида тек турган баткасига бир қараб олгач, қўшниси билан сўрашди:

— Сабитчик, қалайсан? Қаёққа кетяпсан, магазин ҳали очилгани йўқ.

— Магазингамас, қайноғамникига кетяпман, — деди Собитали бошига оғир қайғу тушган одамнинг зорли овозида.

— Хотининг яна кетиб қолдимми? — Қамбарали шундай деб қулди. — Сенам ҳадеб унга ялинавермагинда. Шартта янгила. Свежийси\* бошқача бўлади, мен буни точна биламан. Тўхта, кетмай тур, сенга иш бор. Телевизорим яна бузилди.

— Нега бузилади?

— Билмадим. Тошқанда битта ашула бошланса, ярмига бормай Масковдаги ўрисча ашулага уланиб кетади. Хуллас, атала бўлиб кетди.

— Ҳозир вақтим йўқ, ўн бирдан кейин тузатиб бераман.

Собитали «вақтим йўқ» деганда кечаги маишатдан кейинги «бош оғриқ»ни қолдиради, деган баҳонада югиладиган бир пиёла ароқни назарда тутганини Қамбарали билмас эканми? Ҳукумат

нодон-да, арокхўрларга инсоф кирар, деган мақсадда ичкиликни соат ўн бирдан кейин сотишга амр килиб қўйган. Магазинчилар анойи эканми? Аракни ўн биргача беркитиб, «салласи» билан сотишади, ўн бирдан кейин ўз нархига. Аракхўрлар ҳам анойи эканми? Аракқа зўрға пул топишади-ку, «салласи»га бало борми? Мана, Собитали. Хукумат қарори чиққанда икки-уч кун сўкиб юрди. Кейин тақдирга тан берди-да, ўз иш вақтини соат ўн бирдан деб белгилади.

— Ўн бир, деб бошни котирма. Бу дўконда барибир бало ҳам йўк. Мен битта «столичний» малчигидан\* олиб қўйганман. Иккаламиз тупукдек-тупукдек килиб, майдалашамиз.

Бу гапни эшитган Собиталининг кўзлари мошдек очилиб кетди. Қуруқ хабарданки роҳатланган одамнинг арокни кўрганда бир карра, ярим пиёлани отиб олгандан кейин эса ўлик ҳолига икки бора жон қайтишини тасаввур қилаверинг. Собитали ўзи томон қараб турган Турсуналига бир қараб олди-да, Қамбаралининг кўлидан ушлади:

— Унда тезроқ юрақол.

— Тўхта, мен Баткага отчет\* топшириб олай. Унгача сен қайнотангникига бориб кел.

— Қайнотамникида бало борми, юр.

Собитали гапини тугатмай, Турсуналининг жарангдор овози янгради:

— Қамбар! Ҳажикизларга ўхшаб нималарни висирлашяпсан? Қамбар деяпман!

— Лаббай, Батка, кетяпман!

Қамбарали шундай деб Собиталини икки ўт орасида колдирди-да, хожаси томон югурди.

— Батка, разведка зўр ўтди, ғалати хабар бор.

— Нимаси ғалати? — деди Турсунали, уни норози киёфада қаршилаб.

— Ўроқбойнинг хотини гирой бўлибди!

Қамбарали бу хабарни айтгандан кўра Турсунали полвоннинг



бошига гурзи билан беш-ўн марта урса, у бунчалик гарангсимаган бўларди.

— Нима, қайтар-чи? — деди у бўғилиб.

— Ўроқбойнинг хотини гирой бўлибди. Шунинг суюнчисига ноғора базмни бошлаб юборишибди.

Бу гапдан кейин Турсунали полвон Қамбаралининг ёқасидан олганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қамбарали «Батка, тукқан мен эмасман, Ўроқбойнинг хотини-ку», деб чангалдан бўшалмоқчи эди, тили калимага келмай қолди.

— Ўроқбой деяпсанми? Ўша каламушнинг хотини гирой бўлибдими? — деб бақириб юборди Турсунали полвон. — Сен жиннимисан ё мен пайтавафаҳмманми? Унинг гирой бўлиши ҳечам мумкинмас. Биринчидан: у йигирма кундан кейин туғиши керак, дўхтир билан ўзим лична\* гаплашганман. Даннийлар аниқ. Иккинчидан, унинг еттита боласи бор. Тукқан бўлса саккизинчисини тукқандир. Саккизта бола тукқанга ҳам гиройликни бериб юборадиган аҳмоқ ҳукумат йўқ, билиб қўй, акаси айлансин!

— Батка, буни менам точна биламан. Лекин Ўроқбойнинг хотини бирваракайига учта туғибди-да!

— Учта? — Турсунали полвон ишонкирамай бош чайқаб, Қамбаралини чангалидан бўшатди: — Бўлиши мумкин эмас. Эчкидай ҳам келмайдиган шу кичкина хотин учта туғарканми?

— Эрининг лақаби «каламуш» бўлганидан кейин шунга мослаб каламушдай қилиб туғиб ташлайвергандир-да. Бунақалар тўртта туғса ҳам ажабланмаслик керак.

Турсунали бу гумонни эшитиб, бош чайқади:

— Йўқ, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Агар шумхабаринг рост чиқса, шерқўзиликлар гирой хотинлар бўйича бизга етиб олишади. Бу тарақа-турукни шунинг учун бошлашган. Ҳа... тўрт ярим ойдан кейин нима бўлади, биласанми?

У шундай дегач, галифе шимининг чўнтагидан дафтарча чикариб varaқлади. Керакли саҳифа топилгунича айтиш жоизки, уруш тугаганига салкам қирқ йил бўлганига қарамай, унинг эгидан

икки ёни «Ф» ҳарфи сингари шишиб турувчи галифе шим тушгани йўқ. Ўн беш йил аввал ҳарбийлар кийим-боши ўзгариб кетган бўлса-да, Турсунали полвон бундай шимни қаердан топади — ҳеч ким билмайди. Тешабой оқсоқол сўраганларга «Бир вагон немисни асирга тушириб, шимини ечиб олган», деб ҳазил билан жавоб беради.

Турсунали полвон тўрт ярим ойдан кейин нима бўлишин айтгунича Қамбарали шошқалоқлик билан жавоб қайтарди:

— Точна биламан, Масковдан указ\* чиқади.

— Точна билмай тилинг кесилсин сенинг, — деди Турсунали тўнғиллаб. — Указ-пуказингни йиғиштириб тур. Тўрт ярим ойдан кейин Чўмичбойнинг хотини ўнинчисини туғади. Болтабойда саккизтами? Палакат босиб хотини эгизак туғиб берса, расво бўламиз! Позор! Позор! Шербилак эркакларига позор! — шундай деб дафтарчасини яна варақлаб, энди Қамбаралига умид ва нажот кўзи билан қаради: — Ишлар чаток, Қамбар, чора кўрмасак бўлмайди.

— Батка, мен минг ҳаракат қилсам ҳам хотиним тўрт-беш йилсиз гирой бўлолмайди, — деди Қамбарали ночор одамнинг эзгин овози билан.

— Сендан ёруғлик чикмаслигини айтмасанг ҳам ўзим биламан, — деди Турсунали полвон ҳафсаласизлик билан қўл силтаб.

Турсуналининг ташвиши бежиз эмас. Кеча Тешабой оқсоқол билан хайрлашганидан бери юраги сиқилиб, қовоғи учаётгани бекорга эмас экан. Икки қишлоқ орасидаги социалистик мусобақада барча шартлар бўйича ютқизса чидаши мумкин-у, бироқ бу йўналишда ортда қолгудай бўлса ёруғ дунёдан армон ва иснод билан кўз юмиши аниқ. Шунда ҳам ўз ажали билан ўлмайди, шармандалиқ ўкидан кетади.

Қамбарали баткасининг ҳамма нарсани «точна» билишига ишонади. Шунинг учун баҳслашиб ўтирмайди. Дўхтирлар, айникса, гинекологлар шу икки қишлоққа доир маълумотларни ўз вақтида Турсунали полвонга бериб туриш ҳақида ёзилмаган қо-

нун мавжудлигини билишади ва унга тўлиқ амал қилишади. Соғлиқни сақлаш вазирига ёки райкомга маълумотнома бериш зарурлигини унутишлари мумкин, Шербилак қишлоғи раисига эса эркалик қила олишмайди. Тешабой оқсоқол ошнасининг бу фазилатига тан бериб, бир йиғинда: «СССР статистика бошқармаси талабчанликни Турсунали полвондан ўрганса, мамлакатнинг аҳволи яхшироқ бўларди», деган эди. Аслида «Совет ҳукумати» демокчи эди-ю «яна Исонинг бақасини кўргани кетган Солимбуқок изидан жўнаб қолмайин», деб гапнинг тиканини синдириброк айтди.

Турсунали хаёлга берилиб турганида Қамбарали йўталиб кўйдиди-да, сойнинг нарига томонини имлаб кўрсатди. Елкасига енгил чопон ташлаб, чапани йигитлар каби дўпписини сал қийшайтириб кийиб олган Тешабой оқсоқол ғоз юриш қилиб келиб кўприк олдида тўхтади. Турсунали унга бир қайрилиб каради-ю худди уни кўрмагандай Қамбаралининг қулоғига шивирлади:

— Сен бола, дарров Йигиталини, Султоналини, Нуралини, Баҳромалини, Миралини топиб кел. Экстренний мажлис бор, дегин. Аҳмадали билан Қамбаралини ҳам топ.

— Ўзимними? — деб ажабланди Қамбарали.

— Ҳа, ўзингни. Яна анави алкаш билан қия қилиб қолмагин. Унга нима ваъда қилдинг, эшигингнинг тагига михланиб қолди.

— Ҳеч нима ваъда қилганим йўқ, Батка.

— Сенлар ўзларингни эркакман, деб юрибсанларми ҳали. Битта хотинни гирой қилолмасаларинг... суф сенларга!

— Батка, мени бу ҳисобга қўшманг. Мен тўрт йилдан кейин хотинди гирой қиламан, дедимми, тамом! Хотиним тўқсонинчи йилда гирой бўлади. Буни точна биламан.

— Тўрт йил, дедингни? — Турсунали пича ўйланиб бош чайқади: тўрт йил кўп, уч йилда бўлиши керак.

— Уч йилнинг сираям иложи йўқ, Батка. Тўққиз ойлик ҳисобдан келиб чиқсак... бу ёқда чилла деган гаплар бор.

— Бу ёқдагилар, — Турсунали полвон Шерқўзи қишлоғи то-

монни имлади, — сенинг чилланга қараб ўтиришадими? Ана, «Каламуш»нинг хотини саккиз ойу ўн кунда туғибди. Бўларкан-ку? Тамом, қишлоқнинг указини ёзасан: тўққиз ойда туғиш етти ойга қисқартирилсин!

Қамбарали «Батка чин айтяптими ё ҳазиллашяптими?» деган ҳаёлда унга қаради. Баткасининг жиддий боқиб турганини кўриб, эътироз билдиришга журъат этди:

— Батка, буниси хотинларнинг соғлиғига тўғри келмайди, — эътирози баткасининг ғазабини уйғотиб юбормаслиги учун кўшиб кўйди: Қишлоғимизни яна «чалақишлоқ» деб юришмасин.

— Сенам райкомнинг гапини айтясан-а, тошбаканинг боласи! Билиб кўй, хотинларнинг жони каттик бўлади.

— Болалар чала туғилишса, нимжон бўлиб қолишармикин, дейман-да?

— Бекор айтибсан! Мана, менинг неча ойда туғилганимни биласанми?

— Билмайман, Батка, мен у пайтларда йўғидим шекилли?

— Гапингни кара-я! Мен туғилганимда отанг ҳам бобонгнинг белида юрган эди.

— Менам шунақа демокчиман-да, Батка.

— Билмасанг —билиб ол: мен онамнинг қорнида тўққиз ой лаллайиб ётмаганман. Олти ойдаёқ тушиб келганман. Мени телпақда катта қилишган. Бошқалардан кам жойим борми? Саксонга кириб ҳали бир марта дўхтирга бормадим. Мени ҳатто фашистнинг ўқи ҳам ололмади. «Нимжон, нимжон» дейсан-а! Жўна, менга ақл ўргатмай, буюрилган ишни бажар. Тўхта, билиб кўй, указ секретний бўлсин. Айниқса, анавилар, — бошини бурмай, кўз қараши билан кўшни қишлоқ томонга ишора қилди, — билишмасин.

— Билса нима? — деди Қамбарали соддалик қилиб.

— Э, галварс! Галавангни ишлатсанг-чи! Саккиз ойда учта туғдирган олти ойда туғдиролмайди, деб ўйлайсанми? Бу янги фикр бизникими, демак, фақат ўзимизга хизмат қилиши керак.

Қўлимдан келганида буларнинг хотинларига туя гўшти едириб, ўн бир ойда туғадиган қилиб қўярдим.

Қамбарали «қўлингиздан келмагани ҳам дуруст, уларни Худо бир асрабди», демокчи бўлди-ю баткасининг важоҳатидан чўчиб тилини тишлади-да, вазифани бажаришга ошиқди. Ҳамон эшиги яқинида умидвор кўз тикиб ўтирган Собиталига «Шу ердан жилма», деган маънода ишора қилди-ю, тўхтамай ўтиб кетаверди. Бечорагина Собиталининг ўтирган ерида пичирлаб қолишдан ўзга чораси йўқ эди. Билмаган одам уни дуо қиляпти, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бирок, Собитали дуо нималигини билмагани сабабли шу ёшга киргунича ўрганган барча сўкишларини бир бошдан эслаб, тилига чиқариб, «савоби»нинг ярмини юмуш буюрган Турсунали полвонга, ярмини эса бу юмушни бажаришга ошиққан Қамбаралига атаб қўя қолди.

### 3333 — ТЎҚНАШУВ

Қамбарали нари кетгач, Турсунали оркасига ўгирилиб, Тешабой оқсоқолга қаради. Уни энди кўраётгандай бошдан-оёқ разм солди-ю салом ҳам бермасдан индамай тураверди. Кайфиятлари яхши пайтда учрашишганда бири иккинчисидан олдинроқ салом беришга ошиқишарди. Феъллари сал айниброқ турган маҳалда эса иззатталаб бўлиб қолишарди. Икковининг туғилган куни аниқ эмас, шунга карамай Тешабой оқсоқол ўзини ундан уч ойлик катта деб ҳисоблаб, олдин салом беришини талаб қиларди. Ҳозир ҳам ўша талаб бўйича ошнасига бир оз тикилиб турди-да, сўнг салом-аликсиз гап бошлади:

— Ҳа, Турсуналибой қалайсан? Сал тажангроқмисан, а? Сикилма, ошна. Атрофингга бир қара: табиат чах-чах уриб уйғоняпти. «Эй Одам фарзанди, бағримда яйраб-яшна!» деяпти.

Бу гапни эшитган Турсунали полвоннинг энсаси қотди. Ошқора равишда юзини тескари бурди-да, личинг қилди:

— Қара-я, шунақа деяптими? Сен яқин орада дўхтур-пухтурга

Ўзингни кўрсатмадингми?

— Худога шукур, соппа-соғман, — деди Тешабой оқсокол кувнок кайфиятда. — Саксонга кириб, бирон марта дўхтур юзини кўрмаганман.

— Шунақами? — Турсунали унга ўгирилиб, кошини чимирди. — Дўхтур юзини кўрмаганмилар? Мен аммамнинг бузоғини слкамда кўтариб, госпиталга олиб борган эканман-да, а?

— У бошқа нарса. Урушда яраланиш бошқа, аксириб қўйиб, ялпайиб ётиш бошқа.

— Бошқами-бошқамасми, сен бир дўхтурга учрашиб қўйгин ошна. Табиат чах-чах уриб кулиб уйғонаётган пайтда бир хил одамларнинг эс-хуши ўтмаслашиб қоларкан.

Тешабой оқсокол ўзи томон отилаётган пичинг тошларидан бирини илиб олиб, рақиб томон улоқтирди:

— Гапингда жон бор, ошна, бир хил одамларни қулоқдан олар экан.

Ўзига қайтган пичинг тоши Турсунали полвонга малол келиб, дангалига ўтди:

— Нима демоқчисан?

— Эшитмаяпсанми?

— Нимани?

— Ноғора базмни.

Турсунали полвон қаддини сал букди-да, кафтини қулоғига тутиб, атрофдаги товушларни эшитишга урингандай тек турди. Кейин қаддини ростлаб:

— Ҳа... кимдир тоғора қоқяптими? — деди. — Ҳа-я, кишлоқнинг номи «қўзи»-ю раисининг лақаби «бақа» бўлганидан кейин ҳар хил овозлар чиқаверади-да. Биз бунақасига кўникиб кетганмиз. Тоғора сенларники, тешилгунича чалаверларинг.

— Сен ўзингни гўлликка солма, бола. Қамбар лайчангнинг ис олиб кетганини билмайди, деб ўйлаяпсанми? Аслинг хўкиз-у, лекин юзта тулкига дарс бераман, деб чиранасан. Энди тан олавер: гиройлар масаласида тенглашдик. Учений масаласида олдинда-

миз. Энди қаёққа бориб додласанг, додлайвер.

Тешабой оқсоқол нозик ердан ушлади. Буни ҳарбийлар тилида «уруш эълон қилмасдан жанг бошлаш», дейдилар. Лекин Турсунали полвон бу зарбадан гангийдиган анойилардан эмас. Унинг жанг аслаҳалари ҳамиша тайёр туради. Жанг бошлаш учун ҳарбийлар замбаракларини шайлайдилар, Турсунали полвоннинг замбараги ҳам, танкаси ҳам, ракетаси ҳам бир — пичинглар билан ўқланган тил! Тешабой оқсоқолнинг гердайиб айтган ганидан сўнг аслаҳаларнинг барчаси буйруқ кутмаёқ жангга киришиб кетди. Бундай тўқнашув қишлоқ аҳли учун ҳам, ўзлари учун ҳам янгилик эмас. Биров бу олишувлар сонини ҳисоблаб чикмаган. Лекин эҳтимоллик назариясига биноан саналса, бугунгисини 3333 — тўқнашув деб белгилаш мумкин. Гап сонда эмас, балки барча тўқнашувларнинг бир хилда бошланиб, бир хил мазмунда давом этиб, бир хилда натижасиз якун топишида. Бу олишувни улар ўзларича «жанг» деб ҳаёл қиладилар, аслида эса гапларини ёдлаб олиб валақлайдиган аскиячиларнинг қилиқларидан кўпам фарқ қилмайди.

— Ў, оғайнижон, бақақурилдоқда бақа қуриллаб қолибдими, а? Сал тормозни босинг, яна дамнингиз чиқиб кетмасин... — Турсунали шундай деб важоҳатини намойиш қилиш учун кўприк томон бир қадам босди. Унинг режаси бўйича ошнаси «бу ёққа ўтиб уриб қолади шекилли?» деб чўчиб тисарилиши керак эди. 3332 марга дўқ уриб, кўприкдан ўта олмаган одамнинг энди журъат қилиши нисбият назариясига тўғри келмас эди. Ошнаси жойидан жилмагач, узокдан туриб ўққа тутишни маъкул кўра қолди: — Эй, менга қарагин сен, гапирганинда ўйлаб гапирасанми, қанақасига олдиндасан?

— Чўмичбойнинг ўғли диссертациясини ёзиб бўлибди.

— Э хали шунаками? Ёзиб бўлибдиларми? Ошнажон, Қарғақишлоқдаги Кумри жинни ҳам ўнта диссертацияни ёзиб қўйганмиш. Унинг ҳам асли сенларда, а? Чўмичвойиннинг ўшадардисар ўғли аввал диссертациясини ёкласин, қоғозини Масков-

дан олсин, унгача-чи, сен бола бсхужжат гапларинг билан менинг бошимни котирма. Сен ўзи азалдан лақмасан. Агар мен ёнингда бўлмаганимда урушда ўлиб кетардинг. Ҳозир ётардинг Полшанинг бир ботқоғида чири-иб. Фашист сенга ўхшаган лақмаларни отишни яхши кўрарди.

— Сен тескари гапларингни айтиб, жиғимга тегаверма. Библиб кўй: сени одам қилган мен бўламан. Битта ҳам ўрисча гапни билмайдиган довдирни ким ёнида олиб юрарди? Командир «Ложис!» деса, югуриб кетадиган ким эди? Госпиталдалигимда тоzza адабингни еган экансан-ку? Ўзинг айтувдинг, эсингдан чиқдимми?

— Воҳ, шу гапни дастмоя қилиб юрибсанми? Кўнглингни кўтариш учун айтганман. Уруш масаласида менга осилма, бола. Сен простой соллаг\* бўлиб юрдинг. Мен капрал\* эдим, а? Сендан битта медал кўпроқ олганман.

— Ўша медалинг ҳалолмас, сотиб олгансан.

— Вей, ростданам эсинг оғиб қолибди, бола!

— Олдинлари индамас эдим, энди айтийми? Ўша немис асирларини сен тутмаган эдинг. Володка тутиб кслаётганида беш кути «Беломор» попиросига сотиб олгансан. Агар финг десанг, райкомга ҳам айтаман, военкомга ҳам айтаман. Шармандаггни чикараман.

— Энди бунақа гап чиқардингми? Мен беш дона попиросга «шнапс» сотиб олганман. Куйдиргингга ўзинг ҳам ичувдинг-ку?

Ҳа, ичгап эди. Немиснинг ароғини биринчи марта ўшанда та-тиб кўрганди. Мазаси ҳали ҳам оғзида турибди, дейиш лоф бўлар-ку, лекин иккинчи шишасини бўшатишгач, ошнасини кучоклаб, ўпиб, «рахмат» дегани ёдида. Бирок ҳозир буни тан олмоғи олишувнинг мағлубиятидан дарак эдиким, ҳаёт чах-чах уриб кулиб турган онда Турсунбой оксокол учун бу ортиқча машмаша эди.

«Шнапс» масаласи ўртага кўйилганда кишлокнинг кунчиқар томонида колхоз райси кўринди. Унинг ёнидаги тепакал, кўзой-накли одам Собитали даражасида бўлмаса ҳам гарангрок аҳволда эди. Собитали уларни кўрди-ю Камбаралини бу ерда, бу ахвол-



да кутишдан маъно йўқлигини англаб, иззати борида секингина орқага қайтиб, уйига кириб кета қолди. Икки чолнинг икки даканг хўроздай туришини кўрган раис эса нима гаплигини билиш учун уларга ҳалал бермай, берирокда тўхтади. Уларни сезмаган Турсунали полвон жимиб қолган ошнасини бутунлай пачоқ қилиб ташлаш мақсадида ҳужумини давом эттирди:

— Шунини билиб қўй, бака! Турсунали полвоннинг шарманда-синини чиқарадиган одамнинг ҳали катта дадаси ҳам туғилгани йўқ, ха!

— Сен яхшиликни билмайдиган мол экансан. Ким сенга «хўкиз» деб лақаб қўйган бўлса, адашибди. Эшитдингми, райондаги ҳамма хўкизлар йиғилиб, райкомбувага арз қилганмиш. Келиб-келиб бизларни шу нодонга тенглаштирасизларми, дейишганмиш.

— Ҳали биз нодон ҳам бўлдикми? Қани, хов бақавой, зўр бўлсанг қурилламай буёкка ўт-чи!

— Сен хўкиз, маҳаллангда туриб олиб, ўкираверма! Кекирданг узилиб тушмасин тагин!

— Вей, оғимнинг остида қуриллайвермагин, сен, беҳос босиб олсам, пачоқланиб ўласан-а! Ҳали мен маҳалламда туриб олиб керилибманми? Билиб қўй: мен сен сўтак билан ҳар қанақа жойда гаплашаман. Ўн иккита бола туғдириб қўйган эркакман мен. Мен хўкиз эмас, букаман! Бешта боладан кейин исписат\* қилинган эркакмасман!

— Оғзингга қараб гапир! Дўхтир хотинимга «Энди туғсанг — ўласан», деган.

— Бу гапни миллион марта эшитганман. Хотининг..

Худди шу гапни пойлаб тургандай муъолишдан Тешабойнинг хотини Рисолат чиқиб келсами! «Хотининг бип-бинойи юрибди, ўзинг латтасан!» демоқчи бўлган Турсунали полвон гапини ямлаб юта қолди. Рисолат эса кулимсираганича эрининг ёнига турди-да, у билан қуюқ сўрашди:

— Ассалому алайкум, мулла ака, дамликкина юрибсизми? Бо-

лалар, неваралар, овсинларим ҳам юришибдими?

— Қайси овсинларни сўраяпсиз? Иккови ҳам кўкариб чиққан-ку?

— Ҳа-я, эсгинам курсин, тилим ўрганиб колганда, сўрайвераман.

— Ўзингиз яхшимисиз, келин, ошнам калай, кечаси алахсираб, сизни қўрқитмаяптими?

— Вой, нега алахсирайдилар, ана, туппа-тузуклар, Худога шукур.

— Куппа-кундузи алахсираяпти-да, шунга хайрон бўлиб сўраганим. Сиз бу болани ҳадеб кучоқлаб ётавермай, дўхтур-пухтурга ҳам кўрсатиб туринг. Ошнамни қариганида «пуф сассикка» чиқариб қўйманг. Сизга керак бўлмаса, бизга керак. Қараш кўлингиздан келмаса, жавобини беринг. «Тешабой акажон!» деб кўкрагини захга бериб оҳ-воҳлаб ётган бевалар бор. Фашистни ўқидан сақлаб келиб, сизга ижарага топширганман-а, агар тўксонга етмай ўлиб қолса, трибуналда жавобини берасиз. Бунақа кетворган йигитнинг қадрига етмаган хотиннинг жойи — турма!

Хотини келгани учун одоб сақлаб турган Тешабой оксоқол бошқа тоқат кила олмади:

— Э, бўлди, ўчир! Жа-а узун сура қилиб юбординг; — деди жеркиб. Сўнг хотинига юзланди, — Ҳа, нима дейсан?

— Ҳамробону қаймоқ олиб келибдилар. Уни ҳам самоворхонага чиқарворайликми?

Ҳамробонунинг номини эшитгач, «Буқаман!» деб керилаётган Турсунали полвон момик юнгли қуёнга айланди — колди. Тешабой оксоқолнинг зийрак нигоҳи буни сизди. Атай овозини кўтариб сўради:

— Ким дединг?

— Ҳамробонуни айтаман, қаймоқ олиб келибдилар, барака топгур.

Тешабой оксоқол кўзини ошнасидадан узмаган ҳолда яна қайта сўради:

— Қайси Ҳамробону?

— Вой, дадаси, кишлоқда Ҳамробону нечта экан? Ўзингизнинг синглингиз-да.

— Э, ўзимнинг синглимми? Мен Жанжалқишлоқлик Ҳамробонумикин, дебман. Келгани яхши бўлибди. Омма фахм-фаросатдан берганда синглимга. Худо бераман, деса хусни ҳам беради, фаросатни ҳам ботмон-ботмон беради. Қаймоқни ҳам, сомсапи ҳам, узумни, иссиқ нонларни ҳам самоворхонага чиқар. Бугун кишлоғимизда тўй ҳисоб.

Эридан топшириқ олган Рисолат изига қайтди. Тешабой оқсоқол эса кўприк томон бир қадам босиб, ғолиб одамнинг тантанавор овози билан деди:

— Ҳа, ошна, дамнинг ичинга тушиб кетдимми? Шохинг ҳам кўринмай қолди-ку? - - Турсунали полвон олишув яқунланганига ишора қилиб қўл силтади-да, орқасига ўгирилди. Тешабой оқсоқол эса ғолиблик нишонини қўлга киритгандай қувониб, уни тўхтатмоқчи бўлди: — Ҳа, ҳов ўғил бола, каёққа?

— Сен билан валақлашишга вақтим йўқ. Экстренний мажлис чақиртирганман. Тайёрланишим керак.

— Ҳа, тушунарли, эркакларингни мобилизация\* қилмоқчимисан?

— Сен эркакларнинг ишига аралашаверма.

— Овора бўлма, ҳов эркак! Жуда-а зўриқавермагин, бизга егаман, деб яна белларинг чиқиб кетмасин.

Шу пайт бояги муюлишда аввал Рисолат сўнг Ҳамробону кўриндилар. Шу муюлиш бундан олтмиш-олтмиш беш йил муқаддам ҳам бор эди. Олтмиш-олтмиш беш йил муқаддам ҳам Турсунали полвон шу ерда умидвор қўзларини шу томон тикиб турарди. Йўқ, айнан шу ерда эмас, ўн икки қадам юкорирокда эди. У дамда катта тут дарахти бўларди. Мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган Турсунали шу дарахт панасида туриб, муюлишга тикиларди. Ҳамробону кўришса, юраги темирчининг босқонидай уриб-уриб кетарди. Танасидан жон чиқиб кетгандай бўлаверарди.

Ҳамробону бошқага тегди. Турсунали ҳам бошқага уйланди. Орада урушга кетди. Фашистнинг ўқидан кўркмаган одам Ҳамробонуни кўрганда титрашини барибир бас қила олмади. Аёлларнинг ёши улғайса, бошқаларнинг кўзига қари бўлиб кўринадилар. Биринчи муҳаббат қурбонлари учун эса улар ўн саккиз ёшликларича қоладилар. Аёлларнинг юзлари шафтоли қоқи бўлиб кетганини бошқалар кўрадилар, биринчи муҳаббат қурбонлари эса чиройни янада очувчи ажинга маҳлиё бўлаверадилар. Овозлари-чи? Овозлари кўнғирокдайлигича қолаверади.

Шу кўнғирокдай овози билан салом берди. Ширингина кулиб ҳам қўйди. Олтмиш-олтмиш беш йилдан бери бу жилмайиш Турсунали полвоннинг жонини олишга қасд қилади, аммо ололмайдди. Қалбини омбур орасига олиб бир бураб азоб беради-ю, шу азоб тўрига ташлаб кетаверади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Юраги шу азоб тўрида типирчилаётганида Тешабой оқсоқол гапириб қолди:

— Ўт, деб дағдаға қиятувдинг, ўтайинми?

Бу ёқимсиз овоз эгаси дўсти бўлмаганида, аниқроғи, Ҳамробонунинг акаси бўлмаганида сойнинг бетига сакраб ўтиб, текилаб ташламаганида ҳам, бир-икки шапалоқ уриб хумордан чиқарди. Бунинг иложи йўқлиги бир алам бўлса, тилига тузукрок гап келмай қолиши яна бир алам эди.

— Вей... сен... бор... ўша самоворхонангга...

— Бораманам-да, тўй тўйдек бўлсин-да, — шундай деб синглиси кетган томонга маъноли қараб қўйгач гапини давом эттирди: — Синглимга беш кетаман-да. Етмишдан энди ошди-ку, омма хусни тариқча хира тортмади. Фаросатга-ку, гап йўқ...

— Бўлди-е, нима, синглингни бозорга солиб, сотмоқчимисан?

— Ҳа, сенга нимага алам қиялти? Синглимни бермаганимга ҳалиям ичинг куяди-да, а? Худойимга шукрки, ўшанда мени адаштиради. Синглимни сенга берганимда иккита хотинингга қўшиб уни ҳам ўлдирворардинг. Хўкизга хотин чидармиди?

— Синглингни менга бермаганинг сенинг эмас, менинг бах-

тимдан, ҳа! Синглингга уйланганимда ўша куёвингга ўхшаб мениям ўлдиртирворардиларинг. Ўн иккита болам белимда кетворарди. Аслида-чи, синглингнинг ўзи менга хуштор эди. Кўнгли қолмасин, деб йўлига совчи юбориб кўюдим. «Йўк» деганларингдан кейин суюнчисига кўй сўйиб, худойи қилганман. Асли куёвингнинг пешонаси шўр экан, ўша бечорага насиб қилди.

— Сен гапни бошқа ёкка бурма. Куёвим тракторда аварий бўлиб ўлди.

— Э, бу бир баҳонаи сабаб. Сенларнинг сассиқ гапларингга темир ҳам чидамайди. Бола бечора ҳам чидолмай, ўзини тракторнинг тагига ташлаб, сенлардан қутула қолган. Ҳозир юргандир мазза қилиб ҳуру ғилмонларнинг кучоғида.

— Сен тухмат қилма, синглимга етишолмаганингдан аламдасан!

— Ол-а, ўша олма қоқи синглингни пишириб е! Сенинг синглинг менинг хотинларимнинг олдида нақ қурбақанинг ўзи эди.

— Ким қурбақа?

— Ака қурбақа бўлганидан кейин сингил ҳам қурбақа-да!

— Шунақами?

— Шунақа!

Тешабой оқсоқол ўзини «бақа» тугул «итбалик» деса ҳам парвойига келтирмасди. Аммо гап синглисининг шаънига бориб тақалгани учун чидаб туrolмади. Сойдан сакраб ўтди-ю ошнасининг ёкасидан олди. Даҳанаки жангнинг бундай оқибатини кутмаган раис уларни ажратишга шошилди. Боши гаранг лектор эса жойида қотиб тураверди.

## МУРОСА КЎПРИГИ

— Ҳой-ҳой, тоғажонлар, яна нима бўлди сизларга? — деди раис Турсунали полвонни Тешабойнинг чангалидан бўшатиб.

— Манави бақани кўрмайсанми. Сакраб ўтиб вақиллайди-я!  
— деди Турсунали полвон ошнасини туртиб.

— Аввал ким бошлади? Ичи кора бу боланинг, бизларни кўролмади. Бугун гирой хотинлар бўйича буларга етиб олдик. Шунга алам қияпти. Алам қилса, думингни тишла, ҳов хўкиз!

— Яна шу гапларми? Анавинда нима девдим? Агар шунақа талашаверсаларинг, иккала қишлоқни қўшвораман, деганмидим? Ана энди шу ишни қиламан. Шу йилиёқ кўчасизлар.

Аввал ҳам раис шундай деганди, тўғри. Лекин бу сафарги оҳангида пўписа эмас, қатъийлик сезилиб, иккала ошна хушёр тортди-да, бараварига сўради:

— Нима дединг?

— Адирда битта қишлоққа бирлашиб, уй-жой қиласизлар.

— Ҳазиллашяпсанми? — деди Турсунали.

— Обкомнинг қарори чиққан. Бунақа ишда ҳазил бўлмади. Бу ерга завод курилади.

— Қанақа завод? — деди Тешавой.

— Заводга ўхшаган завод-да. Сизга барибир эмасми? Масков шу жойга куришни лозим топибди. Уларга раҳмат деб қўйишимиз керак.

— Раҳмат айтишга шошмайроқ тур, бола, — деди Турсунали полвон зарда билан. — Ўша заводни адирга курса бўлмас эканми?

— Бўлмас экан. Лойиха Масковда тасдиқланган, — деди раис ўжарлик билан.

— Масковингни ҳам билмайман, лойиха — пойихангни ҳам билмайман. Завод керак бўлса, ана, адирга курдиравер. Агар шу қишлоқни буздирсанг, менинг ўзим шу заводингни портлатиб, кулини кўқларга совураман. Сен «Полвон тоғам аравани куруқ олиб қочяпти», дема. Гитлерга кучим етганми, заводингга ҳам етади. Агар заводинг битгунича ўлиб қолсам, гўрдан чикиб келиб бўлса ҳам портлатаман.

Шундай деб кетмокчи бўлиб бир қадам босди-да, сўнг тўхтаб, Тешабой оқсоқолга қараб гапини давом эттирди:

— Агар шу ерга куриш шарт бўлса, ана у томонга курдиравер.

— Нега энди биз томонга курдирар экан? — деди Тешабой

бўғилиб. — Ана, сенинг қишлоқчанг шунақа заводга жуда мос.

— Ҳой, бака!

— Ҳа, хўкиз!

— Бас килинглар. Бу масалани идорада гапашамиз. Бугун меҳмон бор. Қани, лектор ака, бери келинг, герой тоғаларимиз билан танишиб кўйинг: Турсунали тоғам Шербилак қишлоғининг оқсоқоли. Тешабой тоғам Шерқўзи қишлоғининг оқсоқоли. «Қаҳрамон она»лар бўйича ўзаро социалистик мусобақа ўйнашган. Бугун бу соҳада икковлари тенглашишибди. Ўроқбойнинг хотини учта тукқанмишми?

— Ҳа-да, Худо бераман деса кўшқўллаб беради-да! — деди Тешабой оқсоқол худди ўзи туғиб қойиллатиб қўйгандай гердайиб.

— Бу ҳам гап, ҳовликма ошна. Ҳали ўзим роддомга\* бориб экспертиз\* қилдириб келаман.

— Нимани экспертиз қилдирасан. Вой нодон-ей, ишонма-ясанми?

— Ишонмайман. Қишлоғингда учта туғадиган хотин йўқ.

— Сен қаердан биласан?

— Эркакларингга бир қарагин: каттиқроқ аксирворсам, йиқилиб тушяпти-ку? Учта туғадиган хотиннинг эри камида мендай бўлиши керак. Сенлар апиристеанлар\*. Битта тукқан бўлса иккитасини кўшиб ёздиргансанлар.

— Раис ўғлим, гапларини эшитдинг-а? Энди ўзинг бош бўлиб, ростанам экспертиз қилдирасан. Бунинг овозини ўчирмаса бўлмайди.

— Хўп-хўп, тоғажонлар, ҳеч бўлмаса меҳмоннинг олдида ўзларингни тутинглар. Меҳмон Тошкандан келганлар ахир.

— Ие, шунаками? Келинг, келинг, меҳмон. Эсон-омон юрибдиларми? — Турсунали полвон шундай деб меҳмон томон кучок очиб борди-да, кўшқўллаб сўрашди. — Бугун дастурхонимизнинг тўри сизники. Меҳмонга жонини берворадиган тангилар шу шербилакдилар бўлишади!

— Меҳмон бугун бизникилар. Бизда тўй бугун, — деди Тешабой оқсоқол бўш келмай.

— Тўйинг ўзингга сийлов. Меҳмон ўз оёқлари билан бизнинг кишлоққа кириб келдилар. Ҳозир пойқадамларига қўй сўямиз. Қамбарали, ҳов Қамбарали...

— Биратўла хўкиз сўяқолмайсанми?

— Сенга ўхшаб бака сўймасман. Францияликлар бақа ейишар экан-а? Раис, Франциядан тўртта меҳмон айттиргин, келиб, буларнинг уруғини қуритиб кетсин.

— Энди гап бундай: меҳмон кеча «Социализм»да хизматда бўлиб, пича толиққанлари учун райком режаларини ўзгартирибди. «Коммунизм»га бормай, бугун оқшомгача бизда меҳмонлар. Лекцияларини ўқиганларидан кейин қўшни районга ўтишлари керак.

— Ие, дакалатчимилар\* ҳали?

— Ҳа, марказқўмнинг лектори ўртоқ Кесганбоев.

— Нималарни ўқиб берасиз, дакалатчи меҳмон? — деб сўради Турсунали полвон ғашлик билан.

Бу савол лекторнинг ланж танасига қувват бергандай бўлди. Чунки у маъруза қилиши лозим бўлган мавзуси ҳақида гапиришни жуда-жуда яхши кўрарди. Бунинг учун унга махсус минбар бўлиши шарт эмас. Чойхонада ошналари ҳузуридами ё бошқа жойдами барибир гапни бошлаб юбораверади. Ҳатто қайнотаси олдида ҳам туғишни режалаштириш ҳақида тўрт марта маъруза қилиб эди. Тўрт мартасида қайнотаси чидади, аммо бешинчисида аччиқланиб, уришиб берди. Лекторга бу малол келмади, бошланиб яқунланмаган маърузасини кечқурун уйида хотинига ўқиб берди.

— Бола туғилишини режалаштириш ва кўп туғишнинг олдини олиш, — деб жавоб килди лектор, кейин алоҳида фахр билан кўшиб қўйди: — Мен бу масалада Москвадаги махсус семинарда иштирок этиб келганман.

— Нима, қайтаринг-чи? — деди Турсунбой оқсоқол.



— Бу мавзу Тошканда тасдиқланган. Ҳамма ерда ўқилиши шарт, — деди раис сўнг кескинроқ оҳангда кўшиб кўйди: — гиди-биди қилиб юрманлар.

— Ўқилиши ва айтилган масалаларга риоя қилиниши зарурдир, — деб таъкидлади лектор.

— Раис, мени калака қиляпсанми? — деди Турсунали полвон.

— Бу ҳазилакам масала эмас! — деди раис янада жиддийроқ оҳангда.

— Шунақами? Унда дакалатингни мана бунинг қишлоғида ўқи. Хотинлари учтадан болалаб ётишибди. Эри аксирворса ҳам боши қоронғу бўлиб қолади хотинларининг. Ҳа, айтмоқчи, бугун уларда тўй. Тўйга жуда ярашади-да бунақа дакалат. Ҳов ошнам, бунақа меҳмон туя сўйиб чорласанг ҳам келавермайди. Худо етказди уни сенларга.

— Раис, меҳмон дакалатини шу қишлоқда қилаверсин, — деб эътироз билдирди Тешабой оқсоқол. — Дакалатчи болам, бу тоғангизнинг нечта боласи бор, биласизми? Ўн иккита! Хотинлари туғишдан чарчаб, ўлиб кутилишган бундан. Бу таниса, бешта боласини танийди, қолганини танимайди. Ҳовлисидаги кизларига қараб «Сен кимнинг боласисан?» деган. Ўзим гувоҳман.

— Лақиллама. Бу бир кайфда бўлган. Шуни гап деб гадойнинг тўрвасига ўхшаб, минг йил кўтариб юрибсанми? Дакалат сенинг қишлоғингда бўлади, бошқа гап йўқ.

Раис қарасаки, можаро чўзиладиган. Шу боис гапни шарт кесди:

— Бундай қиламиз, сизлар одамларни тўплайсизлар. Ёш оилалар кўпроқ бўлсин. Кексаларни овора қилмасаларинг ҳам майли. Лектор ана, ўртада, кўприкнинг устида туриб маъруза қиладилар.

— Бизнинг қишлоқда экстренний мажлис бор. Бугун одамлар банд.

— Бизда тўй... — Тешабой оқсоқол шундай деб сўз бошлади-да, кейин раиснинг қулоғига шивирлади: — Раис ўғлим, дакалат қилди, деб қоғоз ёзиб берақолмайсанми? — Бу таклифни

айтди-ю, жавоб кутмай лекторга юзланди: — Ўғлим, биз томонларга бир келиб қолибсиз. Сизни хизматга қўйиш биз учун уят. «Социализм»да силлангиз курибди, бугун меҳмонимиз бўлиб бир яйранг. Тўйимизнинг тўри сизники. Дакалатингизни ўзимга секин айтарсиз. Биз ёшларни чақириб, насихат қилиб қўямиз. Бу ёғини шошилмай, режа билан секин олиб бораверишади.

— Йўқ, ўртоқ оқсоқол, — деди лектор унга бошдан-оёқ разм солиб. — Сиз масаланинг сиёсий томонини тушунмаяпсиз. Биз партия сиёсатини ҳар бир омманинг ўзига шахсан етказишимиз керак. Бу ишда кўзбўямачилик кетмайди. Бу масаланинг қандай бажарилишини Москвадан ўртоқлар келиб текширишлари мумкин. Ўртоқ раис, сиз ҳам бунинг аҳамиятини сезмаяпсизми? Мен сизда сиёсий кўрликни сеза бошляпман.

Бу гапдан раиснинг энсаси қотса-да, сир бой бермади:

— Ўртоқ Кесканбоев, отахонларнинг гапларига эътибор берманг. Белгиланган пайтда одам тўпланади. Лекциянгизни ўқийсиз, бошқа гап йўқ.

— Ҳа, шунақа бўлсин, аудиторияни тезроқ тайёрланг. Менга қишлоқ аҳолисининг сони ва мажлисга келганлар сони ҳақида алоҳида справка берасиз. Мажлис иштирокчиларининг рўйхатини олишни унутманг Ҳа, бу масалада приписка\* қила кўрманг.

Раис бу пўписани эшитмагандай лекторни қўлтиғидан олиб, изига қайта бошлади. Икки оқсоқол бир-бирига савол назари билан караганча бир оз турди. Кейин иложсиз эканликларини тан олиб, Тешабой оқсоқол кўприк томон, Турсунали полвон эса уйига қараб юрди. Турсунали уч кадам қўйгач, раисни чақириб, тўхтатди:

— Раис, тўхта, акаси айлансин. Берироқ кел. Дакалатчи меҳмон, сиз секин бораверинг. Раиснинг қулоғига айтадиган икки оғиз сўзим бор.

Тешабой оқсоқол ҳам тўхтаган эди Турсунали полвон уни ҳам йўлига тўғрилаб юбора қолди:

— Сиз ҳам бораверинг, ошнам. Тўйингиз сизсиз хувиллаб

қолмасин, — Раис яқинлашгач, унга тик қаради: — Раис бола, сенинг отанг нақ ўғил бола эди. Биттагина гапирдими, тамом, бошқа нари-бери бўлмасди. Омма сен ота ўғил бўлмадинг. Ваъдани бериб қўйиб, кейин орқага қараб...а?

— Турсунали тоға, бунақанги номардлик бўлмади шекилли?  
— деди раис елка қисиб.

— Шекилли? Сенинг киндигингни ким кесган биласанми?

— Биладан, сизнинг биринчи хотинингиз.

— Ҳа, биласан. Ўшанда ота ўғил бўларсан, деб янглишган эканман. Бунақа бўлишингни билганимда ўшанда моягингни ўзим кесиб ташлардим.

— Оббо... Тоға, баъзан жуда ошириб юборасиз-да. Айтинг, гуноҳим бўлса.

— Елкангда бир тоғ кўтаролмайдиган гуноҳ бор, бола. Қани, эсла-чи, кимларни далага ҳайдаб олиб чиқиб ишлатмайман, деган эдинг?

— Ҳа, уми... — раис айбини бўйнига олган боладай изза чекиб ерга қаради, — Энди... вазият баъзан ўзгаради-да.

Раис-ку, айбига иқрор бўлувчи ўқувчи бола хилидан эди, аммо Турсунали полвон гуноҳни кечирувчи меҳрибон ўқитувчи тоифасидан эмасди.

— Йўк, сен айт, кимлар чиқмаслиги керак? Жавоб бер саволимга! — деди у жазо тайин эканидан хабар берувчи таҳдид овози билан.

— Уфф... хўп... ҳомиладор аёллар, эмизикли жувонлар...

— Яна?

— Янами? Келинчаклар.

— Хўш?

— Айтяпман-ку, вазият...

— Вазият-пазиятингни билмайман. Агар кўлингдан келмаса, белбоғингни еч-у ишингни йиғиштир. Белбоғсиз юриш ярашади сенга. Отангинг лақаби «буқа» эди. Лақаб томонидан яқинлигимиз бор, а? Омма сенга бу лақаб ҳайф. Бундан буёғига сен ғуна-

жин бўласан.

— Тоға, ҳақорат қилманг, ҳар нарсанинг чегараси бор.

— Ҳақорат дейди-я! Бунақа гаплар оз сенга. Изаура деган кинони кўрясанми? Кеча хўжайини чўри кизга нима деб дўк урди, эшитдингми? Агар менга тегмасанг, далага чиқараман, пахта терасан, деди. Тушундингми шунга? Мексика деган томонларда ҳатто кул хотинлар ҳам далада ишламас экан. Чўрининг далада ишлаши бир жазо экан. Сен-чи?

Кинони пеш қиласиз-а! Хотинлар ишламаса, ким ишлайди далада? Эркакларингиз бозордан бери келмаса. Хотинларингизнинг ярми иккиқат, ярми эмизикли. Райком отнинг калласидай план берган бўлса. Планни Ойша холам бажарадими?

— Сен эркакларга таъна қилма. Томорқага қараб, бозор-ўчар қилмаса, бола-чақаси оч қолади. Сен берадиган пулга мушук офтобга чиқмайди. Сен ошиқча ҳақ тўлама, ишлаганига яраша тўғри бергин-чи, буларнинг қорни тўйса, бозорнинг юзини кўрмайди. Қишин-ёзин далада бўлса, планингни ортиғи билан дўндириб берса-ю чўнтагига хемири тушмай, икки кўлини бурнига тикиб колаверса.

— Айб мендами? Бунақа масалаларни Масков ҳал қилади.

— Масков ҳал қилса, бор ўша Масковига!. Горбачевига кир. Қайта қурларинг, деяпти, сенам қайта куравер.

— Сизга гапириш осон, тоға...

Раис шундай деб чуқур уф тортди. Турсунали полвон унинг дардини хис этди. Бирок, сир бой бермай, хужумни давом эттирди:

— Шунақами! Унда билганингни қил. Омма мен сени яна бир огоҳлантирдим, бола. Агар ўзингнинг билганингдан қолмасанг, чакалоқлигингда қилмаган ишимни энди қиламан. Мени биласан-а, мен Гитлернинг ўзига ҳам сўзини бермаган полвон тоғанг бўламан!

Турсунали полвоннинг дўқ-пўписага якун ясовчи гапи раис учун янгилик эмас. Бу гапни дастлаб эшитганида ўзича: «Гитлер

зап вақтида захар ичиб ўлган экан-да, тириклигида бу одамнинг қўлига тушиб қолса, шўрини куритиши аниқ эди», деб қўйган эди. Ҳозир хаёлидаги гапни тилга кўчиришга шайтон бир васваса қилди-ю, бироқ раис ўзини тутиб олди. «Хўп бўлади, хўп», деб қуллук қилди-да кета бошлади. Турсунали полвон: «дакалатчингни бир бало қилиб чалғитиб, адаштириб кел, бу ерларда мияни ачитмасин», деб қолаверди. У бир масалани счолмай гангиди: бир томондан ҳукумат кўп фарзанд кўрганларни «Қахрамон она», деб кўкларга кўтаряпти. Яна бир томондан мана бунақа лекторларни юбориб, туғишга қарши тарғибот қиляпти. Бу икки сиёсатнинг қай бири маъқул, тушуниб етолмади.

## ЗАНЖИРБАНД

Раис беш-ўн кадам қўймай муюлишдан чикиб келган Турғуналига рўпара бўлиб, тўхтади. Колхознинг мохир тракторчиси эмас, ўн уч боланинг отаси сифатида таникли Турғунали қўлини қовуштирганича салом бериб, ёнлаб ўтиб кетмоқчи эди, раис йўлини тўсди:

— Ҳа, гирой йигит, юрибсанми? Кечқурун идорага бор-чи...

— Нимага, раис бува? — деди Турғунали хануз қўл қовуштирганича.

— Нимагалигини билмайсанми? Тракторнинг ҳаққини тўлаб кўясан.

— Айб менда эмас, раис бува, — деди Турғунали йиғламсираб.

— Идорага боравер-чи, айб кимдалигини билиб олармиз, э сендақа гиройдан ўргилдим.

Раис шундай деб тез-тез юриб кетди. Қўл қовуштирган Турғунали унинг изидан мўлтиллаганича кўз тикиб қолаверди. Турсунали уйига кирмай унга бир оз қараб турди-да, кейин чақирди.

— Ҳа, йигитнинг гули, нима гап? — деди худди ҳеч нарсадан хабари йўқдай.

— Шу раисингиз одамни қон килиб юборади-да, — деди Турғунали алам билан.

— Тракторингга нима бўлди? — Турсунали Турғуналининг ҳамон кўл ковуштириб тургани сабабини билмагандай унга эътиборсиз гапирарди.

— Ҳа, уми?.. — Турғунали гарданини кашимокчи эди, кўли банд экани эсига тушиб, ноқулай ахволда қимирлаб олди. — Ҳеч нима бўлмади. Эртаман кетяпсам, дарахт кўчанинг четгинасида турган эди. Кечкурун қайтаётиб карасам, жойида йўк. Дарахт деганингиз йўлнинг қоқ ўртасида турибди, денг. Ким кўчириб ўтказибди, хайронман.

— Шунақами? Биров кўчириб қўйибдими? У неча йиллик чинор, биласанми ўзинг? У экилган замонда отанг бобонгнинг планида ҳам йўқ эди.

«Булар нима учун гапимга ишонипмайди-я?» деб ўйлади Турғунали ўкинч билан. Чиндан ҳам у алдамаётган эди. Чинорнинг йўл четида эканини биларди. Лекин кечкурун қайтишида рўпарасида иккита дарахт пайдо бўлиб қолди. Ғирт маст эмасди, калласи жойида эди. «Асли дарахт битта, лекин негадир кўзимга иккита бўлиб кўриняпти. Қайси бири ҳақийқийси-ю қайси бири кўзимга кўриняпти?» деб ўйлади ҳам. Бироқ, саволига жавоб топишга улгурмай, трактори бир нимага қарсиллаб урилди. Назарида ҳақиқий чинор дарахти ўрнидан жилиб, унинг йўлига чикиб олгандай бўлди...

— Шунга хайронман-да. Юз йиллик чинорни ким кўчириб ўтказиши мумкин? — деди у хўрсиниб.

— Сен одаммисан ё шайтоннинг баччасимисан? Мени лақиллатмоқчи бўляпсанми? Сенга ичма, ичма деб минг марта айтдимми ё миллион мартами?

— Миллион мартамас-у... аммо айтгансиз.

— Хўп, энди сени нима қилиш керак?

— Бўлди тоға, бугундан бошлаб бу ёғи тормоз.

— Сенинг тормозларинг кўпайиб кетмадими? Бунақа юри-

шингда ҳаётингга ҳам тормоз қилиб қўймагин?

— Яхши нафас қилинг-е, тоға. Шу денг, бу савил ўзимга ҳам ёкмайди. Лекин оқшомга борганда томоғим ўз — ўзидан ғиппа бўғилади. Шу савилдан бир қултум ютмасам, нафас ололмай қоламан.

— Маҳамат қассобнинг гўшт осадиган илгагини кўргансан-а? Билиб қўй: яна ичсанг, бўғилиб қолувчи томоғингдан ўша илгакка илинасан. Ўша ҳолда ўласан, омма ўлганингдан кейин ҳам кўмдирмайман. Пашшаларга ем бўлиб, ириб тураверасан. Бўйнингга «алкашнинг ҳоли шу» деб ёздириб қўяман. Шунда бошқаларга ибрат бўласан.

— Қўйинг тоға, бунақа деманг. Болларим бор, уволимга қола-сиз.

— Увол дейди-я! — Турсунали полвон аччикланиб, қўлини кўтарди. Турғунали унинг бекорга қўл кўтармаслигини билгани учун бўйинини қисиб, букилиб олди. Қўлини кўтарганда Турсунали полвонда чиндан ҳам уриб юбориш нияти бор эди. Бироқ унинг аҳволини кўриб, фикридан қайтди. Кўтарилган қўл бекор қайтмасин, дебми, сскингина туртиб қўйди. Ургандан туртган ёмон, дегандай шу секингина турткининг ўзидан Турғунали йикилиб тушай деди. Турсунали уни елкасидан ушлаб, каддини тиклади: — Сени ўлдирган одам савобга қолиб, жаннатга бепул киради. Шу болаларинг бўлмаганида, аллақачонлар ўлдирворардим. Миллион фашистни ўлдирган одамга биттагина сассиқ алкашни ўлдириш нима экан! Қишлоқни позорларга қолдирдин!

— Тавба қилдим, полвон тоға. Пирларим ҳаққи қасам ичаман.

— Э ўчир-е, ўзинг нимасанки, пиринг нима бўларди. Менга қара, хотининг гирой, а? Ўн учта боланг бор, а?

— Ўн тўртта шекилли? — Турғунали шундай деб, «адашмадимми?» дегандай Турсунали полвонга тикилди.

— Қанақасига ўн тўртта? — Турсунали полвон «наҳот мен адашдим?» дегандай Турғуналига қаради.

— Қайдам, кеча хотиним дийдиёсини ўқиётганида «ўн тўртта

оғизга қандай овқат етказиб бераман», дегандай бўлудди.

— Ўн тўртинчи оғиз ўзингсан, аҳмок! Агар бу ковок каллада бир грам ақл бўлса, ўйлаб кўр-чи, бирортасининг тўйини кўрдингми? Кўрмадинг. Хўш, болаларингнинг тўйларини кўрмай, ўлиб кетаверасанми?

— Нега ўларканман?

— Кеча Худо бир асрабди-ку? Қани, ўзинг айт-чи, сен галварсани Худо қачонгача асраши керак? Худонинг сен аҳмоқдан бошқа ташвиши йўқми? Асраб-асраб, бир кунмас бир кун «ол, нима бўлсанг — бўл!» деб юборса ўласан — қоласан. Кўзингни оч, бола! Ҳалиги гап — гап. Сенинг аварий\* қилиб ўлишингни пойлаб ўтирмайман. Ичдингми, тамом — осиласан. Ичишни ташласанг, ўзим сенга нақд минг сўм бераман.

— Шундан келмайсизми, нукул «осаман, осаман» дейсиз. Ташламаган — номард. Беринг мингни.

— Ҳозирми? — Турсунали полвон унга «сен жиннимисан ё менми?» дегандай қаради-да, захарли кулиб, бошқа гапни айтди: — Онадан ақлли бўлиб туғилганмисан, ё ичовруб — ичовруб шунақа ақлли бўлиб кетдингми?

— Ўзингиз айтдингиз-ку?

— Мен сенга минг сўм берайинми? Сен олгин-у Собитали билан қўшилишиб, икки алкаш бир бўлиб, икки кунга қолдирмай қурутларинг-а? Сен аҳмоқнинг аҳмоқ гапларингга лаққа тушадиган аҳмоқ отанг аллақачон ўлиб кетган, э, бола!

— Полвон деган номингиз бор, гапдан қайтманг-да энди.

— Гапдан қайтган — ҳажикиз. Яқин орада катта кизингни тўй қилиб узатамиз, пулни ўшанда оласан.

— Тилингизга асал-е, тоға! Совчилар келавериб тентагимни чиқазишаётувди. Қўлим сал калта, денг. Пулим бўлганда эртагаёқ тўй бошлаворардим.

— Кимлардан келяпти совчилар?

— Атроф қишлоқларданам бор, райсентрданам бор. Шеркўзидан ҳам чиқишди.



Турғуналини уриб юборишга тайёр турган Турсунали полвон бу хабарни эшитгач, сергакланди, гапининг оҳанги ҳам ўзгарди:

— Тўхта! Сен бола, улар билан гапни калта кил. Бу кизни бегона кишлокқа бермайсан. Қизинг ким, ўйлаб кўр-чи? Гирой онанинг кизи-я! Сен зотдор сигирингни бошқа қишлоққа сотган бўлармидинг?

Агар бошқа одам бўлганида «қанақа одамсиз ўзингиз, қизимни сигирга ўхшатасизми?» деб ранжиши мумкин эди. Турғунали ҳозир бу кўпол ўхшатишни мулоҳаза қиладиган аҳволда эмасди. Шу боис соддалик билан:

— Бунақа сигирим йўқ, полвон тоға, — деди.

— Бу бир омади гап-да. Биз келажакда гирой бўладиган қизларимизни бегона кишлокқа бермаймиз.

Бу қарор Турғуналининг эзгин руҳига канот берди, қаддини ғоз тутди:

— Унақада ваъдангиздаги мингга яна беш юз кўшасиз, — деди дадиллик билан. Бу талабни савдолашаётгандай эмас, балки қарзини ундиришга қасд қилган одам каби айтди. Бу талаб Турсунали полвонга «Қани, Полвон тоға, беш юз қарзингиз бор эди, чўзиб кўйинг-чи!» дегандай эшитилди.

— Нега энди? — деб сўради полвон, хайронлигини яширмай.

— Райсенг томонларда калин пули кўпроқ, бизда баракаси йўқ.

— Хўп, кўшсам кўшарман.

Турсунали полвоннинг осонлик билан кўниши Турғуналида шубҳа уйғотди.

— Яна бигга гап бор-да? — деди чайналиб.

Турсунали полвон яна аввалги дўк оҳангига кўчди:

— Нима дейсан?

— Ўзимизнинг қишлоқдан харидор йўқ.

— Бекор айтибсан! Бугун-эрта кутасан совчиларни.

Турсунали полвон шундай дегач, Турғуналининг ҳамон кўл ковуштириб турганини энди сезгандек ажабланиб қаради:

— Ҳа, яна нима дардинг бор? Қўлларингни туширсанг-чи, жуда сертаъзим чикиб қолдинг-ку?

— Камбарали кўринмадими, тоға? — деди Турғунали бошига оғир ғам тушган киши овози билан.

— Уни нима қиласан, туширсанг-чи қўлингни.

Турғунали иккилана-иккилана, охири қўлларини туширди. Шундагина елкаси оша енглари орасидан ўтказилиб, икки учига қулф урилган занжир кўринди.

— Бу қанақаси? — деб сўради Турсунали полвон бошини сарак-сарак қилиб.

— Камбаралининг иши бу, тоға, — деди Турғунали йиғламоқдан бери бўлиб. — Доим менга бир қайнови ичидаги ҳазилларини қилади. Бултур атайин менинг номимга пул тўлаб, «Собаководства» деган журнал ёздирибди. Уйимга ойда икки марта итлар ҳақидаги журнал келавериб, иснодларга қолиб кетдим.

— Лакабинг «ит» бўлганидан кейин нақ ўзингнинг журналингни олгансан-да.

— Сиз ҳам шунақа дейсиз-а! — Турғуналининг ҳафсаласи пир бўлиб, қўл силтамоқчи эди, занжир шарақлаб кетди. — Кеча очиги... Камбарали билан ҳам киттак-киттак оғувдик. Учиб қолган эканман, шунда занжирлаб кетибди-да. Қулфнинг калити ўшанда.

— Қулфнинг калити менда, — Турсунали полвон шундай деб чўнтагидан калит чиқарди.

— Ие, сизга берибди-да, — деди Турғунали умидсизлик билан.

— Сен аҳмоқни ўзим кишанлаганман. Тракторингни дарахтга ургангидан кейин нима қилдинг, эсингдами?

— Эсимда. Омон қолганимнинг хурсандчилигига Худога шукур қилиб, Камбарали билан киттак-киттак қилдик.

— Кейин-чи?

— Кейин... — Турғунали қанча ўйланмасин, эслолмади.

— Кейин уйингга бориб, хотинингни ургансан, сеп аҳмоқ!

Калла борми, сенда?! Гирой хотинни уришга сенга ким ҳуқуқ берди? Ўғлинг югуриб келди олдимга.

— Қайси бири келди?

— Сенга нима фарқи бор?

— Отасини қайси бири сотганини билиб қўяй-да?

— Сотқинни ҳали сенга кўрсатиб қўймайин?!

— Тавба қилдим, тоға.

— Тавбанг қабул эмас. Бир ҳафта шундай юрасан. Сенга жазо — шу!

Турсунали полвон шундай деб шарт ўгирилди-ю уйига кириб кетди. Турғунали гулханга отилган бечора ҳолида куйиб қолаверди. «Полвон тоғам бир ҳазиллашди-да, ҳозир чиқиб, қулфни ечади. Одамни қулфлаш одам қиладиган ишмас-да, ахир» деган умидда эшикка умид билан қараб турди. Кейин умиди ушалмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўзига ўзи гапирганича нари кета бошлади.

— Гирой хотинни уриб бўлмас эмиш. Э, ўргилдим, бунака ҳаётдан. Уриб бўлмаса, оғзини тикиб қўй. Тинмай жаврашига ўзим чидасам ҳам қулоғим чидамай кетяпти. Туғавериб-туғавериб қоқидай қовжираб қолди. Қоронғида кўрсам, кайфим учиб кетади. Хотинни янгилай десам, бу хўжайин, — шундай деб орқасига ўгирилди-да, Турсунали полвоннинг эшигига қараб олди, — қўймаса керак. «Гирой хотинни простой\* хотинга алмаштириш мумкинмас», деган закун чиқариб қўяр.

## **«КАПИТАЛ»НИ ЗАМОНАЛИ ЁЗМАГАН**

Гузарда овозлар тингач, уйда ўтиравериш тинкаси қуриган Собитали Қамбарали келгандир, деган умидда, аниқроғи Қамбарали ваъда қилган зорманданинг умидида эшигини очиб, ташқарига қаради. Занжирбанд Турғуналинини кўрди-ю аввалига қотиб қолди, кейин қулганича кўчага чиқиб, унга рўпара бўлди:

— Ис, ҳа, братан? Бу нимаси? Янги мода топдингизми? Зўр-

ку? Қани, мундай айланинг-чи, орқани ҳам кўрайлик, — деди масхара оҳангида.

— Масхара қилма, бу ўзингнинг бошингда ҳам бор, — деди Турғунали алам билан.

— Батканинг қўлига тушибсиз-да, а? — деди Собитали ҳамдардлик билан.

— Шунақа бўлиб қолди, — деди Турғунали хўрсиниб. — Бундан кўра Азроилнинг қўлига тушганим яхшироқ эди. Яшашнинг қизиги қолмади, ука. Ичсанг — бу аҳвол. Гирой хотинни уриб бўлмаса, у қилиб бўлмаса, бу қилиб бўлмаса... Э!..

— Ака, гапингиз худди Замоналининг гапига ўхшайди. Райкомда нима деганини эшитдингизми?

— Қайси Замоналини айтяпсан?

— Яккачинорлик сувчи-да. Ўшани кўярда қўймай партияга ўтасан, деб райкомга олиб боришибди. Райкомда аклли зотлар кўн бўлади-да, бечорани турғизиб қўйиб, тоzza саволга тутишибди. Битгаси «ичасанми?» деб сўрабди. «Ҳа», дебди. Ичишини биласиз-ку, симирворади. Менинг бир хафталигимни у битгада олади-ю боши грамм оғримайди.

— Боши бўлса оғрийди-да. Ўша зўринг мен билан ичиша олмаган. Хурсандалининг тўйида бормидинг? Ярим йўлда қолдириб, пач-чағини чиқариб ташлаганман, — деди Турғунали фахрланиб.

— Хўп, бу масалани алоҳида ўтириб ечамиз. Энди давомини эшитинг: хуллас, иккинчи доно «чекасизми?» деб сўрабди. «Чекаман, хўлу куруқ қайсиниси тўғри келса, олавераман», дебди. Учинчиси «Бегона хотинлар билан дон олишиб турасизми?» дебди. У «Эркак бўлганимиздан кейин шўнғиб турамиз-да», дебди.

— Шу ерини яна оширвординг. Бунақа иш келмайди унинг кўлидан.

— Гапни бўлмайд туринг. Хуллас, райком бува «Энди ўрток Со-тволдиев, бу иллатларни ташлайсизми?» деса, Замонали «Хўп, акаси жонидан, ташласам ташлай», дебди. Шунда яна битгаси «Айтинг-чи, ўрток, сиз партияга жонингизни бера оласизми?»

деб қолибди. Замонали ҳам тап тортмай: «Берганим бўлсин, акаси жонидан, ичмасам, чекмасам, бегона хотинларга қарамасам, менга бунақа жоннинг нима кераги бор?» дебди-да. Энди саволлар тугади шекилли, деб чиқмоқчи бўлса, райком бува «Капитал»ни ким ёзган?» деб сўраб қолибди. Замонали «Менинг бунақа ёз-ёз одатим йўқ, ўғил бола гап шу: уни мен ёзмаганман», дебди.

— Тўғри, у ёзмаган. Ёзадиган боламас у. «Капитанни ёзгансан» деган бўлса, участкавой капитанни айтгандир-да. Уни ёзса анави телпакчи Шокирали ёзади. Капитан ундан чўтал олавериб, тентагини чиқариб юборган.

— Вей братан, кулоқми бу ўзи ё дастурхончининг супрасими? «Капитан» эмас, «Капитал» деган китоб боракан.

— Китоб? Э, кўй, Замонали китоб ёзарканми? Уч йил армияда юриб, энасига битта хат ёзмаганиди. Энаси бечора «болам ўлиб кетгандир», деб юрган экан.

— Замонали-ку ёзмаган, буниси аниқ. Лекин ўша китоб райкомга қарши ёзилганга ўхшайди. Хуллас, райком бува «бу ишни тскшир», деб милисага айтибди. Замоналини райкомдан тўғри турмага тикиб кўйишибди. Икки кун деганда бўйнига олибди-да. «Капитал»ни мен ёзганман», деб тилхат берибди.

— Бўйнига олган бўлса, ўлибди бола. Энди нақ отиб юборишади.

— Йўқ, тилхатни олиб чиқариб юборишибди. Кеча биллалашиб роса отганмиз. Турмадан кутулиб чиққанини ювганмиз.

— Олиб қочма, «ёзганман» дейди-ю милиса индамайдими?

— Индолмабди-да. Райкомга борганида партияга қабул қилиб кўйишган экан. Коммунистларни қамаш мумкинмасмиш. Кейин ким ёзганини райкомнинг ўзи аниқлабди чоғи.

— Ким ёзган экан?

— «Маркс» дегандай бўлдиёв.

— Маркс ёзган бўлса у бола бечорага нега осилишади?

— Уларнинг ишига ким тушунарди? Даъво қилгиси келса қилаверади-да. Вей братан, бунақа туришда эзилиб кетасиз-ку, ким-

нинг иши бу?

— Кимники бўларди?.. Хотинди урган эмишман. Гиройни уриш мумкинмасмиш.

— Шу батка ҳам жуда ошириб юборди-да! Кеча менам сал учиб қолган эканман, денг, эртаматан қарасам, хотин йўқ. Уйига кетиб қолганмиш. Батка нима дейди? Хотинимни уч талоқ қўйганмишман. Учта эрга тегмагунча қайтмасмиш.

— Сенинг ишинг осон экан.

— Нимаси осон?

— Хотининг ёш, тегаман, деса учта эр топилади. Бир ойдан турса, уч ойдан кейин яна ўзингники-да.

— Вей, братан, чулдираманг.

— Меники қийин, ука, хотинни ярим талоқ ҳам қўя олмайман. Йигирма йиллик пўстакдай курукшаб кетган хотинга ит ҳам қарамайди. Унга учта эр топилиши қийин. Кайфчиликда «уч талоқсан» деб юборган бўлсам, уйим қуяди.

— Тушунмадим? Топилмаса яхши-ку! Талоқ бўлиб юраверди, сиз бошқасига шартта уйланиб, кайфни сураверасиз.

— Қани эди шунақа бўлса. Сен менинг хотинимни билмайсан. У — гирой! Туғишга ҳам гирой, мени пийпалаб ташлашга ҳам гирой. Талоқ қилсам, онасиникига жўнаворди, деб ўйлайсанми? Бе, кетиб бўпти! У менинг думимга челак боғлаб ҳайдайди. Болаларни ҳам ёнимга қўшиб беради. Ўн учта болали трахтирчига биров тегармиди? Болаларнинг иштонини ювиш билан куним ўтаверади

— Ўзи боллардиям жа-а экворгансизда. Шартмиди шунча? — деди Собитали унинг елкасига аста муштлаб.

— Шартликка шартмас-а, омма менга хотиннинг росаям туғонғичи учраб қолган-да, — деди Турғунали афсус билан. — Эски чопонимни ёпиниб ётса ҳам иккиқат бўлиб қолаверади-я! Саккизинчисини тукқанида унга айтдим, «ке, энди қулф уриб қўя қол», дедим. Гапимга кириб бир йил туғмовди, полвон тоғанг нақ революция қилиб юборди-ку? Хотининг икки йилда гирой бўл-

маса, қишлоқдан чиқиб кет, юрибсан эркакман деб, шарт қўйди.

— Батка зўр. Шартни бажармасангиз ёнингизга кириб ётиб олишдан ҳам тоймайди. Батка менга ҳам шунақа топшириқ берган. Ўринга ётишим билан батка биқинимдан туртгандай бўлаверади. Хотин ҳам хайрон. Намунча актив\* бўлиб кетяпсиз, дейди. Батканинг зуғумидан унинг хабари йўқ-да! Омма сизга яхши, энди сизга бунақа дўқ-пўписа йўқ. Охиргиси қиз бўлди-а?

— Нега қиз бўларкан, ўғил! — деди Турғунали ғурурланиб.

— Адашманг, қиз эди, братан.

— Сен қаёқдан биласан?

— Янги меҳмонни қачон ювамиз, деганимда «Эсинг борми, кизди ҳам ювадими?» девдингиз. Оти нима, эсингиздами?

— Нимага эсимда бўлмасакан? Охиргиси аниқ ўғил эди. Хотиним ҳам айтган. Отини... ҳозир айтаман. Дилшодалидан кейин Беҳзодали, кейин Шерзодали, кейин Шаҳзодали. Кейин...

— Кейингиси — Войдодали! — ўзининг бу ҳазили ўзига мойдек ёқиб, ҳузурланиб кулди.

— Сен кулма, бола, ҳозир бошим тарс ёрилиб кетай деб турибди.

— Бош оғриқдан сиз гапирманг, мен куймай ака. Қатик ичувдим фойда бермади, «дори»сини қилмасак бўлмайди, уйда борми?

— Бе, хотин зоти уйда «дори»ни қўйиб қўярканми? Молхонадаги гўнгнинг орасига яширсам ҳам топибди-ку!

— Унда ҳозир йўлини қиламиз. Қамбаралининг телевизори бузилган экан. Бугун кун бўйи боқади бизни.

— Кун бўйи?

— Йўли бор-да. Ҳозир қирамиз. Телевизорини тузатаман. Юзта-юзтани отволамиз. Кейин пешинда бизни ўзи кидириб топади.

— Қанақасига?

— Шунақасига. Телевизорини пешинга қадар ишлайдиган қилиб тузатаман. Телевизорнинг яхшилаб тузалиши учун устани

бир кун боқмаса бўлмайди.

Шундай фитнани мўлжал қилиб туришганда Қамбаралининг ўзи келиб қолди. Батқасининг топишириғини тезроқ бажариш учун югурганми, ит қувган мушукдек бўлмаса-да, ҳар ҳолда хан-сирарди. Уни кўриши ҳамон Собиталининг қоронғи кўнглига чирок ёкилгандай бўлди.

— Қани, акахон, биз тайёрмиз, тузатамизми телевизорни? — деди халоскорига пешвоз чиқиб.

— Ярим соатдан кейин. Биласан-ку, Батка экстренний мажлис чақирган.

— Мажлис бошқа шўрпешоналарга аталган. Биз кириб ишни бошлайверайлик.

— «Биз» дейсанми? Бу акамиз ҳам билла тузатадиларми? — Қамбарали шундай деб Турғуналининг енгидан чиқиб турган қулфни ўйнаб, қулди: — Зўр-ку? Мучалингиз буқами, дейман-а?

Айни дамда Қамбарали фақат Собиталига эмас, Турғунали учун ҳам халоскор мақомида эди. Шу боис унга илтижо билан боқиб деди:

— Қамбарали, бунинг калити сенда эмиш, а?

— Бу менинг ишим эмас, ака. Батка айтди, мен занжир билан қулф олиб келиб бердим халос.

— Айтса олиб келаверасанми? Тополмадим, деб кўйсанг ўлармидинг?

— Батка топмаганимга қўярмиди? Заводига бўлса ҳам жўнатарди-ку.

— Энди бир амалла.

— Иложи йўқ.

— Вей, калит кидириб юрасизми, ё эговлаймиз ё арралаймиз, тамом-да!

— Қани, бир уриниб кўр-чи, занжирни ўзингнинг бўйнингда кўрарсан. Батка ўзингни эговлайди, буни точно биламан.

Собитали билан Турғунали бошларига тушган дунё ташвишларидан қандай кутулишни билмай гарангсиб турганларида



Турсунали кишлоғи эркакларини исноддан кутқариб қолиш чораларини изларди. Бу одам тилига келган гапни қайтармай валаклайверади, дегувчилар янглишишади. Тўғри, баъзан шунақа ҳам бўлиб туради. Аммо мажлисда валаклайдиган одати йўқ. Ҳар қандай йиғинга, айниқса, ўзи белгилаган мажлисга астойдил тайёргарлик кўради. Шу боис, Турсунали полвон отасини беҳурмат қиларди, деган гапга ишониш мумкин-у, бироқ, «мажлисга бефарқ эди», деган гапга инонмаслик керак. «Мажлис — сиёсат дегани. Сиёсатни менсимаган одам ўзини беҳурмат қилади» — унинг бу ақидасига ҳалигача биров қарши чиқмаган. Ҳозир ҳам мажлисда айтадиган гапларини ўйлаб, пишириб олди. Эгнига ярим харбий кийимини кийди. Жанговор нишонларини аргиб, ялтилатди. Шундан кейингина кўча эшигини очиб, ташқарига чикди. У кўчада кўриниши билан Турғуналини «кишан»дан озод қилиш масаласи ҳал этилмай, ҳаммаларининг дамлари ичларига тушиб кетди. Турсунали Собитали билан Турғуналига гапириб турган Қамбаралини кўргач, аччиқланиб, бақириб берди:

— Қамбар! Нимага ивирсияпсан? Анави алкашларни ёнингга олиб, жой тайёрла. Мактабга хабар қилдингми, пионерларни юборадиган бўлишдими?

— Бу ёғи беш бўлди, Батка.

— Ҳаммаси қоидали бўлсин. Президиум қил. Гул қўйишни унутма. Хў-ўш... президиумга кимларни сайлайсан, яна довдираб юрмагин.

— Ҳаммаси точна бўлади, Батка, сиз савсем\* хавотирланманг.

— Алкашларнинг бурнини ерга ишкаб ишлат, омма занжирини еча кўрма. Бир ҳафтага ҳукм бўлган, ечдинг — ўзинг тушасан. Мен дакалатимни ўқиб чикқунимча ҳаммаси тайёр бўлсин, — шундай деб тайинлагач, яна уйига кириб кетди.

— Эшитдиларингми? — деди Қамбарали «кўрдиларингми, менга ҳам осон эмас», деган маънода қараб. — Қани, юрларинг.

— Вей, братан, биз телевизорингни тузатайлик, бизни сиёсатга аралаштирма, — деди Собитали орқасига тисарилиб.

— Ўлиб қолмайсан, уч-тўртта стул ташиб берасан, халос. Сен юр, акамга майли, узрли.

Собитали ночор равишда унга эргашиди. Турғунали ечилмай қолган кулф ташвишидан бир азобланса, Қамбаралининг уйида ичилмай қолган арок хуморидан минг азобланиб қолаверди. Қамбаралини инсофсиз деймизми ёки фаросатсизми, ҳар ҳолда Турғунаolini бу аҳволда ташлаб яхши иш қилмади. Ўғил бола деган бунақа бўлмайди-да! «Турғунали ака, бош оғриқнинг азоби бизга ҳам маълум, сиз меникига кириб туринг, келинингиз бир пиёлагина қуйиб беради, кейин биз келиб биллалашиб давом эттирамиз», деса энасининг ҳаққи кетадими! Бир қишлоқда яшаб, битта ариқнинг сувини ичган одамда раҳм-шафқат бўлмаса, бошқаларга қийин экан-да!

## ФИТНА

Турғунали дунёдан умидини узган чорасиз одам ҳолатида бир-бир босиб сой бўйига борди-да, тиз чўкди. Одамлар орасида «тушингни сувга айт!» деган ибора бор. Турғуналида сувга айтадиган туши йўқ, лекин дардлари бор. Ўзи ҳам сезмаган равишда у дардларини сувга тўка бошлади:

— Худойим бунча ҳам мени ёмон кўриб қолмаса. Бир чеккада ўсиб турган дарахтни трахтиримнинг рўпарасига келтириб қўйса. Анави, — шундай деб Турсунали полвоннинг уйи томонга қараб қўйди, — оғзи полвонларнинг қўлига занжир — кулфни бериб қўйса...

Турғунали дардини сувга айтаётган маҳалда «экстренний мажлис»га чорланган азаматларнинг энг фаоллари бирин-кетин кела бошладилар. Султонани, Нурани, Миралилар сой бўйида ўтирган Турғуналига ажабланиб қарадилар. Ҳамқишлоқларининг пайдо бўлганларини сезмаган Турғунали эса Худога бўлган зорини давом эттирди:

— Эрталаб бир қултумгина зормандага зор қилиб қўйса. Худо-

га нима ёмонлик қилган эканман, хайронман. Юзтагина ичаман. Ичаману ётаман. Бировга зарарим тегмаса. Ичишимнинг нимаси гуноҳ, хайронман? Ароқни мен ўйлаб топибманми? Уни Худонинг ўзи бериб қўйган бўлса. Шу Турғунали деган бандам трахтир хайдайвериб, хотинини роддомга ташийвериб эзилиб кетди, юзтагина отиб хумордан чиқсин, деб яратган бўлса-ю, мен ичмайиноқ бу дунёдан ўтиб кетсам Худога беҳурматлик бўлмайди-ми? Булар хурмат-пурмат деган нарсани биладими ўзи? У дейди, бу дейди... Хў-ўш... қиёматда Худо «Турғуналивой, мен яратиб қўйган дорини назарга илмадингизми? Нега юзтагина отиб кайфингизни сурмадингиз? Ароқнинг ўзи харом эмас, кайфи харом», деб қолса нима деган одам бўламан? Хотиним рухсат бермади, дейманми? Хўш, кимнинг гапи гап? Хотиннинг гапими ё Худонинг гапими? Э Худо, яна бир марта Худолигингни қилгин: насибамга яна юз граммгина қўш. Ҳозир шуни отиб олмасам, ёрилиб ўламан, ўзинг товонимга қоласан. Сал ўзимга келволайин, кейин ташласам ташлай шу зормандани. Лекин... кейин ҳам «ичавер» десанг, яна ўзинг биласан. Мен Худонинг гапини қайтарадиган номард бола эмасман.

Бу ҳасратни эшитган ҳамқишлоқлар ўзларини тутишга ҳарчанд уринишмасин, кулиб юбордилар. Турғунали бу кулгидан чўчиб, орқасига каради-ю «булар осмондан тушдиларми?» дегандай гарангсиб қолди.

— Ҳа, Турғунали ака, баҳай? Тушингизни сувга айтяпсизми? — деди Нурали.

— Туш, дейсан-а! Ҳаммаёқ ағдар-гўнтар бўлиб кетди. Яшаш-диям қизиғи қолмади, ука! — Шундай деб ўрнидан турган эди, ҳамқишлоқларнинг кўзлари кулфга тушди-ю кулгини авжга чиқардилар.

— Ие, кулфлар куллуқ бўлсин! Кимдан ҳадя бўлди, ака? — деди Султонали.

Турғунали «шуни ҳам билмайсанми, нодон», дегандай Турсунали полвоннинг уйи томон имлаб қўйди:

— Кимдан бўларди...

— Э, бундан ранжиманг асти. Қувонинг акахон, сиз нақ Гитлернинг ўзи билан тенглашибсиз, — деди Нурали уни елкасидан кучиб.

— Масхара қилма, ука, ўзи ўлолмай турибман, — деди Турғунали зорланиб.

— Масхаралаганим йўк. Ахир полвон тоғам «Нақ Гитлернинг қўлларига кишан урганман, нақ Жуковнинг ўзи «Маладес, Турсунали!», деган» деб минг марта айтганлар-ку?

— Разведкага боришгани-чи? — деб гапга аралашди Мирали.

— Қани, қани, бу янгиси шекилли?

— Яна латифа тўкиб юрибсанларми? Унака қилмаларинг. Уруш ҳазиллашадиган нарса эмас, — деди Турғунали норози оҳангда.

— Латифа эмас, бўлган гап, — деди Нурали. — Хулласи, командир бу иккала полвонга «Биттагина немисди тутиб келларинг», деб буюрибди. Хўп, деб кетишибди. Тешабой тоғам йўлда «Менга қара, Турсунали ошнам, биттагина немисди деб иккаламиз сандирақлаб борсак уят эмасми? Бу гап кишлокка етиб борса иснод-ку?» дебдилар. Бу гап Турсунали тоғамга маъкул келиб «Тўғри айтасан, сен шу ерда тура тур. Сен носдан ташлаб оловур. Шу носди тупургуниингча битта немисди оркалаб келмасам юрган эканман», деб кетибдилар. Шу денг Тешабой тоғам носковокдаги бари носди чекиб тугатсалар ҳам оғайниларидан дарак йўғмиш. Бу ёғи шом тушаётганмиш. Шунда тоғам тушмагур бир тепаликка чикволиб, «Турсунали, хов Турсунали!» деб бақирибдилар. Полвон тоғам ўша якин орада эканлар, «Ҳа, нима дейсан!» дебдилар. «Немисди топдингми?» сўрабдилар. Тешавой тоғам. «Ҳа, топдим», дебдилар Турсунали тоғам. «Нечта топдинг?» «Ҳа, тўрттагинасини топиб кўйдим.» «Топган бўлсанг, опкемайсанми?» «Оборай десам, бу зангарлар мени кўйворишмаяпти-да!» деб жавоб берган эканлар.

Нурали тўқиган бу латифа янги бўлмаса-да, ҳамроҳлари ку-

лишди. Турғунали эса «хе, эси йўқлар!» деб тескари ўғирилди.

— Ҳа, Турғунали ака, бу гапларга кулмайсиз ҳам? — деди Мирали тегишиб.

— Шунақа аҳмоқ гапга ҳам кулаверадими одам деган, — деди Турғунали унга қарамай.

— Бошқа сабаб ҳам бордир? — деди Нурали. — Бош оғриятгандир, а?

— Бу гапинг ҳам тўғри, бош ёрилай деб турганда кўнгилга кулгу сиғами?

— Яна «бошим қоронғу», денг? — деди Нурали унинг биқинига аста туртиб.

— Масхаралама, дедим сенга!

Ҳамқишлоқларга пайров учун гап топилган эди. Шу боис Турғуналининг норозилигига эътибор бермай, Султонали гапни илиб кетди:

— Бошлари қоронғумасдир, кеча кечкурун довдираб юрган эканлар, беҳос «ой кўрган»дирлар. Ой кўрганда ҳам бош оғрирмиш, а?

— Бу туришларига караганда ой эмас, нақ эналарини кўрганга ўхшайдилар, — деди Нурали.

Турғуналининг астойдил аччикланаётганини сезган Мирали унга яқинлашиб, елкасига қўлини қўйди-да, худди меҳрибон отадек деди:

— Хафа бўлманг, ака, булар ишқи йўқ — эшшак, дарди йўқ — кессак. Бировнинг дардини билармиди? Бош оғриётган бўлса, иложини кидирмай, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

Турғунали ҳамдард топилганидан хурсанд бўлиб кетди. Агар ҳозир қўли кулфлоғлик бўлмаганида уни кучиб олишдан ҳам тоймасди.

— Собитали иложини топувди, — деди у чуқур хўрсиниб. Агар сувдан ажралган балик тилга кириб гапира олсайди, худди шу оҳангда хасрат қилиб, худди шундай хўрсинган бўлармиди... Турғунали дардини чала қолдирмай, янада аламли оҳангда изох

берди: — Қамбарали унга устол ташиятпти, ҳозир мажлисмиш.

— Қамбаралига ишондингизми, у Алдар кўсанинг устози-ку? Сизларни лақиллатган.

— Лақиллатса, телевизор тузалмайди, — деди Турғунали ишонч билан. — Собитали анойимас. Яримга қўймагунча иш бошламайди.

— Унда уч кишига бўламиз, меники ҳам тортиб турибди, — деди Мирали уни елкасидан қаттиқроқ кучиб. Бу таклиф Турғуналига маъқул келмай ўзини четга олди:

— Сен орага сукулма. Ичмайман, деб қасам ичгансан. Қасамни бузма, ёмон бўлади бола.

— Акажон, тутун қайтарманг энди. Мен ичмайман, деб қасам ичган бўлсам, сиз Миралини зўрламайман, деб қасам ичмагандирсиз?

— Кўй, ука, бу бошқа масала. Биз ичсак ярашади. Ҳар ҳолда «гиройнинг эри» деган номимиз бор. Сенам аввалига хотинингни гирой қилиб олгин, сўнг хурмачангга сиққанича отавур.

— Мирали, хиралик қилаверма. Сен кўшилсанг, насибалари яримга бўлади, — деди Султонали. Бу танбеҳ Турғуналини бостириб келаётган ташвиш булутидан қутқарди. Мирали шерик бўлишини писанда қилганида арок тўла пиёлани қўлидан тортиб олгандай туюлган эди. Султонанининг гапидан кейин бир томчиси ҳам исроф бўлмай, ўзига қайтариб берилгандай бўлди.

— Тўғри айтасан, нафси ёмон бунинг. Наҳанг балиқ ҳам бунчалик ичмасов, — деди у Султоналига миннатдорлик билан боқиб.

— Бунинг ичаги тўғри, томоғидан ўтволса бас, у ёғига тўхташ йўқ, — деди Нурали уни қувватлаган бўлиб.

Улар шу йўсин Турғуналига тегишиб туришганда сойнинг нариги томонида Шоирали пайдо бўлиб, ҳазиллари барҳам топди. Шоирали шу кишлоқдан чиққан чала шоирлардан. Чала дейлишининг боиси шундаки, унда асли шоирликка ҳос укув йўқ. Туғилган чоғида отаси кимнингдир гапига кириб унга «Шоирали» деб исм берган-у бу ўғил улғайгач, «исмим ишимга муносиб

бўлсин», деб шоирликни ҳавас қилиб, шаҳарга жўнаб қолишини хисобга олмаган эди.

Яъни, яъни, яъни!

Аҳволимни кўр мани!

Яхшими шу, айт,

Севганим эрга тегиб кетгани!

Шоиралининг бу сатрлар билан назм оламига қандай кира олишини ҳамқишлоқлари билишмайди. Улар учун биттагина далил бор: Шоирали шаҳарда шоирлик қилиб юрибди. Баъзилар шаҳарга бориб бирон мартабага эришгач, қишлоғини унутиб кўяр экан. Лекин Шоирали унақа номардлардан эмас. Қишлоғини ҳамиша соғиниб яшайди. Айниқса, чўнтак бўшаб қолганида бу соғинч янада ошади. Шунда у худди мурид овлаган пирдек қишлоғида пайдо бўлади. Шаҳардаги оламшумул ютукларидан гапира-гапира, барчани ишонтира-ишонтира, ҳеч бўлмаса, бир ойга етгулик маблағ билан қайтади.

Зўр умидлар билан қишлоққа қадам кўйган Шоирали дўстларини кўрди-ю қувониб кетди:

— Атаманларга шон-шарафлар бўлсин! — деб хитоб қилди-да, сойдан сакраб ўтиб, уларни бир-бир кучоқлаб, кўришди. Бу орада Қамбарали билан Собитали стулларни кўтариб келиб қолишди. Шоирали улар билан ҳам сўрашгач, Турғуналига қараб деди: — Бу не ҳол, атаманлар, бир томонда тўй, бир томонда қишанланган қуллар?

— Баткамиз бугун эрталабдан местний националний\* мотам эълон қилганлар, — деди Султонали кулимсираб. — Энди қишаннинг сабабига келсак, бирданига учта туғдириб хотинни гирой қилиш усулларини Ўроқбой акага шу киши ўргатган, деган гумонлар бор. Ҳозир экстренний мажлисда бизнинг масаламиз кўрилади.

— Сабаб? — деди Шоирали муҳим муаммога дуч келган кишидай қошларини чимириб.

— Сабабини ўзинг биласан, бизди хотинлар гиройликка ном-

зод, — деб тушунтирди Султонали. — Яна уч-тўрт ҳаракат қилинса, хотинлар гирой, бизлар отец — маладесмиз-да! Омма мажлисдан пича хавотирим бор. Батка тушмагур хотинларинг сразу учтадан туғсин, деб социалистик мажбурият юклавормасайди. А, Нурали?

— Отец — маладес бўлгинг келаётган бўлса ўзинг бўлавер, омма мени кўшма. Батка ҳали тантанали ваъда талаб қилади. Шунда ҳам сен ўзинг учун ваъда беравер. Мени аралаштирма. Мўлжал — бешта эди. Шу Батканинг зуғуми деб еттитага олиб чиқдим. Бўлди, етади.

— Унақа демагин-да, энди. Эркак одам орқага қайтмайди.

— Орқага қайтмаганинг ахволига ана, бир қара, холига маймун ачиниб, йиғлаб-йиғлаб адо бўлади.

— Ў, зўр! Зўр ташбих бўлди! — Шоирали шундай деб бир оз ўйланди. Бу онда учиб келган илҳом париси бурни устига кўниб, оғзига тупурди шекилли, шеър тўқиб юбора қолди: — «Турғун тоға дардида бўлди хароб бу маймун, сувсиз қолди бу Жайхун, куриб қолди Оролжон!»

Илҳом парисининг эснашидан ҳосил бўлган бу сатрларни эшитган Турғуналининг фиғони кўкка учди:

— Вей бола, сен шоирмисан ё жиннимисан? Сен мени маймунга тенглаштиряпсанми?

— Ҳай, ҳай акам, ўзингизни босинг. Сизни маймунга қиёс этганим йўқ. Сиз шеър санъатига тушумайсиз.

— Ўргилдим, ўзинг тушунавер. Сенам одамидинг..

Шоирали унга норози киёфада боқиб, эътироз билдирмоқчи эди, гапга Султонали аралашди:

— Тўхтанглар, ғалва қилманглар. Хўп, шоир ошнам, бир пасда шеърни ҳам тўқиб ташладинг-а. Нима эди? «Куриб қолди Оролжон» Оролжонинг ким?

Саволга жавоб қайтаришдан олдин Шоирали унга ғолиб одамнинг мағрур қараши билан боқди:

— Орол — бу денгиз. Жайхун — Амударё. Дарёда сув камай-



иб, денгиз курияпти, тушундингми?

— Мен-ку тушундим-а, лекин Турғунали аканинг Оролга нима дахли бор? Бу бечоранинг оғриган бошига Оролжонинг давоми?

— Сулгонали, билмасанг сенам гапираверма, — деди Нурали уларнинг баҳсига қўшилиб. — Ҳали шеърнинг давоми бўлади. Давомида Турғунали аканинг ўн иккита ўғли би-ир чоптириб беришса, Оролжон ҳам тўлиб қолади-да. Шоирларнинг гаплари маъноли бўлади.

Кўтариб келган стулларидадан бирига ўтириб олганча чала-ярим аскияга махлиё бўлиб ўтирган Собиталини Қамбарали туртиб, туришга ундади. Собиталига бу онда стул ташиш азобидан кўра полвон тоғасидан мушт еб ўлиш азоби осонроқ кўринарди. У «нима қилсанг қил, турмайман», деб қўл силтагач, Қамбарали кулоғига «бу ишлар канча тез тугаса, уйга шунча тез кирамиз», леб шивирлаб, дунёдаги энг олий ҳақиқатдан хабардор қилгач, ноилож ўрнидан турди.

Муаммоларини ечиш билан банд ҳамқишлоқлар эса уларга эътибор бермадилар. Қамбарали уларга «инсофларинг борми, иккитагина устол олиб чиксаларинг-чи» демади. Чунки бу қишлоқда Турсунали полвондан кейин сиёсатни яхши тушунадиган иккинчи онгли одам айнан Қамбарали бўлади. Шундай экан, мажлисга чақирилганларга иш буюриш сиёсий хато эканига унинг ақли етмайдими?

Нуралининг гапи Шоиралига маъқул келди. Гапга мазах аралашганини сезса ҳам сир бой бермай, баландпарвоз оҳангда деди:

— Гапинг ҳақиқат мезонига яқин, дўстим. Шоирни тушунишни ўрганиш керак. Мана, «арикларнинг тагида кўприклар оқар», деганда нимани тушунасан? Нурали, сен жим тур, манави тарвуз айтсин, хўш?

— Бунинг йўли осон, ошна. Ҳозир бир калла қўйиб ағанатман-да, сўнг оёғингни осмондан қилиб анави дарахтга боғлайман. Ана шунда арикнинг тагидан оқаётган кўприкни кўрасан.

Бу гап Турғуналига маъқул тушиб кулиб юборган эди, Шоира-

ли унга норози киёфада қаради:

— Ҳа, акам, сиз нимага тушуна қолдингиз?

— Тушунганим шуки, шоир бола, — деди Турғунали, — Султонали калла урадиган бўлса, сен кўприкни эмас, бира йўла энангни кўра қоласан.

— Ўрисларнинг тузлаган тарвузида ҳам бир маза бор-у, аммо сенларда маза-матра йўқ, — деди Шоирали ҳафсаласи пир бўлиб. — Шеър эшитганда каллани ишлатиш керак. «Ариқларнинг тагида кўприклар оқар», деганда сувга кўприкнинг акси тушиб турибди, сув тоза, яъни экологический чистий, ичиш мумкин, дегани. Ке, қўй, шаҳарда шеърят асослари ҳақида баҳслашавериб чарчаганман. Бу ерга хордиқ чиқаргани келганман. Ундан кўра қандай проблемаларинг\* бор, шулардан гапирларинг.

— Ўтган сафар ҳам «проблема» деб бошни ачитувдинг. Эсингдан чиқдими? — деди Нурали. — Баткадан бошқа проблемамиз йўқ бизнинг. Шу одамнинг зуғумидан қутулсак, сал эркинроқ юрардик. Бир нимани ўйлаб топаман, дединг-у қорангни ўчирдинг. Битта ош билан етгита ароққа тушганимиз қолди.

— Бунча паст кетдинг, ошингни сб қочворганим йўқ. Ўйлаяшман. Энди, биродари азиз, ижод машаққатли, қийин нарса бўлади.

— Батканинг ижодга нима алоқаси бор?

— Сен нима деб ўйловдинг, йўл топиш ҳам ижоднинг бир тури-да!

— Сен машаққат-пашаққатингни қўятур, — деди Султонали уни жеркиб, — китобинг чиқай дедими?

— Худо хоҳласа чиқади, — деди Шоирали ишонч билан. Кейин Султоналига маъноли боқиб, пичингли оҳангда гапини давом эттирди: — Китоб чиқариш тўққиз ойда хотин туғдиришдай осон иш эмас, оғайнижон. Бунинг ҳам машаққати бор. Ўтган ҳафтада шахсан ўртоқ Эрматов ҳузурларига таклиф этиб, «китобингизни бирданига икки томлик қилиб чиқарамиз», дедилар. Ҳозир «Оксут» деган шеърый роман ёзяман. Тугатишим билан икки тўмлик чиқади.

— Эрматовинг ким?

— Ис, эшитмаганмисан? У — корректор! Нашриётнинг маъсул ходимларидан.

— Директордан ҳам каттами?

— Шундай деса ҳам бўлади. Корректор – «корреспондент ректор» дегани. Ректорни биласан, институтнинг каттаси. Корректор институтдан ҳам катта. Анов-манов одаммас.

— Елкамизга ўтириб олиб, кулоққа тепавер ошна. Бизлар шу кишлоқдан бир қадам нарига чиқмаганмиз, шу Баткадан бошқа одамни кўрмаганмизам, билмаймизам.

— Гапимга ишонмаяпсанми?

— Сенинг гапингга ишонмаган — ўғри. Фақат замоннинг ўзгариб кетганига ҳайронман, — деди Султонали. — Ўн йил олдин менинг тоғам ҳам корректор бўлиб ишлардилар. Эртаю кеч ҳарф титкилаб, хато текшириб ўтирадиган энг паст лавозим, дердилар. Энди корректор дегани шунақа катта лавозим бўлиб кетибди-да, а?

Шоирали қарасаки, гап ўйинидан латта ҳиди келаяпти. Султонали билан гап талашининг оқибати қандай бўлишини бошқалар билмаса ҳам у яхши билади. Сал олдин Султонали «бир калла кўйиб ағанатаман-да...» деганда Шоирали бекорга қалқиб кетгани йўқ. Бир ошхўрликдан сўнг бу калланинг кучи қанчалик эканини ўзи синаб кўрган. Хушига келгандан кейин «Мени мошин-пошин уриб юбордими ё Султонали калла кўйдими?» деган саволга анчагача жавоб топа олмаган эди. Ҳозир Султоналининг авзойи калла кўйиш даражасида бузилмаган бўлса-да, аччиқланиб, ҳеч бўлмаса тирсаги билан туртиб юбориши ҳеч гап эмас. Шоирали бу нохушликнинг олдини олиш учун кулди-да, унинг елкасига кўлини кўйди:

— Билармикансан, деб бир ҳазиллашдим-да, ошна. Эрматов деганим нашриётнинг бош директори бўлади. Кел, кўй буларни, проблемадан гаплашайлик. Мен, очиги Батка проблемасини ҳал қилиб келганман. Оқшомда самоворхонада битта паловхонтўра-

ни ясайсанлар, мен ечимни сенларга айтаман.

— Аввал айтасан, — деди Нурали қатъий оҳангда. — Текинни уриб, қочворишга суягинг йўқ. Бўкиб ўлмаганингга ҳайронман.

— Сенлар низкий\* пасткашсанлар, шуни биласанларми? Қишлоқларингдан биттагина таниқли шоир чиқибди-ку, битта ошга тирриклик қиласанларми? Бошқа қишлоқларда шоирларини бошларига кўтариб юрадилар. Кўчаларига номларини кўядилар. Ўлганида музейлар қиладилар.

— Сен ошна, ранжима. Шоирнинг хурматини бизлар ҳам ўрнига кўйишни биламиз, — Султонали шундай деб Шоиралининг кўлини елкасидан туширди — Ишонмасанг, шу бугуноқ ўлиб бергин, молхонага сенинг номингни бермаган — номард. Ўлигингни ҳам хор қилмаймиз. Нақ колхознинг қовоқзорига кўямиз. Ётган ерингни зиёратгоҳ қилиб кўямиз. Хотинлар келиб агрофингдаги қовоқларнинг палагига латта боғлаб кетади. Пул тўплаб, қовоқлардан ҳайкал ясаймиз.

— Султонали, шоирни ўлдирмай тур, топган гапини айтиб олсин, — деди Нурали кулиб.

— Ҳа, ошнам, ўлишга шошилмай турасан. Ҳозир ўлсанг, раис қовоқзорга кўйдирмайди. Кеч кузни мўлжаллайвер.

— Бўлди қил, — Нурали шундай деб Султоналининг биқинига туртиб кўйди-да, Шоиралига юзланди: — Планингни\* айтавер, дўстим, бунга парво қилма.

— Батканинг зуғумидан қутуламан, десаларинг..

— «Ўлдириб қутуласанлар», дема. Буниси бизга тўғри келмайди, — деди Султонали унинг гапини бўлиб..

Шоирали ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, оламшумул режасини тантанавор оҳангда баён қилди: — Гап шу: Баткани уйлантириш керак.

— Уйлантириш?

Ҳаммалари келишиб олгандай бараварига шундай дейишди-да, ўйланиб қолишди. Бир неча нафаслик сукутдан сўнг биринчи бўлиб Нурали тилга кирди:

— Умуман... яхши фикр, — деди у ўйчан равишда. — Лекин кимга? Бу букага ким тегади? Иккита хотин чидамаган унга. «Ўн иккита болага ўгай она бўламан», деб кимнинг кўзи учиб турибди?

— Бу биринчи масала, — деб Султонали унинг гапини тасдиқлади. — Иккинчи масала — унга ким «уйланинг» дейди? Кимнинг гапига кулоқ солади. Сен айтиб кўр-чи? «Энангди опке, уйланаман», демаса, юзимга тупур.

— Ҳовлиқмаларинг. Иккала масалаларингни ҳам ўзим ҳал қилиб бераман. Эвазига паловхонтўранинг ёнига олгита кизил саллалигидан кўясанлар. Бизга уч юлдузлиги ҳам тешиб чиқмайди. Учтасини биллалашиб ичамиз. Учтасини шаҳардаги биродарларимга олиб кетаман.

— Яхши, — деди Султонали бу шартга кўниб. — эплотмасанг, икки ҳисса қилиб қайтарасан.

— Бунақа шарт кўядиган бўлсанг, проблеманинг ўта муҳимлигини инобатга олиб, менам шарт кўяман: иккита проблемангни ечиб берганим учун иккита ош, ўн иккита кизил саллали бўлади.

— Биз-ку иккита эмас, йигирмата ошни ҳам эплаймиз, — деди Нурали. — Сен нимангга ишониб шартлашяпсан? Ошни битингга қилиб берасанми? Чўнтагинг тешик бўлса, шу туришингда ўзингни биров бир тангага олмаса.

— Мен раз\* айтдимми, гапимга отечат\* қиламан. Қани, кўлни ташла.

Шундай деб Султоналига кўл узатган эди, у юзини бурди:

— Мен эрталаб таҳорат қилганман. Сен таҳоратни бузасан. Ана, Нурали билан кўл ташлашавер.

Шартнинг бажарилишига ишонмаса ҳам, Нурали кўл узатди. Турсунали полвоннинг тақдири ҳал бўлаётган паллада Собитали билан Қамбарали «президиум» деб аталувчи тахт вазифасини бажариши лозим бўлган оғир столни олиб келишди. Бу стол аввал колхоз клубида савлат тўкиб турарди. Клуб таъмирланиб, анжомлар ўзгаргач, Турсунали полвон «кўп мажлисларга гувоҳ бўлган

табаррук стол», деб кишлоғи ихтиёрига ёздириб олган эди. Бу столга Тешабой ҳам орзуманд эди-ку, аммо ғафлат босиб кеч қолганди. Шунга қарамасдан, кишлоғида мажлис ўтказадиган бўлса, ошнасидан столни бериб туришни илтимос қиларди. Бу илтимос Турсунали полвонни ғоят мамнун қиларди. Стол қўлга текканда дастлаб ўзининг айвонида турарди. Кейин «одамлар колхоз столини ўзиники қилиб олди» деб гап тарқатмасинлар, деган ўйда уни кишлоқнинг этагида турувчи Шириналикига олиб бориб қўйдирди. Аслида эса... Тешабой столни биринчи марта сўраганида яқингина ердан олиб чиқиб кетавериши ғашини келтирганди. Ана энди столни узокдан ташиб келишларини кўрса, янада роҳатланади. Бироқ, Қамбаралининг бу боралаги азоби билан иши йўқ.

Стол доим турадиган жойга қўйилгач, Собитали «уф» тортиб, пешонасидаги терни кафти билан артди:

— Бўлди, бизди план бажарилди, энангни ҳаққиям қолмади. Чаласи бўлса, анавилар қилиб қўйишади. Энди юр, Батка чикқунича телевизорингни кўриб кўяй.

Собиталини энди минг ялиниб бўлса-да, ишга сололмаслигини тушунган Қамбарали ён босди:

— Сен киравер. Хотинимга айтсанг, кўрсатади.

— Нимани кўрсатади?

— Телевизор қаерда турганини.

— Телевизоринг қаерда туришини ўзим ҳам биламан. Сен...

Кўча эшиги очилиб, Турсунали полвон чиқиб келди-ю Собитали гапини тугатолмади. Қамбарали ҳам шошиб қолди.

— Ҳалиги-чи?.. — Собитали томоғига чертиб, ишора қилди.

Қамбарали «киравер, айтсанг бўлди», деди-да, Турсунали полвонга пешвоз чиқди:

— Батка, ҳаммаси шай.

— Пионерлар келишадими? — Турсунали полвон шундай деб йиғилганларга маънодор қараб қўйди.

— Қизимдан айттирвордим. Точна биламан, келишади.

## НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

Йиғилганлар Турсунали полвон билан кўришаётган пайтда Турғунали Собитали томон илҳак бўлиб қаради-ю нажотдан дарак берувчи ишорани кўриб-қўйиб ўша томон йўрғалаб қолди. Салом-алик билан овора бўлганлар икки улфатнинг қайга қойиб бўлишганини билмай ҳам қолишди.

— Ҳа, келдиларингми? — деди Турсунали полвон саломларига алик олгач. Кейин Қамбаралига савол назари билан қаради: — Баҳромали қани? Қолганлари қани?

— Томсувоққа лой ағдараётган экан, ювиниб-тараниб ҳозир келиб қолади. Бошқалар ҳам «албатта борамиз, Батканинг мажлисини соғиндик», деб ваъда беришган.

— Бошқалар-ку, келиб қолишар. Омма Баҳромалининг мажлис тугашига етиб келади. Бу имижиқнинг юришини кўрган одам асти эркак демайди. Бу лапашанг хотинининг устида ҳам ухлаб қолса керак. Бунинг ёшида одамларнинг хотини икки марталаб гирой бўляпти. Бўйинтуруғидан тортиб бошлаб келишинг керак эди.

— Лойда экан-да.

— Сени энанг чала туққан, ишларинг ҳам чала. Бўпти, ўтирларинг, бошлайверамиз. Ҳа, шоир бола, сени қайси тентак шамол учирди?

Ўзига алоҳида эътибор ажратилишини кутиб четроқда турган Шоирали югуриб келди:

— Ассомайкум, полвонлар ичра полвон тоғажон! — деб кучоқламокчи эди, Турсунали унга қўл узатди:

— Китобни чиқариб келдингми?

— Чиқай деб турибди.

— Қизил қор ёққунича чиқиб қолар, — деди Султонали унга изоҳ бериб. — Шахсан корреспондент ректор Эрматов ваъда қилибди.

Турсунали полвон бу пичингни англамади:

— Мендан олган уч юз сўмни ўшанга бердингми? — деб сўради соддалик билан.

Бу саволни кутмаган Шоирали каловланиб қолди. Султоналига хавотир билан қараб олди-да, сир бой бермасликка ҳаракат қилди:

— Бердим, тоға. Шундан сўнг иш сал юришди-да. Китоб чиқарадиганлар бекорга юрмайдиган бўлиб қолишган-да.

— Ҳа, дуруст. Лекин пулни олганлиги ҳақида Эрматовингдан тилхат келтириб беришинг керак. Билиб қўй бола, шу икки-уч ой ичида китобни чиқармасанг, бу қишлоқда қорангни кўрсатма. Бу райондан шаҳарга бориб шоирлик қиладиганлардан яна борми?

— Биттагина менман, тоға. Яна майда-чуйда шоирчалар бор-у, омма улар местний\* шоирлар. Шаҳарда шоирлик қилиш осонмас.

— Батка, бу гўсхўр районимизнинг фаҳри эмишми? — деди Султонали. Турсунали полвон унинг бу гапига эътибор бермади:

— Областда нечта? — деб сўради Шоиралидан.

— Бир-иккита учраб қолгани билан биров тан олмайди, улар ҳам местний.

— Китоблари чиққанми?

— Ҳа, энди... шапалоқдеккина чиққан. Китоб дейишга ҳам арзизмайди.

— Сеники икки тўмлик бўладими?

Султоналининг авзойи бузилиб, бир нима демоқчи бўлди-ю Турсунали полвонни уйлантириш бўйича берган ваъдаси бузилмасин, деб индамади. Бошқалар ҳам жим тураверишди. Бундан руҳланган Шоирали тормози йўқ ёлғон машинасини елдек учириб кетаверди.

— Шунақа ваъдалари бор.

— Менга қара, Нобел мукофоти бор экан-а? Кеча телевизорда айтди, бир ёзувчи олибди. Бу қанақа мукофот ўзи?

— Буми? — Шоирали «ростдан билмайдими ё синаш учун сўраяптими?» деган ўйда пича сукут сақлаб, сўнг гапни олиб қо-



чишда давом этди: -- Бу — мукофотларнинг ўғил боласи. Нак хўрози дейиш ҳам мумкин. Дунёда бундан зўрроғи йўк.

— Шоирларга ҳам берадими?

— Беради, нима эди?

— Сен... ўша мукофотни ололасанми?

Бу калтис саволга жавоб беришнинг оқибати чатоқ бўлишини сезган Шоирали Султоналига хавотир билан қараб қўйди-да, Турсуналини сал четга бошлади:

— Олишга давно\* олардим-у қўл сал калталиқ килиб турибди, пича харажати бор-да.

— Бунга ҳам харажатми? Аввал келганингда Ленин мукофоти оладиганман, чикими бор экан, деб юлиб кетувдинг. Мукофот қани? Ўша пулнинг атчети\* қани?

— Ўртада турган одам номардлик қилди. Пулни еб Масковга қочворди. Ҳозир милиса уни қидиряпти. Бу томонидан ишни пишириб қўйганман. Мукофот келгуси йили, албатта бўлади.

— Оладиган бўлсанг, пулини ўзинг еб кетовургин-у медалини кишлоққа топшир. Атрофда дўст — душман бор.

— Албатта-да! Менинг бутун ўй-хаёлим кишлоғимиз обрўйини бутун жаҳон бўйлаб таратиш-да. Икки тўмлигим чиқишини америкалик шоирлар ҳам кутиб туришибди. Сразу\* амсрикача тилга ўгирворишадиган. «Шербилак кишлоғи» деганда ҳали бутун дунё таъзим қилиб туради. Шерқўзиликлар эса сойнинг у бетида эмаклаб юрадиган бўлиб қолишади. Батка, нима қилай, Нобел мукофотига ҳаракат қилаверайми?

Шоиралининг қилиғига тоқат қилолмаган Султонали уларга яқин келиб, гапларига кулоқ тутди. Унга орқа қилиб тургани сабабли Шоирали сезмади, Турсунали полвон кўрса ҳам аҳамият бермади.

— Харажати қанча экан? — деб сўради у Шоиралининг қармоғига илиниб турганини фаҳмламай.

— Мингнинг атрофида...

Шоирали шундай дейишга деди-ю «кўпроқ айтвормадимми?»

деган хавотирда полвон тоғасига қараб қўйди. Айни дамда Турсунали полвонни сўралаётган пулнинг кам ёки кўплиги эмас, қишлоғининг обрў-эътибори кўпроқ қизиштириб турарди.

— Ўртада турадиганинг пишиқми? Пулни еб қочвормайдими?

— Что сиз\*, Батка? Бу халқаро масала-я!

— Мукофотга берадиган пули қанча?

— Бир-икки минг бор. Харажатга куйиб қолмаймиз.

— Гап шу: бу йилги узумнинг пулидан бераман. Омма еб кетарга эмас. Мукофотни олганингдан кейин тийин-тийинигача қайтарасан.

— Ие, мукофот менга керак эмас, Батка. Қишлоқнинг обрўи-ку!

— Қишлоқ сенга кўп чиқим қилди, бола. Сенам қишлоқнинг обрўи учун бир чиқим қилсанг қипсан.

Сирли суҳбаг шу ерга келганида Султонали чидолмай гапга аралашди:

— Тўғри айтасиз, Батка. Шунча пулни битта эшакка сарф қилганингизда, шу эшак кам деганда циркнинг гули бўлиб кетарди.

Ёнида тоғдек суянчиқ турганидан руҳланган Шоирали уни жеркиб беришга журъат қилди:

— Э, сен нари тур, сиёсий масалага бурнингни тикма.

— Хўп, сен энди боравер. Ҳа, айтмоқчи, болларинг кўпайдими?

— Йўк, Батка, ўғил бола бир сўзли бўлади, биласиз-ку?

— Ҳа, ўғил бола, хали ҳам ҳисоб биру нол хотиннинг фойдасигами? — деб пичинг қилди Султонали.

— Шаҳарга кўчиб кетганинг бир томондан дуруст бўлган, — деди Турсунали полвон бош чайқаб. — Эркак номини ҳам иснодларга қолдирдинг. Ҳатто отангга ҳам ўхшолмадинг-а? Учта боладаёқ отанг бечоранинг бели чиқиб кетувди. Асли сенларнинг палакларинг бузук. Хотининг киз туғиб тўғри қилибди. Сендақа ўғилдан зурриёт қолмагани яхши.

— Унақа деманг, тоға. Биринчи хотиндан ҳам битта бола бор.

Бултур Ялтага бориб келувдим, бу йил менга ўхшаган боллар туғилаётганмиш.

Турсунали полвонга бу ҳазил ёқмай, пешонасини тириштирди-да:

— Айнима, сен бола! Бор энди, бизга ҳалакит берма, — деб президиум томон юрди. Шоирали унга эргашди:

— Менам қатнашаман. Шаҳарлик шоир иштирок этса, мажлисининг нуфузи ошади.

### «ЭКСТРЕННИЙ МАЖЛИС»

— Батка, хўп денг. Қатнашаверсин, мажлисдан кейин оғзига биттадан тупуриб кўйсак, зора биздан юкиб, эркаклар қаторига кўшилиб қолса, — деди Нурали.

— Бу гапинг ҳам тўғри. Қани, бўлди, ҳамманг ўтирларинг. Бошлаймиз, — шундай деб столга яқинлашди-да, уйидан олиб чиққан қоғозларни титкилади. — Қамбарали, бери кел. Манавилари сенга, — Қамбарали қоғозларни олиб, ҳамма жой-жойига ўтиргач, Турсунали полвон кўксидаги нишонларни тўғрилаган бўлди-да, мажлисни бошлади: — Хў-ўш... Ҳурматлу ўртоқлар. Шербилак кишлоғи эркакларининг экстренний мажлисини бошлаймиз. Мажлисга таклиф қилинганлар асосан келишди. Битта ивирсигани ҳозир келиб қолар. Ўзи бу боланинг уруғи ивирсиган. Онаси уни салкам ўн ой деганда тукқан. Отаси ҳам ивирсиган эди. Баҳорда шамолласа, кузга бориб акса урарди. Хў-ўш... мажлисни бошлаш ҳақида кимда қандай таклиф бор?

— Квота\* бор. Мажлис бошлансин, — деб таклиф киритди Қамбарали ўтирган ерида қўл кўтариб.

— Хў-ўш ўртоқлар, мажлис бошлансин, деган таклиф тушди. Ким таклиф қабул қилинсин, деса, қўл кўтариб, овоз берсин.

Шоирали билан Қамбарали қўл кўтарди, Нурали, Мирали ва Султонали лоқайд ҳолда ўтираверишди. Турсуналининг бу билан иши йўқ, қоғоздан бош кўтармай мажлисни давом эттирди:

— Ким қарши? Йўк. Бетараф? Йўк. Демак, бир овоздан қабул қилинди. Хў-ўш. Ўртоқлар, энди мажлисни олиб бориш учун президиум сайлашимиз керак. Кимда қандай таклиф бор?

— Менда, — Қамбарали ўрнидан туриб кўлидаги қоғозга қараганича таклифларини айта бошлади: — Қадрли ўртоқлар, менда иккита таклиф бор. Биринчиси — фахрий президиум. Мен ўртоқ Черненко бошчилигидаги цека кепеэсэс политбуйросини\* фахрий президиумга сайлашни таклиф қиламан.

Турсунали полвон қоғоздан бош кўтармаганича чапак чалди, йиғилганлар унга кўшилишмаса ҳам эътибор бермади:

— Хў-ўш, ўртоқлар, давомли қарсақларингиз таклифнинг бир овоздан қабул қилинишига далолат бўла олади. Мажлис охирида ўртоқ Черненко бошчилигидаги политбуйрога табрик хати юборамиз.

— Турсунали тоға, шу ерда пича тўхтанг, — деди Шоирали ўрнидан туриб. — Черненко деганингиз кўкариб чиққанига анча бўлди-ку?

— Батка, Черненко ўлганидан кейин қаттамиз Горбачев-ку? — деб уни қувватлади Султонали.

— Росаям орқада қолиб кетибсизлар. Эшитмадиларингми: «мамлакат бўйлаб қилар юриш — Миша, Рая ва қайта қуриш!» — Шоирали шундай деб ўзининг гапидан ўзи ҳузурланиб кулди. Бу байтнинг русчасини эшитмаган мажлис аҳли ўзбекча маъносига унча тушунмади. Шу боис шоирнинг маънодор қулиши бепоён чўлда бир чириллаб қўйган чирилдоқнинг овози каби тезгина сўнди.

Бу танбехдан аччиқланган Турсунали полвон Қамбаралига ўқрайиб қаради:

— Буёққа кел-чи, сен нима балони ўқидинг? Черненконинг ўлганини эшитмаганмидинг, галварс?

— Эшитганман-у... омма сиз берган қоғоз эски экан-да, ўйламай ўқийверибман, — деди Қамбарали. Кейин қоғозларини титиб, кераклисини топди: — Ҳа, мана, янгиси бу ерда экан. Буни-

сини ташлаб юбора қолайинми?

— Ташлама, — деди Турсунали полвон жеркиб. — Тарих учун керак бўлади. Черненко даврида ҳам мажлис қилганмиз-ку? Алоҳида тикиб кўй, — Қамбарали жойига қайтгач, Турсунали полвон расмий оҳангда мажлисни давом эттирди: — Хў-ўш, приздум ҳақида кимда қанақа таклиф бор?

— Менда! — югуриш мусобақасига чикқандай Шоирали билан Қамбарали бараварига ўринлардин турдилар:

— Жойингга ўтир. Сенга мумкин эмас, прописканг шаҳарда, — деди Турсунали полвон қоғоздан кўз олишга мажбур этган Шоиралига норози қиёфада боқиб.

Шоирали эса худди унинг эътирозини эшитмагандай баралла овозда хитоб қилди:

— Ҳурматлу аҳли мажлис! Мен ҳаммамиз учун ҳурматлу бўлган Михаил Сергеевич Горбачев ва Раиса Максимовна Горбачева бошчилигидаги политбюро аъзоларини мажлиснинг фахрий президиумига сайламоқликни кўтаринки руҳда таклиф этаман!

Шундай деб астойдил чапак чалиб юборди. Турсунали полвон билан Қамбарали беихтиёр унга қўшилдилар.

— Анча каллали бўлиб қолибсан, дуруст, — деди Турсунали полвон уни алқаб.

Бу мактовдан руҳланган Шоирали яна бир таклиф киритди:

— Мажлиснинг халқаро нуфузини оширмақ мақсадида фахрий президиумга Америка президенти мистер Рональд Рейган ва Англия Бош министри мисс Маргарет Тетчер хонимни ҳам таклиф этаман.

— Буниси ортиқча, — деди Турсунали полвон қатъий тарзда. — Сиёсий мажлисга капиталистларни аралаштирма.

— Ахир мажлиснинг халқаро аҳамияти бор, — деди Шоирали бўш келмай. Фикрининг исботи учун эса изох беришни лозим топди: — Шунда мажлис қарорини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юбориш ҳам мумкин бўлади.

— Бўлди, ўтир, маҳмаданалик қилма, — деди Турсунали

полвон гапни кесиб. — Бунақа масалаларни аввал райком билан келишиш керак. Ўтир, деяпман сенга! Қамбар! Нимага лаллаясан, тур, гапир гапингни!

— Ўртоқлар, мен мажлисни олиб борувчи ишчи президиум сайлашни таклиф этаман. Мажлис раислигига уруш ва меҳнат ветерани Турсунали Эшоналиевни, котиблигига Қамбарали Зикиралиевни.

Турсунали яна қоғозга тикилганича мажлисни давом эттирди:

— Овозга қўяман: ким за\*? Ким қарши? Ким бетараф? Таклиф бир овоздан таклиф қилинди. Сайланган ўртоқларни ўз жойларини эгаллашларини сўрайман, — Қамбарали алоҳида лутф кутмай юқорига чиқиб ўтиргач, мажлис ўз қолипидан чиқмай давом этди: — Энди кун тартибини белгилаймиз: асосий масала битта — «Коммунизм учун курашда Шербилак эркакларининг сусткашлиги ва унга қарши кураш чоралари». Кимда қўшимча таклиф бор? Таклиф йўқ. Қамбарали, ёзиб қўй, кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.

— Регламентни ҳам белгилаш керак, — деб лўқма ташлади Шоирали. «Регламент» сўзи Турсунали полвоннинг қулоғига «Рейган» бўлиб эшитилиб, яна тутакиб кетди:

— Мажлисга капиталистларни аралаштирма, дедим. Реган-пеганингни шаҳарда сайлайвер. Қамбар, гашир.

— Дақалат учун сўз кишлоғимизнинг фаҳри, уруш ветерани, ўн икки боланинг отаси, бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йилдаги район партия конференциясининг делегати, ўртоқ Турсунали Эшоналиевга.

Қамбарали тантанали равишда шундай эълон қилгач, чапак чалди. Турсунали полвон ўрнидан туриб, нишонларини силаб олгунича ҳам чапакни тиндирмади. Қарсагига ҳамкорлик қилмаётган ҳамқишлоқларига норози қараб қўйишни ҳам унутмади. Турсунали полвон қаддини ғоз тутиб ўтирганларга мағрур равишда қараб олгач, қоғозга тикилганича нутқ бошлади:

— Бутун совет халқи сикма-сика туриб башариятнинг порлоқ

келажagini қуриш учун кураш олиб бораётган ҳозирги пайтда, колхозимизнинг ем-хашак тайёрлаш бўйича районда орқада қолаётгани нақ позордир, ўртоқлар.

Шу ерга келганда Турсунали полвон нимани ўқиётганини англаб етиб, қоғоздан бош кўтарди-да, Қамбаралига ғазаб билан қаради. Қамбарали «мен билмасам...» дегандай елка қисди. Турсунали полвон эса қоғозларни қайтадан қараб чиқа бошлади. Нима гаплигини билиб турса ҳам Шоиралининг қитмирлиги тутиб, лўкма ташлади:

— Эркаклар масаласига ем-хашакнинг нима дахли бор?

— Жуда дахли борда, — деди Султонали. — Ем-хашакни қўй ейдими? Семирадими? Сўйиладими? Гўштини эркаклар ейдими? Белга қувватми? Батка, танқидни жуда тўғри бошладингиз. Ем-хашак плани бажарилмаса, кишлоқда хотинларнинг туғиши кескин камайиб кетади. Шеркўзиликлар беш йилга етадиган хашакни ғамлаб қўйишибди, уларнинг иши беш. Шунинг учун ҳам уларнинг хотини учтадан туғиб ётибди.

Қоғозлари орасидан кераклисини топа олмай хуноб бўлаётган Турсунали полвонга кейинги гап ёкмай, Султоналига ғазаб билан қаради:

— Сен тек ўтир, маҳмадана, — деб бақирди. — Ҳали музокара бошланмади. Аввал мен дакалатимни тугатиб олай, сўнг сен сайрайсан.

Ҳарчанд уринмасин, қоғозлар орасидан керагини топа олмай, жаҳл билан нари сурди:

— Хў-ўш. Гапнинг пўскаллеси шундай: бугун анавилар, — шундай деб қўшни кишлоқ томон имлади, — гирой хотинлар масаласида бизга етиб олишибди. Мендаги даннийларга\* қараганда беш ойдан кейин Болтавойнинг хотини ўнинчисини туғса, гиройлик бўйича биздан ўзиб кетади. Ўшандан кейинам сенлар «эркакман», деб кишлоқда бош кўтариб юрасанларми? Марди майдон пахтакорларимиз об-хаво кийинчиликларини енгиб, социалистик мажбуриятларини бажараётган шу долзарб паллада сенлар нима

учун эркаклик планини бажармайсанлар?

— Бажаряпмиз-ку, тоға. Болларди еттигага етказиб қўйдик, — деди Султонали ғурур билан. — Энди тўхташ йўк. Мен хотинга айтдим: гирой бўлмасанг, етти талоксан, дедим.

— Сен-чи, Нурали? — деб сўради Турсунали полвон

— Биз... ўйлаяпиз.

— Ўйлаяпмиз? Нимани ўйлайсан? Шу ўйлайдиган иш эканми? Сен бола, ўйлайдиган бўлсанг кундузи ўйлайвергин-у, омма кечаси ишингдан қолма.

— Батка, биз гиройликка етиб боролмасак керак, — деди Нурали чорасиз одамнинг овози билан.

Бу гапни эшитиб Турсунали полвон тутаб кетаёзди:

— Нима дединг? Қани, сен миждов, би-ир ўрнингдан тур-чи! Тўғрисини айтавер, нимага гиройликка етиб боролмайсан?

— Худо берган бу болларни аввал тарбиялаб, катта қилиб олайлик, илм берайлик.

— Маладес! — деб уни қувватлади Шоирали. — Фикринг жуда тўғри: сонни кўпайтиришдан нима фойда бор? Масала — сифатда!

Турсунали ғазабли нигоҳини Шоиралига қадади:

— Сен махмадана тек ўтирсанг ўтирдинг, бўлмаса, мажлисдан ҳайдаб чиқараман, — бу таҳдид қандай таъсир этганини кутмай Нуралига қаради: — Қани айтинг-чи, мулла йигит, болангиз олти-та бўлса ўқитасиз-у ўнта бўлса ўқитолмайсизми?

Ҳозирги таҳдиддан тўғри хулоса чиқариб олмаган Шоирали яна гапга қўшилди:

— Батка, масалани бу тарзда қўйиш сиёсий хато. Мана, ўртоқ Лениннинг фарзанди бўлмаган.

— Сен ўзингни Ленинга тенглаштира. Ленин революция қиламан, деб кечалари хотин билан гаплашишга фурсати бўлмаган. Бу — бир. Ленин — барчамизнинг отамиз, бу — икки. Шахсан мен ўртоқ Ленинни отам деганман.

— Омма, Батка гапга ҳам тўн кийгизворасиз-да! — деди Сул-



тонали. — Агар бу гаингиз ҳозир у дунёдаги отангизнинг кулоғига етиб борса, онангизни топиб, қувиб қолар, «Сен лаънати Ленин билан қачон топишган эдинг!» деб.

Бировни «ота» дейишнинг бунақа машмашаси борлигини кутмаган Турсунали полвон луқмага жавоб тополмай, столга муштлаб бақириш билан уларни енгмоқчи бўлди:

— Жим бўлларинг! — Буйруқ ижро этилиб, ҳамма тинчигач, яна Нуралига қаради: — Сен айт: нима учун хотининг гирой бўлолмайди?

— Тўғрисини айтайми?

— Айт.

— Тўғриси... — Нурали оғир дардини ошкор қилишга кийша-либ, чайналгандай бўлди, — баҳорда буйрагимши шамоллатувдим. Ўшанда ичган дориларим кучлилик қилиб, пуштим куйиб кетибди. Энди мендан бола бўлмасакан.

— Шунақа дегин... Яхши. Сен менга ўша доно дўхтирингнинг қоғозини олиб келсан.

Нурали Турсунали полвоннинг зуғумидан кутилиш чорасини излаётганда баҳонасига жавобан шундай топшириқ бўлажagini ҳисобга олганди. Унинг назарида доктордан қоғоз олишнинг мураккаблиги йўқ эди. Қулинг ўргулсин бир совға эвазига доктордан истаган қоғозни ёздириб олиш мумкинлигини билмас эканми? Шу боис ҳам дадил жавоб берди:

— Олиб келаман.

— Агар ростаданам пуштинг куйган бўлса, хотинингни қўясан, бола.

Бундай ҳукми кутмаган Нурали анграйиб қолаёзди. Турсунали полвон совға эвазига қоғоз ёзиб берувчи доктор эмас. Унинг ҳукми билан ҳазиллашиб бўлмаслигини билгани учун ҳам бу сафар овозида катъийлик сезилмади:

— Нега қўярканман?

— Хотинингнинг насли тоза. У гирой бўладиган зотдан. Уни бошқа бировга иккинчи хотин қилиб бўлса ҳам олиб бераман.

Яна тўрттани туғиб гирой бўлганидан кейин, истасанг, қайтиб олаверасан.

— Тоға, гап деб гапираверасизми! — деди Нурали алам ўтида ёниб. — Иззатингизни ҳам билинг-да! Ҳамма нарсанинг чегараси бўлади.

— Ҳа, билар экансан, чегара бор. Сенинг чегаранг — хотинни гирой қилиш. У ёғига ўтма, майли.

— План — хотинни гирой қилиш, у ёғи социалистик мажбурият, — деди Султонали кулиб.

— Ўлиб кетарканмизда план деб, — деди Мирали «уф» тортиб.

— Ҳамма ўлиб кетса ҳам, сиз ўлмайсиз, Миралибой, — деди Турсунали унга қараб. — Қани, бойвачча, ўринларидан бир туриб юборсинлар-чи! Хўш, ўтган ҳафтада эр-хотин нимага Тошканга бордиларинг?

— Қариндош-уруғларни кўргани...

— Тошканда қариндошинг бор эканми, а? Қариндошинг аборт қиладиган хотиндўхтир эканда, а?

— Унака деманг-е! — Мирали шундай деб юзини бурди.

— Сен нима деб юрибсан, бола! Қишлоқдан чиқиб олсам бас, нимани хоҳласам шуни қиламан, биров билмайди, деб ўйлайсанми? Ў, бола, сен бир мишиқсан, билиб қўй. Биз минг келаметр\* берида ҳам Гитлернинг нима қилаётганини билиб турардик.

— Мажлис ахлидан яна бир далилга эътибор беришларини сўрайман, — деди Шоирали. — Гитлернинг ҳам боласи бўлмаган.

— У харомидан бола қолмагани ҳам дуруст, сен тек ўтиравер бола, — Шоиралига танбеҳ бергач, Турсунали полвон яна Миралини нишонга олди: — Менда точна даннийлар бор. Аслида мен сени тошбўрон қилдириб, ўлдирворишим керак. Қонга — қон, жонга — жон! Билиб қўй, бола, сен жаллодсан! Хотинингга гапим йўқ, у бир қўй, сен етаклагансан, у бораверган.

— Полвон тоға, бунақа гап хаёлимизга ҳам келмаган, кимдан эшитдингиз?

— Рост айтяпсанми?

— Худо урсин, шунақа бўлса.

— Қасам ичма, бола, — Турсунали полвон ён дафтарчасини чиқариб, кўздан кечирди. — Агар алдамаётган бўлсанг, ўн тўртинчи февралда саккизинчи боланг туғилиши керак. Билиб қўй, ҳаммаси менда учетда\*.

— Биламиз. Яқинда тўшагимиз тагига ҳам учетчик\* қўйиб қўясиз.

— Керак бўлса, қўявераман. Қани, бир кадам нари-бери босиб кўрларинг-чи!

Султонали Миралини ҳужумдан асраш учун лукма ташлади:

— Батка, агар шерқўзиликлар ўзиб кетишадиган бўлса, чорасини топиш керак.

— Чора йўқ... — Турсунали полвон шундай деб хўрсинди. Суҳбат мавзудан беҳабар одам хозир унинг чехрасига қараса, дунёнинг бутун дарди — ҳасрати шу чолнинг елкасида экан-да, деб ачиниши ҳам мумкин. Воқеан шундай. Турсуналининг алхол бундан бўлак ташвиши йўқ. Чорасизликдан юраги эзилган Турсунали полвоннинг овози ҳам бирдан ўзгарди: — Икки-уч йил улар биринчи бўлишади. Шунақа пайтда ўлиб қолсам, кўзим очик кетади...

Қамбарали қўл кўтариб, ўрнидан турди:

— Батка, таклиф бор.

— Жўяли бўлса, айтовур.

— Биз сиёсатдан орқада қоляпмиз. Ўртоқ Горбачев қайта қуринлар, деяптилар. Қайта қуряпмизми? Жадаллаштириш деяптилар, жадаллаштиряпмизми? Мен хотинларнинг туғишини тезлатишни таклиф қиламан. Уларга тўққиз ойда эмас, етти ойда туғиш социалистик мажбуриятини юклатиш керак.

— Ҳой, Қамбар, жинни бўлганмисан? - - Нурали шундай деб бакириб, ўрнидан бсихтиёр туриб кетди.

— Жинни бўлганим йўқ. Ҳаммаси ҳисобли, бир ярим йилда иккита бола. Уч йилда тўртта. Анавилар, — шундай деб кўрсатгич бармоғи билан қўшни қишлоқни кўрсатди, — қиёматда ҳам

бизга етолмайдиган бўлишади, бу — бир. Бу йил турмуш курган ёшларимиз саккиз йилдаёқ гирой бўлишади, бу — икки. Союз бўйича энг ёш гиройлар бизнинг қишлоқдан чиқади, бу — уч. Туғишни жадаллаштириш бўйича всесоюзний\* малака ошириш институти бизнинг қишлоқда очилади, бу — тўрт.

— Сен ғирт аҳмоқсан, бу – беш, — деди Нурали кейин Турсунали полвонга юзланди: — Батка, мажлис айниди. Бу тўтингизнинг овозини ўчиринг. Бўлмаса нақ жағини ёрвораман.

— Ис, ҳали шунақа зўр бўпкетдингизми? Ҳали мени ҳам ёрворарсиз, а? — деди Турсунали полвон унга ғазаб билан тикилиб.

— Тоғажон, жон тоғажон, Қамбарали ёмон таклиф айтмади, — деди Султонали вазиятни юмшатишга уриниб: — Жадаллаштириш бизга ҳам яхши. Бу ташвишдан тезроқ қутуламиз. Омма бу ишнинг бир чатоқ ери бор-да: агар жадаллашса, кўрми, чўлоқми, хуллас, кинғир-қийшик болалар туғилаверади. Инвалид болалар кўпайиб кетса, қишлоққа иснод-ку! Анавилар «чўлоқ қишлоқ» деб лакаб тақашдан ҳам қайтишмас.

— Бекорларни айтибсан. Мен олти ойликда туғилганман. Кўрманми ё чўлоқманми?

— Батка, сизнинг зотингиз тоза. Бир ойликда туғилсангиз ҳам шунақа малалес бўлиб юрардингиз. Бизларнинг илигимиз пуч.

— Батка, сиз туғилган замонда ҳаво тоза эди, — деб гапга қўшилди Шоирали. — Ҳамма янги сўйилган қўй гўшти ерди. Ҳозир ҳаммаёқ химизация. Қишлоққа келиб кетганимдан кейин бир ҳафта бурним оқиб, баданим қичишиб юради.

— Энди сен қишлоққа бутунлай келма, бўлмаса қичима билан ўлиб кетасан, — деди Султонали.

— Тек! Тек бўлларинг! — деб Турсунали полвон уларни тартибга чақирди. — Бу таклифни дўхтурлар билан маслахатлашиб, кейин қабул қиламиз.

— Батка, бир таклиф бор, омма сизни қойил қолдирадиган таклиф. Айтаверайми? — деб изи сўради Султонали.

— Айт.

— Анавиларни снгишнинг иккита йўли бор. Бири — мактаб директорига уйланиш.

— Нима дединг?

— Директор саккизта бола билан бева қолган. Омма ўзи май-издеккина.

— У шеркўзилик-ку?

— Ҳа, ўзи шеркўзилик. Лекин мактаб бизнинг территорияда-ку\*? Директорлик қиламан, деса шербилакликка тегишга мажбур. Биздаги мактабга нега энди бошқа қишлоқдан келиб директор бўларкан?

— Саккизта боласи билан уни ким оларди? — деди Қамбарали.

— Оладиган мард топилмаса, мана биз номард бўлсак ҳам, олаверамиз. Иккита хотинни бирданига гирой қилмасам юрган эканман, белда белбоғим бор, деб.

— Таклифинг дуруст, омма бу ишга ўзингни рўпара қилма. Сен биттасини эвлаб туравергин-чи. Унга бошқа одам топамиз, — деди Турсунали полвон.

— Эрга тегмайман, деб туриб олса-чи? — деди Қамбарали масалани мураккаблаштиришга интилиб. Турсунали полвон эса бу мураккаб масалани осонгина ечиб бера қолди:

— Тегмаса, ишдан бўшайди. Мактаб бизнинг қишлоқдами, демак, директор ҳам шу қишлоқлик бўлиши шарт.

— Батка, ўзингиз ола қолмайсизми? Сиздек полвонга, уруш ва меҳнат ветеранига тегмаса, кимга тсгади?

Нуралининг бу таклифи эътиборсиз қолмасин, деган мақсадда Султонали уни қўллади:

— Ҳа, коммунист сифатида ҳам сизга тегиши керак. Район партия конференциясининг делегатига тегса ёмонми?

Турсунали полвон бу таклифдан ўнғайсизланди. Унинг-ку, уйланиши бор, фақат булар айтаётган мактаб директорига эмас, бошқа аёлга. Лекин бунга уларга айтса калака қилиб юришар.

— Бу ... личний масала. Сенлар аралашмаларинг бу ишга. Иккинчи таклифингни айт.

— Иккинчиси... приписка қилиш керакмикин?..

— Қанақа приписка?

— Қўшиб ёзиш керак. Ўроқбой аканинг хотини учта туққанда бизники туғолмайдими? Ҳали гиройликдан узоқдагиларнинг бир кунда туғилган болларини меникигами ё Нуралиникигами қўшиб ёздирворамиз. Хотинларимиз гирой бўлиб олишгач, кейин яна туғаверишади. Кейин туғилганларни уларга ёздирамиз. Яъни болани биз насияга олган бўламиз. Бу ерда ҳеч қанақа ғирром бўлмайди.

— Алжияпсанми? Сен бировнинг боласини боқасан, биров сенинг болангни боқадими?

— Болларини ҳамма ўзи боқади. Биз қоғозда расмийлаштириб қўямиз, халос.

— Нимасига тушунмаяпсиз, батка? — деди Нурали. — Пахтада бўладиган ғирромни бу ёққа кўчирмоқчи-да, бу тентак.

— Бу таклифинг ўтмади, бола. Мен ғирромни ёмон кўраман. Мен Ўроқбойнинг болларидан гумон қилиб турибман, ҳали роддомга бориб, текшириб келаман.

— Мажлис мажлисдай бўлсин, таклифни овозга қўйинг, — деди Султонали ўжарлик билан.

— Қўймайман, ўтмади бу таклифинг.

— Сиз демократияни бузаяпсиз! — Шоирали шундай деб ҳақиқат талаб қилган эди, ўзига яраша жавобни олди:

— Сен бола демократиянгни энангнинг уйида талаб қиласан. Бу ерда мен раисман. Мен нима десам, шу демократия бўлади.

Шу пайт кўчани чангитиб келган юк машинаси гузарга кираверишда тўхтади. Машина тепасидаги тўрт йигит сакраб тушдилар.

— Ҳа, нима олиб келдиларинг? — деб сўради Турсунали полвон улардан.

— Тахта олиб келдик. Кўприкни кенгайтиришимиз керак экан. Шунинг устида эртага дакалатчи гапираркан.

— Эртага эмас, бугун гапиреди.

— Эртага қолдирилибди. Бугун дакалатчи оғриб қолганмиш.

— Ҳалигина балонинг ўқидай эди-ку? — ажабланди Турсунали полвон.

— Ошдан кейинам юзта отган экан-да, ботмабди, — деб изоҳ берди иккинчи йигит.

— Бўпти, тахталарингни қўйларинг-да, бораверларинг, бу ерда мажлис бўляпти.

— Раиснинг буйруғи нима бўлади?

— Раиснинг буйруғини мен атменит\* қилдим. Эртага келиб ўрнатасанлар. Дакалатчинг эртага ўзига келадими ё йўқми?

— Тўғри айтасиз, тоға. Ўқчиши менга ёқмади. Эртага дакалат қиладиган турки йўқ.

Йигитлар тахталарни тушириб изларига қайтишлари билан барабан товуши эшитилди. Дам ўтмай бир бола байроқ кўтариб, яна бири барабани тараклатиб, уч кизча кузатувида гузарда пайдо бўлди. Бундан қувонган Турсунали полвон уларни қарсак чалиб кутиб олди. Бундай томошани кўравериб зерикиб кетган мажлис ахли эса ўрнидан жилмай, бепарво кузатди.

— Ўртоқлар, — деб хитоб қилди Турсунали полвон тантанавор оҳангда, — бизнинг мажлисни табриклагани келажагимиз бўлган пионерлар келишди. Энди сўз жажжи ўринбосарларимизга.

Барабанчи бола шовқинини бас қилгач, барчалари президиум олдида саф торгдилар.

— Биз коммунизм курувчи ёш авлодмиз. Сизлардан ўртак оламиз, — деди кизчалардан бири.

— Қувонаман, меҳнатим менинг, қўшиларкан меҳнатига республикамнинг, — деб хитоб қилди иккинчиси. Учинчиси шеърини сатрга ўтиб қўя қолди:

— Қишлоғимиз фахридирсиз, Турсунали полвон  
Ошаверинг хамиша тоғу довон.

Насихатларингиз бизга дори-дармон,

Бахтимизга юз йил яшанг, бўлинг омон.

— Агар шу одам яна юз йил яшаса, сен шўрликлар ҳам эналарингни кўриб қоласанлар, — деди Нурали. Унинг гапи юқори-

дагиларга эшитилмаса ҳам, Султонали «тск ўтир» деган маънода туртиб кўйди. Пионерлар эса муаллимлари чизиб берган йўлдан чикмай, табрикларини давом эттиришди:

— Турсунали Эшоналиев номидаги дружина советининг қарори: «Шербилак қишлоғининг фахри Турсунали Эшоналиев фахрий пионерликка қабул этилсин!» Дружина, смирно! — деди кизчалардан бири. Барабанчи таёқчаларини ишга солиб, шовкинни бошлади. Байроқ кўтарган боланинг бурни айни шу дамда оқиб қолса-я! Бурун дегани «дружина, смирно!» деган буйруққа итоат этмаса, бу бола бечора нима қилсин? Қизил байроққа артолмаса, рўмолчаси эса уйда қолган бўлса... Енгига артиб кўя қолди. Унинг бу иши Миралипинг зийрак нигоҳидан четда қолмади. Чунки унинг ўзи ҳам болалигида байроқ кўтарарди. Ўшанда ҳам ҳар бир мажлисда Турсунали полвонни қайта-қайта фахрий пионерликка қабул қилаверишарди. Бирорталарининг хаёлига «шу машмашалар шартми?» деган савол келмасди. Ажабки, ҳозир ҳам буни ўйлашмайди. Сўфининг азон чақириши қандай шарт бўлса, полвон тоғаларини фахрий пионерликка тинимсиз равишда қабул қилавериш ҳам қишлоқ учун одат эмас, балки қонун сифатида мухрланиб қолган эди. Ораларидан биронталари ҳафсала қилиб «фахрий пионер» Турсунали полвон бўйнига боғланган галстуклар сонини ҳисоблай олса эди, зиёратгоҳдаги чинор шохларига фарзандталаб хотинлар боғлаб кетадиган рўмолчалардан юз ҳисса кўпроқ чиқармиди? Яхшики «фахрий пионер» бу қизил бўйинбоғларни сапдикка солиб йиғмайди, эртасигаёқ галстукни мактабга қайтариб юборади.

Навбатдаги галстук боғланаётганда Қамбарали ўрнидан туриб, чапак чала бошлади. Ўтирганларга «сенларам турларинг, олқишларинг!» дегандай имо қилди. Аммо мажлис аҳлининг эътибори «ҳаяжонли» воқеа билан банд бўлгани учун бу имо сезилмай қолди.

Галстук тақиб бўлингач, барабаннинг тарак-туруғи тиниши билан Шоирали ўтирган ерида хитоб қилди:



— Пионерлар, Шерқўзи қишлоғидан ўзиб кетиш учун бўл тайёр!

— Доим тайёр! — деб жавоб беришда болалар бараварига.

Сиёсий онги етарли даражада баланд бўлган Турсунали полвон бу хитоб ва жавобдан норози бўлиб:

— Отставит\*! — деб буйруқ қилди. — Ўртоқ Ленин иши учун курашга бўл тайёр!

— Доим тайёр! — деб бараварига хитоб қилишди болалар. Сўнг маросимнинг ваъдалар қисмига ўтишди:

— Мен отам каби сувчи бўлишга, — деди барабанчи бола.

— Мен акам каби трахгирчи бўлишга, — деди ҳануз бурнини эплай олмаётган байроқ кўтарувчи бола.

— Мен онам каби «Қахрамон она» бўлишга, — деди кизчалардан бири. Шундан сўнг барчалари бараварига хитоб қилдилар:

— Тантанали ваъда берамиз!

— Шу кетишларингда тўти бўласанлар, бошқа бало ҳам бўлолмайсанлар. Ҳеч бўлмаса биттанг ўқиб, олим бўламан, десанг-чи! — Нурали шундай деб минғирлаб, жаҳл билан қўл силтади. Султонани яна «тек ўтир», деб туртмоқчи эди, табрик маросими якунланганини билдирувчи барабаннинг тарак-туруғи янграб қолди. Болалар гузарни тарк этишлари билан Турсунали полвон мажлисни давом эттирди:

— Айтганимдай, Баҳромали келмади. Қамбарали, унга лична ўзинг бориб айт: болларининг ўқишлари пастлаб кетибди, ўқитувчилар менга шикоят қилишди. Сенлар ҳам қулоқларингга қуйиб олларинг, болларингни биттаси «уч» олса ҳам бола пулини бердирмай қўяман. Гиройнинг боласи ҳамма соҳада ҳам гирой бўлиши керак. Шербилакдан битта академик чикмаса унинг Шербилаклиги қайда қолди!

— Полвон тоға, гапиришга руҳсат этинг. Ахир партия съездларида чет эллик меҳмонлар ҳам гапиришади-ку? — деб илтимос қилди Шоирали қўлини кўтариб.

— Хўп гапир, фақат чўзма.

— Ҳурматлу эркак зоти олийлари, менинг азиз замондошларим! Савицкая каби фазогирларимиз фазоларни икки-уч марта-лаб забт этаётган маҳалда гиройлик масаласида оқсаётганингиз кечирарли ҳол эмас. Фашизм устидан қозонилган оламшумул ғалаба ҳақида телевизорда гап бўлса, менинг кўз олдимга Шербилакнинг шер ўғлони Турсунали полвон келадилар ва менинг қалбим фахр билан тўлади. Бу ерга келиб эса гиройлик масаласидаги ғолибликни бир майда қишлоққа бериб қўяётганингизни эшитиб, исноддан ёниб кетяпман. Сиз каби эркаклар ҳозир Эверестни забт этяпти, БАМда шижоат кўрсатяпти, саҳроларда шаҳарлар қуряпти. Сиз эса иссиққина уйингизда ўтириб, хотинингизни забт эта олмаяпсиз, вазифангизга масъулиятсизлик билан қараяпсиз. Фарзанд — ҳаёт гулидир! Болалик уй бозор, боласиз уй мозордир! Бола қанча кўп бўлса, юртимиз шунча обод бўлади. Партия бизларни улуғ зафарларга чорлайди!

Шоирали гапирётганда Султонали ўрнидап турди-да, биринчи марта кўраётгандай бошдан-оёқ разм солди. Сўнг пешонасини ушлаб кўрди:

— Шу гапларни бизга сен айтяпсанми? — деб нотикнинг оташин нутқини шарт бўлди: — Туғмаган хотин ҳомиладорга «доянинг олдида мундай ётасан», деб ўргатаркан. Сен олдин ўзингни эпла! — шундай деб кўкрагидан аста итарди: — Э, ўтир жойингга. Батка, таклиф бор: мажлис ёпилсин. Бизлар ҳам тантанали ваъда берамиз: хотинларимизни гирой қилишга доим тайёрмиз!

— Ҳа, бу бошқа гап, — деб мамнун бўлди Турсунали полвон. — Нурали сен-чи?

— Катта акам ваъдани қуюклаштириб юбордилар-ку, биз қаёққа ҳам борардик, — деди Нурали Султоналига норози қиёфада боқиб.

— Яхши. Омма, оғзаки ваъдаларинг менга ўтмайди. Қамбарали ёзади, сенлар қўл қўясанлар. Хўп энди мажлисни ёпишдан олдин сека кэпээсэсга табрик тилгром юборишимиз керак. Қамбар, ўки.

— «Москва, Кремл, шахсан ўртоқ Горбачевга. Етиб маълум бўлсинким, биз ким, серкуёш Ўзбекистоннинг сўлим Шербилак қишлоғида яшовчи ахдига вафодор, шерюрак эркаклари Турсунали полвон раислигида мажлис ўтказдик ва қарор қилдик. Сизнинг доно кўрсатмаларингизга амал қилган ҳолда оиладаги ишларимизни қайта қурамыз ва жадаллаштиришга эришамиз ва совет халқининг кўпайишига ўзимизнинг салмоқли ҳиссамизни кўшамиз. Имзо: «Шербилак» қишлоғининг оқсоқоли, «За отвагу» медалининг эгаси Турсунали Эшоналиев.»

— «Турсунали Эшоналиев номидаги дружинанинг фахрий пионери» деб ҳам кўрсатилсин.

Турсунали полвон Нуралининг таклифидаги пичинг оҳангини сезса ҳам, жиддий жавоб берди:

— Шарт эмас. Ҳар бир сўзга пул тўланади. Ортиқча ҳаражатга йўл кўймайман.

— Горбачев акамиздан битта илтимос ҳам қилиб қўяйлик, — деди Султонали ўрнидан туриб: — Ўнта тукқанга гиройлик беради-ю бу ёқдагиларга шимилдириқ ҳам йўқ. Сека қарор чиқариб берсин: ўнта боланинг отаси «отец — маладес» деган медал-педал оладиган бўлсин.

— Бу илтимосни аввалги телгромда юборганмиз. Пича кутайлик. Бўпти, энди бораверларинг, мажлис ёпиқ.

— Полвон тоға, мен салдан кейин келайми? — деб сўради Шoirали маънодор оҳангда.

— Сен шаҳарга жўнайдиган пайтингда кел. Ҳозир пул берсам, анави текинтомокларинг билан ичиб, қуритасан.

## АРМОН

Шербилак қишлоғидаги навбатдаги мажлис шу билан якун топиб, йиғилганлар тарқалдилар. Қамбарали олати бўйича қоғозларни тартибга келтира бошлади. Турсунали полвон чарчаганини ҳис қилиб, стулга ўтирди-да, дўпписини стол устига қўйди.

— Мажлис ўтказгунимча эна сутим оғзимга келди. Буларга гап уқтириш кийин-а! — деди «уф» тортиб. — Хотини гирой бўлса ўзларига яхши-ку? Болалари катта бўлгач, камида ўнта тўй кўради. Ўнта куда! Ҳазилакам гапми? Ўлса ҳам ўнта боласи қатор бел боғлаб туради. Шоиралинг ўлса уни ким кўмади-ю ким бел боғлаб туради. Ўйлайдими буни улар?

— Ўйлашмайди, буни точно биламан. Шоиралидан ташвиш тортманг, Батка, ўладиган бўлса, шаҳарда ўлик кўмадиган идора бор, ўшалар юмалоқ — ёстик қилиб кўмаверишади.

— Унақа дема-я! — деб танбех берди Турсунали полвон. — Қулоғингда бўлсин, агар мендан кейин шаҳарда ўладиган бўлса, қишлоққа олиб келиб, иззатини жўйига қўйиб кўмасанлар. Шербилакликнинг ўлиги ҳам шаҳарда хор бўлмаслиги керак, — у шундай деб бироз сукут қилди. Кейин ҳазинроқ овозда гапини давом эттирди: — Қамбарали, одамлар у-бу дейишади-ю, омма меннинг ҳам нақ армонларим бор-да. Иккита хотин олдим-а? Иккови ҳам яхши эди. Менга меҳрибон эди. Омма бу номардлар ишни охирига обормай кетворишди. Ҳа, олтига чадаган яна тўрттагина туғ, кейин майли, гирой бўлиб олганиндан кейин хотиржам ўлавер. Иккала хотиним гирой бўлганида бу Шерқўзи қишлоқ деганинг оёғимнинг чангида йўк бўлиб кетарди.

— Ҳа, Батка, хотинларингиз чистий номардлик қилишди. Бўлмаса ҳозир икки мартадан отец — маладес бўп юрардингиз. Анави ерга ҳайкалингизни ҳам ўрнатардик. Иккита хотини гирой бўлган эркак зоти бу дунёда бошқа йўқда.

Қамбаралининг гапи маъқул келиб, қўйилмай қолган ҳайкалининг қандай бўлишини кўз олдига келтириб ўтирганида сойнинг нариги бетида Тешабой оқсоқол кўринди. Ошнасини кўрса ҳам кўрмаганга олмоқчи эди, унинг изидан келаётган йигит диққатини тортиб, сергакланди. Айниқса, йигит қўлидаги микрофон уни ўрнидан туриб сой тарафга юришга мажбур этди. Турсунали полвондаги бу ўзгаришни сезган Тешабой оқсоқол овозини баландлатиб гапира бошлади:

— Бизнинг Шерқўзи кишлоғимиз фақат районда эмас, балки областда, балки бутун республикада, балки союзда биринчилардан ҳисобланади. Кишлоғимиздан иккита кандидат наук, битта милиса капитани, иккита ГАИ ходими, ўн тўртта «Қаҳрамон она» чиққан, — Тешабой оқсоқол «Қалайсан энди?» дегандай ошнасига қараб қўйди.

— Бу томон ҳам сизнинг кишлоғингизга қарайдими? — деб сўради мухбир йигит.

— Йўқ, бу қўшни майда кишлоқча...

Агар фашист келиб кишлоғини пулемётдан ўққа тутса, балки Турсунали полвоннинг чидаши мумкин эди-ю, аммо ҳақоротомуз бу гапни индамайгина тинглаши қийин эди. У қўлларини белга тираб, фоз юриш қилиб кўприк устига чиқди-да, ошнаси унда қолиб, мухбирга юзланди:

— Ҳов укаҳон, менга қаранг-чи, ўзлари ким бўладилар?

— Мен област радиосининг мухбириман, — йигит ўзини таништирди-ю, бироқ Турсунали полвоннинг важоҳатидан чўчинқираб «ўзингиз кимсиз?» деб сўрашга ботинмади. Бу савол назари билан Тешабой оқсоқолга қараган эди, оқсоқол жавоб беришга улгурмади.

— Облаstdан мухбир бўлсангиз, илғор кишлоқ турганда бақақуриллоқ томонда нима қилиб юрибсиз, қани, ўтинг буёққа, — деди Турсунали полвон буйруқ оҳангида.

Бу амрдан мухбир ажабланган бўлса, Тешабой оқсоқол аччиқланди:

— Нега ўтар экан? Бу укамизга илғор кишлоқ ҳақида очерек\* ёзинг, деб шахсан обком бува топширик берганлар

— Обком буванинг эси оғиб қолмагандир? Тешабойнинг илимилиқ кишлоғини ёз, демагандир. Қани, мухбир ука, бу ёққа ўтсинлар. Очерекнинг хўррозини мана, биз томонда ёзасиз.

Мухбир Тешабой оқсоқолга нажот кўзи билан қараган эди, илтижоси эътиборсиз қолмади. Унинг ўрнига оқсоқол жавоб берди:

— Қўй, ошна, сен бизнинг ички ишларга аралашма. Сен эркаларингни чақириб, мобилизация қилавер.

Турсунали полвон ошнасининг гапини эшитмагандай яна мухбирга юзланди:

— Мухбир ука, шу топгача менинг гапимни биров икки қилмаган-а! Қани, яхшиликча иззатларини билиб, бу ёққа ўтсинлар.

— Ўтмайдилар. Қани, кўлингдан нима келарди? — деди Тешабой оқсокол овозини баландлатиб.

Президиумдаги қоғозларни тартибга келтириб бўлган Қамбарали агар биринчи марта бундай олишувга гувоҳ бўлганида эди, шубҳасиз, югуриб келиб «Батка»сининг ёнини оларди. Олишувнинг оқибатини билгани сабабли ҳам текин томошадан лаззат олиш учун стулга бемалол ўтириб олди. Турсунали полвон эса хужумни давом эттирди:

— Ўтмайдами? Бу бола билмаса, кимлигимни сен биласан. Агар ўтмаса, нақ пешонасидан отиб ташлайман. Уволига сен коласан.

Ҳазил эмас, ғазаб билан айтилган бу қарордан мухбирнинг эҳсонаси чиқиб кетди:

— Ие, мени отмоқчимилар? — деб Тешабой оқсоколга нажот билан қаради.

— Гапларига эътибор берманг, — деди Тешабой оқсокол хотиржам равишда. — Сал айниб қолган. Нима билан отади? Носқовоғи биланми?

— Ҳали шунақами? — Турсунали полвон шундай деди-ю шарт бурилиб, уйи томон юрди. Олишув тўғони бузилганини сезган Қамбарали ирғиб турди-да, унинг йўлини тўсмоқчи бўлди. Турсунали полвон уни бир ён суриб, уйига кириб кетгач, Қамбарали эса мухбирга юзланди:

— Ука, тез қочинг. Бугун Батканинг настроеняси не то\*. Росманасига отиб ташлайди, буни точна биламан.

— Сенам айниб қолибсан хўжангга ўхшаб. Мухбирни отиш осонаканми? — деди Тешабой оқсокол.

— Ким ўзи бу киши? Ростанадам... халигидаками? — деб сўради мухбир.

— Ундан ҳам баттар, — деди Тешабой օксокол. Аслида у ош-насини ёмонлаб, мухбирни овутмоқчи эди. Гапларининг мухбирни чулғаётган кўрқув алангасига мой каби сепилишини эса ўйламади. — Шайтонни йиғлатган одамни эшитмаганмисиз? Шу одам шайтон билан бирга шерикчиликка экин экадиган бўлибди. Шайтон «ернинг устидагиси сеники, тагидагиси меники», деган экан, бу одам бугдой экиб, шайтонни доғда қолдирибди. Келаси йили шайтон аламинни оламан, деб, «тепаси меники, пасти сеники», деб шартлашса, бу одам лавлаги экса денг. Шунда шайтон хўнг-хўнг йиғлаб, Худога нола қилибди: «Эй Худо, мени одамларни йўлдан ургин, деб яратган эдинг. Бу одам бор экан, мени яратиб нима қилардинг?» дермиш. Тушундингизми, бу бор жойда шайтонга ҳам кун йўқ.

У гапини тугатишга улгурмай, Турсунали полвон ов милтиғини кўтариб чиқди. Милтикнинг ўқланмагани полвоннинг ўзи-ю Худогагина маълум, бу ёқдагилар эса хабарсиз эдилар. Шу боис уччовлари чинакамига довдириб қолишди.

— Қани, ўтасанми ё пешонангдан дарича очайинми? — деб пўлисагини янада кучайтирди Турсунали полвон.

Қайси мухбир жонидан тўйибдики, бу мухбир йигит тўйсин? Битта кишлокни макташдан бўйин товлаб, кўксини ўққа тутиб берадиган аҳмоқ мухбир ҳали туғилганича йўқ. Касби макташдан иборат бўлганидан кейин ким тутун қайтарар экан? Бу ночор мухбир бу нодон полвонга «қишлоғингизни мактамайман», дегани йўқ-ку? Милтиқ ўқталгани нимаси? Мухбир мана шунгагина ҳайрон. Лекин давомли равишда ҳайрон бўлишга ҳаққи йўқлигини тезгина англаб етиб, кўприк сари қадам ташлади:

— Ўтяпман, тоға...

Қамбарали вазиятни юмшатиш мақсадида уни дарров қўллаб юборди:

— Батка, эсли бола экан бу мухбир. Ўзиям энди ўтаман, деб

турувди.

Қайсар Тешабой эса мухбирнинг йўлини тўсди. Отиб, қамалиб кетадиган Турсунали полвон бўлса, битта ўқ билан у дунёга жўна-ворадиган бу мухбир бўлса, Тешабой оқсоқолга нима қайғу? Унга муҳими — қишлоғининг обрўйини сақлаб қолиш. «Шерқўзини мактагани келган мухбир айниб, Шербилакни кўқларга кўтариб кетибди», деган иснодга чидаш мумкинми? Тешабой оқсоқол милтиқнинг ўқланмаганини аниқ билмаса ҳам таваккал қилди:

— Ўтмайсиз. Нима бор сизга у қишлоқчада? — деди мухбир-га. — Қўрқманг, милтиғининг ўқи йўқ. Милтиғиям ўзига ўхшаб қолган. Мўлжални ҳам ололмайди. Тўрт йил урушда юриб, битта немисни ҳам эплаб отолмаган.

— Ўқ йўқми? Яхши. Билиб қўй, иккита ўқим бор. Омма ик-ковингни битта ўқ билан бараварига қулатаман. Бир баталон не-мисни текислаб ташлаганимни унутибсан-да, а? Манави медални нимага беришувди, амма-холангни кучоқлаб ўпганимгами?

— Тешабой тоға, бўлди ҳазиллашманг, ўқлари бор, ўзим кўр-ганман, — деди Қамбарали астойдил саросимага тушиб. — Ука, сиз ўтаверинг.

— Ҳа, ҳа, ўтяпман... — деди мухбир шошиб. Бироқ, бир кадам қўйишга ҳам улгурмади, Тешабой оқсоқол: «Ўтмайсиз!», деб қў-лидан ушлаб олди:

— Авзойилар... чаток, ўта қолай, — деди мухбир ялиниб.

— Қўрқяписизми? Қани, отиб кўрсин-чи! Агар у сизни отса, уникига келадиган мухбирни менам отиб ташлайман.

— Тоға, муроса қилайлик, иккала қишлоқ ҳақида баравар ёза-ман.

— Муроса йўқ! — деди Турсунали полвон аҳдининг катъий эканини англатиш учун сенсирашга ўтди: — Энди бу бақанинг қишлоғини ёзмайсан, фақат Шербилакни ёзасан.

Олишув Турсунали полвоннинг фойдасига ҳал бўлай деб тур-ганда Қамбаралининг уйи томондан жўр овозда айтилаётган ашу-ла эшитилди:



Мен севаман, сен сеvasанми,  
Боғ сайрига келасанми...

Ашула овозини эшитган Турсунали полвон савол назари билан Қамбаралига қаради. Қамбарали «ҳеч нарсадан хабарим йўк», дегандай елка кисди. Худди шу онда унинг эшиги очилиб, бир-бирларининг елкаларига қўл ташлаган Собитали билан Турғунали чиқиб келдилар. Соё бўйидаги машмашадан беҳабар бу икки сархуш ашулани ванг қўйиб, лаззатланардилар.

Бу манзарани кўрган Тешабой оқсоқолнинг юзини мамнунлик кулгиси силаб ўтди.

— Ҳа, ха, ўтинг ука, ўтаверинг. Ановларни би-ир ёзинг. Кўрдингизми, бу қишлоқнинг ҳаммаси шунака алқаш. Ёзинг шуларни, республика билиб қўйсин! — деди ғолиб одамнинг овозида.

Турсунали полвон бу ерда нима мақсадда турганини унутди. Қамбаралига ғазаб билан тикилди:

— Қамбар, буларни ким ичирди?

— Билмайман, Батка.

— Сеникидан чиқишди-ку?

— Телевизоримни тузатмоқчи эди, бошқасини точно билмайман.

— Анави гиройнинг занжирини ким ечди? Ҳали сениям кунингни кўрсатаман, бола! — Турсунали полвон шундай деб сархуш жўровозлар сари тез-тез юрди:

— Ҳа, уйинг куймагурлар! Тўхталаринг, овозларингни ўчир! Қўлингни кўтар!

Милтиқ кўтариб келаётган Турсунали полвонни кўриб, Турғуналининг эсхонаси чиқиб кетди. Буйруққа итоат этиб, қўлини кўтармоқчи эди, мувозанатни сақлай олмай, йиқилиб тушди. Дунё лаззатидан роҳатланаётган Собитали эса бу дағдағага парво ҳам қилмади:

— Қўлни кўтармайман, Батка! Мен эркин одамман! Нима, отмоқчимисиз? Пажалиска\*, отаверинг, — шундай деб кўкрагини очди. — Бағримни ғалвир қилиб ташланг. Ўлар бўлсам ўлиб бўл-

дим! Отинг, тоғажон, мени отсангиз прямой\* жаннатга тушасиз.

Бу дадилликни кутмаган Турсунали тўхтаб, милтикни туширди.

— Эси оғиб қолибдими?

— Белий горячка\* бўлганга ўхшаяпти, — деб дарровгина ташхис қўйиб қўя колди Қамбарали. Лекин бу ташхис Турсунали полвонга маъкул келмади:

— Йў-ўқ. Белий горячка бўлса, индамай бориб ўзини осарди. Бунинг «мени отинг!» деб бўкириб, менга сапчияпти-я!. Бунинг касали «черный горячка» ўзбекчасига «қўрққан олдин мушт кўтарар» дегани. Қараб тургин, мен уни бир пасда тузатаман. Сен кечаги занжир билан қулфни топиб кел-чи.

Қамбарали буйрукни тезлик билан бажариш мақсадида югурганича уйига кириб кетди. Турсунали эса милтикни деворга суяб қўйиб уларга яқин келди:

— Собитали, ўзингни бос, ука. Мен дуч келган одамни отадиган телба эмасман. Урушда ҳам фақат немиснинг аҳмоғини топиб, танлаб-танлаб отганман. Ақллиларига тегмаганман. Ана ўшалар ҳозир яхши-яхши кастум, тўфли ишлаб, бизларга юбориб туришибди. Сенга ёмонлигим йўқ, ука. Телевизорим бузилса, текинга тузатиб берасан-у мен сени отамапми? Мен отанг билан улфат эдим. Омма пешиндан кейин би-ир айнийдиган одати бор эди, раҳматлининг. Сен ундан ҳам ўтиб кетдинг. Пешинни кутмай, эрталабданок айниб берасан. Омма сени тузатса бўлади. Касалингнинг давоси бор. Бир ҳафтада отдек бўлиб кетасан.

Юмшоқлик билан, насиҳат оҳангида айтилган бу гапларни эшитиб, Собитали сергак тортиди:

— Нима қилмоқчисиз? — Турсунали полвон жавоб беришга улгурмади. Собитали уйдан занжир кўтариб чиқаётган Қамбаралини кўрди-ю қандай ҳукмга мубтало бўлганини англаб, тавба-тазарруга ўтди: — Тоғажон, кечиринг, бошқа бўлмайди.

— Бошқа бўлмаслиги аниқ, — деди Турсунали полвон. Кейин Турғуналини чақирди: — Қани, ҳов катта алкаш, би-ир ўринлари-

дан туриб, бери келворсинлар-чи!

Турғунали аранг ўрнидан туриб, тетапоя килаётган боладай бир-икки кадам босди:

— Батка, менинг савсем айбим йўқ. Манов мараз мени зўрлади. Ичмайман, девдим ётқизволиб оғзимдан куйди, — шундай деб яқинлашишга ботинмай тўхтади.

— Бери кел, дедим!

Турғунали иштонини хўл килиб қўйган бола аҳволида яқин келгач, Турсунали полвон Қамбаралига имо килди-да, ҳозиргина дунё неъматидан мамнун равишда жўровозликда қўшиқ айтаётган ҳамшишаларни жуфтлаб кучоқлаб олди. Иккови қанчалик қаршилиқ билдирмасин, уринмасин, унинг бақувват қўлларидан бўшаб чиқиша олишмади. Қамбарали эса ўзига тегишли топшириқни беками — кўст бажарди: икковини қўшиб занжирибанд этди. Бу манзарани кузатиб турган мухбир йигит Турсунали полвоннинг «отаман!» дегани шунчаки пўписа эмаслигига акли етиб, иззати борида жўнаб қолишга қарор килди-да, тисарилди.

— Ҳа, ука, йўл бўлсин? — деди Тешабой оқсоқол.

— Мен бора қолай, кейин бафуржа ёзиб кетарман.

— Булардан кўркманг. Шунака жиннилик қилиб туришади-ю бошқаларга ташланишмайди. Хавфсиз жиннилар. Қани, юринг, самоворхонада отамлашамиз.

— Қўркаётганим йўқ... фақат... лентам тугаб қолибди. Бошқа кун келаман, — мухбир шундай деди-да, орқасига ўтирилиб, тез-тез юриб кетди.

Тешабой оқсоқол «аттанг!» деганича қолаверди. Аслида, мухбир йигит билан самоворхонада гаплашса ҳам бўлаверарди. Қўшни қишлоқ ҳам билиб қўйсин, деган манманликда бу ерга бошлаб келган эди. Мухбирни осонликча чақирмагани. Энди қачон келди-ю... Ишхонадагиларга кўрганларини дастурхон килиб ёзса, бу томонларга икки дунёда мухбир зоти кадам босмайдиган бўлади. Областадаги нечта қишлоқ самоворхонада ош дамлаб, уларнинг келишига махтал бўлиб ўтиришганда ғалважойга келишармиди?

Турсунбой оқсоқол қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлса-да, айб юкини ўз бўйнига олгиси келмай, кўприкка яқинлашди-да, ошнасига қараб бақирди:

— Хов хўкиз! Хўкиз, деяпман! Э, ўкирмай ўлмагин сен! Мухбирни чўчитиб юбординг-а! Индамаганингда тўрт-беш ойдан кейин келиб, сени ҳам ёзиб кетарди. Энди ўзинг ҳам куруқ қолдинг.

— Мухбиринг ҳам ўзингга ўхшаш қуриллоқ экан. Мухбирларнинг хўрозини эртага кўрасан. Тошканга бориб, ўзим бошлаб келаман. Илғор қишлоқнинг қанақа бўлишини ўшанда кўрасан, — деди Турсунали полвон унга қараб.

— Агар шу келган мухбир бола қишлоғимни ёзмаса, биласанми, сени нима қиламан?

— Қўлингдан нима келарди?

— Қўлимдан нима келишини ҳали билмайсанми? Газ қувуринг менинг қишлоғимдан ўтганини унутдингми? Шу бугуноқ газни ўчиртириб қўяман. Ўтиравер таппи ёқиб.

— Вой-бў, жуда-а қўрқитиб юбординг-ку! Газни ўчирасанми? Электр симинг каердан ўтганини сенам унутмагин-а? Сен газни бураган минутингда мен электрни ўчираман.

Тешабой оқсоқол газни ўчира олмаслигини билса-да, пўписа учун айтган эди. Иккала қишлоққа қарайдиган монтёрнинг Шербилакда яшашини, Турсунали полвон пўписа қилиб ўтирмай шарт ўчиртириб қўйишдан ҳам тоймаслигини ҳисобга олмаган эди. Шу сабабли унинг «Кўрамиз ҳали!» деганича изига қайтишдан бошқа чораси қолмади.

— Батка, электрни ўчираамиз, деб бекор айтдингиз, — деди Қамбарали Тешабой оқсоқол кетгач.

— Мен бир нарса десам, билиб айтаман.

— Тўғри-ю лекин... электрни ўчирсангиз... боллари тез ухлайди. Бу ёғи жадаллашиб кетади-ку? Кейин туғишда буларга етиб бўлмай қолади.

— Бу ёғидан хавотир олма, электрни ўчираамиз-да, беш-ўнга прожекторни рўпара қилиб қўямиз, кечаси билан ухламай чиқи-

шади.

— Буни зўр ўйлабсиз, белий ноч\* килиб қўйиш керак.

Турсунали пишиллаётган кўшовозларга эътибор бермай уйи томон юрган эди, Собитали зорланди:

— Полвон тоға, тавба қилдик, раҳмингиз келсин.

— Менинг раҳмим бир ҳафтадан кейин келади. Унгача ачомлашиб юраверларинг. Аслида башараларингга қора суртиб, эшакка тескари миндириб, сазойи қилдиришим керак эди.

— Батка, аслида шунақа қилганингиз тузук, — деди Қамбарали.

— Шерикларингга ачиняпсанми? Сениям қўшиб боғлашим керак эди-ю аядим. Буларни сен ичиргансан.

— Мен ичирганим йўқ, телевизор тузатгани кириб, меҳмонга атаб қўйганимни топиб, қуритишибди. Телевизорни тузатмабди бу ноқас. Аслида икки ҳафтага боғлаб қўйсангиз ҳам бўларди. Лекин... бу ахволда... ҳожатга ҳам боришолмайди. Кейин... уяти ҳам бор-да... Қишлоғимизга иккита майда қадам етишмай турувди. Кейин... хотинлари ҳам қўйиб қўймас бу ахволда?

— Батка, эшакка миндира қолинг, — деб яна зорланди Собитали. — Бу ахволга хотинларимиз чидашолмайди, револусия\* килиб юборишади. Улар бир ҳафта эрсиз ётишга ўрганишмаган. Эмаклаб бўлса ҳам уйга етиб келардик.

Бу ҳақиқат Турсунали полвонни ўйлашга ва жазо турини ўзгартиришга мажбур этди.

— Бор, иккита ягир эшак топиб кел, — деб буюрди Қамбаралига. — Манави палаги бузукнинг катта энаси шерқўзилик эди, эшак миниб энасининг қишлоғини би-ир зиёрат килиб чиксин.

Қамбарали буйрукни бажаришга шайланган эди, гузар томонга шошилиб келаётган Мавжудани кўриб, тўхтади. Турғунали хотини келаётган томонга орқа билан турган эди. Шу боис Мавжуда уни кўрмай, Турсунали полвонга даъво қилди:

— Қани, қани менинг эрим?

Мавжудани кўрган Собиталининг чехраси ёрипти. Мавжуда

унинг кўзига ўлим азобидан куткариб қолувчи фаришта қиёфасида кўринди.

— Тоға, асирларни озод қилаверинг, револусия бошланди, — деди у қувонч билан.

Мавжуда Турсуналига яқинлашганида эрини таниди-ю тиззасига шапатилаб урди:

— Вой ўлмасам, вой ўлайин, сизни ким боғлаб қўйди?

— Ким бўларди, — деди Турғунали хокисор овозда, — ана, тоғанг-да...

— Эримни бўшатинг, ечинг деяпман! — деб талаб қилди Мавжуда.

— Шанғима. Барибир счилмайди, бир ҳафта шундай юради. Хукм шунақа.

— Қанақа хукм?

— Ичгани учун, трахтирни пачақ қилгани учун, сени ургани учун жазоланди.

— Урса мени урибди, сизни урибдими? Эр бўлганидан кейин хотинини уради-да! Уриб турмаса, мен шаҳарлик хотинларга ўхшаб семириб кетарман. Ечинг деяпман! Қанақа кунларга қолдим-а! Биттаси занжирга боғлаб қўяди, яна биттаси ярим кечада трахтирини рўпарасига дарахт экиб қўяди... Ечасизми, йўқми!

— Бир ҳафтадан кейин ечилади.

— Ечмасангиз женсоветга\* арз қиламан.

— Ундан катгароғига арз қил, менга деса.

— Унда эримни оламан-у ўзимнинг қишлоғимга кўчиб кетаман. Битта гирой хотинга кўйиб қоласиз.

— Нима дединг?

— Қишлоғимга кўчиб кетаман. Уларга ҳам гирой хотинлар керак экан.

— Қишлоғинг бузилиб, ўрнига сув омбори қурилганига неча йил бўлди? Сувнинг тагига кўчиб борасанми? Сув париси бўлиб юрасанми?

— Унда... Шеркўзига кўчиб ўтамиз. Туновинда Тешабой тоғам

айтганлар. Шерқўзига боғлиқ еримиз бор. Катта отамнинг отаси шу Шерқўзига куёв бўлганлар.

Кўчиб кетиш ҳақидаги аввалги аҳдига ишонмаса ҳам бўларди. Аммо кейингиси нўписа эмаслигини Турсунали полвон англаб жим қолди. Бу сукутдан фойдаланган Қамбарали унга маслаҳат берди:

— Батка, қўйинг, бу билан пачакилашманг.

Турсунали полвон бир қарорга келмай туриб, Мавжуда аёлларнинг энг ишончли қуролини ишга солди – овозини баралла кўтарди:

— Войдод, мусулмонлар! Эримни занжирлаб ўлдиришяпти!

Атом бомбани даф қилиш мумкинлигини, бироқ, дод солишни бошлаган хотинни тинчителиш амри маҳол эканини яхши билган Турсунали полвон чўнтагидан калитни олиб, Қамбаралига узатди:

— Бу хотинга гиройлик туккани учун эмас, шанғилиги учун берилган. Еч эрини, даф бўлсин. Омма Собит алкашни қимирлатмай тур, уни эшакка тесқари миндирамиз. Бунинг хотини ювош, революсия қилмайди.

## ЎТМИШ ЭСА ҲАМИША ТОТЛИ

Агар Ер юзида бошқа юмуши бўлмаганида Қуёш бу гузардаги хангомаларни томоша қилиб, тек тураверармиди... Вазифасига хиёнат қила олмагани учун бу икки қишлоқда яшовчиларни тўлин ой ва юлдузлар ихтиёрига қолдириб, ўзи йўлида давом этди. Дарвоқе, қуёш яна бир хангоманинг бошланганига гувоҳ эди. Хангоманинг дебочаси оқшом чоғи бошланган, ривожини кўриш эса ой ва юлдузлар ҳукмидаги осмонга насиб этган эди.

Қунлик юмушлардан хориган ҳар икки қишлоқ аҳли уйқуда эди, десак салгина янглишган бўламиз. Бу икки қишлоқда бир неча одам бедор эди. Уларнинг иккиси висол умидида уйқудан воз кечишган, қолганларини эса хангома қизиқтирарди. Висол уми-

дидагиларнинг бири – Турсунали полвон. Ўғиллари, келинлари, набиралари уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилгач, ўрнидан туриб, худди ўғри мушукдай кўча эшиги томон юрди. Уни танимаган одамга бу ҳаракатини кўрсатиб, «ҳеч кимга сўз бермайдиган полвон шу одам бўлади», дейилса, сира ишонмайди. Турсунали полвон ҳар куни неча марталаб бу эшикни очиб, ғижирлашига эътибор бермас экан. Ҳозир очаётганида эшикнинг зорлангандай ғижирлаши уни ҳаракатдан такқа тўхтатди. Назарида бу ғижирлаш эрта тонгдаги ноғора базмдан ҳам ошиб тушгандай, эшик «манави телбанинг ишини кўриб кўйинглар!» деб оламга жар солгандай бўлди. Турсунали полвон эшикни аста ёпиб, орқасига қайтмоқни ҳам ўйлади. Лекин чорлов у томондан бўлгани учун, висолга чикмасликни ўзи учун ор деб билиб, йўлидан қайтмади. Омадни қарангки, қайдадир уйкусираган эшак ханграб қолди-ю шу овознинг пардасида эшикни очволди. Сой томон юриб, кўприк олдида тўхтади-да, Шеркўзи қишлоғи томон умид билан кўз тикди.

«Ё Худоё, қудратингдан! Шу ёшга кирганимда яхши кўрган хотиндан хат олишим етти ухлаб бир тушимга кирмовди-я! — деб ўйлади у. — Дардини ичига ютиб юрганини қаранг-а... «Сиз икки марта уйландингиз, мен эсам икки марта кафанга ўралиб, кўмилдим. Икки марта куйиб кул бўлдим. Икки марта юрагимни қиймалашди...» дебди-я! Бунақа гапларни ўн саккиз яшар киз ҳам ёзмасов... Хотин кишининг муҳаббати шунақа кучли бўларкан-да, а? Журъат этиб менга хат ёзибдими, шу учрашувга таклиф этибдими, омма қойилман, нақ хотинларнинг хўррози экан-у билмай юрган эканман. Аслида, ёшлигида олиб қочиб кетаверсам бўларкан. Ҳаммасига Тешабой бақа сабабчи. Имижиклик қилди. «Шу ошнамга жоним тасаддук, бир эмас, ўн синглимни бераман», демади-я! Бе, унда бундайин мардлик йўк. Омма синглиси мард экан. Қойилман, ота қизи!»

Ўз ўйларига банд Турсунали полвон бу шумликни бошлаган Шоирали, Султонали, Нуралининг чинор панасида ўтирганлари-



дан беҳабар эди. Окшомда самоворхонада бошланган улфатчилик хуфтондан сўнг тугагач, уччовлари дастурхондан ортган егуликларни чорсига тугиб, бу ерга келишган эди. Шумлик бошланишида буларга қўшилган Мирали кейинчалик айниб, кундузги «экстрениий мажлис»дан рухландими, ҳар ҳолда уйига кетишни маъқул кўрди. Улфатлар шумликни бошлашга бошлаб, яъниким, Шоирали тўқиган икки мактубни икки томонга етказишса-да, бундан бир натижа чиқишига унчалик ишонишмаётган эди. Турсунали полвоннинг эшиги ғижирлаб очила бошлаганида ҳаммаларининг ичларига чироқ ёқилгандай бўлди. Ишлари юришаётганини «ювиш» учун яна ярим пиёладан отиб олишди. Шерқўзи кишлоғи томонда кимнингдир кораси кўрингач, ғалабаларига тамоман ишонч ҳосил қилдилар.

Шерқўзи кишлоғининг гузарига яқинлашаётган одам Ҳамробону эди. У атрофга аланглаб, хавотир билан юриб келарди. «Вой ўлайин-е, шу ёшга кирганда учрашувга чиқсам-а! — деб ўйлаб, уятдан юзлари ёниб кетай дерди. -- Вой шарманда! Неварамга боллар хат ёзишса, тергаб юрибман-а! Нима қилай. Мен бедаво, чиқмасам, юрагим ёрилиб кетай деса. Бу кишининг хатларини ўлиб ётганимда ўқиб беришганида ҳам туриб кетармидим... «Сизнинг ишқингизда шоир бўлиб кетдим», дебдилар-а! Шеърлари бирам ғалатики... Битта ўқишда ёдланиб қолса-я! «Қани Лайли билан Ширин, улардан ноз ўргангин, қани ўша Фарҳод билан Мажнун деганлари мен уларга ишқни ўргатиб қўяйин». Ростданам шоир бўлиб қолганлар. Вой тавба-е, шунча йилдан берисига ҳар кўрганимда юрагим бир жизиллайди-я, вой ўлайин-с, биров кўриб қолмасайди... Шаҳарда Муқаддасхон деган хотин олтмиш беш ёшга етганида биринчи муҳаббатини топиб, қочиб кетибди, дейишса ишонмай юрибман-а!..»

Турсунали полвон аста-аста босиб келаётган Ҳамробонуни бир қарашдаёқ таниди. Таниди-ю баданидан жон чиқиб кетгандай оёқлари қалтираб қолди. Бунақа ахволда узоқ туриш Турсунали полвонга хос эмасди. Шу сабабли енгил йўталган бўлиб, кутиб

турганини маълум қилди. Ҳамробону яна уч-тўрт қадам босгач, у овоз беришга журъаг қилди:

— Ҳа... Ҳамро... бону... салом... саломатмисан?

Ҳамробону гузарга қадам қўйиши биланок кўприк яқинида турган кишини таниган эди. Шундай бўлса ҳам Турсунали полвоннинг овозини эшитгач, кутилмаганда бу одамга дуч келиб, чўчигандай тўхтаб қолди.

— Вой, ассалому алайкум... Неварам кечроқ қайтаман, девди. Шунга хавотирланиб чикувдим. Эна-оталарининг парвойи палак. Ҳавотирлашишмайди ҳам.

Ҳамробону бу баҳонани уйдан чиқмай турибок ўйлаб қўйган эди. Турсунали полвон эса бирон баҳона айтишга тўғри келар, деб ўйлаб ҳам қўймаганди. Аёлнинг гапи унга мойдек ёқиб, унинг баҳонасини давом эттириб қўя қолди.

— Менинг ҳам кичигимдан дарак йўқ. Бола вақтида келмаса... уйку қочар экан.

Ёшларнинг ўз уйларида, ўз ўринларида ширин тушлар кўриб ухлаб ётгани уларнинг ўзларига-ю Худогагина маълум. Учрашувга чиқишдан мақсадларини ибo юзасидан яшириш учун тўқилган бу ёлғон гуноҳга кирадими ё йўқми, аниқ билишмайди. Лекин ёлғон баҳона тилдан учгани ҳамон дилларида тавба қилиб қўйишни унутишмади. Бир-бирларининг баҳоналарига ишонгандай бўлишгач, навбат ҳол-аҳвол сўрашга келди:

— Ўзинг яхшимисан?

— Худога шукр. Ўзингиз соғ-саломатмисиз?

— Юрибмиз тупрокдан ташқарида... Ҳаво сал димрокми бугун?

— Шунақага ўхшайди.

— Ўзинг соғ-саломатмисан? — деб қайта сўради Турсунали полвон.

— Раҳмат... ўзингиз... — деб қайта жавоб берди Ҳамробону.

— Ҳа, энди юрибмиз Горбачевди сояи давлатида. Қара-я, Ўроқбойнинг хотини ҳам гирой бўпти-да, а?

— Худонинг бергани-да...

— Сеням гирой бўлишингга озгина қолувди. Эринг номардлик қилиб, ташлаб кетмаганида гирой бўлардинг.

— Унақа номард деманг... Бир фалокат олиб кетди-да у кишини.

— Хафа бўлмагин-у, омма эринг миждоврок эди. Қадрингга етмади. Мен унинг ўрнида бўлганимда сени деб трахтирди тагидан ҳам омон чиққан бўлардим. Шундай хотиннинг қадрига етмай ўлиб кетган эркак эркакми?

— Пешонага ёзилгани-да...

— Менга қара, сал рангинг кетибдими? Сиқилиб қолганга ўхшайсан. Мабодо бировни соғиниб, ичкиб қолмадингми?

— Сиз ҳам... анча шаштингиз пастми?... Сиз ҳам... армиядаги ўғилларингизни соғиняпсизмикин?...

— Ўғилларни соғиниш бошқа... менинг дардим бошқа... мен қирқ-эллик йилдан бери соғинаман... Ё ундан кўпроғам бўлгандир, а? Ҳисобданама адашиб кетдим.

— Тагин ҳам чидамли экансиз.

— Ҳамро, сендан бир гап сўрайин... Сен доно аёлсан. Акангга ўхшамайсан. Аканг нақ пишмаган думбулнинг ўзгинаси.

— Майли, сўрайверинг-у, омма акамни бунақа тергаманг-да.

— Акангни-чи... Ҳа, майли, бу бошқа масала. Хуллас... Ҳамро... бир ошнам бор. Худди ўзимга ўхшайди. Ўша ошнам бир қизни яхши кўриб, уйланмоқчи бўлганида акаси номардлик қилиб унамаган.

— Ошнангиз ҳам қизиқ эканлар... Қизнинг акаси унамаса, аразлаб, бурилиб кетаверадиларми? Чинакамига яхши кўрсалар, қизни опқочиб кетиб бўлса ҳам уйланардилар. Балки ўша қиз ҳам у кишини яхши кўргандир. Ошнангиз аразлаб юрганида у юм-юм йиғлагандир...

— Буни сен қайдан биласан?

— Шунчаки айтаман-да. Қизлик пайтимда менам шунақа воқеани эшитгандай бўлувдим. Аслида, қизнинг акаси билан ўша

аразчи йигит қалин ошна эканлар. Чинакамига яхши кўрган йигит бунақа аразламайди-да.

— Энди... ёш бўлган-да, акли етмаган. Ёшликда қон кизиб турган пайтда битта гап ҳам ортиқчалик килади. Худонинг қудратини карагин, ҳозир ўша ошнам ҳам бева, ўша аёл ҳам бева. Ошнам дегин, ўша аёлни кўрса халиям оёғи калтираб қолади. Худо дейман, буларни бекорга бева қилиб қўймагандир, а? Ҳеч бўлмаса қариганда қовушсин, бу дунёдан армон билан кетишмасин, дегандир, а?

— Қайдам... шу ёшга кириб... болалари, набиралари олдида уят бўлмасмикин?

— Уяти нимаси? Ёлғизлик ёмон, ахир. Кундузи майли, билинмайди. Кечаси боллар уй-уйларига кириб кетса-ю ошнам бечора ёстикни қучоқлаб ёлғиз қолса... Йўқ, уйланмаса бўлмайди. Бир домлага маслаҳат солган экан, домла «уйланмасангиз гуноҳ», дебди. Агар ёлғиз холида жони чиқиб кетса, ўша хотин гуноҳкор бўлар экан.

— Вой ўлмасам, унақа совук нафас килманг. Ошнангиз узок умр кўрсинлар.

— Нима дейсан, совчи қўяверсамикан?

— Бир нима дейишга ҳайронман... умр савдоси...

— Ахир улар бир-бирларини ҳали ҳам яхши кўришади. Ошнам уни қизлигида анави чинорнинг панасида бир марта ўпганам, ха! — Турсунали полвон гапининг исботи учун ўша тотли онларга гувоҳ бўлган чинор томон қаради. Пистирмада ўтирган улфатлар «кўриб қолмасайди» деган хавотирда бир неча сония нафас олишдан ҳам тўхтадилар. Чинор томонга Ҳамробону ҳам қараб энтиқиб қўйди. Аммо сир бой бермай, жавоб қайтарди:

— Вой, рости биланми? Кейин ўша ошнангизнинг тишлари оғриб қолмаганмиди? Бир эшитгандай бўлувдим. Эртасига ўша йигит жағларини боғлаб келиб, ўша қизга «ё тишимни тузатиб бер ё ўпишингни қайтариб ол», деган эканлар.

— Ҳа... энди ошнам шу баҳонада яна бир марта ўпиб олмоқчи

бўлгандир-да... Хўш, энди нима дейсан?

— Билмасам... ўша хотиннинг акаси... энди унармикин?

Масаланинг счими нозик жойга келганда Турсунали полвон ошнаси номидан гапираётганини унутиб, дангалига кўчиб қўя қолди:

— Унамаса... акасини нақ отиб ташлайман! Энди орқага қайтиш йўқ.

— Вой ўлайин, унақа қилманг. Ошнангизга айтинг, акаси билан яхши гаплашсинлар. Қизикқонлик қилмасинлар, ахир бу умр савдоси-я...

Умр савдоси шу тарзда энди пишай деганда Тешабой оқсоқолнинг қораси кўринди. У бироз кузатиш, гапларини эшитиб кўришга тоқат қилмай, худди танк каби бостириб келди.

— Ҳамро? Нима қилиб турибсан?

Сурур уммонида сузаётган Ҳамробону акасининг тахлидли овозини эшитиб, наҳанг баликка рўпара келгандай чўчиб тушди. Рўпарасида Турсунали полвоннинг тургани мадад бўлдим, гашини йўқотмай жавоб берди:

— Вой... ака... неварамни кутиб турувдим.

— Неварангни шу ерда кутасанми? Анави ким? Хўкизнинг соясими?

— Вой... ака, унақа деманг, ошнангиз-ку?

— Ие, ошнаммиди? Қара-я, сен айтмасанг билмасаканман. Кир уйга! Номаҳрам эркак билан қоронғида гаплашиб туришга уялмайсанми?

Ҳамробону уялганидан «вой ўлмасам», деди-ю акасига гап қайтармай, изига қайтди. Ҳамробонунинг бу қадар изза чекишига ўзини айбдор ҳис қилган Турсунали полвон ошнасига танбех берди:

— Вей ошнажон, бу хотин синглинг бўлса ҳам дўк қилаверма, сал ўпкангни босиб олиб муомала қил, хўпми?

— Ишинг бўлмасин. Сен бола, синглимни йўлдан ураман, деб хомтама бўлма.

Тешабой оқсоқол кўпол гапирган бўлса ҳам, Турсунали полвон суҳбатни дилкашлик сари бурмоқчи бўлди:

— Тешабой, ошнажон, бу томонга ўтгин, би-ир чакчақлашайлик.

— Ярим кечада чакчақлашадиган довдирга ўхшайманми мен? — Тешабой оқсоқол шундай деб ўгирилиб кетмоқчи эди, Турсунали полвон сойдан сакраб ўтиб, уни енгидан ушлади:

— Тўхта, ошна, тўхтасанг-чи! Мунча қуриллайсан? Қани, носдан ол.

— Етим боқмай кўйганман, — Тешабой оқсоқол тўхташга тўхтади-ю ғазабини ошкор қилиш мақсадида юзни бурди.

— Кел энди, носдан олсанг-чи, — деди Турсунали полвон уни юмшатиш мақсадида.

— Носқовоқ уйда қолибди, — деди Тешабой оқсоқол чўнтагини пайпаслаб. Кейин ошнасига ўгирилди: — Сен ўзинг бирон марта бўлсин, пулингга нос олиб чекасанми?

Бу танбехни эшитиб, Турсунали полвон кулимсираб кўйди-да, чўнтагидан носқовоқни олди:

— Бўпти, ма ол, меникидан чек. Асли сенинг носингга сира тоқатим йўқ. Сен нос танлашни билмайсан.

— Нос танлашни ўзинг билмайсан. Сеникидан тезакнинг ҳиди келиб туради. Жўра қирғиздан оласан-да, а носни?

— Ошнажон, нос отишни сизга ким ўргатган? Юрар эдингиз «Беломор»ни тутатиб. Билволинг, носнинг хўррози ўша Жўра қирғизда бўлади.

— Эркақлар чекадиган нос Маматқулда бўлади, билиб кўй.

— Бекорларни айтибсан! Маматқулинг тамакини оз кўшади. Маматқулнинг носини кампирлар яхши кўришади.

— Ушла носқовоқингни, сен носнинг фарқига бормайсан.

Бошқа пайт бўлганди-ю Турсунали полвон қайси гапни қандай оҳангда айтишни биларди. Тешабой деганларни гапиртирмай кўйиш кўлидан келарди. Лекин... ҳозир шароит бошқа. Ҳозирги

умидбахш учрашувдан кейин бунинг кўнглига қарамаса бўлмайди.

— Аччиқланаверма, ошна, — деди ялингансимон, — хуморбосдига тўрттагина ташлаб ол.

Тешабой оқсоқол ҳам анойилардан эмас. Ошнасининг ғолиблик шоҳсупасини нима учун осонгина бўшатиб берганини билмайди, дейсизми? Ҳамонки шоҳсупа лутфан бўшатилган экан, ноз қилиб ўтирадимми? Шарт чиқиб, жойлашиб ола қолди. Ошнасининг кул даражасида бўлмаса ҳам, тобе ҳолга тушиши унга марокли онларни ҳаля этди. Уни яна бироз лақиллатиш мақсадида чўнтагидан носқовоғини олди:

— Ўзимниқидан чекаман, — деб пўкакни очди.

— Вой нокас, ёнингда экан-ку? Ол, майли, менам сениқидан чека қолай, сеники табаррук.

— Текиндан кафан учраса, ўлиб берасан сен. Ма, ол, нафсинг курсин!

— Носқовоғингни доимо ёнингда олиб юришингни билмайманми? Омма шу одагинга беш кетаман. Агар мендан олдинроқ кетадиган бўлсанг, кафанингнинг этагига носқовоғингни боғлаиб қўяман. У ёқда бировлардан нос сўраб сарғайи-иб юрасанми?

— Мендан олдин ўзинг кетворсанг-чи? Лаҳаддаги гуваланинг ўрнига бир шапман шишасини тўлдириб нос қўйдириб қўяман. У ёқда сендақа сур етимни боқадиган аҳмоқ йўқдир.

— Сен росмана маза нимадалигини билмайсан, ошна. Ҳақиқий кашанда ўзиникини чекса сира кайф қилмайди. Сен бошимга нос шиша қўймагин-у орқамдан тезгина стиб боргин. Болларингга васият қилиб қўй, нос бериб юборишни упутишмасин. Яхшиси сен гўрковингга тайинлаб қўй. Болларинг «вой отамлаб» барибир унутишади.

— Э, овозинг ўчсин! Мунча совуқ нафас қиласан?

— Совуқ нафас эмас, бу ошнажон. Менга нос олиб борасан, деб яхши ният қиляпман. Мен ҳали бери ўладиган одаммасман. Отам «бир юз ўнга киргин», деб дуо қилганлар. Нос олиб бориш

бахонасида сенам бир юз ўнга кирасан.

— Хўп доно отанг бор эдилар-а? «Ёшинг бир юз ўнга кирсин-у иккита хотин олгин», деб дуо қилганларини кара-я!

— Шу ерда адашдинг, ошна. Отам: «учта хотин олгин, учинчиси ҳақиқийси бўлсин», деб дуо қилганлар. Ота дуоиси вожиб, энди бажармасам бўлмайдиган.

— А? Яна уйланмоқчимисан?

— Ҳа, нима, мени бракка\* чиқариб қўйдингми? Сен мени ўзингга ўхшатма.

— Менга нима кипти?

— Ашуралиникидаги худойида кузатиб турувдим, уч марта ташқарига чиқиб келдинг-а? Мен бир марта турдимми? Мен сенадан кўра бақувватроқман ҳали.

— Менинг буйрагим шамоллаган. Дўхтирнинг дорисини ичяпман.

— Мен шу ёшга кириб бир марта аксирмаганман, дори ҳам ичмаганман.

— Хўкиз ҳам аксирадими ҳеч замонда?

— Ке, қўй, аччиқланмагин. Хўкиз дейсанми, айғир дейсанми, деявер. Барибир сени яхши кўраман. Кечалари уйғониб кстиб, кўчага чиқаман. «Ошнам тинчмикин?» деб уйингга қараб қўяман. Тинчлигингни билиб, Худога шукр қиламан.

— Менинг уйимгами... ё? — Тешабой оксокол шундай деб унга айёрона бокди.

— Тешпамда Худо турибди, сеникига қарайман. Мен ҳар куни Худога арз қилиб, ошнамнинг умрини узок қилгин-у аввал менинг жонимни олгин, деб сўрайман.

— Менга бунча меҳрибон бўлиб қолдинг?

— Э, ошна, вақтлироқ ўлишнинг ҳам фойдаси бор. Аввал кетсам маросимларимга ўзинг бош-қош бўласан. Бу боллар қондасини жойига келтириб, эвлаб кўмишни ҳам билишмайди. Юмалок — ёстик қилиб, ташлаб келаверишади. Э... кел, ошна, бошқа гаплардан гаплашайлик.



— Ўзинг бошладинг-ку, бу бемаза гапни.

— Энди... ўзим бемаза бўлганимдан кейин гапим нима бўларди?

— Ҳа, нечук? — Тешабой оксоқол шундай деб ошнасининг пешонасини ушлади. — Алаҳсираяпсанми?

— «Дўстинг учун захар юг», деганлар. Баъзан ошнага ёқадиган гапларни ҳам гапириб туриш керак-да. Гапнинг хўррози шуки, сенинг гапларинг ҳам ширин, носинг ҳам ширин. Нима учун сенинг носингни яхши кўраман, биласанми?

— Текин бўлгани учун-да.

— Йўк, ошна. Текиннинг ҳаммаси ҳам мазали бўлавермайди. Сенинг носингдан синглингнинг хиди келиб туради.

— Нима?

— Носқовоққа носни Ҳамро солиб берса керак, дейман-да. Кўлининг хиди ўтади-да.

— Нега Ҳамро соларкан?

— Э, гап уқмас, ҳадеб «Нега? Нега?» деяверасанми? Нимага шама қилаётганимни тушунмаяпсанми?

— Тушуниб турибман. Фақат «бу аҳмоққа қачон ақл битаркин?» деб ўйляпман халос.

— Майли. Гапириб ол. Аҳмоқ дейсанми, жинни дейсанми, деявер. Сен эрта-индин қайноғам бўладиган одамсан. Куёв бўлатуриб, хотинни уруғларига ёмон гапирсам ярашмайди.

— Ол-а! Ҳали мен розилик бердим-у сен менга куёв бўла қолдингми?

— Рози бўлмайсанми?

— Неча ёшга киргацингни биласанми? Уятни биласанми!

— Ошнажон, умр савдоси уятни ҳам, ёшни ҳам бизмайди. Сен бола, у-бу деб Худонинг ишига қарши чиқмагин.

— Бунга Худонинг нима даҳли бор?

— Худо сенинг ёшликдаги гуноҳингни кечиб, хатоингни тўғирламоқчи. Ҳамро иккаламизни қўшилсин, деб бева қилиб қўйган, шунга ақлинг етмаяптими?

— Кўй бу гапларингни, Худонинг сендан бошқа ташвиши йўкми?

— Энди гап шу, ошна: рози бўлсанг бўлдинг, кўнмасанг ўзингдан кўр.

— Ҳа, отиб ташлайсанми?

— Йўк. Менинг ниятим бошқа. Билиб кўй, энди-чи, ёшликда қилмаган ишимни қиламан.

— Нима қилмоқчисан?

— Ҳамрони олиб қочиб кетаман. «Синглиси қариганида шербилаклик полвон билан қочиб кетибди», деган иснодни кўтариб юравераман», десанг, майли, «розимасман», деб қайсарлик қилавер. Сенинг розилигинг-чи, ошна, энди менга капейка\*! Кўр хассасини бир марта йўкотади. Энди яна йўкотадиган аҳмоқ йўк. Сенга уч кун срок\*. Уч кун ичида никоҳ ўқитсак ўқитдик, бўлмаса, додингни амма-холангга айтаверасан. Саксон йил ошначилик қилдик, ўйлаб кўргин, яна ўттиз йил қариндошчилик қилсак ёмонми?

— Мен ўйлаб кўраман.

— Кўп ўйлама. Бусиз ҳам сочинг тўкилиб кетяпти. Мен «калнинг куёви» деган гапдан номус қилман.

Ошнасининг сал пастга тушганидан мамнун бўлган Турсунали полвон гапни шу ерда тўхтатишни маъқул кўрди. «Омон бўл!» — деди-да, сойдан сакраб ўтиб, уйи томон юрди. Ошнасининг нияти Тешабой оқсоқол учун янгилик эмасди. Ҳамробону бева қолганидан кейин баъзан ҳазил, баъзан чин тарзда гапириб турарди. Аммо ҳозиргиси ҳазил эмасди. Шу сабабли ҳам у пича ўйланиб қолди.

Тешабой оқсоқол ҳам изига қайтгач, чинор панасида пистирмада ўтирган улфатлар ўринларидан туришди. Шоиралининг ғояси билан ҳазил ўрнида бошланган хангоманинг бу даражада чинга айланиб кетишини кутишмагани учун бироз ажабланиб туришди. Гаровда ғолиб чиққан Шоирали шишага чергиб кўйиб: «Қалайсанлар, энди?» деди. Самоворхонадан олиб келинган ичимлигу

егуликлар туғагунга қадар улфатчилик давом этди. Эртага оқшом чоғи самоворхонада учрашига келишиб, тарқалишди.

## САМОЛЁТ СОТИЛАДИМИ?

Тун сеҳридан масъуд бўлган Турсунали полвон иштаҳа билан нонушта қилаётганида ташқарида дурадгорларнинг тарақа туруғи бошланди. «Нима экан?» деб туришга чоғланган эли, кенжаси «мен билиб келаман», деб кўча эшиги томон тез-тез юриб кетди. Турсунали полвон пиёласидаги чойини ичиб бўлмай, изига қайтиб, дурадгорлар кўприкни кенгайтиришаётганини, ҳадемай бу ерда мажлис бошланиши лозимлигини билдирди. Бу хабардан Турсунали полвон ғашланди: «Оббо хумпар-е! Дакалатчи кетмаган экан-да?» — деб ўйлаб ўрнидан турди. У кўчага чиқишга улгурмай, Қамбарали шошиб келиб, воқеадан огоҳ этди.

— Огоҳ бўлиб тур, бизнинг кишлокдан камрок одам чиқаверсин, — деб тошширик берди Турсунали полвон.

— Одамларни раиснинг ўзлари айттирибдилар. Ҳозир келиб қолишади, буни точна биламан, — деди Қамбарали.

Лектор улар кутгандай барвақт келмади. Раис унинг тўйиб ухлаб олишини кутавериб, бўғилиб кетганми, ҳар ҳолда энсаси қотиброк бошлаб келди. Улар пайдо бўлгунча Турсунали полвон мажлисга йиғилганларнинг ярмига киши билмас тарзда ижозат бериб юборди. Раиснинг буйруғига итоат этиб келганлар Турсунали полвоннинг марҳаматидан қувониб тезгина ғойиб бўлдилар. Қўшни кишлок томонда нима сабабдан одамлар камаяётганини Тешабой оқсоқол сезса ҳам, ошнаси каби иш кўришга журъат этолмади.

Раис лекторнинг мақтовини келтириб таништиргач, оилада туғилишни режалаштириш мавзуида маъруза бошланди-ю Турсунали полвоннинг совуғи ошиб кетди. Лекторнинг гаплари маънисизлик ботқоғидан сув ичаётганида, чидолмай, икки-уч марта ўтирган ерида тиззасига шапатилаб уриб қўйди. Лектор га-

пдан тинмас, раис эса мажлисни бузиб қўямасин, деб Турсунали полвондан кўз узмай ўтирарди. Бу нигоҳ Турсунали полвонни гўё кишанлаган бўлса-да, у мажлисни бузиш йўлини топди. Ёнида ўтирган Султоналининг биқинига туртиб, «гапир» ишорасини қилди. Султонали бу ишорасиз ҳам лўқма ташлашга пайт пойлаб ўтирган эди. Лектор:

— Даствлабки хулоса шуки, ўртоқлар, коммунизм учун кураш ҳал қилувчи паллага кирганида барчамиз партия белгилаб берган тўғри йўлдан оғишмай боришимиз керак, — дейиши билан Султонали шарт ўрнидан турди:

— Дакалатчи ака, кечирасиз, битта саволим бор?

Раис бир Турсунали полвонга, бир Султоналига караб, «қитмирлик қилмасаларинг, кўнгилларинг жойига тушмайди-да, а?» дегандай бол чайқаб қўйди:

— Жойингга ўтир, саволлар мажлисининг охирида бўлади, — деди кўполроқ тарзда.

— Унгача гапим эсимдан чиқиб қолади, — деди Султонали ўжарлик билан.

— Майли, ора-орада савол-жавоб қилсак ҳам бўлаверади. Қишлоқ меҳнатқашларининг онгини ошириш усулларининг барчасидан фойдаланиш керак, — деб марҳамат қилди лектор.

— Дакалатчи ака, бизнинг онгимизни ошириш учун биттагина саволимга жавоб берсангиз бас, — деди Султонали киноя билан, — болалигимизда Хруччев деган пошшойимиз «Ҳозирги авлод коммунизмда яшайди», деб ваъда қилган эди. Мен «коммунизмда яшайпмиз», деб хотиржам юрсам, сиз бугун келиб: «коммунизм учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди», деяпсиз. Қайси бири тўғри?

— Биласизми, ўртоқ, биз ҳозир коммунизм остонасидамиз. Образли қилиб айтганда, бир оёғимиз ривожланган социализмда, яна бир оёғимиз эса коммунизмда турибди.

— Бу аҳволда узоқ турамизми?

— Бу нима деганингиз?

— Энди... икки оёкни кериб туравериш осонмас-да. Чатанағимиз йирилиб кетмасмикан деймап-да?

— Сиз гапимни тўғри тушунмабсиз, ўрток. Коммунизм узокда эмас, уфқда кўриниб турибди.

Лекторнинг гапларидан ғашни келиб ўтирган Нурали лукма ташлади:

— Уфқда кўриниб турган бўлса коммунизмга етиб бўлмас экан-да?

— Сиз нима учун буржуача фикр юритяпсиз, ўрток? — деди лектор айблов оҳангида.

— Мен гапингизга караб гап айтдим. Уфқ деганингиз ер билан осмон бирлашган жойми? Сиз ўша томон юраверасиз, уфқ эса сиздан узоклашаверади. Бунинг чек-чегараси йўқ. Бу оламда хали биров уфққа етган эмас.

— Сизлар образли гапни тушунмас экансизлар. Ўрток раис, колхозингизда сиёсий тарбия оқсар экан. Мен бу фактни тегишли жойга маълум қилишга мажбурман.

— Дакалатчи ука, дарров сиёсий хатога бурилиб, бизларни айбламанг, — деди Тешабой оқсоқол гапга аралашиб. — Биз ҳам коммунизмни узок вақтдан бери кутиб ётибмиз. Сиз биз омиларга айтиб кўйинг-да, коммунизм куриб бўлинганини қайдап биламиз?

Бу савол Турсунали полвонга хуш ёқиб, ошнасига мамнунлик билан боқиб «Балосан!» дегандай им қоқиб кўйди. Аччиқлана бошлаган лектор эса гапни калта қилиб кўя қолди:

— Радиони эшитиб юрсангиз, айтишади. Ёки газетада эълон қилишади.

— Дакалатчи ака, охирги саволим, — деди Султонали ханузтик турганича, — коммунизмда мен самолёт соғиб олишим мумкинми?

— Албатта мумкин. Лекин... сиз самолётни нима қиласиз?

— Шоирали ошнамнинг айтишига караганда, Тошканда сарёғ, музлаган арзон гўшт бўлиб тураркан. Самолётим бўлса, Тошкан-

дан сарёғ опкелиб тураман-да.

— Коммунизмда ўртоқ, сарёғни шу кишлоққа ҳам олиб келишади. Тошкентга боришингиз шарт эмас.

— Тешабой тоға, ана, коммунизм куриб бўлинганини сарёғ олиб келишганидан билса ҳам бўларкан, — деди Нурали ўтирган срида.

— Аввалги ҳафта Тошматдевона кишлоғида сарёғ сотилибди, деб эшитувдим. Демак, девоналиклар коммунизмларини куриб бўлишибди-да. Унда, Худо хоҳласа, биз томонларга ҳам келиб қолар экан, — деди Тешабой оқсоқол маънодор оҳангда.

— Олдин сарёғни олиб келишсин, коммунизм пича туриб келса ҳам майли. Биз шошадиган одамларданамасмиз, — деди Султонали.

— Ўртоқ, сиз жуда кўп гапирар экансиз. Қани, айтинг-чи, коммунизм куриш бўйича сизнинг ўз фикрингиз борми?

— Бор бўлганда қандоқ!

— Қани, айтинг-чи, биз ҳам эшитайлик?

— Фикрим борликка борку-я, омма бу фикрга ўзим ҳам қўшилмайман-да.

Турсунали полвон «Бўлди қил, жа-а оширвординг» дегандай энгидан тортиб қўйди. Султонали ўтиргач, савол бериш навбатини ўзига олди:

— Дакалатчи ука, мендаям бир савол бор: коммунизмда гирой хотинларга бериладиган пул ошадими?

— Нима деяпсиз? Коммунизмда герой хотинлар бўлмайди.

— Ие, нега бўлмас экан? — Турсунали полвон шундай деб ўрнидан туриб кетди.

— Коммунизм — онгли инсонлар жамияти. Кўп болалилик эса онгсизлик белгиси. Буни жонажон партиямиз тўғри анилаб, сизларга тўғри йўл кўрсатяпти. Сиз эса буни тушунишни истама-япсиз. Ҳали айтганимдай, бу масала тез ҳал этилиши керак. Туғилиш кескин камаймас экан, коммунизмдан умид қилманг.

— Нима дединг? Онгсиз, деганинг бизлармизми? Ўзингда онг

борми? — шундай деб лектор томон бостириб бормоқчи эди, Султонали «кўйинг, Батка!» деб билагидан ушлаб қолди. Турсунали полвон унга итоат этиб юришдан тўхтади-ю, бироқ, гапидан тўхтамади: — Сен партия деяпсан, а? Нақ урушда коммунист бўлганимда сен отангинг планида ҳам йўқ эдинг. Партия — мана менман! Мен туғилиш камайсин, деганим йўқ. Бу гапни сен қайси хомкалладан олдинг?

Бу дўқ-пўписа лекторни гангитиб, нима дейишни ҳам билолмади. «Ўзингиз бир нима деб тинчитасизми, буларингизни?» дегандай раисга нажот тилаб қараган эди, у ҳеч нимани тушунмагандай кўзини олиб қочди. Гузар томон югуриб келаётган Қамбаралини кўриб, сергакланди. Турсунали полвон раиснинг бундай ўтиришига тушунмай, у тикилган томонга карадию, жимиб қолди. Қамбарали югурганича келиб, Турсунали полвоннинг қулоғига бир нима деб шивирлади.

— Нима? Қачон? — деб бакириб юборди-да, раисга тикилди.

— Точна билиб келдим, Батка, иккаласи ҳам ўлибди, — деди Қамбарали овозини баландлатиб.

— Раис! Раис, дейман! Туш бу ёққа! — Турсунали полвон шундай деб ҳайқириб, юқори томон вазоҳат билан юрди.

— Ҳа, тинчликми? — деди раис хавотир билан ўрнидан турар экан.

— Агар тинчлик шунақа бўладиган бўлса, падарига лаънат бунақа тинчликнинг. Бу ёққа туш, деяпман!

Унинг бундай вазоҳат билан бостириб келиши яхшиликдан нишона эмаслигини сезган лектор ўзича уни тинчлантирмоқчи бўлиб, тартибга чақирди:

— Ўрток, мажлисга халакит берманг.

— Ҳей!.. Мажлисингга урай сени! Мажлис тамом! Туш, сенам, кани бир жўнаб қол-чи. Э сени онгли қилиб тукқанни...

Лекторга яқин орада биров онасини бу ҳолда эслатмаган эди.

— Ҳақорат қилманг. Мен буни райкомга маълум қилиб қўяман.

Турсунали полвон унинг иўписасига парво ҳам қилмай, «сен

нари тур», деб уни четга сурди-да, раисни ёқасидан бўғиб, пастга судради. Атрофдагиларнинг хай-хайлашига ҳам қарамади.

— Сен раисмисан ё сўзининг устидан чиқмайдиган ҳажикизмисан? Энди ўзинг айт: ураинми ё бира тўла ўлдириб қўя қолайинми? — деди раисни чангалидан бўшатмай.

— Турсунали тоға, тушунтириб айтинг, нима бўлди ахир? — деди раис унинг чангалидан чиқишга ҳаракат ҳам қилмай.

— Дард бўлди! Жаъфарнинг хотини билан ўғли ўлибди!

— Ўлибди? Нима бўлиб ўлибди?

— Билмайсанми? Сен раис эмас, сен жаллодсан, сен қотилсан! Сени мен ўлдирмайман. Аммо милтиғимни ўқлаб, Жаъфарга бераман. Сени ўзи отиб хумордан чиқсин. Омма милисага «мен отдим», деб бўйнимга оламан.

— Менинг гуноҳим нима ахир? Уларни мен ўлдирибманми?

— Самолётдан захарни септирган сенми ё менми? Далага захар септирмайман, деб ваъда қилган ким эди? Жаъфаралининг хотини билан боласи даладан қайтаётганида самолётнинг уларнинг устидан захарини сепаиб ўтибди. Икковиям ўлибди. Тушуняпсанми, шу захардан ўлибди! Хотини бешинчи боласига ҳомиладор эди. Иккита эмас, учта одам ўлган! Уччовини ҳам сен ўлдирдинг!

Раиснинг бу одам чангалида туришига бефарқ карашни партиязий виждонига зид деб билган лектор уларга яқинлашди:

— Ўртоқ, сиз адашяпсиз. Уларнинг ўзлари айбдордирлар. Техника хавфсизлигига риоя қилишмагандир. Дориланган майдонга кириш мумкинмаслигини ҳамма билиши керак. Ўртоқлар, нимага қараб турибсизлар? Раҳбар ходимни ҳақоратлашга йўл қўйманг!

— Қани, онгли бола, сенам бу ёққа кел-чи! — Турсунали полвон шундай деб иккинчи қўли билан лекторни ушлаб олди-да, Қамбаралига қараб, буюрди: — Қамбар, занжирни олиб чиқ!

— Тоға, нима қилмоқчисиз? — деб сўради раис хавотирланиб.

— Ҳозир кўрасан.

— Дорини мен ўзимча септирганим йўқ. Бу райкомнинг буйруғи билан бўладиган иш.



— Ўзингнинг калланг йўғми? Райком «халқингни кириб ташла», деса, кириб ташлайверасанми? Инсоф борми сенда? Халққа ёғ бермасанг, гўшт бермасанг. Уйида борини тортиб олсанг, гинг демаса. Энди жонини ҳам бир-бир суғуриб оласанми?

— Тоға, майли, нима десангиз денг, нима қилсангиз қилинг, майли раисликни олинг. Омма мендан кейин келадигани ҳам бошқача ишлолмайди. Юқори тузалмагунича биз тузалмаймиз.

— Мен бунақанги ғишаваларни кўп эшитганман. Ўтир икковингам. Мана бундай ўтирларинг! — Шундай деб уларни бир-бирларига орка қилдириб ўтқизди-да, занжирни олиб чиққан Қамбаралига буюрди: — Қамбар, боғла буларни!

— Мени нега боғлайсиз? Менинг бу ишларга нима дахлим бор? — деди жонхололда лектор.

— Икковинг энди гаровдасан, — деди Турсунали полвон занжир учидаги халқаларга кулф уриб. Сўнг Нуралини ёнига чақирди: — Нурали, сенинг эсинг бутунроқ. Идорага бориб, райкомга телпон қил. Райком обкомга телпон қилсин. Катталар бир соат ичида етиб келишсин. Бўлмаса, икковиниям отиб ташлайман. Қамбар, сен милтиқни олиб чик!

Нурали билан Қамбарали буйруқни бажариш учун кетишгач, лектор яна тилга кирди:

— Сиз хали қонун олдида жавоб берасиз!

— Сен қайси қонунни айтяпсан? Одамларни захарлаб ўлдириш мумкин, дейдиган қонунними?

Тўпланганлар нима қиларларини билмай, Тешабой оқсоқолга «ўзингиз аралашинг» дегандай қарашди. Уларнинг барчалари «Турсунали полвон тўғри қияпти», деб ҳисобласалар ҳам бу ғалванинг оқибатида ўзларининг ҳам балога учраб қолишларидан чўчирдилар. Тешабой оқсоқол ошнасига яқинлашиб, билагидан ушлади:

— Полвон, сал ошириб юбордингмикин, кўя кол.

— Аралашма, — деди Турсунали полвон уни жеркиб. — Сенга гап тегмайди, кўрқма, буларни бизнинг кишлок гаровга олган.

— Жаъфар бизнинг қишлоқдан-ку?

— Бу масалада қишлоқни ажратма. Дард ҳамма учун бир.

Ошнасининг феълини билган Тешабой оқсоқол гапни кўпайтирмай, тўпланганларга юзланди:

— Бўлди, биродарлар, мажлис тамом, тарқалинглар.

— Йўк, тарқалманглар! Туринглар! — деди Турсунали полвон буйруқ оҳангида. — Манави дакалатчи дакалатини охиригача қилиб олсин. Сизлар эса қушхонадаги қўйларга ўхшаб мўлтиллаб туринглар. Ҳозир хўжайинлар келинади. Шунда ҳам дардларингни айтманглар. «Раҳмат, акажон», деб туравсринглар!

— Ошна, хўжайинлар билан ҳазиллашмай кўя қол.

Тешабой оқсоқолнинг ижозатидан сўнг тарқай бошлаган одамларга қараб, Турсунали полвоннинг фиғони ошди:

— Хей, канака одамсанлар ўзларинг? Қурбақани босса ҳам «вақ» дейди-ю! Одам бўлсаларинг, одамликларингни билдириб қўйларинг.

— Полвон, мен ёнингда қолайин. Сен нима бўлсанг, мен ҳам шу. Омма булар тарқалипсин. Ҳаммасининг бола-чақаси бор, тирикчилиги бор, — Турсунали полвон бу гапни эшитиб, ҳафсаласи пир бўлди-ю «баттар бўлларинг!» дегандай қўл силкиди. «Ошнам сал бўшашди», деб ўйлаган Тешабой оқсоқол елкасига қўлини қўйди. — Менга қара, буларни қўйиб юбориб, иккаламиз райкомга бора қолсак-чи?

Турсунали полвон ошнасига «эсинг жойидами?» дегандай қараб олди. Қамбарали олиб чиққан милтиқни елкасига осди-да, «йўк», дегандай бош чайқади:

— Борганимиз билан сен билан менинг гапимни сариқ чақага ҳам олишмайди. Қамбар, Султон икковинг Жаъфарникига боринглар. Жаноза шу икки қишлоқнинг ҳисобидан. Ўзи битта гугурт чўпи ҳам ишлатмасин.

Қамбарали кетгач, иккови гаровга олинганларни ҳоли қолдиришди-да, мажлис аҳлидан бўшаган ўриндиклардан бирига бориб ўтиришди. Бир оздан кейин Нурали қайтиб, ҳисоб берди:

— Райкомдагилар одам юборамиз, дейишди. Ҳозир «ҳосил тўплаш долзарб оyi» эмиш, бекорчи йўқмиш райкомда.

Турсунали полвоннинг жаҳли чикди-ю лекин ўзини тутиб: «Шунақами? Майли, юборадиган одамани кўрайлик. Буларни бир соат олдин отаманми ё бир соат кейинми, менга барибир, кутавераман. Баҳонада булар бир-икки соат кўпроқ яшаб олишади», — деб қўйди. Бу гапни эшитган лекторнинг ранги ўчиб кетди:

— Нима деяпсиз? Бизни яна қанча ушлаб турмоқчисиз? — деди у алам билан.

— Буни райкомдан сўра!

Лектор яна бир нима деб бакирмоқчи эди, раис «кўйинг, фойдаси йўқ, жим ўтираверинг», деб уни тўхтатди.

Орадан бир соатча вақт ўтгач, гузарга мотоцикл минган райком вакили кириб келди. Боғланганларни кўрди-ю дўкни бошлади:

— Нима ваҳима? Бу ерда нима бўляпти ўзи? Буларни ким боғлади? Дарров бўшатинглар! Бутун республика долзарб ойда фидокорлик намуналарини кўрсатяпти. Сизлар-чи? Раис ака, бу нима ўйин?

— Вей, жўжахўроз, сен кимсан ўзинг? — деди Турсунали полвон ўрнидан туриб.

— Мен райком инструктори Жўракуловман.

— Менга қара, қулвачча, сени ким юборди? Мен райком бува билан обком бувани чақиртирганман.

— Сиз ўзингиз кимсизки, райком секретарини чақиртирасиз?

— Мени танимайсанми?

— Танийман. Аммо ҳаддингиздан ошманг. Буларни дарров бўшатинг. Бўлмаса, милиса чақиртираман.

— Шунақами? — кутилмаганда Турсунали полвон уни ёқасидан ушлади. — Қани, сенам буларнинг қаторига қўшил-чи. Тешабой, боғла бу қулваччани. Аямай боғлайвер. Нурали, яна бориб телпон қил. Учта нодон офтобда куйиб ўтирибди, дегин. Бир соатдан кейин биттадан отаман. Ўша гап — гап! Энди ҳисобга тўғри бўлди. Сепган заҳаридан учта одам ўлган эди. Учтага учта

жон!

Жўрақулов ҳам занжирбанд этилгач, лектор дод-войини бошлади:

— Чанқаб кетдим, менга сув беринг, — деди у зорланиб.

— Сувни хўжайинлар келганда ичасанлар, — деди Турсунали полвон парвосиз оҳангда.

— Юрагим ёмон бўлиб кетяпти, сув беринг! Талаб қиламан!

— Бир соат чидайсан.

— Бир соатдан кейин нима бўлади?

— Бир соатдан кейин энангникига жўнатаман, ана ўша ёққа борганинда талаб қилаверасан.

— Сув берақол, қаҳринг мунча қаттиқ. Пошистлар ҳам аристонларга\* сув берган, — деди Тешабой оқсоқол уларга ачиниб.

— Ҳа, пошист аристонларга сув берган. Омма пошист далага захарли дори сепиб, халқни захарламаган.

Ошнасини юмшатишга уринишдан наф йўқлигини билган Тешабой оқсоқол кўприкдан ўтиб, уйи сари юрди. Турсунали оқсоқол «Бу ҳам хиёнат қилди-я!» деган ўйда изидан нафрат билан қараб қолди. Тешабой оқсоқолнинг индамай кетишидан раис афсусланди. Шу пайтга қадар оқсоқол ошнасини инсофга келтирар, деган умидда ўтирган эди. Энди умиди пучга чикканини билиб, ўзи мурожаат этди:

— Полвон тоға, бу меҳмон-ку ахир, меҳмоннинг иззати қайда қолди? Сув беринг. Ростданам бир нарса бўлиб қолмасин.

— Бунинг ичи нимага куяётганини мен биламан. Кеча молдайин бўкиб ичган.

— Қанча ичганим билан ишингиз бўлмасин, менга сув беринг!

— Ҳа...чанқадиларми? Бизни онгсиз деган оғизчалари куриб қолдими? Ўладиган ҳолга келдиларми? Кўркма, агар ростданам ўладиган бўлсанг, жонинг чиқишидан олдин бир-икки томчи томизаман. Омма сув бермайман. Сен аввал одамларни иззат қилишни ўрган. Одамга ўхшаб гапиришни ўрган. Илтимос қилишни ўрган. Ана ундан кейин сув сўра. Раис, сен унга тушунтир. Бу

ернинг одамларига ширин гапирилса, сув нима экан, жонларини ҳам берворадилар, дегин. Яна айтгинки, мабодо агар бугун тирик қоладиган бўлса, бундан буён зинҳор қишлоқларга чикмасин. Дакаладини шаҳарда ўқиб юраверсин. Бу димоғ билан қайси бир қишлоқда ўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Гаровга олинганлар тақдирга тан бериб ўтиришдан ўзга чоралари йўқлигига амин бўлиб ўтирганларида гузарда чойнак-пиёла кўтарган Ҳамробону кўринди. Унга кўзи тушган Турсунали полвон ажабланиб, ўрнидан туриб қарши олди:

— Ис... Ҳамро?.. Овора бўлиб нималарни кўтариб юрибсан? Мен яқингинада чой ичганман.

— Менинг кўлимдан бир пиёлагина бўлса ҳам ичинг, — деди Ҳамробону. — Анов аристонларингиз ҳам ичишсин, савоб бўлади.

— Мумкинмас, — деди Турсунали полвон унинг мақсадини англаб.

— Хўп, деяқолинг, энди. Савоб бўлади. «Ниятингизга етинг», деб дуо қилишса, ажабмас, мазлумларнинг дуолари қабул бўлиб қолса.

— Дуо дегин... Ҳа, майли, сенинг сазанг ўлмасин, — Турсунали полвон ўзи томон келаётган Тешабой оқсоқолни кўриб, пичинг қилди: — Ҳа, опнам, томоғинг қуриб, сув ичгани кирувдингми уйингга? — Ошнасидан жавоб кутмай Ҳамробонуга норози оҳангда буюрди: — Ҳамро, чойнак-пиёлани акангга бер, у ҳам савобга шерик бўла қолсин. Сен номахрамларга яқинлашма.

Тешабой оқсоқол мийиғида кулиб кўйиб, синглисининг кўлидан чойнак-пиёлани олди-да, «аристонлар»га яқинлашди. Ҳамробону Турсунали полвонга «мен кставерайми?» деган маънода қараб кўйиб, изига қайтди. Тешабой оқсоқол гаровга олинганларнинг яқинига бемалол ўтириб олиб, шошилмай чой қуйиб бериб ўтирди. Турсунали полвон унинг бу қилиғидан ғазабланса ҳам ўзини босди. Чойнак бўшаган паллада гузарда райком буванинг машинаси кўринди. Райком секретари машинасидан тушди-ю

занжирбанд этилганларни кўрмагандай Турсунали полвон томон юрди.

— Ассалому алайкум, полвон тоға! Омонмисиз? — Шундай деб Турсунали полвон билан кучоклашиб кўришди. — Дамлик-кинамисиз, тоғажон, эшик — эллар тинчми? Биз томонларга ўтмай кўйдингиз? Омма бизларни тозаям соғинтиргандан соғинтирдингиз-а! «Ҳорма, болам, манави ишингни чаток қиялсан», дейишингни кўмсаб қоламиз. Далада иш кўпайиб, биз ҳам ўралашиб қолдик. Ҳали обкомдан, ҳали секадан камиссия келавериб, тентагимизни чиқариб юборди, денг. Тешабой тоға, сиз ҳам соғ-саломатмисиз? Полвон тоға, эшитдим, Жаъфарбойга оғир жудолик бўлибди. Райком унинг оиласига моддий ёрдам ажратишга қарор қилди. Ҳозир ўртоқлар ун, гуруч, ёғ олиб келишди. Жаъфарбойнинг илғор сувчи экани инобатга олиниб, навбатдан ташқари снги автоташкил ажратдик. Ўзлари яшаётган кўчага марҳуманинг номларини берамиз. Ўғиллари ўқиган мактабда унинг номида фахрли парта ташкил қиламиз. Энг аълочи ўқувчилар шу фахрли партада ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Турсунали полвон унинг гапга тўн кийдиришига маҳлиё бўлгандек жим тинглади. Аммо кейинги қарорини айтганда сабр каси тўлиб-тошди:

— Ўйлаб гапирялсанми? Ўғли ҳали мактабга бормаган эди, — деди жеркиб.

— Унда боғчада фахрли каравот ташкил этамиз, — деб бўш келмади райком секретари.

— Яқин орада шу колхозда боғча қурилганини эшитганмидинг?

— Бу ерда бўлмаса... райсенгтрадаги боғчада...

— Сен хўп ақлли боласан, омма мен ҳам аҳмоқ эмасман. Фахрли каравот ташкил қилганингни Жаъфарга нима фойдаси бор? Хўп, кўчага хотинининг номини бераркансан. Ўғлининг номини каравотга бераркансан, онасининг қорнида ўлиб кетган болага нима дейсан? Далага чиқаётган хотинлар бола ташлаб

қўйишяпти. Уларга нима дейсан? Самолётда дори сепишга сен буйруқ берувдингми?

— Менинг бунақанги буйруқ беришга ҳаққим йўқ. Мен райкомда партия ишлари билан, сиёсат билан шуғулланаман.

Бу гап билан бутун айб ўзига ағдарилганини тушунган раис чидай олмасдан эътироз билдирди:

— Ўртоқ Маматов, ахир тонманг-да! Бюродаги гапларингиз эсингиздан чиқдими?

— Тонманг? Мен тонадиган одаммасман. Мен бунақанги буйруқ бермаганман.

— Ўртоқ Маматов, инсофингиз борми?

— Ростданам буйруқ бермаганмисан ё мени лақиллатмоқчимисан? Раис сенинг рухсатингиз бир қадам ҳам босмайди-ку?

— Сизни лақиллатиб жинни бўлибманми? Полвон тоға, бу ерда туриб гаплашиш ўзбекчиликка тўғри келмайди. Уйингизга таклиф қилинг, ахир. Бир пиёла чойингизни ичайлик. Кун бўйи шу ердан. Жанозани ўтказиб, кейин қайтаман.

— Сенинг менга керагинг йўқ. Обком бувани чақиртир. Халқнинг олдида сўрайдиган гапларим бор.

— Гапингизни менга айтаверинг. Обком бува Масковга кетганлар. Пахта майдонларига дори сепишни тўхтагиш масаласини шахсан ўртоқ Горбачевга қўйиш учун кетганлар.

Райком секретарининг ишонч билан айтган бу бахонаси Турсунали полвонда етарли ишонч уйғота олмади:

— Рост айтяпсанми? — деб унга қаттиқ тикилди.

— Ёлғон гапирсам... партбилетим билан қасам ичайми?

— Ёлғонга партбилетни аралаштирма. Сенлар икки дунёда Масковга бориб, масала қўёлмайсанлар.

— Биз қўёлмасак, ўзингиз боринг, Тешабой тоғани бирга олволдинг.

Кутилмаган бу таклиф Турсунали полвонни ўйлантриб қўйди. Ошнасига қараган эди, у ҳам «маъқул» дегандай бош ирғади.

— Бу гапингда жон бор. Қани, уйга юр-чи. Нурали, милтиқни

ушла. Райком билан иш пишгунича буларни қилт эттирмайсан.

— Полвон тоға, буларни энди бўшата қолинг Сиз билан биз келишадиган одамлармиз. Дунёда пишмайдиган иш борми? — деди райком секретари ялиниш оҳангида.

— Йўк, бу сафар аввал гапларимни эшитасан.

Райком секретари ноилож равишда унга эргашди. Улар кириб кетишгач, юқоридан Шоирали, Турғунали, Собитали тушиб келишди.

— Ў, ажиб манзара! — деди Шоирали занжирбандларни кўриб. — Кечаги кинонинг иккинчи серияси бошланиб кетибди-ку? Турғунали ака, ана, сизнинг рўлингизни энди уч киши ўйнаяпти. Ха, Нурали, соқчилик муборак? Нима бўлди ўзи, Батка қани?

— Уйда. Райком бува келган. Гап катта, — деди Нурали. — Омма Баткага қойил қолиш керак.

— Ўртоқ, сиз анча маданиятли йигитга ўхшайсиз. Бизни бу варварлардан\* қутқаринг, — деб ялинди лектор Шоиралидан нажот кутиб.

— Шоирали ака, мени танияпсизми? Районда сиз билан беш-олтита учрашувларни мўлжаллаб қўйганмиз, — деди райком вакили.

— Бошқаларини билмайман-у раисни ечиш керак. Раис бува, сизни шахсан ўзим ечаман, — Турғунали шундай деб занжирбандлар сари юрди..

— Яқинлашма! — деб буюрди Нурали.

— Нарин тур! — Турғунали унинг пўписасига парво қилмай, занжирни еча бошлади. Қаршилик билдирмоқчи бўлган Нуралини Шоирали билагидан ушлади:

— Қўйсанг-чи, бу иш сенга ярашмабди. Бунақа бемаънилик Баткага ярашади. Милтиғингни қўй. Мен ҳозир уйга кириб чиқаман, Батка озгина пул ваъда қилган. Бир ҳафта маишатга етади.

Турғунали занжирбандларни озод қилгач, раиснинг кийимидаги чангни қоккан бўлди:



— Раис бува, трахтир масаласида энди бориб овора бўлмайинми?

— Борсанг-бормасанг, зарарини иш ҳақингдан ушлаб қоламиз.

— Яхшилиқни билмайдиган бола, бу раис, — деди Турғунали қилган ишидан пушаймон еб.

Шоирали Турсунали полвоннинг уйи томон юрган эди, Нурали унга милтиқни узатди:

— Манови магахини олиб кириб бер. Бўшатганингни ҳам айт, кейин менга осилаб юрмасин.

— Сен кетиб қолма. Майшат қиламиз, — деди Шоирали милтиқни олиб.

— Майшатиң нимаси? Эсинг борми? Қишлоқда жаноза-ку?

Шоирали «Жаноза кечгача бўлмайди-ку?» дейишга оғиз жуфтлади-ю Нуралининг норози қараши туфайли индамай қўя қолди.

Ҳозиргина занжирбандликдан қутилганлар чинор томонда, бошқалар пастроқда уйдаги музокаранинг якунини токат билан кутиб ўтиришди. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, эшикдан Шоирали чиқиб келди. У чинор томондагиларга бир қараб қўйди-ю, лекин жилмайганича улфатлари томон юрди.

— Ҳа, жа оғзинг қулоғингда? — деб сўради Нурали.

— Ош пишди, оғайни. Райком буванг чолларнинг тилини биледи-да. Кирсам, Батканинг шашти баланд. Масковга бориб Горбачевнинг ёқасидан оладиган. Шу бугуноқ йўлга чиқмоқчи. Тешабой тоға Ҳамробуви билан бўладиган аҳду паймонни ишора қилиб қўювди, райком бува илиб кетди. Совчиликни бўйнига олди. Батка ҳам чаток-да, «менинг ишим совчиларсиз ҳам пишиб бўлган», дейди. Униси у деди, буниси бу деди, хаг-то Тешабой тоға «синглимни олсанг, шу ҳафта ичи олсан, бўлмаса йўк», деб пўписа ҳам қилди. Батка бўш келмади. Хуллас, Тешабой тоға ҳам Масковга борадиган бўлди. Яна учта гирой хотин ҳам бораркан. Турғунали ака, чамадонни тайёрланг, янгам ҳам рўйхатга тиркалди.

— Нега менинг хотиним бораркан? — деб ажабланди Турғу-

нали.

— Батканинг айтишича, янгам «боевой хотин»\* эканлар.

— Батка уйланмайдиган бўлдими? — деб сўради Нурали.

— Ким сенга шунақа деди? Масковдан қайтган куни тўй-да! Ана, мен ваъдамнинг устидан чикдим. Энди мени бир ҳафта паловхонтўрага тўйдириб боқасанлар.

— Агар гапинг рост бўлса, сени бир ҳафта эмас, ўлгунингча боқамиз. Султонали икковимиз сени ўгай ўғил қилиб оламиз.

\*\*\*

Биз эшитган хангома шундай якун топди.

Орадан бир йил ўтиб эса...

Эрта тонгда хар иккала қишлоқда карнай-сурнай овозлари янгради. Сўнг болаларнинг қувноқ овозлари эшитилди:

— Суюнчи беринглар!

— Суюнчи, суюнчи!

— Турсунали тоғам ўғил кўрдилар!

— Ўғил! Ўғил!

Шодиёна авжига чиққан паллада ясаниб олган Турсунали полвон кўчага чикди. Худди шу онда сойнинг нариги бетидаги гузарда Тешабой оқсоқол кўринди.

— Ҳа, ошнам, ўғиллар муборак энди! — деди Тешабой оқсоқол унга кучоқ очиб.

— Жиянлар муборак! — деди Турсунали полвон унга пешвоз чиқиб.

Улар юз йил учрашмай соғинган кадрдонлар каби кўришдилар.

— Қасққа кетясан? — деб сўради Тешабой оқсоқол.

— Роддомга. Битта хўрозни сўйиб, шўрва қилдим. Оббориб берай. Сўнг загсга\* ўтиб, метркасини олайин.

— Исмлари нима бўлади энди?

— Исмлари ўзи билан-ку? Саксоналида.

— Йўқ, ошна, адашма, Саксонбой бўлиши керак.

— Нега энди?

— Бизнинг уруғда исмга «бой» қўшилади.

— Сенинг уруғинг бой бўлса, ўзингга кўявер. Ўғил бизнинг уруғ: Саксонали бўлади.

Турсунали полвон шундай деди-ю Шерқўзи қишлоғи томондаги «Қаҳрамон оналаримиз» кўрғазмасидаги Ҳамробонунинг суратига кўзи тушиб, Тешабой оқсоқолга норози кифада қаради:

— Ие, ошна, бу нима қилганинг?

— Ҳа, бу ҳам ёкмадими? Ҳамро қайси қишлоқнинг қизи?

— Олиб ташла. Ҳамро Шербилакнинг гирой хотини. Биз сенлардан яна ўтиб кетдик.

— Бекор айтибсан. Битта ўғил сеники, тўққизтаси бизники.

— Менга қара, ошна, жанжал қилма, келишайлик. Майли, Ҳамронинг сурати иккала томонда ҳам турсин. Боланинг отини ҳам ўртада қўяйлик: «Саксон»и сендан, «али»си биздан.

— Менга қара, ошна, одамлар қулишяпти. Энди талашмай қўяйлик. Иккала қишлоқни бирлаштирайлик.

— Яхши, ўйлабсан, «Шербилак» деган каттагина қишлоқ бўлсин.

— Нега энди «Шербилак» бўларкан?

— Қишлоқнинг номи биздан, сен эса унга раис бўла қол.

— Раисликка сен тузуксан. Яхшиси, қишлоқнинг номини ўртадан чиқарайлик.

— Бу гапинг ҳам маъқул. «Шер»ни сенлардан оламиз, «билак» эса биздан.

— Ҳа, қойил... — шундай дейишга деди-ю ошнасининг ҳийласига чув тушганини англаб, қулди: — Ие, унда яна «Шербилак» бўлади-ку? Кел, «Шерқўзи билак» деб қўяйлик.

— Шу ҳам от бўлди-ку! Жуда ҳам нодонсан-да! Кўзида ҳеч билак кўрганмисан? Агар қайноғам бўлмаганигда бошқа гап айтворардим.

— Қани, айт, айтавер, ичингда қолмасин!

— Ке, қўй, тилимни қичитма. Мени йўлдан қўйма. Сен билан ош пишириб бўлмайди. Қишлоғим сеникига қўшилмайди, — Турсунали полвон шундай деб ўз йўлига кетмокчи эди, ошнаси

йўлини тўсди:

— Тўхта, келишамиз.

— Келишмайман. Қирқ йил келишиб келганим етар. Синглинг энди меники. Мен нима десам, шу бўлади!

— Шунақами? Унда билиб қўй: Ҳамро — Шерқўзининг гирой хотини!

— Бекор айтибсан! Ҳамронинг Саксонбой деган ўғли бор. Бу ўғилнинг отаси эса менман! Ҳали сен караб тур, Ҳамро икки марта гирой бўлади!

— Агар менинг гапимга кўнмасанг, синглимни сендан чиқариб оламан.

— Тушингни сувга айт. Мендай йигит турган жойда Ҳамро сендақа аканинг ўнтасидан кечворади! — Турсунали полвон шундай деди-ю, голиб одамнинг юриши билан кадам босди. Тешабой оқсоқолнинг «Нега кечаркан?» дсб ошнасига эргашишдан ўзга чораси қолмади.

Эртасига эрталаб эса яна карнай-сурнай, ноғора овози янгради. Кейин жарчининг овози эшитилди:

— Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар! «Қўзибилак» кишлоғининг раиси Турсунали тоға ўғиллари Саксонбойнинг туғилиши ва кишлокнинг бирлашуви баҳонасида элга ош беряптилар. Ошга марҳама-ат!!!

\*\*\*

Хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг, хангома шу билан якун топди. Эҳтимол хангоманинг айрим саҳифалари сизларга лофдай кўрингандир. Илтимос, ҳукм чиқаришга шошилманг. Ёшингиз саксондан ошганда вақт топиб, бу хангомани яна қайта ўқинг. Ана ўшанда фикрингиз ўзгариши аниқ.

Кўшимча сифатида шуни баён этаманки, хангоманинг дастлабки сатрларини Саксонбойнинг туғилиши муносабати билан берилган ошни еб келиб ёза бошлаган эдим. Ҳажв соҳасида ношудроқ бўлганим сабабли охирига етказиш бироз чўзилди. Худога шукрим, мана бугун, Қўзибилак кишлоғида Тўксонбойнинг

туғилиши муносабати билан тортилган ошдан қайтиб, яқунловчи сатрларни ёзпман.

Дарвоқе, айтишларича, Саксонбой туғилганида Ҳамробону келинлари ва кизларидан бироз уялган эканлар. Энди унақа эмас эмиш. Яна айтишларича, Турсунали полвон қайноғасини яна битта хотин олишга кўндиролмай ҳалак эмиш. Бу гапнинг аниқлигига кафолат бера олмайман. Яна ўзингиз биласиз...

**«Шербилак» ва «Шеркўзи» қишлоғи аҳлининг сўзлашув тилида учрайдиган айрим «чиcтий» ўзбекча сўзлар учун изоҳли «спец» луғат**

\* «чиcтий» ўзбекча соф ўзбек тилида сўзлашган боболаримизга анча қийин бўлгандир? \* «спец» – руслар негандир «специальный» дейдилар. Агар тилингиз келишса «махсус» деганингиз маъқул; \* «Маладес» – русчасига «молодец»ни «баракалла» деб ишлатадиганлар ҳам бор. \* «Гирой» – «герой»ни «қахрамон» деб қўлловчиларга қойил қоламиз; \* «Разведка қилиб келайинми?» – «Суриштириб, аниқлаб келайинми?» дейилса эҳтимол кўпчилик тушунмас? \* «Закун» – «закон» сўзи «қонун» маъносини англатишини билиб олармиз? \* «Печать» – муҳр; \* «Свежий» – янги; \* «Столичный» мальчик» – бу атама дунёдаги ҳеч бир изоҳли луғатда йўқ, қидириб овора бўлманг. Маъноси: «Столичная» (яъни «Пойтахт») деб аталмиш ароқнинг номи; \* «Лична» – «лично», яъни шахсан; \* «Указ» – фармон (ҳукумат фармонлари бу тушунчага кирмайди); \* «Экстренный» – шошилиш, тезкор; \* «Секретный» – махфий; \* «Учепый» – олим(бу ерликлар «олим»ни тан олишмайди, «учений» дейилмаса тушунишмайди); \* «простой солдат» – оддий аскар; \* «Капрал» – ҳарбийдаги энг қуйи унвон аслида «ефрейтор» деб юритилади; \* «Исписат» – ҳисобдан ўчириш; \* «Мобилизация» – сафарбарлик; \* «Роддом» – қайлардадир

аёллар «туғруқхона»да эмас, «роддом»да туғадилар; \* «Экспертиза» – «экспертиза», яъни махсус текширув; \* «апирист» – «аферист», яъни фирибгар; \* «Дакалатчи» – «доклатчик», яъни маърузачи; \* «Приписка» – кўшиб ёзиш; \* «Аварий» – «Авария», яъни халокат; «Трахтир» – трактор дастлаб бу кишлоккка келганда «ўт – омоч» деб ҳам юритилган. Эндигилар осонгина «трахтир» деб кўя қолишади; \* «Актив» – фаол; «Савсем» – умуман; «Местний националний мотам» – «миллий маҳаллий мотам»; \* «Халадийна» – «холодильник», ҳозир «совутгич» деймиз; \* «Проблема» – муаммо; \* «Низкий пасткаш» – ўтақатган пасткаш; \* «План» – режа; \* «Раз айтдим» – «айтган гапи – гап! \* «Гапимга атвечат» – айтилган гапга жавоб бериш; «Местний шоир» – ёзган шеъри маҳалла ташқарисига чиқса шарманда бўлувчи шоир; \* «Давно» – аллақачон; \* «Атчет» – «отчет», яъни ҳисобот; \* «Сразу» – бирданига; «Что сиз, Батка?» – нима деяпсиз, отахон? \* «Квота» – миқдор, яъни мажлисга келиши лозим бўлганлар сони; \* «Цека кепэсэс политбуйроси» – ЦК КПСС, яъни Совет иттифоқи Компартияси Марказий Қўмитаси сиёсий бюроси; \* «Ким за?» – ким қўллаб овоз беради? \* «Данный» – маълумот; \* «Келамстр» – километр; \* «Учетда» – ҳисобда; \* «Учетчик» – «счетчик», яъни ҳисоблагич; \* «Ускорена» – «ускорение» – жадаллаштириш, тезлаштириш; \* «Личний масала» – шахсий масала; \* «Всесоюзний» – бутуниттифок; \* «Атменит» – «отменить», яъни бекор қилиш. \* «Отставит» – бекор; \* «Тилгром» – «телеграмма»нинг жараншдор шакли; \* «Очерек» – мақола тури, мухбирлар тилида «очерк» дейилади; \* «Настроенияси не то» – кайфияти йўқ, рўпара келинмагани маъқул; \* «Пажалиска» – руслар «марҳамат» деган сўзни қийналиб «пожалуйста» дейдилар; \* «Прямой» – тўғридан тўғри; «Белый горячка» – «Белая горячка», яъни майхўрлик оқибатида юзага келувчи васвос ҳасталиги; \* «Белый ноч» – «Белая ночь» – шимолдаги ойдин тушлар; \* «Револусия» – «революция», яъни инқилоб; \* «Женсовет» – аёллар кенгаши; \* «Брак» – сифатсиз; \* «Капсйка» – бир тийин; \* «Срок» – муддат; \* «Аристон» – «аре-

стованный» яъни, махбус; \* «Варвар» – ёввойи; \* «Боевой хотин» – жангари хотин; \* «ЗАГС» – фуқаролик ҳолатини қайд этувчи идора; \* «Метрка» – туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома.

Изоҳ: Луғатга кирмаган яна ўнлаб сўзлар борким, буларни ўзларидан сўраб — билиб оларсиз...

## Мундарижа

Кўргазмали курул .....	4
«Бозор иктисоди» .....	14
Яшасин, мўйлов! .....	16
Ҳал қилувчи ўйиндан репортаж .....	22
Хотинтанлов .....	34
Янги харита .....	40
Навоий кўй боққанми? .....	43
Дездемонанинг «сотка»си .....	49
Кенгаш .....	52
«Кўричак» .....	55
Оталар мажлиси .....	59
Пажалиска .....	68
Ашула бозори қайда? .....	71
Маладес қизлар .....	75
Интернасионал ёзувчи .....	81
Икки афанди .....	85
Ўзимизнинг футбол .....	91
112-Қабр .....	95
Икснинг хатарли кашфиёти .....	111
Йўкқулобод хангомалари .....	117
Тилгинамдан айланай .....	158
Кимлардир тўқиган латифалар .....	170
Миштаг хизматингизда .....	181
Маладес чоллар .....	191



Адабий-бадий нашр

**Тоҳир МАЛИК**  
**«Тилгинамдан айланай»**  
**Ҳажвий ҳикоялар**

**Тоҳир Малик номидаги нашриёт уйи,**  
**Тошкент — 2020.**

Нашр учун масъул *Эркин Малик*  
Мухаррир *Холиёр Сафаров*  
Саҳифаловчи ва бадий муҳаррир *Қаҳрамон Тожиёв*  
Мусаххих *Гулруҳ Ёрматова*

Нашриёт лицензияси АА 0013, 12.08.2019 йил

Босишга рухсат этилди 0403.2020. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоғи 20.0  
Адади 2000 нусха. Буюртма 1/20

Нашриёт манзили: Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Тел.: (0371) 236-05-48, (91) 555-99-19

«Миллий Нашр» МЧЖда чоп этилди  
Тошкент ш. Матбуотчилар, 32  
Тел.: (0366) 239-77-55, (90) 555-99-19

35043

84(54)6  
M-22



Инсон боласининг Вужудида  
кўнша аёдолар ақлига  
бўйсунмас. Айтайлик кўл,  
оёқ... хатто кўз. Аммо  
таннадаш бўйсунмас,  
ўдбошимча аёдолардан бири  
бу, шубҳасиз, тилдир.

*Tohirmalik*



[www.tohirmalik.uz](http://www.tohirmalik.uz)



[t.me/tohirmalik](https://t.me/tohirmalik)



[facebook.com/tohirmalik.uz](https://facebook.com/tohirmalik.uz)



[instagram.com/tohirmalik.uz](https://instagram.com/tohirmalik.uz)